



86.4
1185



ОЛАМ ЮЗИН ОБОД ҚИЛ



28040.6

867 34K 82.342
H-80 ББК 86.4(04)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАШ
УСЛУБИЯТ ВА АХБОРОТ МАРКАЗИ
«СИМУРҒ» ИЛМИЙ — ИЖОДИЙ МАРКАЗИ

ҲИҚМАТЛАР САДОСИ

АБ

РАҲМАТУЛЛОҲ НОСИР

ОЛАМ ЮЗИН ОБОД ҚИЛ

Маънавий-маърифий, адабий-муסיқий композиция

Иккинчи китоб

Абдулла Қодирий номидаги
Тошкент давлат университетининг
асосий фондига
Ташкил қилган
Тошкент
«Янги аср авлоди»
2004

48356

O'zbekiston Davlat san'at
va madaniyat instituti
APM inv № 82 (2014)

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги маданият ва санъат соҳаси ўқув-услубий Кенгаши ҳамда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институти илмий кенгаши томонидан ўқув қўлланма сифатида нашрга тавсия этилган.

«Олам юзин обод қил...» рисоласи Раҳматуллоҳ Носирнинг «Ҳикматлар сағоси» туркумида нашр этилаётган иккинчи китобидир. Бу китобда муаллиф Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» гостонигаги пурҳикмат ўғитларни бугунги кун нуқтаи назаридан талқин этишга, оммалаштиришга уринган. Рисолага сўз юритилган иймон, ағолат, саховат, вафо, ростгўйлик, маърифатлилик каби инсоний фазилатлар талқини халқимиз маънавий дунёсининг юксалишига хизмат қилади, деган умиддамиз.

Рисола Республика олий ўқув юртлари, ўрта мактаблар, академик лицей ва коллежларининг маънавият гарслари шунингдек, кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:
Абдувоҳид **ОЧИЛДИЕВ**, фалсафа
фанлари номзоди.

Тақризчилар:
Баҳодир САРИМСОҚОВ, ЎзР Фанлар Академияси
Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти
бўлим мудир, филология фанлари доктори, профессор.

Соибжон БЕГМАТОВ, Ўзбекистон Давлат Консерваторияси доценти,
санъатшунослик номзоди.

Рисола Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмита рухсати билан чоп этилди.

ББК 85.313 (5У) + 83.3 (5У)

ISBN 5-633-01651-8

© Р.Носир. «Олам юзин обод қил...». «Янги аср авлоди», 2004 йил.

Рисола Абдулла Қодирий
номидаги Тошкент давлат
маданият институтининг
30 йиллигига бағишланади

МУҚАДДИМА


Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Республикамиз Ҳукумати 2004 йилни «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилди. Бу билан ўзбек миллий маънавиятининг муҳим асоси бўлмиш меҳр-мурувватга алоҳида эътибор қаратиш кўзда тутилади. Мақсаг эса мустақил республикамиз келажагининг барқарор ва мустаҳкам бўлишига эришмоқдир. Албатта, бундай хайрли мақсаг рўёби йўлида хизмат қилиш ҳар бир Ўзбекистон фуқароси учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Шу маънода «Олам юзин обод қил...» деб номланган мазкур рисола фуқаролик бурчи тақозоси ўлароқ дунёга келганини таъкидлаш жоиз.

Ушбу маънавий-маърифий, ағабий-муסיқий композиция «Ҳикматлар сағоси» туркумидаги иккинчи китобдир. «Хуршид атонгдур, ой-ано...» номли биринчи китобимиз каби бу китоб ҳам ўн икки сабоқни ўз ичига олади. Ҳар бир сабоқ муайян композицион тизимга солинган. Яъни уларда аввало шеърий матн талқини, сўнгра Қуръон ва Ҳадисдан иқтибослар, ҳикоятлар, халқ мақоллари, қўшиқ матнлари, уларнинг шарҳи ва ноталари тартиб билан келади. Китобга кирган шеърий матнларга учрайдиган тушунилиши қийин сўзларга оид «Луғат ва изоҳлар» китобининг сўнгига илова қилинмоқда.

Ўзбек турмуш маданиятининг баркамоллиги учун меҳр-мурувват муҳим ўрин тутади. Зеро, меҳр-мурувват жамият, маҳалла, оила, қолаверса шахс маънавиятининг асосидир. Давлат ва жамият мустаҳкамлиги мазкур маънавий асоснинг нақадар камолат касб этгани билан боғлиқ. Қадим аждоғларимиз бундай уйғунликка эришмоқнинг самарали усули деб қалб, иймон тарбиясини тушунганлар.

Мир Алишер Навоий ёзади:



Камол эт касбким, олам уйигин,
Сенга фарз ўлмагай ғамнок чиқмак.

Дунёдин нотамом ўтмак биайних,
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмак

Мутафаккир ажодимиз талқинига кўра, бу гунё инсонга покланмоқ, иймон камолотига эришмоқ учун берилган. Берилган умрни шунчаки яшаб ўтиш, ҳаммомга тушиб покланмай чиқишдек бир гап.

Кўҳна Шарқ комилликка эришишнинг қоида ва шартларига азал-азалдан амал қилиб келади. Бунда Аллоҳнинг китоби-Қуръони Каримга, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан ворид бўлган ҳадисларга таянилади. Рисолани комил инсон тарбияси йўлидаги мана шундай барҳаёт тажрибаларга, хусусан, ҳазрат Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» асарига асосланиб ёздиқ. Иймон тушунчасига келиб туташадиган ёки бевосита иймондан келиб чиқадиган ағолат, саховат, оғоб, сабр, вафо, ростгўйлик, маърифатлилик, тўғрилиқ, шукр, тавба каби фазилатлар моҳиятини «Ҳайрат ул-аброр» негизига талқин этдиқ. Ҳикоятлар, мақоллар ва кўшиқларни ҳар бир сабоқнинг мақсади ва моҳиятидан келиб чиқиб танладик. Аниқроқ айтганда, рисолада ҳикматлар, ағабий талқинлар, мусиқавий ижро имкониятларини комил фарзанд тарбиясига йўналтиришга ҳаракат қилдик.

Рисолани тайёрлашда Алишер Навоий мукамал асарлар тўплами 20 томлигининг еттинчи томи ва «Ҳайрат ул-аброр»нинг профессор А.Ҳайитметов томонидан тайёрланган насрий баёни асос-манба бўлиб хизмат қилди.

Рисола Республика олий ўқув юртлири, ўрта мактаблар, академик лицей ва коллежларининг маънавият дарслари шунингдек, кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

§ *Биринчи сабоқ:*

«КИМ ИШИ ИЙМОН БИЛА ТОПҚАЙ НАВО...»

Иймон-миллий маънавиятимиз асоси, жамият равнақи ва бахт-саодатининг калитидир. Шунинг учун бўлса керак, аҳли қалам ажодларимиз яшамоқнинг асл маъноси деб, халққа иймон сабоғини беришни тушунганлар. Хусусан, ҳазрат Навоий ҳам «Ҳайрат ул-аброр» асарининг биринчи мақолатини айна масаланинг бадиий-дидактик талқинига бағишлаган. Мақолатнинг биринчи байтидаёқ азалу абад эскирмайдиган, буюк умуминсоний тамойил ўртага ташланган:

*Кимки жаҳон аҳлига инсон эрур,
Билки нишони анга иймон эрур-*

Байтда келган «жаҳон аҳли» ибораси бугунги жамият сўзининг маъносига тўғри келади. Навоий айтмоқчики, жамиятда инсон деган улуг номга эга бўлмоқнинг асосий шarti иймондир. Демак, иймонсиз одам, гарчи жамиятда яшаётган бўлса-да, инсон саналмас экан. Кейинги байтлардан бирида ушбу фикр очиқ-ойдин ифода этилади:

*Бас они инсон гемак ўлгай раво,
Ким иши иймон била топқай наво-*

яъни кимнинг ҳаёт тарзи иймон асосига қурилган бўлса, ўшанигина инсон демоқ раво бўлади. Иймонсиз кимса инсон дейишга лойиқ эмас.

Мақолатнинг давомида ҳазрат Навоий бевосита «Амантубиллаҳи ва малаикатиҳи ва кутубиҳи ва русулиҳи...» калимасининг шеърий талқинига ўтади. Ушбу калимани тил ва дил уйғунлигида тасдиқ этган кишининг иймони мукамал бўлишини:

*Олти гурур шаръда гўё агад,
Ҳар неки мўъминга керак муътақад-*

мисраларида ифода этади. Навоий талқинига кўра, ушбу олти шартни мукамал адо этган киши ўз эътиқодини қаттиқ тутувчи, иймони комил мўъмин ҳисобланади. Бундай эътиқод шарофатидан инсон:

*Мақсади аслийга хиром айлагай,
Қурб ҳаримини мақом айлагай-*


«Мақсади аслий»-инсоннинг асл мақсади, деган маънони билдиради. Биз кўп йиллик шўро мустамлакаси замонида асл мақсаддан жуда узоқлашиб кетдик. Дунёвий неъматлар кетидан қувиш, шон-шухрат, кимдандир устун бўлиш каби майда нарсалар асл мақсадимиз бўлиб қолди. Бир сўз билан айтганда, «мақсади аслий» ибораси ўзининг асл маъносини йўқотаёзди. Ҳолбуки, Шарқ алломалари асрлар давомида бизга «мақсади аслий»нинг ҳақиқий маъносини талқин этиб келганлар. Жалолиддин Румийнинг:

*Тинглагил най не ҳикоятлар қилур,
Айрилиқлардин шикоятлар қилур-*

байтидаги най образида бутун инсоният тарихи, энг муҳими, умуминсониятга хос «мақсади аслий» моҳияти ўз ифодасини топган.

Хўш, «мақсади аслий» нима ўзи? Унга эришмоқ учун инсон нима қилмоғи лозим?


Ислом таълимотига биноан иймон келтирган кишиларнинг асл мақсади Аллоҳнинг жамоли ва



жаннатидир. Румий талқинидаги най ҳам қачонлардир Тангрининг хоҳиши ила йўл қўйган хатоси учун жаннатдан чиқарилган, ердаги синов дунёсига ҳукм қилинган ва бундан изтироб чекароқ жаннат қайғусида меҳнат чеккувчи отамиз Одам алайҳиссалом ҳамда у зотнинг мўъмин фарзандлари образидир. Унинг шикояти Тангри жамоли ва жаннатдан ажралиш қайғуси ила қилинган шикоятдир. Мантиқий фикр шунга олиб келадики, азалий орзуси, жаннат ва Тангрининг жамолига етишмоқни истаган инсон иймонли бўлмоғи ва ислом арконларига тўла амал қилмоғи шарт. Акс ҳолда у эзгу орзусидан жудо бўлади, эндиликда унинг асл мақсади жаннат ва улўф висол соғинчи эмас, ўткинчи дунё бўлиб қолади. Оқибатда эса, жаҳаннам азобига гирифтор бўлиб, абадий изтироб ва қайғулар боқий насиба қилиб берилади. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади: «Албатта аҳли китобдан ва мушриклардан бўлган кофир кимсалар жаҳаннам ўтида бўлиб, ўша жойда мангу қолурлар! Ана ўшалар энг ёмон махлуқдирлар. Албатта иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар-ана ўшалар яралмиш жонзотларнинг энг яхшисидирлар. Уларнинг Парвардигорлари томонидан бериладиган жазо- мукофотлари остиларидан дарёлар оқиб турадиган мангу жаннатлардир. Улар ўша жойда абадул-абад қолгувчидирлар. Аллоҳ улардан рози бўлади, улар (Аллоҳдан) рози бўладилар. Бу (мукофот) Парвардигоридан қўрққан киши учундир» (98:6-7-8).

Иймон келтирган, Парвардигоридан қўрққан, натижа ўлароқ жаннатда абадий роҳатга ноил бўлгучи инсонлар тил билан айтиб, дил билан тасдиқ этиши лозим бўлган, «мақсади аслий» йўлидаги олти шарт «Ҳайрат ул-аброр»да шундай ифода этилади:

*Олтидин аввалғики мақсуғ эрур,
Билмак эрур Ҳақники мавжуг эрур...*



*Ҳар неки қойим, Ўзи Қайюм ўлуб,
Бўлғуси ул, борчаси маъдум ўлуб...*

*Икки жаҳон мулки мусаллам Анга,
Ўзга жаҳон бор эса ул ҳам Анга-*

Иймонли киши таниши лозим бўлган энг аввалги буюк илм, бу-Аллоҳнинг зоти ва сифатларидир. Инсон кўрган, билган, англаган ва, аксинча, кўриш, билиш, англашга қурби етмайдиган жаъми махлуқотларнинг яратгувчиси, абадий Қайюм (тирик ва ўлмайдиган) зот Аллоҳдир. Барча нарса интиҳога, йўқликка (маъдум бўлишга) маҳкум. Азал ва абад, ибтидосиз ва интиҳосиз зот унинг Ўзидир. Икки жаҳон, ҳатто бундан бошқа минглаб жаҳонлар мавжуд бўлса-да, Унгагина таслим (мусаллам)дир. Мўъмин бўлган, абадий роҳатга ва Яратганнинг жамолига талабгорлик даъво қилганлар аввало Унинг зотини танишлари, «Ла илаҳа илаллоҳ» калимасига сидқ кўрсатишлари шарт.

*Олтидин иккинчи малоийикни бил,
Борчага тасдиқи вужуд айлагил...*

*Поку мужаррағ борининг жавҳари,
Туфроқу суву елу ўтдин борий...*

*Хулди барин қушларидек шавқнок,
Амр ағосидин ўлуб завқнок -*

Инсон таниши, борлигига иймон келтириши зарур бўлган иккинчи нарса махлуқотнинг олийларидан бўлмиш малоийикалар-фаришталардир. Улар шу қадар покдамонки, шу боис жаннат қушлари (хулди барин) каби шавқли изтироблардан бегонадирлар. Малоийикалар дунё лаззатларидан холи, покиза руҳ соҳиблари бўлиб, тупроқ, сув, шамол ва олов каби инсонга хос бўлган тўрт унсур улар учун хос эмас. Фаришталар фақат Аллоҳ амрини адо этиш билангина завқланадилар. Уларнинг мавжудликларидан

асл маъни ҳам шудир. Инсон уларга иймон келтириши билангина эмас, улардаги улуғ сифатларга интилиши билан ҳам иймон деган буюк хазинага эга бўлади.
Ҳазрат Навоийнинг:

*Англа учинчи кутуби осмон,
Тенгри сўзи бил бориси бегумон-*

сўзлари Қуръони Карим ҳақида. Аллоҳ таоло «Фурқон» сурасининг биринчи оятида шундай марҳамат қилади: «**Барча оламларни (охират азобидан) қўрқитгувчи бўлсин деб ўз бандаси (Муҳаммад)га Фурқон-Қуръон нозил қилган зот-Аллоҳ барокатли-Буюқдир**» (25:1). Бизга маълумки, Қуръони Карим инсонларга Аллоҳни танитиш, уларни дўзах азоби ва абадий жаннат саодатидан огоҳ этиш учун туширилган ҳақ-ҳужжатдир. Уни маҳкам тутган киши бахт-саодат соҳиби бўлса, Қуръон ҳақиқатидан чекинган инсон абадий бахтсиздир. Ҳазрат Навоий Қуръони Каримнинг ҳар саҳифасини гулшан бир боққа, боғдан-да юксак фалакка, уни ҳам инкор этиб, ҳар бир сатри фаришталар сафидан иборат бемисл бир яратикқа ўхшатиб шундай ёзади:

*Бог анга ҳар саҳфаи гулшан мисол,
Жағвали атрофида равшан зулол.*

*Бог дема, балки фалак, не фалак,
Сатрлари ҳар сори саф-саф малак.*

Иймоннинг тўртинчи шarti Пайғамбарларни, Расулларни тан олишдир:

*Бил яна тўртунчи расул маъшари,
Ҳар бири бир баҳри сафо гавҳари-*

яъни иймон келтирган киши расуллар, пайғамбарларнинг барчасига ишониши, уларни тан олиши лозим. Пайғамбарлар шундай зотларки, ҳар бири гўё соф бир денгизнинг гавҳари кабидир. Улар ҳам фаришталардек Ҳақ амрларини сўзсиз

бажарадилар. Халқни ёмонликдан қайтариб, яхшиликка даъват этадилар, керак бўлса мўъжизалар кўрсатадилар. Уларнинг барчалари келтирган ва тарғиб қилган динлари, қоидалари аслида битта – исломдир:

*Ҳатм анга ойини рисолат тамом,
Дин анинг исломи-ю бас вассалом.*

Қиёмат кунининг ҳақлигига, ўлимдан кейин қайта тирилиш, Аллоҳ ҳузурда ҳисоб бериш борлигига содиқлик иймонли кишиларнинг бешинчи муҳим фазилатидир:

*Келди бешинчи анга явмул-ҳисоб,
Дема ҳисоб, айтки явмул-азоб...*

*Тўғри тарозуға бўлур икки бош,
Бир сори гавҳар, яна бир сори тош.*

*Кўпрук уза халқ харосон бўлур,
Бирга қатиқ, бирига осон бўлур –*

Қиёматнинг ҳисоб-китоби одамларни иймонли ёки иймонсизлигига қараб икки қутбга ажратади. Ким учундир бу кун «явмул –азоб» бўлиши ҳам мумкин. Тарози сари борган бошларнинг бири тош каби хорликда, бошқаси гавҳардек иззатда бўлади. Дўзах устидаги сирот рўпарасида қўрқувдан титраётган халқнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратадиган бир улуф Кун – Қиёмат кунидир.

*Соғис анга келди ҳадиси қагар,
Бил азалий сабт неким хайру шарр–*

Иймонга даъвогар инсон ишониши лозим бўлган олтинчи нарса, бу – қазойи қадарга, барча бўлган ва бўладиган ҳодисаларнинг Аллоҳдан эканига таслим бўлишлиқдир.

Ҳазрат Навоий талқинига кўра, шу олти омилни ўзида мужассам этган инсон иймонли, бахт-саодатли ҳисобланади. Ундан Аллоҳ ҳам, Пайғамбар(с.а.в.) ҳам, онаси ҳам, қолаверса, жамият ҳам рози бўлади.

«Умар ибн Хаттоб (р.а.)дан ривоят қилинишича, бир куни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам кўпчилик билан суҳбатлашиб ўтирган эдилар. Бир киши қошларига келиб салом бергач: «Иймон надур?», — деб сўради. Пайғамбар(с.а.в.): «Иймон Аллоҳга, Унинг малоикаларига, китобларига, пайғамбарларига, охираг кунига, қазои қадарга ишомоғингдир», — дедилар (Саҳиҳул Муслим, I-китоб, 109-бет. Арабча матн). Ҳадисда хабар берилишича, Пайғамбаримиз (с.а.в.)ни кўпчиликнинг кўзига бундай имтиҳон қилган зот Жаброил алайҳиссалом эдилар. Бундан мурод иймон шартларини Пайғамбаримиз (с.а.в.) гувоҳликларида халқ ичида тасдиқлатиб олмоқ бўлгани, эҳтимол. Аллоҳ билгувчироқдир.

Қуръони Каримда, Ҳадиси шарифда инсон табиатида кўрилган эзгу туйғулардан тортиб, унинг ижтимоий фаолиятида зоҳир бўладиган эзгу амаларигача барча-барчаси иймоннинг белгиси, дея талқин этилади. Шунга биноан айтиш мумкинки, яхшилик ва эзгуликдан иборат барча нарсалар иймондан далолат. Ҳазрат Навоий айтмоқчи, нажот (махлас) топмоқнинг асоси ният ва амал уйғунлигидадир:

*Махлас иши барчага ниятгадур,
Топмоқ ани лек машияттадур.*

Лекин барчамиз ҳам хом сут эмган бандамиз. Шайтоннинг шарридан холи эмасмиз. Шу боис, ўз амалимиздан кибрланиб, Аллоҳнинг раҳмати ва фазилатини унутиб қўймаслигимиз керак. «Ҳайрат ул-аброр»нинг XXIII бобида мазкур мавзуга доир ибратли бир ҳикоят келтирилади:

*Қайғулук ўлтурмиш эди Боязиг,
Сўрди ғами кайфиятин бир мурид:
«Кей фалак авжигда хироминг сенинг,
Арш фазоси уза гоминг сенинг.
Кўнглунгта не ишгин экин бу тааб,
Бу таабингта не иш эркин сабаб?»–*

яъни қайғуга ботиб ўтирган Боязид (Боязид Бастомий, буюк сўфийлардан)дан бир муриди ғамнок ўтиришининг сабабини сўраб дедик: «Фалакнинг авжи – парвози томон қанот қоқаётган бўлсанг, қадаминг арш фазоси узра бўлса, кўнглинг қандай ишдан мунчалар қайғуда. Изтиробинг сабаби нима?»

*Пир тўқуб ашқу чекиб ўтлуқ оқ,
Дедик: «Бу ғам ишим этмиш табоқ,
Ким бу жаҳон ичраки, элгур ғулу,
Эл тўла, аммо кишидингур хулу.
Ҳар кишига хуш кўринур ўз иши,
Бир киши йўқким, деса бўлғай киши.
Мунда киши борини билмон яқин,
Бор эса, ўтканлар аро бор экин»-*

яъни пир кўз ёшларини дарёдек оқизиб, чуқур оқ тортди ва деди: «Бу ғам ҳаётимни вайрон қилди. Ким фоний дунёда яшар экан, ғавғокорлик ҳаддан ошиш унга ёрдир. Эл ичра киши (инсон) номига муносиб бир одамни кўрмадим. Зеро, ҳамма ўз ишини тўғри деб ўйлайди. Ўз ишини ёмон дегувчи киши дунёда йўқ. Бундай киши аввал ўтганлардан бўлса бордир, аммо бугун борлигини билмайман».

*Сўрғувчига зоҳир ўлиб изтироб,
Дедик: «Эй хуршеди олийжаноб,
Элда киши йўқ демак ўлди сўзунг,
Доҳил эмассенму бу элга ўзунг?»-*

яъни савол сўровчи қайғуланди ва дедик: «Эй олийжаноб зот эл ичида инсон номига муносиб, беғавғо инсон йўқ дединг. Ахир ўзинг ҳам шу элнинг битгаси эмасмисан?».

*Шайх деди: «Эй иши гумроҳлик,
Топмағон иш сирридин огоҳлик,
Мен доғи юзминг мени саргаштадек,
Ашки боғир қониға оғуштадек,
Бўлмаса иймон била кетмак иши,
Англаки, они деса бўлмас киши.*

*Олам аро мунча сирору кибор,
Мен бўла-ю, сен бўлу ҳар кимки бор,
Борча бу ғам тийғидин афғорбиз.
Борча бу мотамға гирифтормиз.
Ким ичи бу ғуссага қон бўлмади,
Кимсага бу нукта аён бўлмади.
Ким чу видоғ айлагуси жон анга,
Ҳамроҳ ўлур йўқса йўқ иймон анга,
Чунки жаҳон аҳлиға бўлса бу ҳол.
Сўздаки дебмен не маҳалли савол»-*

яъни шайх деди: «Эй гумроҳ, дунё ишлари сиридан ноогоҳ банд! Мен ҳам мен каби юз минглаб саргашталардек, кўз ёшим бағрим қонига қўшилиб оқаётган бир бечораман. Агар ким бу дунёдан иймон билан кетмас экан, англаки уни инсон демоқ дуруст эмас. Бу дунёда истиқомат қилаётган катта-кичик: у сенми, у менми ёки бошқами, қатъи назар барчамиз бу ғам тийғидан афғормиз. Барчамиз бу мотам билан юзма-юзмиз. Воқеан, кимки бундай ғамдан бепарводир, демак, андуҳ сабабидан гумроҳдир. Кимки гумроҳ экан, ўлум олдидан бу ғамнинг унга ҳамроҳ бўлиши бор. Фоний дунёдаки аҳвол шундай бўлса, бугун сенга сўзлаб турғувчи – мен ҳисоб-китоб кунида Аллоҳга нима деб жавоб бераман».

Ушбу ҳикоят барчамизни тафаккур қилишга ундайди. Ҳазрат Навоий ҳикоят сўнгида шайхнинг жавобини хулоса қилиб дейди:

*Соил этиб бўйла гури нукта гўш,
Оғзи садаф оғзидек ўлди хамўш-*

яъни бу маъно дурларига қулоғини тиланчидек тутиб турар экан, муриднинг оғзи садаф оғзидек бекилиб қолди. Зотан, шайх англаган ҳақиқатни англамоқ иймон белгисидир. Аксинча бўлишидан Аллоҳ асрасин. Ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда:

*Қуйма бу кун жомима даврон майи,
Жоним ол, оғзимға қуй иймон майи-*

яъни қалбимни ўткинчи дунё ишқи билан тўлдирма, ундан кўра, эй Худо, жонимни ол ва жонимни олароқ оғзимга ўзингга бўлган ишқ-иймон майидан қуй.

Демак, инсон умрининг мазмуни, охиратининг саодати иймондадир. Халқимизда «Инсофи йўқнинг иймони йўқ» деган пурҳикмат мақол бор. Бу мақолнинг маъноси жуда чуқур. Аслида инсофли киши, бу – иймонли кишидир. Ўзига, ота-онасига, боласига, қариндош-уруғига, қўшнисига, жамиятга инсоф билан қараган инсон икки дунё саодатини топади. Аксинча бўлса, бадбахтликдек оғир кулфатдан дунё ва охирати зимистон бўлади. Шундай экан, ҳаётимиз, иймон билан, иймонли кишилар билан ҳамнафасликда ўтишини Аллоҳ насиб қилсин.

Қўшиқ матни

ИЙМОН ВАСФИ

Бобур сўзи

*Ҳаққа ҳамду сано адо қилдим,
Ҳақ оти бирла ибтидо қилдим.*

*Билгасен эй хўжаста-е фарзанд,
Жигарим бирла жонима пайванд.*

*Будур иймони муфассал эшитгил,
Ҳар не герман ани кўнгулга битгил.*

*Аввал иймон Худога келтургил,
Ширк черигин замиригин сургил.*

*Доғи билким, малак эрур мавжуд,
Барчаси абг-у, Тангридур маъбуд.*

*Бор учинчи китоби иқрори,
Тенгри тавфиқ берса дей бори.*

*Яна билгил анбиёсини Барҳақ,
Рўзи охирни доғи бил мундоқ.*

*Яна билгил Худогин, эй ҳамдам,
Яхшилик бўлса, гар ёмонлик ҳам.*

*Яна қайта тирилмак ҳақ эрур
Сенга дегим неки билмак зарур.*

*Ушбуларким борин дегди Бобур,
Билки муфассали иймон шугур.*

ШАРҲ

Ҳақ таолога ҳамду сано айтиб, Ҳақ номи билан сўзимни бошлайман. Эй соҳиби бахт фарзандим, жону жаҳоним пайванди, сенга иймонни қисқача сифатлаб берайки, қалб қулоғи билан тингла! Аввало, биру бор Аллоҳга иймон келтиргин. Унга бошқани шерик қилмагилки, оғир гуноҳга қоласан. Кейин фаришталарнинг мавжудлигига иймон келтир. Аммо унутмаки, улар ҳам Аллоҳ яратган махлуқлардир. Маъбуд фақат Аллоҳнинг ўзидир. Учинчи бўлиб илоҳий китоблар (Таврот, Забур, Инжил, Қуръон)нинг ҳаққи ростлигига иқрор бўл. Тўртинчидан, барча пайғамбарларни барҳақ деб бил. Бешинчидан, Қиёмат-ҳисоб-китоб кунининг ҳақлигига ишонгин. Яна шуни билки, ҳаёт давомида келадиган яхшилигу ёмонлик фақат Аллоҳдандир. Сўнггиси барча инсонларнинг қайта тирилиши ҳам рост гапдир. Эй фарзанд, иймоннинг қисқача баёни шуки, бунинг айтувчиси Бобурдир.

«АДЛ ЭШИГИН ЭЛГА
КУШОДАЙЛАГИЛ...»

Адолат барқарор бўлган жамият гуллаб-яшнайти. Одамларнинг ҳаётга муносабати, турмуш тарзида кўтаринкилик, ишонч туйғулари япроқ ёзади. Энг муҳими, зулм илдизларига болта урилади. Одамлар бир-бирларидан рози ҳолатда ҳаёт кечирадилар. Одатда, адолат ва зулм тушунчалари эгиз келади. Адолат бор жойдан зулм чекинади. Зулм ҳукмронлик қилган жойда эса адолатга ўрин йўқ. Инсон ҳаётининг мазмун-моҳияти, умуминсоний қиймати, асосан, шу икки тушунчага бўлган муносабатда кўринади. Адолат ёки зулмнинг икки шакли мавжуд бўлиб, биринчиси, ўзгаларга, иккинчиси ўзига, ўз шахсига нисбатан воқеъ бўлади. Адолат деган қадриятни ўлчайдиган мезон ҳам ҳар бир жамият, халқ ёки маълум шахснинг маънавий олами, дунёқараши билан боғлиқ. Масалан, комил иймонли бир киши ўз жонига зулм қилади, аммо, бу билан бошқа бировга нисбатан адолат этган бўлиб чиқади. Иймонсиз бир одам ўзига гўё адолат қилади (кўнгли, табиати нимани тусаса муҳайё этади), аммо, шу баробарда ўзгаларга зулм қилиб қўйиши мумкин. Дин ишларидан исломий мезонлардан беҳабар кимса учун иймонли кишининг иши адолатсизлик, фожирнинг иши эса адолатли бўлиб туюлиши мумкин. Моҳиятан эса аксинчаки, исломий тушунчалар устувор бўлган Шарқда шундай қараш етакчи бўлиб келади. Яъни ўз нафсига гўё адолат қилаётган фожир аслида ўзига зулм қилади, ўз нафсининг хоҳишларига

қарамасдан унга гўё зулм қилаётган солиҳ киши эса аслида ўзига адолат қилаётган бўлади. Бунинг ҳақиқати улур бир кун-Қиёматда ойдинлашади.

Кўринадики, жамиятда адолат ва зулм муаммоси талқинида турлича, баъзан бир-бирига зид бўлган қарашлар кўзга ташланади. Бунинг сабаби эса мезонларнинг турли туманлигидадир. Аммо асл адолат битта. У ҳам бўлса, Аллоҳнинг назарида, Аллоҳнинг ҳузурда маъқул топилган адолатдир. Ҳазрат Навоий «Ҳайрат ул-аброр»нинг XXVI-XXVII бобларида айна муаммо хусусида сўз юритадики, бу фикрларнинг салмоғи иймон тарозисига қўйилгандагина аёнлашади.

Алишер Навоий ушбу муаммога айнан «Салотин», ҳукмдорлар бобида тўхталиб ўтади. Қуръони Каримдаги «Адолат билан амрингни юргиз» деган ояти каримани марказий тамойил қилиб олади. Алломанинг адолат бобини бевосита ҳукмдорлар муаммоси билан муштаракликда талқин этишида катта ҳикмат бор. Зеро султон, ҳукмдор, раҳбар сўзи остида ҳукм, ҳукм сўзи остида эса адолат ёки зулм сўзларининг маъноси яширин бўлади.

Алишер Навоий ҳукмдорларга қарата дейди:

Ҳаққи солиб сояи раъфат сенга,
Рўзи этиб тахти хилофат сенга.
Айлаги оллингга бийикларни паст,
Даҳр забардастларин зер даст.
Халқни оллингга қилиб нотава,
Барчасига айлаги ҳукминг равон-

Ушбу талқинга кўра, ҳар бир иш Аллоҳдан. Шоҳнинг шоҳ бўлиши, фақирнинг забунлиги яратган томонидан белгилаб қўйилган қонуният асосида рўй беради. Ҳолбуки, Аллоҳ ҳукмдорни улурлик соясига ноил қилган экан, тахт ва подшоҳлик унга ёр экан, шу боис не-не забардаст,

шерюраклар унинг олдида муте экан, шунингдек, халқ ҳам унинг ҳукми олдида қойим экан, бу нимадан далолат? Ҳукмдор бундай неъматларни қандай қабул қилиши, Тангрининг буюк марҳаматини қандай тушуниши лозим? Моҳиятан, Аллоҳнинг қудрати ва азамати олдида ҳукмдор қайси даражани эгаллайди-ю, маҳкум қай даражада қадрланади? Навоий талқинича, одил шоҳ мана шундай саволларга адолатли жавоб топган ва ўз хулосасини амалда қўллай олган кишидир. Чунки:

*Бил муниким, сен доғи бир бангасен,
Кўпрагидин ожизу афгангасен.
Эрмас алар туфроғу сен нури пок,
Хилқат аларғау сенга тийра хок.
Барча жавориҳ ила аъзода тенг,
Сурати навъи-ю ҳаюлода тенг.
Ҳам равиши ағлу ҳам инсоф аро,
Ҳилму ҳаёу бори авсоф аро.
Шаръ тариқиди ибодатда ҳам,
Ҳақ йўлида тақвию тоатда ҳам.
Сен тушубон йўл наҳажидин йироқ,
Кўпраги сендин юрубон яхшироқ.*

Инсон деб аталмиш махлуқот, у қандай мартабада, қандай олий мақомда бўлмасин, бандалигини унутмаслиги лозим. Бундайларнинг атрофдагиларга кибр билан қараши иккиёқлама зулм демақдир. Зулмнинг бири бу дунёда мазлумга, иккинчиси охиратда ўзига нисбатан бўлиши мумкин. Хом сут эмган банда баъзан Аллоҳнинг нақадар суюкли бандалари ўзи билан ёнма-ён яшаб ўтаётганини хаёлига ҳам келтирмайди. Дунё матоҳи уни алдаб, кўзларини кўр қилиб қўяди. Кўрлик шу даражадаки, ундайлар ҳақиқий аҳволдан ғофил қоладилар. Зеро, ҳақиқий аҳвол явмул – ҳисобда, Аллоҳнинг ҳузурида аён бўлади. Не-не ҳукмдорлар, не-не мулкдорлар бир фақир-камбағал бўлмаганларидан надомат қилишади.

Шарқнинг мутафаккир алломалари мансаб, бойлик, кучга эга бўлганларида бунинг оқибатини ўйлаб, кўзларидан дарё-дарё ёш тўкканлар. Неъмат масъулияти нақадар оғир келишини ақлан ва қалбан чуқур тушунганлар.

Қуръони Каримда баён қилинишича, Аллоҳ таоло мунофиқ кимсаларга қарата: «Мана бу кишилардек иймон келтиринглар», дейилса, «шу пасткашларга ўхшаб мўъмин бўламизми?»-дейдилар. Огоҳ бўлингизким, уларнинг ўзлари тубан кишилардир, лекин буни билмайдилар» (2:13), дея хитоб қилади. Қуръони Каримнинг ўзбекча изоҳли таржимасида бу ояти каримага шундай изоҳ келади: «Исломи (биринчи даъватдаёқ-Р.Н.) қабул қилган зотларнинг кўпчилиги камбағал, фақир кишилар ва ҳатто Суҳайб, Билол каби қуллар эдилар. Мунофиқлар ўзларича: «Мана бу зоти пастларга ўхшаб мўъмин бўламизми?» дейишар эди». Яна Қуръони Каримда келадики: «Эй мўъминлар, Аллоҳнинг Ўзи учун Ҳақ йўлини тутгувчи, адолат билан шаҳодат-гувоҳлик бергувчи бўлингиз! Бирон қавмни ёмон кўришингиз сизларни адолат қилмасликка тортмасин! Адолат қилингиз! Шу тақвога яқинроқдир. Аллоҳдан кўрқингиз! Албатта Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир» (5:8).

Ҳазрат Навоийнинг ёзишича, дунё матоҳига охиратини алмашишдек бадбахтликдан лаззатланиб юрувчи кишилар қиёматда аҳволлари нақадар оғир бўлишини билганларида эди:

*Негаки, чун ҳашр куну Зулжалол,
Золиму мазлумни айлар савол.
Анга эвазгур сенга шармандалиқ,
Анга бийиқлик, сенга афгандалиқ.
Анга нишоту, сенга андуҳу ғам,
Ул сенга андоққи, анга сен бу дам...
Гарчи синуқ игна ҳаққунносгур,
Бағринг аро ханжари олмосгур...
Ҳар не хато қилғонинг ўлғоч ҳисоб,
Бўлғусидур ҳар бирига юз азоб-*

Охиратда адолат барқарор бўлади. Золимнинг ҳам, мазлумнинг ҳам бировда ҳаққи қолмайди. Ўшанда аслида ким буюгу ким нотавон, ким афгору ким қадрли экани маълум бўлади. У кунда Аллоҳ Ўзининг фазлу марҳамати билан кимнингдир гуноҳини кечириши мумкин, аммо, мазлумнинг ҳаққи, то мазлумнинг ўзи кечирмас экан, кечирилмайди. Игна синиғи билан ўтказилган зулм учун тигдор ханжар жароҳати зулмкор қалбини яралайди. У кунда азобларга на каффорат, на даво, на енгиллик бўлади.

Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг улуг саҳобалари ва дўстларидан: «Ҳазрати Умар (р.а.) мўъминларга амир бўлганларидан кейин деярли ухламадилар. Гоҳида уйқусизликдан ўтирган жойларида мудраб қолардилар. «Ўтиб озгина дам олинг», дейилса: «Кундузи ухласам раийятдан беҳабар қоламан, кечаси ухласам Роббим менга беражак насибадан маҳрум бўламан», дер эдилар. Абу Бакр Сиддиқнинг «Эй Умар, сенда Аллоҳнинг тундаги ҳаққи бор, уни кундузи қабул қилмайди, кундузги ҳаққини кечаси қабул қилмайди», деган насиҳатини маҳкам тутар эдилар. Ҳақларини адо этолмай қолишларидан кўрқиб, бетиним йиғлар эдилар. Гўё у зотга Пайғамбаримиз (с.а.в.) жаннат хушхабарини бермагандек йиғлар эдилар» (Мусулмонлар тақвим китоби, 2003, 3-чорак).

«Ҳайрат ул-аброр»да шоҳ Ғозий (Ҳусайн Бойқаро) ҳақида шундай ҳикоят келтирилади. Кўплаб жангу-жадаллар билан тахтга ўтирган ва адолатли ҳукм юргизаётган шоҳ сайр этиб юрар экан, бир кампир унинг этагидан маҳкам тутади ва:

*Дегуки: «Эй шоҳи шариатпаноҳ,
Қилгум агар ага эса маръий букун,
Сенинг ила даъвийи шаръий букун.
Шарт буким, айлама маҳкам итоб,
Маҳкамаи шаръда бергил жавоб»-*

яъни кампир деди: «Эй шариат ҳукмига итоаткор шоҳ, агар адолатинг рост бўлса, сенда бир шаръий даъвоим борки, мен билан шариат маҳкамасига юргин».

*Шоҳ дегу: «Гар даъви эса қонима,
Шаръий эса миннатигур жонима»-*

яъни шоҳ Ғозий жавоб бердики: «Даъвоинг шаръий бўлар экан бу йўлда жонимни берайин». Шундай қилиб, қозийи ислом ҳузурига йўл олдилар. Бу ҳолни кўрган одамлар ҳайратдан ёқа ушладилар. Гўё кекса Зол билан навқирон Рустам жанг майдонида рўпара келгандек эди:

*Зол дегуки: «Қазоқ эркандга шоҳ,
Тиг чекибким, чекар эрду сипоҳ,
Бор эди мен тулга жигар гўшае,
Бал жигарим мазраиғин хўшае...
Шоҳ қиличи жигарим қилди чок,
Ул жигарим порасин этди ҳалок»-*

яъни кампир деди: «Шоҳ жангу сурон билан юрт аро кезиниб юрган пайтларда менинг яккаю-ёлғиз, навқирон ўғлим бўларди. Шу ўғлим унинг қиличи остида ҳалок бўлган». Қозийи ислом шариатнинг адолатли қонунига кўра, кампирдан иккита гувоҳ келтиришини сўрайди. Гувоҳлар кампирнинг даъвосини тасдиқлайдилар. Қози кампирнинг фойдасига қасос ёки хун пули шарти билан ҳукм чиқаради. Шунда:

*Шоҳ дегу: «Шаръ этса бу янглиғ аго,
Шаръи наби ҳукмига жоним фиго»-*

яъни шоҳ деди: «Гарчи шариати Муҳаммад алайҳиссалом шунга буюрар экан, бундай ҳукмга жоним фидо». Ва шоҳ Ғозий қийиқ билан бўйнини боғлади. Ҳамёнининг оғзини бўшатди. Кампирга қараб:

*Деди: «Қасос айласанг олингга бош
Сиймни ол, гар ғаразинггур маош.
Мен эдим ул амрда беихтиёр,
Ҳар не сен этсанг менга не ихтиёр»-*

яъни шоҳ деди: «Эй мазлума қасосни кўнглинг тиласа бошим ихтиёрингда. Агар хун учун дунё олмоқ истасанг, мана ҳамёним. Мен ўглингни қатлга буюрганимда беихтиёр эдим. Ҳозир ҳам шундай беихтиёрман. Ихтиёрим сенда». Шунда кампирнинг қасос алаmidан ўткирлашган тишлари шоҳ Ҳозий адли олдида ўтмаслашди ва даъвосидан воз кечди.

Шоҳ Ҳозийнинг бу иши мақтовга эмас, ибрат олишга сазовордир. У оламшумул иш қилмади, балки Аллоҳдан, ҳисоб кунидан қўрқадиган мўъминнинг ишини қилди, холос. Доно халқимизнинг: «Айбини билган авлиё, одилда йўқдир риё», деган мақоли ана шундай ибратли ҳодисалардан чиқарилган хулосадир.

Қўшиқ матни

«ОЛАМ ЮЗИН ОБОД ҚИЛ...»

Навоий сўзи

*Агл ила олам юзин обод қил!
Хулқ ила одам элини шод қил!
Ғаҳ-ғаҳи ёғ айла нагоматни ҳам,
Қайси нагоматки, қиёматни ҳам.
Жоми гуноҳдин киши масъум эмас,
Таркини тупмоқ доғи мазмум эмас.
Ҳақнинг эрур саҳвсиз иш лозими,
Саҳв эрур лозимаи одими.
Саҳвингга де узр, таваҳҳум била,
Зулмдин тавба тазалум била.
Рай ила зулматни мунир айлагил,
Лутф ила оламни асир айлагил.
Кимники бедодинг этибдир асир,
Бўл анга агл илги била дастгир.*

ШАРҲ

Эй инсон, оламни адолат билан обод айла! Яхши хулқ эгаси бўлки, одамлар сендан хурсанд бўлсин! Адолатли бўлайин десанг, Қиёмат кунини, Қиёматда ҳолинг не бўлишини эслаб йиғлагин. Инсон зоти гуноҳдан холи бўла олмайди. Агар гуноҳ таркини одат қила олсанг ҳам ёмон эмасдир. Аллоҳнинг ишида хато бўлмайди. Хатокорлик фақат инсонга хосдир. Шундай экан, ҳар бир хатойинг учун истиғфор айтишни унутма! Истиғфорингни шунчаки эмас, қўрқув ва хавфда айт. Тафаккур, ақл билан зулмат қалбингни нурлантиргин. Фоний дунёга асир бўлиб қолма, балки олам сенга асир бўлсин. Кимгадир ёмонлик қилган бўлсанг, унга албатта адолат қўли билан кўмак бер.



§ *Учинчи сардоқ:*

«ТАРКИ ТАМАЪ ҚИЛКИ,
САХО УЛ ЭМИШ...»

Аллоҳ таборак ва таоло Ўзининг буюк ҳикмати билан одамларни турли миллат, турли элат, турли тоифа қилиб яратган. Мулкдор ва қашшоқ ҳам шундай тоифалардан биридирки, жамияттаги мувозанат бойнинг саховати камбағалнинг сабри билан барқарор бўлади. Шу боис, иймонли, адолатли кишилар имкон бўлса қўл билан, бўлмаса тил билан жамият узра саховат уруғларини сочишдек хайрли йўлга хизмат қилганлар. Ҳазрат Навоий мана шу икки жиҳатни бирлаштирган, ҳам қўлини, ҳам илму истеъдодини саҳо учун нисор этган солиҳ зот эди.

«Ҳайрат ул-аброр»нинг ХХХ-боби сарлавҳаси «Карам васфидаким, унинг қалби бойликнинг ўлими, раҳмат дарахтининг барги, бахиллик эса ниҳоятсиз бало бўлур...» деган сўзлар билан бошланади. Бобнинг бошидан охиригача, сарлавҳада акс этган тамойил етақчилик қилади. Яъни саховат ва бахиллик кескин зиддиятда бадий ифода этилади:

*Жуду саховат чоғи бухл этмагил,
Шукр замони доғи бухл этмагил.
Бухл эрур борча сифатдин хасис,
Лек саҳо жавҳари аслу нафис.
Гарчи саховат сенга ойин эрур,
Бошинга бу дур била тазйин эрур-*

яъни эй Аллоҳ молу мулкдек омонат бериб, омонатдор қилиб қўйган банда! Тангрининг омонатини саҳо билан

қайтаришинг лозимлигини унутма! Бахилликдек тубанлик чоҳига тушиб қолма! Зеро, бахиллик мўъминга ярашмайди. Саховат жавҳари эса мўъминлар фазилатининг энг нафисидир. Агар бундай дур сенда сероб бўлса ҳам, сен уни хор этма. Исрофдан эҳтиёт бўл. Чунки исроф бахилликдан ҳам пастроқ ишдир.

Ҳазрат Навоий дунё аҳли томонидан сахий аталмиш кимсаларнинг уч тоифаси ҳақида сўз юритади: Биринчи тоифа «сахий»лар шундай кишиларки:

*Ёяр анга супраки, ул оч эмас,
Берар анга тўнки яланғоч эмас...
От анга тортарки юз илқиси бор,
Сийм анга берурки юз илқиси бор...
Хизрга етгач тутар оби ҳаёт,
Миср шакар резига тутар набот-*

яъни бундай кишиларнинг саховатида риё аралашган бўлиб, улар: оч бўлмаганларга дастурхон ёйади, муҳтож бўлмаганга тўн кийгизади, юзлаб отлари бор одамга от тортиқ қилади, юз йиллик бойлиги борларга сийму зар беради, агар Хизрни кўрса, унга оби ҳаёт тутади, шакарпазга эса новвот беради. Бундай «саховатпешалар» на охиратда, на бу дунёда хайру баракот топадилар. Уларнинг бундай ишларидан на халқ, на ўзлари фойда кўрадилар. Афсуслар бўлсинки, бугунги кунда айни тарздаги «саховаткорлик» оммалашиб кетган. Ҳазрат Навоий бундайларни фойдасиз булутга ўхшатади:

*Ўйла булутдекки, қуруқ боғ уза,
Ёғмай ўтуб, сувни тўкар тоғ уза-*

яъни бундайларни сувга муҳтож боғ узра ёғмай, тоғу тошлар устида сувни исроф қилган фойдасиз булут деб бил.

Навоий иккинчи тоифа «сахий»лар ҳақида:

*Они доғи қилма саҳо доҳили,
Ким кишики томиъаи комили.
Халқ жиҳотиға талабгор этар,
Ҳар неки кўрди тамаъ изҳор этар...*

*Олмоқ эрур қасд анга бермак гараз,
Бу ҳам ул иккидек эрур бир мараз-*

деб ёзади. Яъни бу тоифани ҳам сахий дейишга шошилма. Ҳолбуки, улар тамагирлик чўққисига етганлар. Халқнинг молига тама назари билан қараш, турли йўллар билан қарз олиб, бировга берганда эса тама мақсадида бериш буларнинг касбидир. Бу тоифа кишилар ҳам бошқа икки тоифа каби мараздир.

Ақл юргизган, иймонли кишилар учун бу дунё моли, болачақа, ҳатто умр ҳам омонат. Шу боис, ақли солим кишилар бирор яхшилиқ қилар эканлар, холис Аллоҳ йўлида қиладилар. Тамани бандадан эмас, Яратгандан, Унинг буюк саховатидан кутадилар. Албатта Аллоҳ барча мулкларнинг эгаси ва саховат бобида бемислдир. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади: «**Суйган нарсаларингиздан инфоқ-эҳсон қилиб бермагунингизча ҳаргиз яхшилиққа (жаннатга) етмагайсиз. Ҳар қандай нарсани инфоқ қилсангиз, албатта Аллоҳ уни билур**» (3:92).

Учинчи тоифа «сахийлар» таърифиди эса шундай:

*Они доғи дема сахийким, киши
То тиламас, бермак эмасгур иши.
Ҳар нечаким, мустаҳиқ ўлди азиз,
Истамагунча анга бермас пашиз-*

яъни муҳтож одам тиланмагунча сариқ чақа ҳам бермайдиган кишиларни ҳам сахий демагин. Улар шундай «сахий»ларки, ҳар қанча муҳтож бандаларни учратмасинлар, сўрамагунча ҳеч нарса бермайдилар. Буларнинг сахийликлари илонни сеҳрлаб, унинг захрини ўғирлаган афсунгарнинг ишига ўхшайди:

*Кўрки фусунгар чу узотди ҳусн,
Олди йилон муҳрасин айлаб забун.*

Юқоридаги уч тоифани таърифлаб ўтгандан кейин ҳазрат Навоий энди ҳақиқий саховат нима-ю, қандай кишиларни сахийлар деб аташ мумкин, деган саволга жавоб беради:

*Они сахий англавил, эй ҳушманг,
Ким они давлат қилибон сарбаланг.
Ҳоли агар яхши гурур, гар табоҳ,
Кимсагин этмас тамаи молу жоҳ-*

яъни эй, закий зот! Сен шундай кимсани сахий деб билки, давлатманд ёки қашшоқ бўлса ҳам бировдан бир нарса тама қилмасин. Демак, ҳазрат Навоийнинг талқинича, сахийлик мартабасига етишмоқ учун бойлик ёхуд қашшоқликнинг сира аҳамияти йўқ. Балки ким нафсини тама тузоғидан қутқара олган бўлса, ана ўша сахийларнинг сахийсидир.

Бундай одам шу қадар назари тўқ, улғувор зотки:

*Баҳрға етса тиламас шабнаме,
Заҳми кўрса аямас марҳаме...
Улки, савол этмаса ҳам чун билур,
Фақоу фақирни риоят қилур...
Боқмайин ул лутф ила эҳсонига,
Миннатини ҳам қўяр ўз жонига...
Фаҳм этар ул нуктаниким бехато,
Элга мусаббибдин эрур ул ато...
Анда карамдурки, талаб билмагай,
Кимга гурам билса тамаъ қилмагай-*

яъни бундай кишилар денгиздан бир томчи умидвор бўлмайди. Дардманддан малҳамини аямайди. Муҳтожни аҳволини айтмасиданоқ тушунади. Фақирнинг ҳаққига риоя қилади. Қилган эҳсонидан ҳатто лутф (раҳмат) ҳам тама этмайди. Қилган эҳсонининг ажрини Худоангина кутади. У халқнинг аҳволини нозик англайди. Шу сабабдан уни элнинг отаси, дейиш мумкин. Эй инсон! Кимдаки карам-саховат бор бўлса, пулдорлардан тама этишдек қусурдан холидир.

Хуллас, риё, исроф, тамагирлик билан саховат бир-бирига ўт билан сувдек зид тушунчалар экан. Бу уч қусур кимдаки мавжуд бўлса, у ўзини нақадар саховатли қилиб кўрсатишга уринмасин, сахий бўлолмас экан. Халқ эътиборини эмас, фақатгина Ҳақ эътиборини қозониш учун қилинган хайру эҳсон ҳақиқий саховат белгиси экан.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳивасаллам инсон зотининг энг саховатлиси эдилар. Шу боис, мискинлардан ҳеч нарсаларини аямаганлар. Айниқса, рамазон ойларида у зотнинг саховатлари кўпириб-тошиб оқаётган дарёга менгзаган. У зот фоний дунё умрининг қисқалигини англаб саховат қилишга шошилганлар. Бошқаларга ҳам шуни ташвиқ этганлар. Аллоҳнинг суюкли пайғамбарларидан Иброҳим халилуллоҳнинг сахийликлари эса шу даражада эдики, у зот бирор марта ёлғиз таом емас, таомланаётган пайтларида, албатта, бирор мискин шериклари бўлар эди.

Ҳазрат Навоий сахонинг кушандаси дея таъриф этган риё, исроф ва тама аслида мол-дунёга бўлган муҳаббатдан, мулкка қалбни боғлашдан туғилади. Ибн Аббосдан қилинган ривоятда Пайғамбар (с.а.в.) айтадилар: «Ҳар бир уммат учун фитна бор. Умматнинг фитнаси мол-дунёдир». «Танбеҳул-фофилийн» китобида ёзилишича: «Ваҳб Ибн Мунаббаҳ айтадилар: «Иблис Сулаймон ва Довуд алайҳиссаломларга шайх суратида кўринди. Сулаймон айтдиларки: «Исо алайҳиссалом умматини нима қилишинг ҳақида хабар бер». Шайтон: «Мен уларни Аллоҳдан ўзга Илоҳ олишга буюраман», деди. Сулаймон (а.с.): «Муҳаммад (с.а.в.) умматигачи?» деб сўрадилар. Шайтон: «Мен уларга дирҳам ва динарларни ташлаб қўяман. Улар учун бу пуллар «Ла-илаҳа иллаллоҳ» калимасидан ҳам устун бўлади», - деди.

Ҳасан Басрий ҳазратлари яна айтадилар: «Биринчи зарб этилган динарни иблис олиб кўзига суртди ва дедик: «Сени ким яхши кўрса, менинг қулимдир» (2-китоб, 12-бет). Токи аҳвол шундай экан, сахо амали солиҳ амаллар ичида энг оғирларидан бири бўлиб қолаверади. Фақат юксак тақво ҳамда комил иймон устига қурилган сахогина чин маънодаги - Аллоҳ севган сахо бўлади.

Ҳазрат Навоий худди шу маънода бир гадо саховатини ўзининг ҳисобсиз саховатпешалиги-ю меҳмондўстлигидан устун қўйган, ҳаммага машҳур Ҳотамтой ҳикоятини келтиради. Ҳикоятга кўра, Ҳотамтой йўлда келаётиб, жуда ҳақир бир ҳолатда, қоқсуяк елкасида ўтин кўтариб, титроқ

қўлларида ҳассани зўрға тутиб келаётган, аммо бировдан тама этишни ўзига ор деб биладиган бир қариянинг ушбу сўзларини Навоий бошқаларга ибрат қилиб кўрсатади:

«К-эй солибон ҳирс оёғинга банг,
Озу тамаъ бўйнуға боғлаб каманг,
Водийи ғайратға каманг ўрмағон,
Кунгури ҳимматға алам урмағон.
Сен доғи чеккил бу тикан меҳнатин,
Тортмағил Ҳотамитой миннатин.
Бир дирам олмоқ чекибон гаст-ранж,
Яхшироқ андинки-бирова берса ганж»-

яъни хирс ва тама тузоғига банди бўлмоқдан, гараз ва хасислик домига тушмоқдан, оқибатда ҳиммат ва ғайрат роҳатидан маҳрум бўлиб Ҳотамитой кабиларнинг миннатини эшитмоқдан кўра, машаққат чекиб топилган бир танга аълороқдир.

Қуйидаги ҳикоят ҳам Ҳотамитой ҳақида бўлиб, сахонинг инсон табиати билан боғлиқлигига, у кимгадир Аллоҳ томонидан қилинган марҳамат эканига далолат бўлади:

«Ҳотамтой бу дунёдан ўтгач, биродари унинг ўрнига ўтиришни ва эҳсон-карамини дунё аҳлига пояндоз қилишни ихтиёр этди. Айтадиларки, Хотам етмиш дарчали юмалоқ қаср бунёд қилиб, ўзи шу қасрда истиқомат қилар экан. Эҳсонталаб гадолар қаср даричаларидан бирига келиб хайр садақа олгач, иккинчи дарчадан яна қўл чўзар экан. Ҳотам яна берар, учинчи дарчадан қўл чўзса яна хайри эҳсон қилаверар экан. Хуллас, гадо етмиш дарчадан қўл чўзса ҳам Ҳотамдан эҳсон олар экан. Ҳотам эса ҳеч қачон: «Ҳозиргина олдинги дарчадан келиб эҳсон олдингку!» демас экан.

Ҳотамнинг биродари мана шу қасрда ўтириб акасидек саховатпеша бўлишни орзу қилди. Шунда онаси ўғлига: «Сен Ҳотамдек бўла олмайсан, чунки бошқа бировга Ҳотамлик муяссар бўлишига кўзим етмайди», - деди. Ҳотамнинг биродари онасининг гапига қулоқ осмади. Қасрга жойлашди. Одамларга хайр-эҳсон улаша бошлади. Бир куни она ўз

Ўглини синаб кўрмоқчи бўлди. Мискин-гадолардек кийиниб, ўгли ўтирган юмалоқ қаср дарчаларидан бирига келиб эҳсон сўради. Ўгли узатди. Она иккинчи туйнуқдан ҳам қўл чўзди. Ўгли хайр берди. Она тагин учинчи дарчадан келиб хайр садақа сўраганда ўгли деди: «Ҳозирнинг ўзида икки дарчадан келиб, икки марта хайр-эҳсон олдинг, яна сўрагани уялмайсанми?». Шунда она ўзини ўғлига танитди ва дедик: «Жон болам, сен ҳаргиз Ҳотамдек бўла олмайсан, деган эдимку! Гапим рост чиқдими? Акангни ҳам тириклигида шундай синаган эдим. У етмиш дарчадан ҳам хайр-эҳсон узатган эди. Мен сизларнинг табиатларингиз бир-бирингизга ўхшамаслигини гўдаклигингиздан билар эдим. Ҳотамни эмизганимда битта кўкрагимни эмиб, иккинчисини сенга қолдирар эди. Сен эса битта кўкрагимни эма туриб иккинчисини қўлинг билан чангаллаб турар эдинг».


Ушбулардан келиб чиқадиган хулоса шуки, саховат ҳамма қилиши лозим бўлган ишдир. Аммо ҳамма ҳам саховатли бўла олмайди. Умуман, саховатпеша одам, бу - комил иймон эгасидир. Аллоҳ йўлида, сидқи дилдан қилинган саховатгина Ҳақ ва халқ таҳсинига лойиқ саховатдир. Доно ўзбек халқининг «Яхшилиқ қил, дарёга ташла, балиқ билар, балиқ билмаса Холиқ билар» мақолида чинакам саховат моҳияти акс этган.

Қўшиқ матни

**«ЭРГА ҲИММАТ, МАРДГА
ДАЛОЛАТ ЯХШИ...»**

Махтумқули сўзи

*Асло одамзоғга аччиқ сўз айтма,
Фақир мискинга қаноат яхши.
Бахилга ёндошма, юзини кўрма,
Бир иш битирмакка кифоят яхши.*



*Етимни кўрганга кулар юз бергил,
Қўлдан келса анга таом, туз бергил.
Ғамгинни учратсанг ширин сўз бергил,
Бечора қуларга ҳимоят яхши.*

*Севгили ишингни қилмагил бағал,
Қўлдан келмас ишга ярашмас жағал.
Нега керак сенга бу қуруқ амал,
Эрга ҳиммат, мардга далолат яхши.*

*Аввал одам бу дунёга келмаса,
Келгандан сўнг умр кўрса, ўлмаса,
Қўлдан келган яхши ишинг бўлмаса,
Кўнгил ичра, дўстлар, пок ният яхши.*

ШАРҲ

Эй саховатпеша инсон! Бировларга ёмон гапирмаслик ҳам саховатдир. Қаноатли бўлгинки, бу ҳам саховатдир. Бахилларда бу икки хусусият ҳам бўлмайди. Сен улардан бўлма, улардан узоқ юр, бориға сабр қилишни ўрган. Ўргансанг, сенга шу сабр кифоядир. Айниқса, етимларни кўрсанг очиқ юзли бўл. Имконинг кўтарса уларга саховат кўрсат, уларни таомлантир. Агар бирор ғамгин одамни учратсанг, ширин сўз билан кўнглини ол. Балки у сенинг саховатинг, ҳимоятингга муҳтождир. Ўзинг эшлайдиган, қўлингдан келадиган ишни қил, фақат рост гапни гапир. Қўлингдан келмаган ишларга асло уринма. Зеро, эр киши учун саховатнинг ўзи мардликка далолатдир. Дунёга келишдан мурод фақат тўқис ва узоқ яшаш эмас, балки эзгу иш қилмоқдир. Чунки асл умрга эзгу амал, пок ният ярашади.



«БИЛКИ ТАВОЗЕЪ БИЛА
КЕЛМИШ АДАБ...»

Жамиятда инсоннинг ўрнини белгилайдиган, инсоний жамиятнинг гарови бўлган фазилатлардан яна бири одобдир. Одоб-ахлоқ инсоний қоидаларининг боши ҳисобланади. Одобдан юз бурган ёки одобни тарк этган одамнинг одам боласи эканига шубҳа уйғонади. Бундай кишиларни доно халқимиз «адабсиз», «ҳаёсиз», деб атади. Бани Одамнинг иймони ҳам одоб ва одобсизлик деган икки қутбдан қайси бирида экани билан белгиланади. Зотан, одоб саодатга, ҳаёсизлик эса кулфат ва ғамга олиб боради.

Ҳазрат Навоий ижодининг негизида одоб, хулқи ҳамида туради. У деярли барча асарларида одобни тарғиб, одобсизликни танқиду тафтиш этади. «Ҳайрат ул-аброр»нинг олтинчи мақолати бевосита ахлоқий муаммо талқинига бағишланган. Навоий одоб эгаларини: «Эл йўлида гард ўлубон дард ила, Кибр кўзин кўр этиб ул гард ила, Оҳу надоматки чекиб сидқ аро, Кизб юзин дудидин айлаб қаро...», дея таърифлайди. Одобнинг бошини элга хизмат этишда, эл хизматида ўзни камтарин тутишда, деб билади. Иймонда содиқ қолиб, одоб йўлида қайғу алам чекиб, бу надомат тутуни билан кибр ва ёлгон кўзини кўр қилган соҳиби одобларни шарафлайди. Хусусан, одобнинг асосини, тавозеъда кўради. Тавозеълик кишини ёй шаклида эгилиб чиққан ҳилол (янги ой)га ўхшатади. Одоб ортида топилган

камол ва эҳтиромни ҳилолнинг кун ба кун тўлишиб, чирой очиб боришига менгзаб, гўзал ташбеҳ яратади:

*Чунки тавозеъга ҳам ўлди ҳилол,
Бўлди фузунроқ анга ҳар кун камол.*

Навоий одобнинг зидди сифатида кулгини кўрсатади:

*Тарки агабдин бири кулгу гурур,
Кулгу агаб таркига белгу гурур.
Қаҳқаҳадин кабк наво келтуруб,
Бошига ул кулгу бало келтуруб...
Қаҳқаҳақим ҳазил анинг ёригурур,
Қурбақа савти билан рафторигурур...
Кулгики ўз ҳагдигин ўлди йироқ,
Йиғламоқ андин кўп эрур яхшироқ...
Қилди булут ашки билан гуру нисор,
Бўлди чақин кулгисигин хоксор-*

яъни кулги одобни кетказувчи белгидир. Қаҳқаҳани расо қўйганлар ўз бошига бало келтиради. Одатда, қаҳқаҳа бўлмағур ҳазил билан туғиладики, унинг ўхшашни айнан қурбақа овозидир. Ҳаддан ортиқ кулгу қалбни ўлдиради. Бундан йиғи, кўз ёши яхшироқдир. Ахир булут кўз ёшлари билан гул ундиришини, чақин эса бефойда овозидан уялиб, ўчиб қолишини кўрмаганмисан?!

Қалбларни ўлдирувчи кулги кишини охират хавфидан, ҳисоб-китоб куни кўрқинчдан узоқлаштиради. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда Ўзидан кўрқиб кўз ёш тўкувчилар ҳақида: «**Ва улар: «Эй пок Парвардигор! Албатта Парвардигоримизнинг («Мен сўнгги Пайғамбаримни юборурман ва унга Қуръон нозил қилурман», деган) ваъдаси ато қилингувчи Зотдир», дейдилар. Улар, йиғлаган ҳолларида, юзлари билан йиқилурлар ва (Қуръон) уларнинг хокисорликларини зиёда қилур»** (17: 108-109), деган ояти каримани нозил қилди. Хокисорлик,

камтаринлик Аллоҳнинг ҳукмидан хавфу ражода бўлишни комил иймоннинг белгиси, деб таъкидлади.

Ибн Умар (р.а.)дан ривоят қилинади: «Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир куни масжидга чиқдилар. Қавм гаплашиб, кулишиб турарди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) уларнинг олдиларида тўхтаб, салом бердилар ва уларга: «Лаззатни кесувчи нарсани кўп зикр қилинглар» дедилар. Бизлар: «Ё Расулаллоҳ, лаззатни кесувчи нарса нима?» деб сўрадик. «Ўлим», дедилар. Шундан кейин яна бир куни чиқдилар. Қавм кулишиб турган эди. Уларга салом бериб: «Огоҳ бўлинглар! Нафсим қўлида бўлган Зотга қасамки, агар мен билган нарсаларни сизлар билганингизда эди, албатта, камроқ кулиб, кўпроқ йиғлар эдингизлар», - дедилар. Шундан сўнг, яна бир куни масжидга чиқдилар. Қавм кулишиб, гаплашиб турган эди. Расулаллоҳ (с.а.в.) уларга салом бериб: «Албатта ислом ғариб ҳолатда бошланди ва ғариб ҳолатга қайтади. Қиёмат кунида ғарибларга қандай яхши», - дедилар. Саҳобалар сўрашди: «Қиёмат кундаги ғариблар кимлар?», Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Одамлар бузилиб кетган вақтида улар салоҳият ва яхшиликда бўладилар», дедилар» («Танбеҳул-рофилийн», 1-китоб, 186-бет).

Ҳазрат Навоий кулгини иймоннинг заифлашувига сабаб қилиб кўрсатса, тавозеъни одобнинг асоси дея талқин этади:

*Лек бу йўл шартига қатъи талаб,
Билки тавозеъ била келмиш агаб...
Булки тавозеъ гурур оти анинг,
Ёки агаб келди сифоти анинг-*

яъни одобнинг маҳв бўлиши кулги билан рўй берса, комиллашуви тавозеъ биландир. Бу иккиси муштарак фазилат бўлиб, оти тавозеъ сифати эса одобдир.

Шу тариқа ҳазрат Навоий тавозеънинг ҳадди ва ўрни ҳақида фикр юритишга киришади:

*Ҳар кишининг таврига лойиқ керак,
Сурати ҳолига мувофиқ керак-*

яъни тавозеъ ҳар кимнинг хулқи-одоби, маънавияти, иймонининг даражасига мувофиқ бўлиши лозим. Масалан:

*Сажда гадо оллига эрмас карам,
Балки карамгур анга бермак дирам.
Тифл учун кўпмоқ эмасгур агаб,
Пирлар ул ишни демасгур агаб-*

яъни гадога таъзим бажо келтириб карам кўрсатмоқ дуруст эмас. Балки унга эҳтиёжи бўлган дирҳамни бериш, гадо учун яхшироқдир. Ёки даврага ёш бола кириб келса, унинг ҳурмати учун ўрнидан турмоқ ножоизки, буни кексалар, доно кишилар одоб демаслар.

Мақолотнинг давомида кишиларга қандай тавозеъ кўрсатмоқ лозим, деган савол қўйилади. Бунинг батафсил тарғиби-баёнини беришдан олдин Навоий қуйидаги ахлоқ қоидаларининг фарз ва суннатга таянишини асослайди:

*Фарзу сунан улча эрур дилпазир,
Барчага ўргатмак эрур ногузир.
Ҳар не алар қилса хилофи ҳисоб,
Фарз гурур айламагинг эҳтисоб.
Ҳашрғадир чунки хитоби сенга,
Ҳар не савол ўлса жавоби сенга-*

яъни фарз ва суннат шунчалик дилга малҳам бўладиган илмки, уни барчага ўргатмоқ зарурдир. Одобсизлар фарз ва суннатга хилоф қилсалар, эй иймонли зот, сен буни ҳисобини олиб боришинг, уларга билмаган нарсаларни ўргатмоғинг фарздир. Чунки рўзи Қиёматда бу хусусда сўраласан.

Шундай экан, ота-онага, болага, аёлга, қариндош-уруққа, кўни-қўшнига, каттаю кичикка, ҳукмдорларга бўлган муносабатда одобнинг ўрни қандай бўлади?

Ҳар бир иймонли киши, аввало, ота-онасини ризо қилиши керакки, бу ҳам одоб билан бўлади:

*Бир эрур макрумати волидайн,
Билки мунинг қилмоғидур фарзи айн.
Икки жаҳонингга тиларсен фазо,
Ҳосил эт ушбу иккисидин ризо-*

яъни ота-онани мукаррам билмоғинг фарзи айн бўлиб, икки жаҳонда бахт-саодат топаман десанг, уларнинг ризосига эришгин. Уларга нисбатан одобу тавозеъни зиёда қилгин.

Иккинчидан, бу дунё ва охиратда ҳурмат, эътибор топиш ниятинг бўлса, болангга одоб билан муомала қил ва одоб ўргат, яъни:

*Улча эрур тифлга шойиста иш,
Билки кичикликта эрур парвариш...
Бириси қўймоқлик эрур яхши от,
Ким десалар етмагай андин уёт.
Қилмоқ эрур бири муаллим талаб,
Қилгали таълим ила илму агаб...
Меҳр ила заҳриқи таваққуъ гурур.
Тифлга сендин бу тавозеъ гурур-*

Болани кичиклигидан яхши парвариш қилмоқ, унга эшитганида юзи қизармайдиган яхши бир исм қўймоқ, бир закий муаллимга бериб илму адаб ўргатмоқ ота-онанинг бурчидир. Сен тарбияни шундай олиб борки, боланг меҳринг ва қаҳринг ўртасида умид ила кўрқувда турсин. Бу сенинг фарзандга бўлган тавозеъингдир. Яхши тарбия қилинган фарзанднинг мисоли садаф ичида қатрадан бебаҳо гавҳарга айланиб, бошларга кўтарилган, тожларга қадалиб шарафланган қимматбаҳо дурдир:

*Қатрага чун тарбият этти садаф,
Эл бошига чиққуча топти шараф.*

Учинчидан, аҳли аёлингга, тавозеъда бўл. Яъни:

*Нафқа била нафсни тутма гарив,
Жонингга ифрот ила ҳам урма тиф-*

Унинг насибасини сиқиб ҳам қўйма, ортиқча сарф харажат қилиб ўз жонингга ҳам жабр қилма.

*Айламоғил ҳуласини ранг-ранг,
Кийса доғи ҳужрага тутсун гаранг-*

Хотинингни ранг-баранг либосларга буркаб ташламагин. Ранг-баранг кийса ҳам кўча учун эмас, ўзинг учун кийсин. Умуман, аёлингни ҳам саховат ва қаттиққўллик ўртасида тутгил.

Тўртинчидан:

*Сўнгра раҳминг силасин қарз бил,
Раҳм ушул тоифага фарз бил:
Сойири нос ичра улур то кичик,
Ёхуд аро ерга васат чаргалик.
Кимки улурроқ анга хизмат керак,
Улки кичикроқ анга шафқат керак-*

яъни қуйидаги тоифаларга силаи раҳми фарз бил. Юрган одамлар ичида каттами, кичикми ёки ўрта ёшми одоб билан муомалада бўл. Улуғларга хизмат этсанг, кичикларга шафқат назари билан қарагин. Ҳар кимга ҳурмат ва тавозеънинг мақбул йўлини, яъни ўртасини тут.

Эй маърифатли зот (тўртинчидан), имкон қадар шоҳлар, ҳукмдорлардан йироқда бўл. Агар уларнинг хизматиغا киришинг ихтиёрингдан ташқарида рўй бериб қолса, ушбу ўғитларни ёдингга тут:

*Гарчики, шаҳ базми эрур гулрабо,
Вожиб эрур айламак андин ибо...
Гул кўринур ёнида юз хори бор,
Бор эса бир айш, минг озори бор...
Кимга фано ганжидин огоҳлиқ,
Мулки қаноатда анга шоҳлиқ-*

яъни гарчи шоҳнинг базмлари дабдабали, жозибали бўлса-да, унга ҳавас қилиш ярамайди. Чунки, унинг ёнидаги бир гулнинг юзлаб тикани, шоҳ берган зиёфатнинг минглаб озори бор. Яхшиси шоҳ базмига боришдан ўзингни тий. Қаноатни ўрган. Чунки, ким ўткинчи дунё ҳавасидан йироқ бўлса, қаноат мулкида шоҳ бўлади.

Воқеан, бирор қашшоқ ҳужрасига йўлинг тушиб қолса:

*Бўлса ғино шеваси оринг сенинг,
Фақир уйига тушса гузоринг сенинг.
Анда гурур шарт тавозуъ сенга,
Ўтрусига қатъи таваққуъ сенга-*

яъни сен кибрдан йироқ киши бўлсанг, фақирнинг ҳузурида сенга тавозеъ шарт. Бундаги одобинг, тавозеъинг ҳақиқий тавозеъдир. Бундай тавозеъдан охират савобини кутсанг арзийди. Чунки, шариатга суянган одоб, агар у сидқу дилдан бўлса, алал-оқибат «мақсади аслий»га, яъни жаннатга олиб боради:

*Ҳар неким ул шаръдин этти угул,
Эрмас агаб айласанг они қабул...
То бу васила била топиб қабул,
Мақсади аслий сари бўлғай нузул.*

Ҳазрат Навоийнинг айни талқинига «Танбеҳул-рофилийн» китобидаги ушбу далил мос келади: «Аллоҳ таоло пайғамбар алайҳиссаломга камбағалларни яхши кўришни ва уларга яқинлашмоқни буюрган: «Сиз ўзингизни эрта-ю кеч Парвардигорларининг юзини истаб, унга илтижо қиладиган зотлар билан бирга тутинг» (Каҳф, 28).

Бу оятнинг нозил бўлиши сабаби қуйидагича:

Уйяйна ибн Ҳисн Физорий қавмининг раиси эди. Бир куни у Пайғамбаримиз (с.а.в.) олдиларига кирганида,

Салмони Форсий, Суҳайб Румий, Билол ибн Ҳабаший ва бошқа камбағал саҳобалар (р.а.) ўша ерда эдилар. Уларнинг устида эски йиртиқ кийимлари бўлиб, бир оз терлашган эди. Уйяйна шунда: «Бизларда обрў шараф бор. Биз олдингизга кирганимизда уларни ҳузурингиздан чиқаринг, улар бизга ҳидлари билан озор беришаяпти ёки биз учун бошқа мажлис чақиринг», - деди. Аллоҳ таоло уларни у ердан чиқаришни ман этди ва бундай оятни индирди: «Сиз ўзингизни эрта-ю кеч Парвардигорларининг юзлари истаб, Унга илтижо қиладиган зотлар билан бирга тутинг». Яъни, улар беш вақт намозини ўқиб, Парвардигорнинг ризосини талаб қилишади.

«Кўзларингиз дунё зийнатларини кўзлаб, улардан ўтиб (ўзга аҳли дунёларга боқмасин)». Яъни, дунё ҳаёти зийнатлари талабида фақирларни кам кўрманг.

Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз (с.а.в.)га фақирлар билан ўтиришликни, уларга яқин бўлишликни буюрмоқда. Бу буйруқ барча мусулмонларга Қиёмат кунигача мусулмон фақирларни яхши кўрмоқни, уларга яхшилик қилмоқни ва молу дунёларидан инфоқ бермоқни вожиб этди. («Танбеҳул-рофилийн», 2-китоб, 7-бет).

Ҳазрат Навоий бирма-бир санаб ўтган тавозеъга лойиқ кишилар, тавозеънинг ўрни ва чегаралари хусусидаги пандларнинг ҳаммаси иймонли кишилар учун охират озиғидир. Охират дунёсида одоблилар, иймонлилар тўлин ойдек ҳусн соҳиби бўлишади. Доно халқимиз бекорга айтмаган: «Ҳусн ҳусн эмас, одоб ҳусн».

Қўшиқ матни

«СИЗДАН ЎРГАНМАЙ ТУРИБ...»

Чустий сўзи

*Яхши фарзанд ўстиринг, ҳеч ким маломат қилмағай,
Сиздан ўрганмай туриб, гўдак ҳақорат қилмағай,
Оқил ота-она наслин бефаросат қилмағай,
Тарбият кўрган эса сизни хижолат қилмағай,
Ўз-ўзича ўсса у озга қаноат қилмағай.*

*Хонадондан бошланур, ёшликданоқ нафъу – зарар,
Эркалатмоқ яхши аммо, ҳаддиган ошса агар,
У бола бўлғай муаллимларга ҳам юз гардисар,
Бўлмағай яхши билимли балки, бўлғай гарбагар,
Улғайиб қолганда у сизга ишоат қилмағай,*

*Бўласин яқовланиб фарзандингиз текин таом,
Булғанур топ-тоза қони бўлғуси ҳалқум ҳаром,
Ор эмасму сиз учун олса агар «безори» ном,
Қиссалардан ҳиссалар айланг қабул, хуллас калом,
Тўғри йўлга кирса, эгриликка одат қилмағай.*


*Онда- сонда учрағай халқ ичра бундай беҳунар,
Бир масал бордир демешлар: «Бирники мингга урар»,
Келди лекин мардлардан гунёга мардоналар,
Шукр этарман, сўзларимдан кимки бўлса баҳравар,
Элга нафи бўлмаса, Чустий китобат қилмағай.*

ШАРҲ

Эй ота-оналар! Фарзандингизни яхши тарбиялаб ўстиринг. Чунки, «Қуш уясида кўрганини қилади» – ўзингиздан ўрганмаса, сизга тақлид этмаса, гўдак ҳақоратни қайдан ўрганади?! Шундай экан, фарзандга яхши хулқ

билан намуна бўлинг. Шунда у сизни халқ олдида хижолат қилмайди. Тарбиясиз ўсса қаноатсиз, фаросатсиз бўлиб қолади. Маънавий ва моддий зарар ёки фойдани англаш болада ёшлигида шаклланадиган хусусиятдир. Уларни севиб-эркалатиш яхши, аммо меҳрнинг ошкорасидан пинҳонаси аълороқдир. Ҳаддан зиёд эркалатилган фарзанд ҳамма жойда ортиқча бўлиб қолади. Ҳатто улғайганида ўзингизга ҳам итоат этмайди. Болангизнинг одоби мукамал бўлишини истасангиз, меҳнатга ўргатинг. Меҳнатсиз ўсган бола кейинчалик ҳаромдан ҳам ҳазар қилмайдиган, текинхўр бўлиб қолиши мумкин.

Ахир болангиз «безори» номини олса ор қилмайсизми? Бу сўзлардан хулоса чиқаринг. Ёшлигида иймон сабоғи берилиб, тўғри йўлга солинган боланинг келажаги саодатли бўлади. Халқ ичида баъзан ҳаёсиз, ҳунарсиз болаларга назарингиз тушгандир. Шундайлардан Худо асрасин. Зеро, «Бирники мингга урар», деган мақол бекорга айтилмаган. Аммо, асли тавозеъли, мард одамлардан бундай фарзанд дунёга келмас. Агар сўзларимдан кимдир баҳра олса, Худога минг бор шукр этардим. Зотан, Чустийга эл саодатини кўзлаб шеър ёзмоқ одатдир.



Бешинчи сабоқ:

«НАҚДИ ҚАНОАТГА
ЧУ ЙУҚТУР ФАНО...»

Сабру қаноат иймоннинг зийнати, жамиятнинг фароғатидир. Оламдаги ечимсиздек туюлган минглаб муаммолар сабр номли ҳикмат оғушида ечим топади. Сабру қаноат инсонга ҳалқ ичида иззат-обрў, охирада Аллоҳ таоло ризосидир. Бу синов дунёсидан фақат сабрли кишиларгина покланиб чиқадилар. Ҳолбуки, фоний дунё поклик нурлари билан чулғаниб турилган инсонни нопоклик тўрларига ўралиб қолишига ҳам «хизмат» қилиши мумкин. Бунинг боши эса сабрсизлик бўлади. Сабр иймоннинг бир устунидирки, Шарқда бу сўз, бу тушунчанинг олий даражот топиши шундан. Ҳазрат Навоийнинг сабру қаноат бобида ёзганлари Шарқ тафаккурининг нафис дурдоналаридандир.

Одамлар бойликни турлича тушунадилар. Кимдир уни олтин, кумуш, турли хил ва рангдаги пулларда, кимдир мансабу мартабада, яна кимдир шон-шуҳратда кўради. «Ҳайрат ул-аброр»да қаноат одобига шундай таъриф берилади:

*Кимгаки иш бўлди қаноат фани,
Билки, ани қилди қаноат фани-*

яъни қаноат кимнингки ҳаёт тарзи, яшаш мезонига айланган бўлса, у энг бой одамдир.

*Кулбада дарвешки, қониъ гурур,
Фойиқ эрур шоҳраки, томиъ гурур.
Чунки тамаъ бўлди гағолар иши,
Билки гағодур тамаъ этган киши-*

Фақир бир кулбада яшаётган мискин дарвеш билан ҳашаматли саройлар соҳибини қиёслаб кўрганмисан? Агар қиёсинг мезони қаноат бўлса-ю, дарвешда қаноат миқдори оғир келса, билки дарвеш шоҳдан устундир. Чунки қаноатсиз киши тамагир бўлади. Тамагирлик эса гағонинг иши.

*Қушлар аро шоҳки, анқо гурур,
Нуктае бу амрга пайдо гурур,
Бордур агар фикр ила топсанг вуқуф,
Қониъу анқога мувофиқ хуруф -*

Анқо қушларнинг шоҳидир. Бу ҳикматни чуқурроқ англашга ҳаракат қил. Агар чуқурроқ тафаккур қиладиган бўлсанг, «қонеъ» ва «анқо» сўзлари орасида мосликни топасан.

Демак, бойлик ҳам, мартаба ҳам инсонни том маънода тождор қила олмайди:

*Ҳиндуви лоиб бошида тож кўр,
Они қаро пул сори муҳтож кўр-*

яъни ўйинчи ҳиндунинг бошидаги тож унинг шоҳлигини билдирганида, у арзимас қора пул (чақа) учун эгилиб ўзини хору зор этармиди? Зеро, шоҳнинг муҳтожлиги «тож» ва «муҳтож» сўзларидаги ҳарфий мувофиқликдан ҳам кўриниб турибди:

*Шоҳ агар ул бўлсаки, муҳтождур,
Ҳарф ила «муҳтож»га ҳам «тож»дур.
Кимки қаноатдин эрур ҳужжати,
Яхши-ёмонга йўқ анинг ҳожати.*

Муҳтожлигини сабр билан сир сақлаганлар эл-юрт ўртасида обрў топади. Инсон табиати шундайки, тўрт мучаси соғ бўлиб, тиланган, ялинган кимсаларга нафратомуз қарайди. Аммо, сабр-қаноатли киши нафратини ошкор этмасликка ўзида куч топа олади. Муҳтожга садақа қилар экан, бир йўла учта яхшилик қилади ва олган савоби зиёда бўлади. Биринчидан, бир муҳтожнинг ҳожатини чиқариб,

безовта кўнглига малҳам қўяди; иккинчидан, бу билан жамиятда муайян мувозанат юзага келишига ҳисса қўшади; учинчидан, ўзида сабрдек улур фазилатнинг янада кучайишини таъминлайди. Машҳур файласуф Афлотун: «Гўзал ахлоқли инсон бадхулқ кишиларнинг қилмишларига сабр қилган кишидур», деган экан. Жамият гўзал хулқли инсонларга бой бўлганидек, бадхулқларга ҳам тўлиб тошган. Зеро, бадхулқлар томонидан келадиган зулмларга сабр этиш ўта оғир ишдир. Фақат, иймон соҳиблари учун бундай иш оғир эмас, балки савобу ажр топмоқ воситасидир.

Ривоят қилишларича «Ҳазрати Ойша онамиз (р.а.)нинг бадфеъл бир хизматкорлари вафот этибди. Ойша онамиз бундан ниҳоятда гамгин бўлибдилар. Бу ҳолни кўрганлар ҳайрон бўлиб сўрашибди:

-Нега бунча хафасиз?

Ойша (р.а.) онамиз шундай жавоб берибдилар:

-Марҳум ёмон хулқли эди. Унинг барча ёмонликларига сабр қилар эдим. Сабр билан топаётганим- ушбу савобдан ажраганимга хафаман».

Инсонлар билан муносабатда юзага келадиган озорлар, уларга қаноатли бўлиш ҳам Аллоҳнинг синовидир. Иймон, қаноат неъматига даъвогар ҳар қандай киши бундай синовга маҳкум. Берилувчи савоб даражаси ҳам сабрнинг миқдорига яраша бўлади. Ҳақиқий иймон эгалари Яратганнинг ҳар бир синовига Аллоҳнинг раҳмати ва марҳамати туфайли ноил бўладилар. Ўтган пайғамбарларимиздан ҳазрати Айюб алайҳиссаломнинг сабрлари шундай сабрга далил бўларлиқдир. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда марҳамат қилади: «Айюбнинг Парвардигорга нидо қилиб: «(Парвардигорим), мени бало ушлади. Ўзинг раҳм-шафқат қилувчиларнинг раҳмироғидирсан», деб илтижо қилган пайгани (эсланг). Бас, биз унинг (дуосини) мустажоб қилиб, ундаги зиён-заҳматни кетказдик ҳамда Ўз ҳузуримиздан меҳрибонлик кўрсатиб барча ибодат қилувчиларга эслатма-ибрат бўлсин деб, (Айюбга) аҳли-оиласини ва улар билан қўшиб яна ўшаларнинг мислича

бола-чақа ато этдик (21:83-84). «Қуръони Карим изоҳли таржимаси»да келган изоҳ; Айюб пайғамбар асли Рум мамлакатидан бўлиб, серфарзанд ва бой-бадавлат киши эдилар. Сўнгра бошларига оғир кунлар тушиб мол-дунёларидан ажрадилар, лекин қаноат қилдилар: болалари бирин-кетин ҳалок бўлишиб, улардан ҳам жудо бўлдилар, сабр қилдилар; саломатликларидан ажраб, энг оғир хасталикларга дучор бўлдилар, шикоят қилмадилар. Қачонки айрим кимсалар: «Бу энг ёмон гуноҳ-жиноятларни қилганки, худо унга шундай балоларни юборган», деганларини эшитгандан кейингина, сабр косаси тўлиб, Аллоҳ таолога илтижо қилиб, ўз ҳолидан шикоят қилган ва Тангри таоло ул зотнинг дуоларини ижобат қилиб, саломатликларини ҳам, мол-давлатларини ҳам қайтариб берган. Ҳалок бўлган етти ўғил, етти қизларига ҳаёт ато этиб, яна етти ўғил, етти қиз кўрганлар.

Мазкур оятдаги «барча ибодат қилувчиларга эслатма-ибрат бўлсин, деб» сўзларининг маъноси шуки, бошларига бирон бало тушган кишилар Айюб алайҳиссалом каби сабр-қаноат қилсалар, албатта, Аллоҳ таоло уларнинг балоларини кетказиб, аввалгидан ҳам зиёда неъматлар ато этади».

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда сабр қаноатли бандаси ва пайғамбари Айюб алайҳиссаломни «яхши банда» деб зикр этадики, нақадар олий даражот бу: «Дарҳақиқат, Биз (Айюбни) сабр қилувчи ҳолида топдик. У нақадар яхши бандадир. Ҳақиқатан у (Аллоҳ рози бўладиган йўлга) бутунлай қайтгувчидир» (38: 44).

«Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтадилар: «Сабр уч хил бўлади: тоатга сабр қилиш, мусибатга сабр қилиш ва гуноҳдан тийилиш учун сабр қилиш. Ким мусибатга сабр қилиб, уни гўзал суратда қайтарса, Аллоҳ унга уч юз даражани ёзади. Ким тоатга сабр қилса, Аллоҳ унга етти юз даражани ёзади ва ким гуноҳдан сабр билан тийилса, Аллоҳ унга тўққиз юз даражани ёзади. Ҳар даражанинг ораси ернинг тагидан то аршгача бўлган масофанинг икки баробаридир». (Дур-ул ажойиб. 31-фасл).

«Ибн Аббосдан шундай ривоят қилинади: «Аллоҳ таоло Лавҳул-махфузда ёзган биринчи нарса: «Мен Аллоҳман, Мендан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад менинг элчимдур. Кимки қазои қадаримга ўзини топширса, балоларимга сабр этса ва неъматларимга шукр қилса, уни сиддиқ деб ёзаман ва қиёмат кунинда сиддиқлар билан тургизаман. Ким қазои қадаримга таслим бўлмаса ва балоларимга сабр этмаса, неъматларимга шукр қилмаса, Мендан бошқа илоҳни топиб олсин»,
(Танбеҳул-рофилийн. Иккинчи китоб, 42-43 бет).

Ҳазрат Навоий ёзади:

*Чун бу жаҳон ичра тамаъкорлик,
Эл кўзига бермай анга хорлик,
Ҳашрда доғи кўпуб андин азоб
Кўнглида йўқ даҳшати явмул-ҳисоб...
Дунёву уқбода боруманд ўлуб,
Кимки Ҳақ эҳсонига хурсанд ўлуб...
Бўйла хаёлот била қонёъ бўлуб,
Истариган нафсига монёъ бўлуб.
Қоний эса ончаки мақдур эрур,
Тенгрию халқ омида маъзур эрур-*

яъни ҳаётда қаноатнинг душмани бўлмиш тамағирлик домига тушганлар бундай қусурларини элдан яширган одам омон қолади, деб ўйламасинлар. Зеро, қиёматнинг азоби қаттиқдир. Агар кимки Ҳақдан келган ҳамма нарсани сабр билан, эҳсон деб қабул этса, нафсининг истакларига тизгин сола олса, ундай одам Ҳақ ва халққа манзур бўлади. Ҳақ унинг гуноҳларини кечиради.

Демак, сабр қаноатнинг мезони иймонда, ажр мукофоти Аллоҳ ҳузуринда экан. Сабр йўлида чекилган ғаму изтироблар беҳуда эмас, комил иймон, ҳазрат Навоий айтмоқчи, «мақсади аслий» (жаннат) йўлидаги хайрли изтироблар экан.

«Ҳайрат ул-аброр»нинг XXXV бобида қаноатли ва қаноатсиз киши ҳақида ибратли бир ҳикоят келтирилган:

*Форс навоҳийсидин икки рафиқ,
Айлагилар Чин сори азми тариқ,
Бири азал қисмига қоний эди,
Қисмидин ортиқ бири томиъ эди.
Борур эдилар қилибон пўя фош,
Бўлди аён йўл уза бир сода тош.
Ёрими ерда, ёрими юққори,
Ул ёримигаки, бўлуб тошқори.
Нуктаи бас турфа қозилгон эди,
Чун ўқидилар-бу ёзилгон эди:*

яъни форс юртидан бўлган икки дўст Хитой томон сафар қилишди. Уларнинг бири тақдири азал ҳукмига қаноат қилувчи-сабрли, иккинчиси қаноатсиз-сабрсиз эди. Йўлда кетаётиб, ярми ерда кўмилиб ётган бир силлиқ тошга кўзлари тушди. Ўқиб кўрсалар, тошга шундай ҳикматли сўзлар ёзилган экан:

*«Ким киши гар эмгак ўтин ёндирур,
Тошни яна юзига айлантурур.
Анда битиклик гурур афсонае,
Ким бу навоҳий аро вайронае.
Борки, остида эрур турфа ганж,
Олгай ани ҳар киши кўрса бу ранж
Ҳар киши бу ранжидин ўлса йироқ,
Сабру қаноат боригин яхшироқ».-*

яъни «Кимки машаққатла тошнинг орқа томонини айлантурса, бир вайрона остида яширинган хазина ҳақидаги хабарни ўқийди. Агар меҳнатдан қочмаса, ўша хазинага эга бўлади. Ушбу сўзларга парво қилмаган киши учун эса сабру қаноатдан ортиқроқ хазина йўқдир».

*Томиъ ўқугоч мутаҳаттик бўлуб,
Томиъа ирқи мутаҳаррик бўлуб,
Ганж таманносига беркитти тиш,
Бўлди анга тош тубин қозмоқ иш-*

яъни тамагир хатни ўқигач, ҳаёсизлигини ошкор этди. Ундаги тамагирлик қони кўпириб кетди. Хазина васвасасидан тишларини жипслаштириб, тош остини кавлашга тушиб кетди.

Қониъ ул ишга чу назар айлади,
Қилмади парвоу гузар айлади.
Дегу: «Бу не меҳнати жонкоҳ эрур,
Ганжи қаноат манга ҳамроҳ эрур.
Ким сориким Тенгрининг эҳсони бор,
Тош ёрилиб чиқмоғи имкони бор»

яъни қаноатли киши бу тошга бепарво назар солиб йўлида давом этаркан деди: «Бу қандай вақт сарфлашга арзигулик хазина бўлдики, менинг қаноат хазинамдан ортиқ бўлсин. Агар Тангри хоҳласа тош ёрилиб, хазина менга пешвоз чиқишига шубҳа йўқ».

Йўлдин олиб кеча тонг отқунча баҳр,
Субҳидам олида аён бўлди шаҳр.
Шаҳрға эл киргали йўл кўп эди,
Улки бурун кирди, вале ул эди.
Бор эрди дарвозага сурмак ҳамон,
Ҳар соридин халқ югурмак ҳамон.
Бу эл аро расм бу эрмишки, шаҳ
Қилса бақо мулки сари азми роҳ.
Асраб они шаҳр элидин ёшурун,
Кимки саҳар шаҳрға кирса бурун,
Айлар эмишлар ани маснад нишин,
Бошиға тож илгига солиб нигин—

яъни сабри киши тонггача йўл юриб, саҳар пайти шаҳар дарвозасига етди. Шаҳарнинг дарвозалари жуда кўп эди. Аммо у улурлиги боис ҳаммадан олдин шаҳарга кирди. Дарвозадан кирар экан, халойиқнинг ўзи томон югураётганини кўрди. Кейин билсаки, бу элнинг подшоҳи ўлса, унинг ўлгани ҳаммадан сир тутилар, шаҳар дарвозасидан биринчи кирган киши эса, бошига тож қўлига шоҳлик узуги тақилиб, подшоҳ кўтарилар экан.

Они ҳам ул расм ила хайлу сипоҳ
Қилдилар ул мулку сипоҳ узра шоҳ
Ёрики, ранж ўзига олиб эди
Ганж таманносига қолиб эди.
Ранж била етмиш чу ўз жониға,
Тошни эвурди яна бир ёниға.
Хатқа боқуб кўрди бу мастур эрур:
«Хом тамаъ даҳрда ранжур эрур».
Они қаноат қилибон шаҳриёр,
Муни тамаъ ранж қилиб хокисор.
Қилма, Навоий, тамаъ элдин дирам,
Бор эса берсанг хуғ эрур ул карам —

Хуллас, қаноатли кишини шоҳ қилиб кўтардилар. Ганж васвасасига банди бўлган ҳамроҳи эса минг машаққат билан тошни бошқа томонини ўгирди. Ёзувни ўқисаки: «Тамагирлик азоб ва машаққат келтиради», деб ёзилган экан. Кўрингки, сабри кишининг сабри уни шоҳликка кўтарди. Тамагир эса, ўз феъли туфайли машаққат чоҳига тушди. Эй Навоий, халқдан тама қилишдан йироқ бўл! Имкон топсанг бошқаларга берки, сабру саховат шудир.

Қаноатли киши хазина эгаси бўлиш эҳтимоли бўлганда ҳам, Аллоҳга таваккал қилди. Сабр қаноатни энг катта бойлик деб билди. Тошдаги ёзувнинг—«Сабр қаноат боридан яхшироқ» деган ҳикматнинг мазмунига тушуниб етди. Натижада мусофир юртга шоҳ бўлиб кирди. Сабрсиз, тамагир киши эса, ўзини минг машаққатга солиб, ўзининг тамагирлигини, бадбахтлигини англаганида кечиккан эди.

Ҳикоятда рамзий маъно яширин. Бу ўринда Форсдан Чингача бўлган йўл-умр, шаҳар-жаннат, шоҳлик эса сабрининг «мақсади аслий»га етишувидир. Сабрсиз киши эса, умр йўлида сабрсизлиги учун аросатда қолди. Халқимиз ҳаётда учрайдиган бундай ҳолатларни «Сабр қилсанг ғўрадан ҳолва битур», «Тамагир кунда ғамгин» мақолларида доноларча муҳрлаган.

Қўшиқ матни

«ҚАНОАТДУР КЎНГИЛЛАРНИНГ
САФОСИ...»

Сўфи Омоёр сўзи

Худойинг ҳар не берса, қил қаноат,
Юракни қилма миннатдин жароҳат.
Қидирган бирла ризқинг қатра тошмас,
Кетар қадринг, қадардин ҳаргиз ошмас.

Нақорат:

Қаноатдур кўнгулларнинг сафоси,
Қаноат барча илатнинг давоси.

Агар чандеки бўлсанг бибизоат
Сулаймонсан, агар қилсанг қаноат.
Қаноатким, табиби ҳар касалдур.
Қаноат аҳлига оғу асалдур.

Нақорат:

Қаноатдур кўнгулларнинг сафоси,
Қаноат барча илатнинг давоси.

Қаноат маъданига оч кўзинг оч
Тама бўйи кўринмай, бўйидин қоч,
Ғараз дунё бўлуб, э оғамийзот,
Азиз умрингни ҳаргиз қилма барбоғ.

Нақорат:

Қаноатдур кўнгулларнинг сафоси,
Қаноат барча илатнинг давоси.

ШАРҲ

Эй, одам фарзанди, сабру қаноат кўнгилларни қоплаган илатни даволайди. Шундай экан, бас, Аллоҳ нима берса қаноат қил, ўзинга ўхшаган ожиз бандаларга муте бўлиб, миннат остида қолиб кетма. Ҳолбуки, югуриб, елмоқ билан келувчи ризқ ҳам тақдирингда бўлсагина келади. Ўта қашшоқ бўлсанг-да, сабр қилсанг Пайғамбар ва подшоҳ Сулаймон каби бадавлатсан. Чунки, қаноат ҳар қандай касалнинг давоси, қолаверса, сабрлиларга оғу сабри боис асал каби татийди. Сабр олтин бўлса, унинг душмани тамагирликдир. Ундан эҳтиёт бўлки, тамагирлик азиз умрингни бемаъно ўтишига, ҳатто барбод бўлишига сабаб бўлиши мумкин.



«КИМКИ ВАФО ҚИЛДИ
ЖАФО КЎРМАДИ»...

Комил иймон йўлидаги муҳим шартлардан бири бу вафодир. Вафо инсон умрининг мазмунини, жамиятдаги мавқеининг моҳиятини белгилайдиган йирик мезонлардан бири ҳисобланади. Вафо ва вафосизлик ваъданинг ижроси ёхуд хилофи билан рўй беради. Шунга қараб иймон синалади. Бир муслимга бошқа инсонлар томонидан баҳо берилади. Вафо калимасининг тарихи «Ал-мисоқ» деб аталувчи узоқ мозийга бориб тақалади. Ҳали осмонлару ер яратилмаган пайтда Аллоҳ таборак ва таоло отамиз Одам алайҳиссаломдан бошлаб қиёмат кунигача дунёга келадиган одамларнинг руҳларини яратган. Ва улардан: «Мен сизларнинг барҳақ Тангрингиз эмасманми?», деб сўраганида жами инсониятнинг руҳлари «Албатта, Сен бизни Яратгувчимиз, барҳақ Парвардигоримизсан», дея жавоб беришган. Ҳисоб кунда инсон мана шу ваъдасига бўлган вафоси ёки вафосизлигига қараб, ажр ёки азобга ҳукм қилинади (Носириддин Бурҳониддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. -Т.: Ёзувчи, 1990, 22-бет). Шу боис ҳам, Шарқда вафо тушунчаси фақат ижтимоий маънода эмас, балки ўта кенг маънода қўлланади. Янада аниқроғи, вафонинг ижтимоий мазмуни илоҳий мазмун моҳият билан уйғунлашиб кетади. «Ҳайрат ул-аброр»даги вафо талқини ҳам мана шундай теран мазмунга, бадиий талқинга қаратилган.

Ҳазрат Навоий «Ҳайрат ул-аброр»нинг XXXVI бобида вафонинг асосан уч жиҳатига эътибор қаратади. Биринчи жиҳат, Аллоҳ яратган махлуқотларнинг бари ўз жуфти билан

яратилганлиги, борлиқ мувозанати шу жуфтлараро вафонинг даражаси билан белгиланиши ҳақидаги умумбашарий қарашларни ифода этади. Навоий талқинига кўра вафо:

*Бу гуру ноёб вафому экин,
Гар ул эмас, меҳригиёму экин?
Меҳригиё демаки, анқодур ул,
Жавҳару фарғу гуру яктодур ул-*

яъни бу ноёб дур вафо деб аталадими? Ёки уни меҳригиё дейиш тўғрироқмикан? Йўқ-йўқ у меҳригиё ҳам эмас, топилмас анқодир, оламда ягона дуру жавҳардир. Вафодан йироқ бўлган махлуқот алал-оқибат ўз моҳиятидан узоқлашади:

*Фарғ киши даврга топмас наво,
Ёлғиз овучдин ким эшитмиш садо-*

яъни қарс бир қўлдан чиқмаганидек, ёлғиз одам ҳаётдан сассиз- садосиз ўтади.

*Тошки чақмоқдин ўлгай йироқ,
Тийра тутар иккисини ул фироқ,
Бир-бирига чун етишурлар гама,
Равшан ўлур ўтрусидин оламе -*

ҳатто тош ҳам ўз жуфтидан фироқда бўлар экан ҳеч, нарсага ярамайди. Уларнинг висолдан эса олам ёришади.

*Синса уқоб эғни уза бир қанот
Тез учар, лек анга бир дам ҳаёт-*

Бургутнинг бир қаноти синса, у ўлимга маҳкум бўлади. Хуллас, вафо шунчалар ноёб туйғуки, унга хиёнат қилинса, ҳамма нарса ўз моҳиятини йўқотади. Вафо деган олий туйғуга нисбатан сидқда ҳаракат, ривожланиш, тараққиёт бор. Аммо, кишилиқ дунёси вафо шевасига хиёнатдан чарчамайди. Ҳар кун минглаб вафосизликлар рўй берадики, бу янгилик эмас. Худбин инсон ўз манфаати,

роҳат-фароғати йўлида вафони поймол этади. Бундан ҳеч бир хижолат чекмайди. Бири сўзда, бири фаолиятда, бири руҳиятда, бири фаровонликда, бири жангу жадалда вафога хиёнат этади. Шу сабабдан инсонлик жамияти номукамал. Шунинг учун ҳам, дунёда вафосизлир кўп. Вафога содиқ кишига эса доимий алам-изтироб ҳамроҳ.

Ҳазрат Навоий вафо ҳақидаги қарашларининг иккинчи жиҳатини шундай тушунчалар ташкил этади. Дунё аҳлидан:

*Ҳар кишига қилди биров бир вафо,
Махласи йўқтур кўрубон минг жафо-*

яъни ким бировга бир вафо қилса, ортидан минг жафо кўрадики, унга нажот йўқдир.

*Кон неча базли гуҳари пок этар,
Олғучи кўпрак юрагин чок этар.
Шамъ ёрушуб эв ичи-тошини,
Эв ияси кўпрак узуб бошини-*

яъни кон қанча саҳийлик билан бағридаги гавҳарни чиқарса, кончи шунчалик шафқатсизлик қилиб, унинг бағрига чўқмор уради. Шам уйнинг ичи-ташини чароғон қилгани сари уй эгаси пайдар-пай унинг бошини узади.

*Ёр эрур андоқ гуҳари бебаҳо,
Ким анга муҳтож не шоҳ, не гадо.
Ушбу сифат ёрки марқум эрур,
Войки бу даврда маъдум эрур.
Бўлса доғи топмоғи осон эмас,
Жисми башар ичра хуғ имкон эмас-*

яъни вафоли ёр шундай бебаҳо гавҳарки, шоҳ ҳам, гадо ҳам унга муҳтождир. Аммо афсуски, бу оламда бундай гавҳар ноёб. Агар бўлганида ҳам уни «жинси башар»-одамлар орасидан излаш беҳуда.

Ҳазрат Навоийнинг «жинси башар» ўртасидаги вафо хусусида келган хулосаси шу. Бу асло шоирнинг тушқун

кайфиятидан эмас, балки юксак тафаккур, билим ва тажрибасидан келиб чиққан фожеий хулосасидир. Кўпгина Фарб мутафаккирлари ҳам жаҳон аҳли ҳақида шундай хулоса чиқарганлар. Умидсизликлари уларни фожиали ўлимга ёки таркидунёга олиб келган. Аммо, Навоий умидсиз эмас. Чунки, у фожеага йўлиққан Фарб мутафаккирларидан фарқли ўлароқ эътиқодли, мусулмон мутафаккир. Унинг иймони бор. Шу боис ҳам, фоний дунё рафтори уни фожиага олиб келмайди.

Навоийнинг вафо ҳақидаги қарашларидаги учинчи, энг сўнгги ҳал қилувчи хулоса Тангрига вафодорлик ва Аллоҳнинг ўз бандаларига вафодорлиги хусусидаги хулосадир. Дарҳақиқат, инсонлар бир-бирларига озор бергувчидирлар. Жаҳон аҳлидан вафо топмоқ душвор. Аммо, бундан қайғуланиш лозим эмас. Агар кимки ҳақиқий Ёри-вафодорини таниган бўлса қайғурмайди. Чунки, Аллоҳ ҳеч қачон хиёнат этмайди. Уни танимаслик фожиаси ҳақида Навоий бир мухаммасида шундай фикр билдиради:

*Вой ул бедилгаким қолғай тирик дилдорсиз,
Бир иёсиз ит киби эрди Навоий ёрсиз,
Қилмағил, ё Рабки, ҳаргиз банда султондин жудо-*

яъни у қалби кўр инсоннинг ҳолига войким, Худосиз яшаб юрибди. Шукрки, Навоий Яратганни танийди. Агар у ҳам Худосиз бўлганида бир эгасиз итдан қандай фарқи қоларди? Эй Парвардигор! Сенинг борлигингни англамай бедин бўлиб яшашдан ўзинг асра!

«Ҳайрат ул-аброр»да эса шундай мисраларни ўқиймиз:

*Ҳар киши оламга эрур ёрсиз,
Бир сагафегур гури шахворсиз-*

яъни дунёда Аллоҳни танимамай яшаган одам бамисли ичи бўш садафдир. Кўринадики, ҳар икки талқинда ҳам динсиз, худосиз кишилар қалби йўқ дея таърифланмоқда. Қалби йўқ киши эса ҳайвон билан баробар. Навоий айтмоқчи, «эгасиз ит каби»дир.

«Ҳайрат ул-аброр»да ваъдага хилоф қилишдек нуқсондан тамомила пок ягона зот-Аллоҳнинггина ваъдаси ҳақ экани тараннум этилади:

*Кимки вафо кўрди, жафо қилмади,
Ўтрусига ғайри вафо қилмади-*

Вафо қилганлар, яъни, «Ал-мисоқ»да Аллоҳга берган ваъдасига содиқ қолганлар, одамларнинг вафосизлигидан кўп ғамгин бўлавермайдиларки, вафога вафо билан жавоб қилгувчи Зот бор. Унинг вафосидан келадиган саодат ва фароғат олдида дунё неъматлари сариқ чақага ҳам арзимамайди.

*Ким ангаким қилса жаҳонин фиго,
Этса онинг меҳрига жонин фиго.
Чекса юкин ончаки тўққуз сипеҳр,
Ул доғи бир заррача кўргусса меҳр...
Шукрин анинг вирди забон айласун,
Кўнглингни меҳрига макон айласун...
Десун ани гавҳари кони вафо,
Кони вафо йўқки, жаҳони вафо...
Ким сифати сифмағай авроқ аро,
Демайин авроқки, офоқ аро-*

яъни кимки Унинг меҳри йўлида жону жаҳонини бағишласа, тўққиз осмон ҳажмида меҳнат чекса-ю, У заррача меҳр кўрсатса, шукрини тилидан қўймасин, қалбини Унинг меҳрига макон қилсин. Чунки ўша, заррача меҳр меҳру-вафонинг конидурки, бу вафонинг таърифидан оқ варақ тугул жами осмонлар уфқига ҳам сифмайди.

Кўринадики, ҳазрат Навоий том маънода вафони Яратанга бўлган вафода, иймонда, деб талқин этипти. Фоний дунёдаги вафосизлик иймон эгаси учун у қадар катта фожиа эмас, балки ажру савоб учун воситадир. Вафосизларга-да вафо қилмоқ иймон белгисидир. Бунинг ажри эса чандон кўпдир. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда мана шундай ваъдасига вафодор кишилар хусусида марҳамат қилади: «Албатта иймон

келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар -ана ўшалар яратилмиш жонзотларнинг энг яхшисидирлар. Уларнинг Парвардигорлари ҳузурдаги жазо-мукофотлари остидан дарёлар оқиб турадиган мангу жаннатлардир. Улар ўша жойда абадул-абад қолгувчидирлар. Аллоҳ улардан рози бўлади, улар (Аллоҳдан) рози бўладилар. Бу (мукофот) Парвардигоридан кўрққан киши учундир» (98: 7-8).

Расуллуллоҳ (с.а.в.)дан ворид бўлган ушбу ҳадиси шарифда чин маънодаги вафонинг моҳияти акс этган:

«Расуллуллоҳ (с.а.в.) айтганлар:

Кимда қуйидаги уч хислат бўлса, унга иймон ҳузур ҳаловат бахш этгайдир:

- Аллоҳ ва Расулини ҳаммадан кўра яхши кўрмоқ;

- яхши кўрган кишисини фақат Аллоҳни деб яхши кўрмоқ;

- ёмон кўрган кишисини фақат Аллоҳни деб ёмон кўрмоқ»(Ҳадис. Ал-жомий ас-саҳиҳ. I жилд.-Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991, 15-бет).

Зеро, иймон ҳаловатини топмоқ, комил иймон соҳиби бўлмоқ ҳам вафо билан боғлиқ ёки Пайғамбаримиз (с.а.в.) зикр этган ушбу уч фазилат вафоли кишилар учун хосдир.

Шоир Писандий бир ғазалида жуда тўғри таъкидлаганидек:

Вафо мифтоҳи жаннатдур, хилофи-қайғу ҳасратдур,

Киши Ҳақ васлига восил бўлур расми вафо қилса -

яъни вафо жаннатнинг калитидир, вафосизларнинг қисмати эса қайғу-ҳасрат макони дўзахдир. Вафоли кишиларни ҳатто жаннатдан ҳам аълороқ мукофот кутади. Бу - Аллоҳнинг васли, жамолини кўриш саодатидир.

Аллоҳ таолога берган ваъдалари, яъни иймонларига вафодор инсонлар ўткинчи дунё изтиробларидан ғамгин бўлсалар-да, ваъдаларида содиқ қоладилар. Рамла бинти Абу Суфён ёки Умму Ҳабиба (р.а.) исми саҳоба аёл (кейинчалик Расуллуллоҳ (с.а.в.)нинг завжалари) ҳаётларига доир ушбу ҳикоя фикримизга далилдир.

«Улуғ ҳикмат соҳиби Аллоҳ Умму Ҳабибани ҳар қандай пухта пишиқ эркаки доводиратиб, ақлини шошириб қўядиган имтиҳон билан синашни ва ундан ёруғ юз ила олиб чиқишни ирода этди.

Бир кеча уйқуга чўмган Умму Ҳабиба туш кўрди.

«Гўёки эри Убайдуллоҳ ибн Жаҳш денгизнинг тубида қоқилиб-суқилиб юрганмиш. Атрофини бири-биридан қуюқ зулматлар ўраб олган, аҳволи ниҳоятда аянчлимиш...»

Аёл чўчиб уйғонди. Уйқусида кўрганларини ҳеч кимга айтмади, аммо бехосият туш кўп куттирмай рўёбга чиқди. Ўша машғум тундан кейинги кундуз ниҳоясига етмасдан Убайдуллоҳ ибн Жаҳш динидан қайтиб, насроний бўлиб кетди. Қовоқхонада бир неча ароқхўр ҳамтовоқлари билан бирга ароқдан бош кўтармай қўйди. Умму Ҳабибанинг олдига енгили ҳам офир бўлган иккита шарт қўйди:

Ёки талоқ...

Ёки насронийлик...

Умму Ҳабибанинг рўбарўсида учта йўл турарди:

Тинмасдан насронийликка даъват қилаётган эрининг гапига кирса, Аллоҳ сақласин, динидан қайтиши керак. У ҳолда дунё шармандалиги ва охира азобига гирифтор бўлиши тайин. У бу йўлни ўла қолса ҳам танламайди, агар темир тароқ билан гўштини суякларидан ажратиш ташласалар-да... Мабодо Маккага отасининг уйига қайтса, у ҳанузгача ширк қалъасининг қалъадори, кейинги ҳаётини хору-зор ҳолатда кечиришга тўғри келади.

Учинчи йўлни танласа, эри-ю қариндошларидан узилиб, ватани-ю, қавмидан Мосуво, Ҳабаш диёрида ёлғиз ўзи яшашга маҳкум.

Умму Ҳабиба Аллоҳ азза ва жалланинг ризосини барча нарсдан ортиқ билди ва то меҳрибон Парвардигор Ўзининг ҳузуридан енгиликни келтиргунча олис юртда танҳо яшаб туришга азму қарор қилди.

Умму Ҳабибанинг интизорлиги узоқ чўзилмади. Насронийликни қабул қилганидан сўнг кўп яшамаган

эридан ажралган аёлнинг талоқ иддаси ниҳоясига етиши билан енгилик келди. Ҳеч кутилмаганда маҳзунлик кайфиятига чулганган унинг томига юракни энтиктирувчи хуш хабар зумрад қанотларини қоқиб келиб қўнди...

Кумушранг куннинг чошгоҳ пайтида тақиллаган эшикни очган Умму Ҳабиба остонада подшоҳ Нажошийнинг хос канизаги Абраҳани кўрди. Абраҳа одоб билан салом берди. Изн сўраб киргач, деди:

- Подшоҳимиз сизга салом йўллайдилар ва айтадиларки, Аллоҳнинг элчиси Муҳаммад сизга уйланмоқ ниятида эканлар. Жаноби олийларига мактуб юбориб, у кишини ўзининг тарафидан вакил-совчи қилибдилар. Сиз ҳам ўзингиз хоҳлаган кишини вакилликка танланг (Саҳобалар ҳаётидан лавҳалар. - Т.: Камолот, 1998, 68-69 бет).

Дарҳақиқат, иймонли кишилар ваъдасида собит кишилардир. Уларга Ҳақдан омонлик, улардан ўзгаларга фақат яхшилик келади. Бу эса вафодорлар учун икки дунё саодатидир. Халқ томонидан «Ваъда- вафоси билан гўзал» мақоли бежиз айтилмаган.

Қўшиқ матни

АЙРИЛМА

Махтумқули сўзи

Мастона юргунча гайри юртинга,
Ўйнаб ўсган ўз юртингдан айрилма,
Мағрур каклик каби нафснинг гардинга,
Дома тушуб, қанотингдан айрилма.

Таваккал эт Ҳаққа сиринг Биру бор,
Сабр айлағил, сабрсизлик ҳам бекор.
Ҳар қайга борсанг ҳам насибангдур бор,
Бой бўлай деб иззатингдан айрилма.

Номардлар ҳам муханнаслар, ночорлар,
Тузингни еб, ишинг бўлса қочарлар,
Сирингни фош айлаб, айбинг очарлар,
Таълим берган устозингдан айрилма.

Ғадоларнинг кўнгли шоҳлик истаюр,
Ногон тили ёлғон сўзни рост геюр,
Беқаррлар душманингни дўст геюр,
Қадринг билган улфатингдан айрилма.

Кимлар қашшоқ бўлар, кимлар бой бўлар,
Ҳар кимсанинг бахти-иқболи билар,
Ҳар не келса бошга-тилингдан келар,
Махтумқули Ҳақ ёдиндан айрилма.

ШАРҲ

Эй, одам фарзанди, мўмин бўламан десанг вафо шевасига содиқ бўл. Юртингга вафосизлик қилиб, маст одам каби ўзга юртларда дайигунча, ўз юртингга вафоли бўл. Нафсинг сени ҳар нега ундаши мумкин. Нафс тузоғидан эҳтиёт бўлки, мағрур каклик ҳолига тушиб қолмагин. Неки вафоинг, сиру сифатинг бўлса, Ягона Аллоҳга қилгин. Сабр ҳам вафодир, сабрсиз эса вафосиздир. Дунё молига кўнги қўйма, Аллоҳга берган аҳдингда содиқ қолсанг, насибангни бергувчи Удир. Оламда шундай номардлар ҳам борки, тузингни еб, сирингни билиб олиб, кейин ваъдаларини бузадилар. Улардан нари юр. Донолар билан бирга бўл. Баъзан нафс гадода шоҳликка, нодонда ёлғонни рост дейишга, ақсизларда душманни дўст дейишга истак уйротади. Аммо, сен дўст танлашда адашма. Вафодорларнигина дўст тут. Бой ёки қашшоқ бўлмоқда ҳам Аллоҳнинг ҳикмати бор. Тил ва дилинг билан Ҳақ ёдини қилгин. Унга берган ваъданга сидқ кўрсат. Тилдан келгувчи бадбахтликдан Ўзидан паноҳ сўра.

«КИМКИ БУ ДАВРОНДА ҚИЛУР РОСТЛИҚ...»

Лафзда рост бўлиш инсоннинг инсонлигига далолат қилгувчи фазилат ҳисобланади. Жамиятда бирор инсоннинг ўрни, қандай одам экани унинг лафзига қараб белгиланади. Зеро, одамлар бир-бирларига фақат зоҳирий томондангина баҳо бера оладилар. Ботиний дунё эса фақат Яратганга ҳавола. Аммо, кўпинча зоҳирда рост сўзи билан танилган одам аслида ҳам яхши одам бўлиб чиқади. Ростгўйлик иймон далолатидир. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳали пайғамбарлик даврларига қадар ҳам ўзларининг чин сўзлашлари билан қабиладошлари орасида маълум ва машҳур эдилар. У зот (с.а.в.)ни жоҳилият даврида ҳам «Амин» деб аташар эдики, бундай улғу сифат эгаси бўлмоқ ўта офир иш. Ростнинг зидди бўлган ёлғон эса мунофиқлик белгисидир. Мунофиқлар икки дунёда лаънатландилар. Улар бу дунёда жамият учун энг зарарли кимсалардирлар. Охиратда эса барча ёмонликлари ўзларига уради. Ёмонликлар, фитначилик, мунофиқликдан Аллоҳнинг ўзи асрасин. Омин.

«Ҳайрат ул-аброр»да ростлик яхши фазилатларнинг яхшиси, дея таъриф этилади. Ростлик бобида битилган ўнинчи мақолатнинг биринчи байтидаёқ ростгўйликнинг чуқур ижтимоий моҳияти ўз ифодасини топган:

Ҳар кишиким тузлук эрур пешаси,
Кажрав эса чарх не андешаси -

яъни тўғри, ростгўй одамга ҳаётнинг номукаммаллигидан нима ҳам. Бундан келадиган хулоса шуки, дунё мунофиқлар учун тор ва алам-изтироблидир. Ростгўй одам эса, ҳар қанча ҳам-алам кўрмасин, оқибатда Худонинг ажридан умид қилади. Шу умид ундан ҳамгинликни кеткизади. Шунинг учун ҳам:

*Найза бўлуб тузлиғидин сарбаланд,
Чирмош учун бандга қолиб каманд.
Шам бўйи туз келиб айвон аро,
Шоҳиди базм ўлди шабистон аро...
Туз гурур эгри қили то соз эрур,
Эгри бўлур эмдики, носоз эрур-*

яъни найза рост қомати боис жангчиларнинг бошидан ҳам юқорида туради. Команд эса эгрилиги учун чулғаниб қолади. Шам тўғрилиги боис шоҳона базмларни томоша қилади. Эгри сим тўғрилигида соз (чолғу асбоби) эди. Аммо эгилганда, создан ажраганида, унинг созлигига путур етди.

Тўғрилик бутун махлуқот учун зарур фазилат. Одамзотнинг энг саодатли дамлари, фоний дунёда туриб, Яратган билан қиладиган мулоқати-номозда, қиблага ўнгангандагина мукаммал бўлади:

*Тузмаса меҳробини аҳли ниёз,
Эгри боқуб рост эмасдур намоз.*

Аллоҳ подшоҳлик ва пайғамбарлик мартабаси билан сийлаган Сулаймон алайҳиссаломнинг имкониятлари ҳали инсон зотидан бошқа бировга берилмаган. Бойлик, куч-қудрат, деу париларга амирлик, саховатда ягоналик, мислсиз ҳусн буларнинг барча-барчаси Ҳазрат Навоийнинг талқинича:

*Тузлук ўлуб охир анга дастгир,
Тузлук ила халқ анга фармонпазир-*



яъни унинг бундай сифатлар эгаси эканига сабаб ростгўйлиги эди. Халқ ҳам унинг фармонига итоатда ҳамда унга яқин бўлди.

Ҳазрат Навоийнинг талқинига кўра:

*Ҳар кишиким, истаса тузликқа равр,
Англадик ониким, эрур икки тавр:*

яъни кимки ростликнинг ҳақиқатини билмоқ истаса, у икки хилдир. Буларнинг биринчиси:

*Бир буки, туз бўлса кишининг сўзи,
Йўқ сўзиким, ҳам сўзи-ю ҳам ўзи-*


яъни кимнинг сўзи ҳам, ўзи ҳам рост бўлса зоҳири ва ботини билан уйғунлик касб этса, иккинчиси:

*Бир буки, ёлғонга таасуф била,
Тўғри дегай, сўзни такалуф била-*

яъни ботинан ёлғон сўзлашни истаса ҳам, ўша ёлғонни енга олса ва рост сўзни сўзласа, бундай хусусиятли кишининг иккиси ҳам ростгўй ҳисобланади. Аммо ростгўйликда биринчиси устунроқ туради.

*Яхшидур аввалғиси хуғ бегумон,
Лек иккинчиси ҳам эрмас ёмон.*

Тўғри, дейди Навоий, ростлик доим ҳам соҳибига яхшилик, фаровонлик келтирмайди. Кўпинча рост сўзлагани учун одамнинг боши кетиши, мол-дунёсидан, обрў-эътиборидан ажралиши мумкин. Ёлғон ва мунофиқлик бу дунёда эгасини бойлик ва мартабага, шон-шухратга чулғашти ҳам рост. Аммо, ҳар не бўлганда ҳам, ростлик ҳақ, ёлғон ботил ишидир. Ботилдан йироқ бўлмоқ эса иймонлиларга хосдир. -Аммо:



Ул кишиким, тузлик эрур шон анга,
Душман эрур гардиши даврон анга-

яъни ким ростгўйлик билан шон-шавкат топган бўлса,
билки даврон гардиши унга душманлик қилади.

Келди йилон жисмига печу шиканж,
Мухрагур оғзидау остида ганж.

яъни илон танаси эгри-бугри бўлгани учун, оғзида заҳар
билан доимо хазина устида ётади. Не бўлганда ҳам:

Эгрию туз васфи муҳаққак гурур.
Бошил эрур эгрию туз ҳақ эрур-

яъни ростгўйлик ва мунофиқлик ҳақидаги сўзларим
ҳақиқатдир. Ростгўйликнинг ҳақ, мунофиқликнинг ботил
амал экани ҳам чиндир.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда барча инсонларни бошқа
амаллардан қайтариб, ростгўй бўлишга амр этади: «Уларнинг
орасида «Аллоҳ бизга ўз фазли карамидан (мол-давлат)
ато қилса, албатта биз камбағалларга садақотлар қилурмиз
ва солиҳ бандалардан бўлурмиз, деб Аллоҳга аҳд- паймон
берадиган кимсалар ҳам бордир. Энди қачонки (Аллоҳ)
уларга ўз фазлу карамидан (мол-дунё) ато қилса, унга
бахиллик қилурлар ва юз ўгирган ҳолларида кетурлар.
Бас, (садақотлар берурмиз) деб Аллоҳга берган ваъдаларига
хилоф қилганлари ва иймон келтирганмиз деб ёлгон
гапиргувчи бўлганлари сабабли (Аллоҳ) уларга то унинг
Ўзига рўбарў бўладиган кунгача дилларида нифоқ
бўлишини оқибат қилиб қўйди» (9: 75-77).

Абдуллоҳ ибн Масъуддан (р.а.) ривоят қилинган ҳадисда
Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай марҳамат қиладилар:
«Ўзларингизга тўғри сўзни (сидқ)ни лозим тутинглар, чунки
тўғри сўзлик яхшиликка, жаннатга йўллайди. Киши тўғри
гапиришлиқда давомли бўлса ва тўғриликни қасд қилса,

Аллоҳ наздида сиддиқ деб номланади. Ёлгончиликдан
сақланинглар! Чунки ёлгончилик фужур ишларга йўллайди
ва фужур жаҳаннамга етаклайди. Киши ёлгон гапиришлиқда
давом этса ва ёлгончиликни қасд қилса, Аллоҳ наздида
ёлгончи деб номланади». «Танбеҳил рофилийн» муаллифи
Абу Лайс Самарқандий Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг
«Гапирсангизлар тўғри сўзланглар». деган ҳадисларига
шундай изоҳ беради: «Гапирсангизлар тўғри сўзлангизлар»
бунда кўзда тутилгани тавҳид калимасидир ва бошқа
калималар ҳам кирган. Яъни, вақтики «Ла илаҳа илalloҳ»,
деса унинг сўзи ўзи учун тўғри бўлади ва одамлар учун ҳам
тўғри бўлади» («Танбеҳил рофилийн» 1-китоб, 146.б.).

Дарҳақиқат, ростгўйлик шунчалар улуғ, ёлгончилик шу
қадар тубанки, ақли расо кишилар бу ҳақда азалдан ўгит
бериб келадилар. Хусусун, «Ҳайрат ул-аброр»да ушбу
мавзуга доир ҳаммага маълуму машҳур «Шер билан
Дуррож» (қирғовул) ҳикояти келтирилади. Юсуф
Таваслийнинг «Ҳикматлар хазинаси» китобида айни
мавзуда «Ёлгончининг уйи ёнса-да ҳеч ким индамайди»
сарлавҳаси остида бир ибратли ҳикоят баён қилинган:

«Бир вақтда чўпон йигит:

«Сурувларимга бўри ташланди, бўри, бўри!», деб
ёлгондан дод солди. Қўшни чўпонлар тез тўпланди, аммо
бўри йўқ эди. Қўшни чўпонлар:

- Бўри қани, қаерда?! деб сўрадилар.

Ёлгончи чўпон:

- Ёлгондан бақирдим, сизларни алдадим, - деди

У яна бир кун: «Бўри, бўри, бўри қўйларимни таламоқда»,
деб бақирди. Аммо қўшни чўпонларнинг бирортаси ёрдамга
келмади. Ёлгончи чўпоннинг ёлгон сўзлари, деб ўйладилар.
Аслида ўша куни чўпоннинг сурувига бўри оралаган эди.
Бўрилар ёлгончи чўпоннинг қўйларини бўғизлаб кетди»
(Т., Наврўз, 1994, 44-бет).

Навоий келтирган ҳикоятда Дуррожнинг ёлгончилиги ўлимга олиб борганини яхши биламиз. Келтирилган ҳикоятда эса ёлгоннинг оқибатида чўпон қўйларидан ажралди. Аммо, ёлгоннинг бундан-да хавфлироқ томони борки, ёлгон сўзлаш иймондан ажратиши ва алал оқибат жаҳаннамга етаклаши турган гап, бундан Худо асрасин. Халқимиз ёлгончилар ҳақида: «Ёлгончи чин диёлмас, Чин деса ҳам эл ишонмас» - дейди.

Қўшиқ матни

**«ҚИЛИЧ БОШИНГА КЕЛСА,
АЙМА ЁЛГОН...»**

Сўфи Оллоёр сўзи

*Кел, эй содиқ(ки), қилдинг, сидқ лофин,
Ўланда қилмағил ваъда хилофин.
Хилоф этган забунлардин забундур,
Бу дунёву у дунё сарнигундур.*

*Хилоф этсанг агар айган сўзингдин,
Кўтар эркаклик отини ўзингдин.
Сўзин бузгон кишини яхши эрлар:
«Қусиб қайтиб ани ичганча», - дерлар.*

*Қилич бошинга келса айма ёлгон,
Ўлимдигдур батар чунки, у ёлгон.
Агар ёлгончиликда ўтса отинг,
Қиёматда нечук бўлғай уётинг.*

*Кишининг ваъдасиким, бўлмаса рост,
Муҳаббат аҳдин андин қилмағил хост.
Сўзин бузгон киши бузмасми иймон?
Ул кимса бирла қилма аҳди паймон.*

ШАРҲ

Эй содиқлик лофини урган банда! Сўзингда рост тур ва ўлганда ҳам ваъданга хилоф қилма. Кимки рост сўзга хилофни одат қилса, унинг икки дунёси куйгани шудир. Сўзингга вафо қилмас экансан, ўзингни инсон ҳисоблама. Чунки, ваъдабозлик инсонга хос эмас. Бундай кишини одамлар: «Қусирини қайтиб ичган», дейишларини ҳам унутма. Ёлгон сўзлаш шундай бир кулфатки, бундай кулфат ўлимдан ёмондир. Бошингга қилич ёлонроқлаб турсалар-да, ёлгонга мағлуб бўла кўрма. Умринг ёлгончилик билан ўтса, Қиёматда ҳолинг не бўлади. Ахир уялиб қоласанку! Рост сўзга хилоф қилгувчилар Яратганга муҳаббатдек улур неъматдан ҳам бебаҳрадилар. Сўзини бузганларда иймон бўлмайди. Ундайлардан йироқ бўлганинг маъқулроқ.



«ЭМДИКИ ИЛМ ЎЛДИ
АМАЛ АЙЛАГИЛ»...

Илм- маърифат Аллоҳнинг бани Одамга туширган неъматлари ичида энг улувидир. Илм инсонни бошқа махлуқотлардан устунлигини таъмин этувчи неъмат Алиймдир. Инсон Яратганни, ўзини, борлиқ-оламни англамоғи учун илм лозим. Инсон жамият бўлиб фаровон яшамоғи учун илм лозим. Аллоҳ таоло отамиз Одам алайҳиссаломни яратиб, энг аввал унга жамики мавжудотларнинг исми-моҳиятини ўргатди. Илм бериб фаришталардан устун қилди. Барча фаришталар Одам алайҳиссаломнинг ўзларига эмас, У зотга Аллоҳ ўргатган маърифатга таъзим бажо қилдилар. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга ваҳий бўлиб келган Қуръони Каримда илк оятнинг илк сўзлари ҳам «Иқроъ»-ўқи деб бошланади. Лаънатланган шайтон Одам алайҳиссаломга сажда қилишдан бош тортиб, Аллоҳнинг ғазабига гирифтор бўлар экан, илм ва маърифатдан юз ўгирган эди. Ер юзидаги барча жаҳолат шайтон амалларидан бўлиб, илмсизлик ва маърифатсизликдан воқедир.

Ҳазрат Навоий «Ҳайрат ул-аброр»нинг ўн биринчи мақолатида илм ва жаҳолатни қиёслаб ёзади:

*Ул бири ул фазлу фасоҳат била,
Бул бири бул феъли қабоҳат била-*

яъни улардан бири маърифат бўлиб, фазилат ва фасоҳатдан, бошқаси эса жаҳолат бўлиб, қабиҳ феълдан туғилади. Демак, маърифат ва жаҳолат инсоннинг феъл - атворига, инсон феъл атвори эса унинг маърифатли ёки жоҳил бўлишига сабаб бўлар экан. Ҳазрат Навоий ўзининг билими ва ҳаёт тажрибасидан келиб чиқиб, бу дунёда маърифатли ёки маърифат истаган кишилар азоб - уқубатда эканини баён этади:

*Зулам гурур ушбуки бир ноповон,
Илм талаб шаҳридин ўлгай равон.
Айни фалокатдин аёғи яланг,
Тўни йўғидин тани дори яланг-*

яъни илм истаб ватанини тарк этганлар мудом қийинчилик ва юпунликдаки, уларнинг оёғида пойафзали, эгнида тўни ҳеч қачон бўлмаган.

Аммо:

*Тойири мақсуғ тилаб ком ила,
Донаи ашки дори бу дом ила -*

яъни у мақсад қуши ортидан йўлга чиқар экан, фақир у қашшоқлиги йўлига тўсиқ бўла олмайди. Мақсад қушига тузоқ ҳозирлаётиб у кўз ёшлари донасини тузоққа дон ўрнида теради.

*Эгнида авроқу китоби анинг,
Қилғали таҳсил шитоби анинг.
Қушгай ўлуб, сайр муяссар анга,
Эгнида авроқи бўлуб пар анга-*

яъни шундай жидди-жаҳди боис толиб йўлига ҳеч нарса тўсиқ бўлолмайди. Кийими йўқ бўлса, китоб варақлари унга кийим, учмоқ истаса у варақлар унга қанот бўлади. Толиб қийинчилик -азоб билан ўн-ўн беш йил илм олади. Аммо уларнинг юзтасидан биттаси камолга эришиб илм

соҳибқирони бўлса ҳам катта гап. Камолатга етган олим гўё дарёга айланган қатрадир. Ўшанда унинг:

Кўнгли бўлиб маскани маъвои илм,
Қатра киби пайкари гарёи илм.
Ибрию юнонию сурёни ҳам,
Ҳинди агар сўрса, билиб они ҳам.
Нутқиқи изҳори маони қилуб,
Зевари асрори ниҳони қилуб..
Дин ишида жаҳлу ҳаво дофиш,
Ўйлаки Ғаззоли ила Шофиий.
Йўққи бу иснайн ани солис дебон,
Балки наби ўзига ворис дебон-

яъни қалби илмга макон, вужуди илм туфайли дарёга айланиб, у илмда шу даражага етадики, иброний, юноний, суроний ва ҳинд тилларида сўзлаш унинг учун ҳеч нарса бўлмаётди. Нутқида фасоҳат ва маъно балқиб туради. Дин ишида гўё имом Ғаззолий, имом Шофиийдек, жаҳолатни даф этгувчи бўлади. У чин маънода пайгамбарлар ворисидир.

Олим бўлиб камолатга етишгани билан у жоҳилларнинг жаҳолатидан мудом озор чекади. Унга озор бергувчи жоҳил шундай кишики:

Қатл бўлиб одати хўи анинг,
Марг раги ҳар сари мўи анинг.
Ботинида гуу киби тийралиқ,
Зоҳирида шуъла киби хиралиқ,
Дунлиғидин ит била яксон бўлуб,
Бал ит анинг қошида инсон бўлуб,
Чарх ани соҳиби жоҳ айлабон,
Тобеъ анга хайли сипоҳ айлабон-

яъни қотиллик унинг одати. Унинг ҳар бир мўи ўлим томирини эслатади. Ичи ва таши жаҳолат дудидан хиралашган. Ёмонлигидан худди итга менгзайди, ҳатто ит

унинг ёнида одамга ўхшайди. Ана шундай одам, чархнинг ҳикмати билан соҳиби ҳукмдир. Унинг ҳукмида кўп лашкари бор. Чархнинг ҳикматомуз айланиши билан маърифат эгаси шундай жоҳилнинг хизматига келиб қолади. Чунки жоҳилнинг мол-дунёси кўп. Ҳашамати баланд. Номи эса амр:

Кўр не малаквашни қилиб нафси гун,
Деву лайин оллида хору забун,
Сўрғали чун бекка таназзул бўлуб,
Хожа дуосига тасалсул бўлуб,
Чунки дуо хатмини айлаб, қўпуб,
Ўйга азимат қилибон ер ўпуб-

яъни шундай илмли, пок одамни ёмон нафс лаъин-дев олдида хор қилади. Жоҳил бек ҳузурида энди у ўзини паст олади. Унга борганиб қолади. Жоҳилнинг ҳар бир сўзига тобеълик билан ер ўпадади. Мана шундай илми бўла туриб, жоҳил ҳукмдор олдида ўзини паст тутган олим аслида олим эмас, ўзига нисбатан золимдир. Бундай олимлар илми жоҳиллар учун, жоҳиллик учун восита қилади. Зеро:

Илми ким воситаи жоҳ этар,
Ўзинию халқни гумроҳ этар-

яъни кимки илми жаҳолат учун восита қилар экан, ўзини ҳам, халқини ҳам бахтсизлик, гумроҳликка маҳкум қилади. Ҳақиқий маърифат эгаси, чин олим шундай кишики:

Олим агар қатъи амал айласа,
Илмига шойиста амал айласа,
Солмаса кўз жийфаи гунё сари,
Боқмаса туз гунёи фони сари,
Они шараф гавҳарининг кони бил,
Гавҳари кон, ҳар не десанг они бил-

У шундай зотки, илмга чиройли тарзда амал қилади. Дунё молига, фоний умрга назар солмайди. Ана шундай олимларни шон-шараф гавҳарининг кони, балки гавҳардан-да юксак бил.

Демак, илмига амали ва нимага хизмат қилишига қараб, соҳиби илмининг кимлиги маълум бўлади. Ҳар қандай илми кишини маърифатли киши деб бўлмайди. Илм олиб маърифат эгаси эмас, жаҳолат эгаси ҳам бўлиш мумкин. Илми киши қачонгина илмига амал қилса, илмини дини-диёнат, эзгулик йўлида сарфласа ана шундай киши маърифатли саналади. Илмига амал қилмаганлар ёки илмини жоҳил хизматига йўналтирган кишилар жоҳиллардан бўлиб қолади. Зеро, чин маънода маърифатли одам иймонга яқинроқ бўлади. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда: «Аллоҳдан бандалари орасида олим - билимдонларигина қўрқур» (35: 28), дея марҳамат қилади.

«Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилинади: «У зот (с.а.в.) масжидга кириб, у ерда икки мажлисни кўрдилар, биттаси Аллоҳни зикр қилаётган, иккинчиси фикҳдан таълим олаётган эди. Пайғамбар алайҳиссалом айтдилар: «Икки мажлис ҳам яхшилиқдадир, аммо биттаси иккинчисидан афзалроқ. Ана улар Аллоҳга дуо қилишяпти, Аллоҳ хоҳласа, уларга беради, хоҳламаса манъ қилади. Ана улар эса илм ўрганишяпти ва билмаганларга ўргатишяпти. Мен ҳам муаллим қилиб юборилганман ва булар афзалроқдир», - дедилар ҳамда таълим олаётганлар билан ўтирдилар» (Танбеҳул-рофилийн. II китоб, 213-бет).

«Манбаъ ул маориф»да келтирилишича, «Пайғамбар алайҳиссалом айдилар:

-Қиёмат куни бўлса тўрт нафар одам беҳисоб ва беазоб жаннатни(нг) эшигига борурлар. Биринчи-илмига амал қилгон олимлар, иккинчи-молини ҳалол харажат қилиб ҳаж қилгонлар, учинчи-худо йўлида дини исломни талошиб жон

бергон шаҳидлар, тўртинчи-ҳалол касбдан мол топиб, худонинг йўлида садақа берган сахийлар. Бас, бу тўрт нафар одамлар жаннатга аввал кирмоқни талашурлар. Андин сўнгра Худойи таоло Жаброил алайҳиссаломга амр қилурки: «Эй Жаброил, бул тўрт нафар одамларга бориб, қайси бирлари аввал жаннатга кирмоқликга муносиб бўлсалар, ул кишига одиллик бирла ҳукм қилрил», -деб.

Андин сўнгра Жаброил алайҳиссалом келиб шаҳиддин сўрарларки: «Эй шаҳид, сен дунёда нима амал қилиб эрдинги, жаннатга аввал кирмоқликни орзу қилурсан?» Шаҳид айтурки: «Ё Жаброил, ман дунёда Худойи таоло розилиғи учун жон бергондурман». Жаброил алайҳиссалом айтурларки: «Эй шаҳид, сен шаҳидликни(нг) савобини бу мартабадалиғини қайдин билдинг?» Шаҳид айтурки, «Олимлардин эшитдим». Бас, Жаброил алайҳиссалом айтурларким: «Андоғ бўлса, олимларни(нг) ҳурматини бажо тутғилки, алардин илгари жаннатга кирмоқ беодоблик бўлур».

Андин сўнгра ҳожилардин сўрарларки: «Эй ҳожи, сан дунёда нима амал қилган эрдинг?» Ҳожи айтур: «Мен дунёда ҳалол мол ҳаражат қилиб, сафарнинг азобини чекиб, Худонинг розилиғи учун ҳаж қилгондурман». Жаброил алайҳиссалом айтурларки: «Сан ҳажни(нг) савоби бул мартабадалиғини кимдин эшитдинг?» Ва ул айтурки: «Олимлардин эшитдим». Жаброил алайҳиссалом айтурларки: «Андоғ бўлса, олимларни(нг) ҳурматларини бажо тутғилки, алардин илгари жаннатга кирмоқ беодоблик бўлур».

Андин сўнгра сахийдин сўрарлар. Сахий айтурки: «Ман меҳнат бирла касби ҳалолдин пул топиб, Худойи таолони(нг) йўлида садақа бергондурман», Жаброил алайҳиссалом айтурларким: «Саховатнинг савоби бул мартабадалиғини кимдин эшитдинг?» Сахий айтурки: «Олимлардин эшитдим». Жаброил алайҳиссалом айтурларки: «Эй сахий, андоғ бўлса, олимларни(нг) ҳурматини бажо тутғилки, алардин илгари

жаннатға кирмоқ беодоблик бўлур», -деб аввал жаннатға кирмоқни олимларга ҳукм қилурлар.

Андин сўнгра олимлар инсоф қилиб айтурларки: «Худоё, аввал бизларни(нг) жасадимизни яратқонингда бизларни(нг) ҳеч илмимиз йўқ эрди ва бу илмларни сахийларни(нг) саховатлари сабабидин таҳсил қилиб эрдимиз ва яна ўзинг каломингда «Инналлаҳа ла йузиу ажрол муҳсинина» (Албатта, Аллоҳ эҳсон қилувчиларнинг ажрини зойиъ қилмайди) -деб эрдинг. Энди аларни(нг) ажрларини зойиъ қилмоғил ва сахийлар жаннатға биздин илгари кирсунлар». Андин сўнгра Худойи таоло айтурки: «Эй ризвонлар, жаннатни(нг) эшигини очингларки, аввал сахийлар кирсунлар, андин сўнгра олимлар ва алардин сўнгра бошқалар кирсунлар» (Манбаъ ул маориф.- Т.: Ёзувчи, 2002, 18-19 бет).

Ҳазрат Навоий илм маърифат ҳақидаги қарашларига далил сифатида қуйидаги ибратли ҳикоятни келтиради:

*Зумраи роз аҳлига маснағ нишин,
Даҳр имомул-умами фаҳри дин-
Қилди чу Хоразмни оромгоҳ;
Кўрмагига келмади Хоразмшоҳ...
Сўрғали ул чунки қадам кўймади,
Илм шуқуҳи мунӣ ҳам кўймади.
Шоҳни пушаймон қилиб эрди уёт,
Лек имом айламади илтифот.
Бўлди баса пардага гуфту шунуг,
Парда чу кўлмади ародин не суг-*

яъни аҳли розлар (иймонли, тақводор)нинг суянчиги, дунё имомларининг имоми, диннинг фаҳри Хоразмни оромгоҳ этганида, Хоразмшоҳ уни кўргани келмади. Шоҳ келмагач, илмнинг қадрини баланд кўйиб, олим ҳам шоҳ ҳузурига бормади. Шоҳку бу ишидан пушаймонда эди, аммо бу пушаймонга ҳам имом бепарво бўлди. Ўртада пардали гап

-сўзлар эшитилгандек эди-ю, агар у икки ўртага тушган хижолат пардасини кўтармаса, ундан нима наф.

*Бор эди ҳаммомга бир кун имом,
Шоҳ доғи ҳаммомга қилди хиром.
Бир-бири бирла бўлибон муҳталит,
Шоҳ савол этди бўлиб мунбасит:
«К-эй бўлиб эл илминг ила баҳравар,
Айт қиёмат ишигин бир хабар.
Ким неча ул кунда малол ўлғуси,
Ҳар кишига анда не ҳол ўлғуси»-*

Бир куни имом ҳаммомга тушган эди, ногоҳон шоҳ ҳам ҳаммомга борди. Улар кўришганларидан шоҳ хурсанд бўлди ва шундай савол қилди: «Эй илмидан эл баҳра олаётган зот менга ҳисоб кунидан таълим бер. У кунда қандай машаққат юз беради, одамзотнинг ҳоли нима бўлади?»

*Шоҳ чу бу нуктани қилди савол,
Бўйла жавоб айтди соҳиб камол:
«Ким сангаким, ҳашр сўзи ком эрур,
Бил анга монанд бу ҳамом эрур,
Анда гадо шоҳ била яксон бўлуб,
Шоҳу гадо барчаси урён бўлуб.
Жоҳу жалол аҳли санингдек бори,
Ичкарию бори-йўқи ташқори.
Илму амал аҳли менингдек тамом
Ҳар не йиғиб ҳамроҳ этуб вассалом.
Йўқ санга султонлик ила суг кўп,
Лек манга илм ила беҳбуд кўп»-*

яъни шоҳнинг бундай маъноли саволига жавобан имом деди: «Қиёматнинг моҳияти ҳақида сўрасанг, унинг бир мисоли шу ҳаммомдир. Чунки, унда ҳам, ҳаммомдаги каби, шоҳу гадо ҳеч вақосиз ялонғоч юради. Сендек ҳукмдору сармаядорлар, сен ҳаммомга ҳеч вақосиз кирганингдек, қуруқ қўл билан кирадилар. Уларнинг дунёю мансаблари эса ташқарида қолади. Илми кишилар эса, мен ҳаммомга

илминни олиб кирганимдек, илми билан кирадилар. Воқеан, султонликдан охиратда мартаба йўқ. Илми кишига эса, у кунда яхшилик кўп бўлади».

Дарҳақиқат, илм хазинаси дунёда ҳар недан устун туради, энг муҳими соҳиби илмдан ҳеч ким ҳеч қаерда илмини тортиб ололмайди. Охиратда эса илмга амал қилганлар Яратганинг марҳаматига эришадилар, иншаоллоҳ. Халқимизнинг илм тарғибига қаратилган ушбу мақоли ибратомуз хулосадир: «Илм кўпу- умр оз, керагин олу-тошга ёз».

Қўшиқ матни

«ОЛИМ БИЛ АНИ ҚАТЪИ АМАЛ АЙЛАСА...»

Навоий сўзи

Олим агар қатъи амал айласа,
Илмига шойиста амал айласа.

Солмаса кўз жийфаи дунё сари,
Боқмаса туз дунёи фоний сари.

Они шараф гавҳарининг кони бил,
Гавҳари кон, ҳар не десанг они бил.

Илми ким воситаи жоҳ этар,
Ўзинию халқни гумроҳ этар.

Жоҳил агар улдуру олим будур,
Олим эмас ўзига золим будур.

Олим агар жоҳ учун ўлса залил,
Илми анинг жаҳлига бўлғай далил.

Илм, Навоий, санга мақсуд бил,
Эмдики илм ўлди амал айлагил.

ШАРҲ

Эй инсон! Фақат илмига қатъий ва мукаммал амал қилган кишинигина ҳақиқий олим ҳисобла. Зеро, ҳақиқий олим дунё матоҳига бепарво, фоний умрга безътибор кишидир. Сен шундай одамни шон-шараф гавҳарининг кони, ҳатто бундан-да юксак, деб бил. Аммо, ким илмини жаҳолат, ёмонлик йўлида восита қилса, билки у ўзини ҳам, халқни ҳам гумроҳлик кулфатига, жаҳолат ботқоғига мубтало этади. Бундай кимса олим эмас, балки ўзига золим бир касдирки, жоҳиллик унинг касби-коридир. Унинг илми ҳам тубанлигу залолатга хизмат қилади. Эй Навоий, эзгуликка хизмат қилгувчи ва эзгу амалларга нойил этгувчи илми асл мақсад, деб билгин!



«ОНИ БАШАР ХАЙЛИНИНГ
ИНСОНИ БИЛ»...

Оламда инсонларнинг минглаб тоифалари борлигидан қатъи назар, уларнинг барчаси ушбу икки тоифадан келиб чиққан ва алал-оқибат шу икки тоифага келиб боғланади. Булар: яхши ва ёмон ёки тўғри ва эгри одамлардир. Азал-азалдан тўғрилиқ қанчалар шарафланса, эгрилик қораланади, лаънатланади. Халқ орасида тўғри ўсган теракнинг пировардида одамларнинг боши устида, яъни уй тўсини бўлиб ҳурмат-иззатда савлат тўкиб туриши, эгри ўсган теракнинг эса ўчоққа ўтин бўлиб ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетиши ҳақида ривоят юради. Бу ривоят бир қарашда содда туюлгани билан тўғрилиқнинг асл моҳиятини англашга хизмат этади.

Ҳазрат Навоий «Ҳайрат ул-аброр»да тўғри одамни эгрию ҳосид одамга чуқур зиддиятда тасвирлайди. Бу икки тоифа муқоясасидан теран умуминсоний хулосалар чиқаради. Навоий талқинича, тўғри одам шундай кишики:

*Давр ичингни неча қонлиқ қилуб,
Нофа киби атрфишонлиқ қилуб,
Нафъидин эл вирди дуо жонингга,
«Ямқусу фил арзи» сенинг шонингга-*

У замондошлари жафосидан қон ютса ҳам, уларга яхши сўз айтишдан, яхшилик қилишдан чарчамайди. Шунинг учун ҳам, ундан яхшилик кўрганлар унинг дуойи жонини қиладилар. Қуръони Каримдаги «Ер юзида кўпик кетиб,

одамларга манфаат берадиган нарсалар қолади» ояти аслида шундай одамларни шарафлаш учундир (Раҳ сураси, 17-оят).

Ҳазрати Навоий тўғри, эзгу қалбли кишининг бошқаларга қилган яхшиликлари алал-оқибат ўзларига қилган яхшиликлари эканини алоҳида таъкидлайди:

*Нафъинг агар халққа бешакгурур,
Билки бу нафъ ўзунгга кўпрак гурур.
Қатраи гар баҳрга сочди саҳоб,
Баҳр қилур қатрасини гурри ноб-*

яъни сен шак-шубҳасиз халққа нафи тегувчи одамсан, аммо билки, бу наф халқдан ҳам кўра ўзингга тегади. Зеро, булутнинг денгизга тўккан бир қатра суви денгиздан унга дур бўлиб қайтади.

Дарҳақиқат, тама илинжида қилинган яхшиликдан фойда йўқ. Бўлганда ҳам бундай фойда дайди шамол каби ўткинчидир. Тўғрилиқни ўзига касб қилган, том маънодаги иймонли киши ўткинчи фойдага ҳеч қачон учмайди. У ҳаёти дунёда қилган яхшилигини ажри абадийгагина алмашади. Бу охиратда Аллоҳ берадиган ажрдир. Парвардигори олам ўзининг ҳақ китоби - Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади: «Ким бирон яхшилик қилса, бас, ўзи учун (яъни ўз фойдасига қилган) бўлади, ким ёмонлик қилса, бас, ўз зиёнига (қилган) бўлур. Сўнгра Парвардигорингизга қайтарилурсизлар» (45: 15).

Воқеан, инсонлик жамиятида тўғри, эзгу фикрли, иймонли кишиларнинг қадрланиши, эъзозланиши даргумон. Аммо бундай аччиқ ва аламли хулоса иймонли бандаларни изтиробга солмаслиги лозим. Ҳазрат Навоий айтганидек:

*Лек қуёш жавҳари чун келди пок
Бўлса булут нурига монёе не бок...
Кавнни ёритди расули араб,
Нетгай ўзин тийра қилиб Бу -Лаҳаб-*

яъни аслида жавҳари пок бўлган қуёш нурига булут монелик қила олармиди? Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга неча Абу Лаҳаблар қаршилиқ қилгани билан бирор натижа чиқара олдиларми?

Пайғамбаримиз (с.а.в.) инсоният ичида тўғрилиқнинг намунаси эдилар. У зот бизларга Аллоҳнинг раҳмати қилиб юборилганлар. Қуръони Каримнинг «Жумъа» сурасида Тангри таоло шундай марҳамат қилади: «У (Аллоҳ) омиёлар (яъни, аҳли китоб бўлмаган илмсиз кишилар) орасига ўзларидан бўлган, уларга (Қуръон) оятларидан тиловат қиладиган, уларни (ширк ва жаҳолатдан) поклайдиган ҳамда уларга Китоб-Қуръон ва ҳикмат-ҳадисни ўргатадиган бир Пайғамбарни (яъни Муҳаммад алайҳиссаломни) юборган зотдир. Шак-шубҳасиз улар (ўзларига пайғамбар келишидан) илгари очиқ залолатда эдилар» (62: 2).

«Ҳайрат ул -аброр»да келади:

*Зумраи инсон аро ҳам комили,
Келди машаққат юкининг ҳомили.
Улки камол аҳлигин акмал гурур,
Шоҳи русул Аҳмади мурсал гурур.
Муҳри нубувват бу камоли била,
Авжи камол узра жалоли била-*

яъни инсонлар тоифаси ичида энг комили, пайғамбарликдек, машаққат юкининг ҳаммоли у комилларнинг комилидир. У барча ўтган пайғамбарларнинг подшоҳидир. Унинг меҳри-муруввати, нурли жамоли ҳар недан юксақдир.

Албатта, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг Аллоҳ назаридаги мавқе-мартабалари, фазилатлари инсоният учун қилган хизматлари таърифига ақл ҳам, тил ҳам, қалам ҳам ожиз. Муҳими шуки, бутун инсоният интилиб саодатга эришиши аниқ бўлган зот Расулуллоҳ (с.а.в.)дирлар. Абу Ҳурайра

(р.а.)дан қилинган ривоятда айтилишича: «Расулуллоҳ саллалоҳу алайҳивассаллам: «Мен ва мендан илгариги пайғамбарлар шунга ўхшайдиларки, бир киши бир бурчақдаги гиштдан бўлак барча ерларини мукамал ва чиройли қилиб бир ҳовли-жой бунёд қилди. Кейин одамлар ўшал ҳовли-жойни зиёрат қилгани келишиб, унинг гўзаллигидан таажжуб қилишди-да: «Мана бу (ердаги) гишти ҳам қўйилган бўлганда эрди!»-деб айтишади. Мен эрсам ўшал биргина гишти ўрнига қўйиб (чала қолган бинони битказувчидирман) ва мен пайғамбарларнинг энг сўнгисидирман», -деб марҳамат қилдилар» (Ҳадис. Ал-жамийъ ас-саҳиҳ. II жилд, -Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1996, 470-бет).

Алишер Навоий Пайғамбаримиз(с.а.в.)нинг эзгу амаллилар ва комил иймонлиларнинг комили дея таъриф этиш билангина чекланиб қолмайди, балки инсониятга бу зотни ибрат намунаси қилиб кўрсатади.

Ҳаётда Абу Лаҳабу Абу Жаҳл каби эзгулик кушандалари ҳам кўплаб учрайди. Тўғри йўл олдида қинғир-қийшиқ сўқмоқ нақадар кўримсиз ва ҳақир кўринса, яхшининг олдида ёмон ҳам шундай кўринади. «Ҳайрат ул-аброр»да ёмон одамлар ҳақида шундай ёзилади:

*Улки киши ўлмагидин шог эрур,
Гўркану восилу, жаллоғ эрур-*

яъни кишининг ўлимидан қувонувчи бу киши мисоли гўрков, рессол (ювғувчи), жаллоғ кабидир. Бу шундай одамки:

*Элга нишот ўлса анга дарғ эрур,
Дарғ анинг жониға дархурғ эрур.
Яхшиғагур аҳли ҳасағ заҳмати,
Нақднинг ўғригин эрур офати.
Дунки ёмон феъли анга хуш гурур,
Жазмки эл яхшиси нохуш гурур.
Топқанини сочди эл узра саҳоб,
Ким ани Ҳақ айлади гардун жаноб.*

Мўр терар ҳар неки сочқай киши,
Бўлди тирик гўрга кирмак иши-

яъни эгри феълли одам эл хурсанд бўлса ғамгин бўлади. Унинг дардига малҳам ҳам ўзига яраша, яъни дарддир. Уни яхшиларга ҳасад қилиши, ўғрининг хазинага кўз тикканидай гап. Унга ўзининг ёмон феъли яхши кўринади. Яхшилиқни кўрса ўзини нохуш сезади. Унинг одати топганини уйига ташимоқ, Зеро, булут топганини эл узра сочгани учун Ҳақ уни осмон ҳукмдори қилиб қўйди. Топганини уйига ташмалаган чумолининг эса, тириклай гўрга кирмоқ қисмати бўлди. Эй одамизот, сен шундай одамни одам дегилки, унинг халқ ғамидин ўзга ғами бўлмасин:

*Огами эрсанг, демагил огами,
Онику йўқ халқ ғамидин ғами.*

Хуллас, одамзот жамиятсиз яшай олмаганидек, унинг тўғри ёки эгрилиги ота-онаси, яқинлари, қўшнилари ва умуман халқига бўлган муносабатига қараб белгиланади. Жамиятда тўғри одамлар қанчалик кўп бўлса, ҳаёт шунчалик гуллаб яшнайдди. Яшаш енгиллашади. Ҳаёт фаровон бўлади.

Ҳазрат Навоийнинг «Марҳаматли Айюб» ҳақидаги ҳикояти иймонли кишилар учун ибрат манбаидир:

*Бир кеча Айюби халаф масти роз,
Тўкар эди шамъдек ашки ниёз.
Ашк дури баҳрига побаст эди,
Куймак аро шамъга ҳамдаст эди.
Хилватида маскани бир бурж аро,
Дурру самин ўйлаки бир дурж аро-*

Буюк уламоларнинг ўринбосарларидан бўлган Айюб Аллоҳ розилигини тилаб ёнаётган шам каби кўзларидан

ёш тўкиб ўтирар, кўз ёшлари гўё денгизга, ёниши шамга мензар эди. Айюб шу туришида гўё само буржидаги дур қутигасини эслатар эди.

*Бу кеча бир киссабури нақбзан,
Булмиш эди масканига нақбкан.
Барча кеча ер тубин айлаб харош,
Хуфрасига чиқди сарой ичра бош-*

яъни бир каззоб ўғри унинг уйи остидан лаҳм ковлаб, ўғирликка тушди ва бошини лаҳмдан чиқарди:

*Англабон Айюб ани ғам урмади,
Тоат этиб, ўзига келтурмади.
Ўғри ўшул хуффа ичигин чиқиб,
Ҳар не топиб, эрди тамомин йиғиб,
Ончаниким, элта олур чоғлабон,
Берк танғиб, орқасига боғлабон.
Нақбга киргач, кичик эрду тешук,
Сирмадиким, беҳад улур эрди юк-*

Айюб ўғрининг кирганини англаса ҳам ибодатини бузгиси келмади. Ўғри лаҳмдан чиқиб уйдан қўлига илинганини олди. Кўтарганича бир қопга жойлади ва орқасига боғлаб лаҳм оғзига рўпара бўлди. Аммо, лаҳм оғзи олинган юк ҳайбати олдида торлик қилиб қолди.

*Тор уни сичқонга солуб эрди ғам,
Қуйруқиға боғлади ғирбол ҳам.
Кўрди чу Айюбки, ожиздур ул,
Қўпти эшук очти-ю кўргизди йўл-*

яъни ўғри думига ғалвир боғлаб, инига кирмоқ бўлган сичқон ҳолига тушди. Айюб унинг ожизлигини кўриб, ўрнидан турди ва эшикни очиб йўл кўрсатди ва дедик:

*«Ким юк улурдур доғи нақбинг кичук,
Йўл сори келгилки очикдур эшук»*

яъни Айюб эшикни оча туриб деди: «Юкинг кўп, лаҳминг кичкина яхшиси тўғри йўл билан чиқиб кетавер эшик очик».

Ончаки бераҳлик ул кўргузуб,
Шайх бу янглиғ анга йўл кўргузуб.
Кимгаки кўргузсалар, ул навъ йўл,
Ўзга йўлигин чиқа олмайму ул?

Ўғри ёмонлик ўйида келган эди. Шайх унга тўғри йўлни кўрсатди. Бундай тўғри йўл эгрини йўлидан қайтара олармикан?

Ўғрини ул ҳол забун айлабон,
Қагдин оғир ҳамл нигун айлабон.
Жонига бир ўт солибон сўзу дард,
Ким куюб андин фалаки ложувард.
Эгнидаги юкни бу ўтга уруб,
Ўзлигининг ҳам юкни куйдуруб,
Мустар этиб, ранжу маломат ани,
Хас каби ўртаб, бу хижолат ани.
Наъра чекиб, сел каби тўкди ёш,
Шайх оёғига фиго қилди бош-

Қаранги, бу ҳол ўғрини хижолатга солди, қаддини букди. Ширин сўзнинг дарди жонига шундай бир ўт солдики, ундан ложувард фалак куйиб кетгудек эди. Ўғри елкасидаги юкни ўтга улоқтирар экан, шу аснода ўзидаги эгрилик юкни ҳам куйдирди. У ранжу хижолатдан оловга ташланган хасдек ўртанди. Оҳ-фарёд билан Шайхнинг оёғига йиқилди.

Ул караму авф тилин лол этуб,
Лутф юки жисмини беҳол этуб.
Шайх карами бирла оритти ёшин,
Лутф била туфроғдин олди бошин-

яъни Шайхнинг авфу карами ўғрининг тилини лол қилди. Ширин сўзи жисмини гўё жонсиз этди. Шайх карами билан унинг кўз ёшларини артди. Яхши сўзи билан гуноҳкор бошини тупроқдан чиқариб олди.

Англабон ул дард ила ҳолат анга,
Ҳирқаи фақр этди ҳаволат анга.
Куйди сулук ўтига жони анинг,
Ўйлаки, маҳв ўлди нишонни анинг.
Ўзлуки чун куйди нечукким хасе,
Топди ул ўт бирла ёруғлик басе.
Комил анга берди чу бу парварши,
Айлади бир авф била мунча иш-

яъни Шайх ўғридаги дард ва ҳолатни тушунди. Ўғрига фақирлик ҳирқасини тухфа этди. Фақир йўлининг ўтига эгрилик дош бера олмади. Ўғридан ном-нишон қолмади. Хас каби куйиб кул бўлди. Ушбу оловнинг шуъласи ўғрини ёруғликка олиб чиқди. Комил зот ўғрини шу тахлит тарбия этди. Биргина авфи билан улкан юмушни бажарди.

Бешафқат фоний дунё қоидасига кўра, ўғри дарҳол тутилиши, қозига етаклаб борилиши, қамоқ ёки каттароқ жазога тортилиши лозим эди. Аммо раҳмоний қоидалар ҳукм сурган жойда аҳвол бошқача бўлди. Тўғри йўл, комил иймон соҳибининг эзгу лутфи, карамли қалби ўғрини ҳақ йўлга солди. Зотан халқимизнинг «Бир кўнгил иморатинг Макка зиёрати» мақоли шундай инсонпарварлик рояларини акс эттиради.

Қўшиқ матни

«БОШИНГГА НЕ БАЛО ЁҒСА...»

Ўткир Рашид сўзи

Бошингга не бало ёғса, бировданмас ўзингдангир,
Йўлингдан гар адашсанг бил, қинғир босган изингдангир.

Йўлинг узра ёзар бўлса, элинг ҳурмат поёндозин,
Бири меҳнат, бири обрў, бири ризқи-рўзингдангир.

Агар суҳбат аро дўстинг кетар бўлса, қўлин силтаб,
Бири гийбат, бири ёлғон, бири тузсиз сўзингдангир.

Сенга фарзандларинг ҳамдам бўлиб илдам эшик очса,
Бири софлик, бири поклик билан берган тузингдангир.

Ҳамиша дўстларинг Ўткир каби йўқлаб келар бўлса,
Бири сеҳринг, бири меҳринг тўлиб боққан кўзингдангир.

ШАРҲ

Эй инсон, бошингга бирор иш тушса, йўлдан адашсанг, ўзгани айблама, балки ўзингдан, ўзингнинг эгри ниятингдан, эгри қадамингдан кўр. Агар сени қадрлаётган бўлсалар бу ҳам ўз-ўзидан эмас, тўғрилигинг, ҳалол меҳнатинг эвазига Худо берган ризқу рўзингдир. Дўстларинг кам бўлса, бори ҳам сендан қўл силтаса, демак, сен гийбатчи, ёлғончи, бадсўзли одамсан. Фарзандларинг сени севса, уйга келганингда қувониб эшик очса, бу уларга берган ҳалол нон-тузинг, яхши тарбиянг туфайлидир. Эй, Ўткир қалбингга ўзгаларга меҳр бўлса, сен хор бўлмайсан. Дўстлар меҳри билан қалбинг тўлиқ бўлади.

Ўзинг сабоқ:

«ҲАР НЕ БОР ИЛГИНГДА
ПАРОКАНДА ҚИЛ...»

Омонат деганда кўпинча бировдан олинган бирор моддий нарса ёки кимгадир етказиш лозим бўлган қарз гапи ва шунга ўхшаган нарсаларни тушунамиз. Аниқроғи омонатнинг мазмун-моҳиятини инсонлараро муносабатда кўрамиз. Омонатнинг лафзий маъноси бир кишига бошқа биров томонидан берилган ва заррача хиёнат қилмасдан қайтарилиши лозим бўлган нарсадир. Омонат шундай нарсаки, бир кичик зарраси камайса ҳам унинг омонатлиги қолмайди. Омонатда турган бир кўза сувдан бирор томчиси камайиб қолса, омонатдорга хиёнат қилинган бўлади. Чин маънода омонатга деб берилган китоб, ҳатто ўқилмайди. Ўқилса шарт бузилади. Бундай талқинлар, дарҳақиқат, инсонларнинг ўзаро муносабатларида амал қилиниши шарт бўлган талқинлар бўлиб, унинг охирада бўладиган ҳисоб-китоби сўроғи қаттиқ бўлади.

Шунингдек, Шарқнинг буюк мутафаккирлари, улур ислом уламулари фоний дунё, ундаги неъматлар, айниқса инсонга Яратган томонидан берилган омонат эканига асосий урғу берганлар. Инсонлар аро риоя этилиши лозим бўлган омонат мезонларини белгилашда ҳам айни тушунчадан келиб чиққанлар. Яъни дунёнинг омонатлиги, уни бир кун келиб асл Эгасига қайтарилишини англаган инсон ҳеч қачон ўзгалар ҳаққига хиёнат этмайди, деган

фикрда қатъий бўлганлар. Инчинун, Ҳазрат Алишер Навоий ҳам омонат ҳақида тафаккур қилганида мана шундай катта мезонлардан келиб чиқади.

*Чарх эрур шуъбада санж, эй кўнгул,
Топма фирибе била ганж, эй кўнгул.
Йўқки чу субҳ оғзини кулгу очуб,
Ҳийла била оғзидин ўтлар сочуб-*

яъни айланиб турган чархи дунё масхарабоздир. Эй кўнгул, унинг фирибига алданиб ганж топаман деб ўйлама. Чархнинг иши тонгнинг кулгига оғиз очганидек сени алдаб, сўнг ўт-олов сочганидай гап.

*Мунчаки луббат чиқориб симгун.
Қасду бори элга фирибу фусун...
Ҳам тўқуб эл қонини тадбир ила,
Ҳам олуб эл жонини тазвир ила.
Хусравлар қатли учун тез хуш,
Хусрави ҳам гемаки, Фарҳодкуш -*

яъни бу масхарабоз дунёнинг кумушранг қўғирчоқларини кўз-кўз қилишдан қасди элни афсун қилишдир. У шундай тадбир билан элнинг қонини тўқади. Фирибгарлик билан халқ жонини олади. Хисрав каби қанча подшоҳлар, Фарҳод каби қанча баҳодирлар жонини олмади у.

*Жон била иймонни чу торож этиб,
Даҳр эвидин они ихрож этуб...
Турфа буким, юз келибон минг кетар,
Минг чу кетар, кейнича юз минг етар.
Бўйла бўлуб, келмагу кетмак иши,
Кетгувчи бу базмга келган киши-*

яъни маккор дунё фақат жоннигина эмас, иймонни ҳам ўлдиради. Кейин ўзининг уйдан ҳайдаб солади. Шу тарзда, бу дунёга юзта одам келса, мингтаси кетади. Мингтаси

ўлим манзилига етиб улгурмасдан, яна юзмингги уни қувиб етади. Дунёнинг иши келиб-кетмоқдир. Бу ҳаёт базмига аслида кетмоқ учун келадилар.

Бу чархи дуннинг ўйини шундайки:

*Кимники тахт узра қилур аржуманг,
Тахта уза оқибат айлар нажанг.
Кимгаки тахта кийиз айлар паноҳ,
Анга дорги тахт қилар хобгоҳ,
Кимгаки бир жом тутар нўшу баҳр,
Оқибатул-амр этар анда захр.
Йўқ киши ул жомни нўш этмаган,
Сўнг бу захр бирла хуруш этмаган -*

яъни кимнидир тахт устида ўтқизар экан, шу тахтни унга рамхона (тобут) қилиб қўяди. Кимнидир ҳақир бўйра устига ўтқазиб, кигизни унинг абадий хобгоҳига айлантиради. Кимга ҳаёт жомидан бир қултум ичирса, ортидан заҳари борки, бу жомдан сув ичмайдиган ва заҳарни татиб кўрмайдиган одам бўлмайди.

*Бирни қатл айламайин қўйдиму?
Зору залил айламайин қўйдиму?
Кўрки қаён борди Фаригуну Жам,
Эражу Хушанг ила Заҳҳок ҳам.
Салму Маничехр ила Навзар қани?
Баҳману, Дорову, Скандар қани?
Қани жаҳондовари Чингизхон?
Қани жаҳон хони Темур Кўрагон?-*

яъни тарихга боқ: бу дунё бирор кишини омон қўйдими? Фаридун, Жамшид, Эранж, Хушангу Заҳҳокларнинг, Салм, Муничехр, Навзар, Баҳман, Доро, Искандар, Чингизхону Темур Кўрагонларнинг ҳоли не кечди? Улар шунча бойлик, шон-шухрат, тожу тахтлари билан қаён кетдилар?! Шундай экан эй иймон толиби бўлган инсон:

Ҳеч гурур ҳосили боқиси ҳеч,
Кеч боридин бот, вале қўйма кеч.
Сени ул этгунча забун сен бурун,
Айла ани фақр ила хору забун.
Ҳар не бор илгингда пароканда қил,
Ўз илгингдин ани шарманда қил-

яъни алдамчи дунёнинг ҳосили омонат, ўткинчидир. Кеч бўлмасдан бу дунёдан кеча билгин. Дунё сендан кечгунича сен уни фақирлигинг билан мағлуб эта бил. Қўлингда борини сочиб ташла. Шу йўл билан маккор дунёни шарманда қил.

Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинишича: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Агар уҳуд тоғидек олтиним бўлганда унинг уч кеча бўлса-да, менда қолмоғи мени хурсанд қилмас эди. Мен ундан фақат қарзимга етарлисини олиб қолиб, қолганини эҳсон қилган бўлур эдим», дедилар» (Ҳадис. IV жилд, 1992, 204-бет).

Демак, бу дунё инсонга охиратини таъмин этиш учун Аллоҳ вақтинчалик берган омонат экан. Дунёнинг алдамчи зийнатларига берилмоқ инсоннинг мана шу омонатга хиёнати экан. Қуръони Каримнинг «Такосур» сурасида Аллоҳ шундай марҳамат қилади: «(Эй инсонлар), сизлар то қабристонни зиёрат қилмагунингизча (яъни, ўлиб қабрга кирмагунларингизча), сизларни (мол-дунё) тўплаб- кўпайтириш (Аллоҳга тоат-ибодат қилишдан) машғул қилди» (102: 1-2).

«Ҳайрат ул-аброр»да бу дунёнинг омонатлиги ҳақида Искандар Зулқарнайн билан боғлиқ ибратли бир ҳикоят келтирилган:

Чунки Скандар шоҳи иқлимгир,
Бўлди жаҳон мулкида соҳиб сарир.
Қолмади бир ерки юриб олмади,
Ерки юриб олмади, бир қолмади.
Ҳиттаю ҳукмига кириб баҳру бар,

Қабзаи амрига тушуб мулки тар,
Хутба ўқуб гунбади аҳзар уза,
Сиккаи ахдин уруб ахтар уза.
Қуллигини шаҳлар этиб ихтиёр,
Қуллири шаҳларга бўлуб ифтихор-

яъни барча иқлимлар шоҳи Искандар дунёни эгаллади: унинг бормаган, фатх этмаган бирор ери қолмади. Ҳатто сув ости ҳам унинг ҳукм чангалида эди. Юлдузлар мулкида унга тобе бўлди. У адолат тамғаларини юлдузларга ўйди. Не-не шоҳлар унга қул бўлишдан ифтихор этар эдилар. У ҳам шоҳ, ҳам валий эди.

Зотиға Жамшидиги ойин бўлуб,
Кўзгу анга жони жаҳонбин бўлуб.
Ҳам ети кўк ҳукми муяссар анга,
Ҳам ети иқлим мусаххар анга.
Бўйла ҳумоюн фари фируз бахт,
Дайри фаногин чекар ўлғонда рахт-

яъни у афсонавий Жамшидваш эди. Бутун жаҳонни кўзгуда кўрарди. Етти осмону етти иқлим унга тобе эди. Шундай одам, мартабали ҳукмдорнинг ҳам дунёдан кетар вақти яқинлашди.

Кўрди ажаб ажз ила бечоралиқ,
Олиға тушти ажиб овворалиқ.
Не ҳукамоси бўлибон гасгир,
Не ҳамдаму бангаси фармонпазир,
Барчаси қолиб бу яшил боғ аро,
Озми ўлуб ул қаро туфроғ аро.
Ўртади чин бўйла заволи ичин,
Бу сўз ила айлади холи ичин-

Шунда у ўзини ўта бечораҳол ҳис этди. Ўзи билан ўзи овора бўлиб қолди. Унга на ҳакиму табиблар, на фармонига мунтазир хизматкорлар ёрдам қила олдилар. Уларнинг

барчаси ёлғончи дунё-«яшил бор» аро қолиши, Искандарнинг эса қора тупроқ остига кетиши маълум бўлиб қолганида, у деди:

*«Ким бул нафаским борадурмен залил,
Навбати шоҳи манга кўси раҳил.
Қайсиғаким шарти ҳамият гурур,
Мендин анга ушбу васият гурур:
«Ким манга чун тоири бўстони қудс,
Қилса ҳаво ёд эшиб, айвони қудс.
Оҳ ила оламни қаро айлабон,
Хобғаҳим наъш аро айлабон.
Қабрга чун бошлағунгузгур йўлум,
Наъш ёнидин чиқоринг бир қўлум-»*

яъни мен шоҳлик мартабасидан пастга эняпман. Сўнгги сафаримга ногора чалинмоқда. Дунёдан ҳамият билан кетмоқчи бўлганларга васиятим шудир: «Қачон мендан жон қуши кўтарилиб, поклик ҳарами (Худонинг ҳузурини) томон парвоз этганида, оҳимдан олам қорайиб ётадиган жойим тобут бўлганида, йўлимни қабр томон бошлаётганин-ғизда, бир қўлимни тобутдан чиқариб қўйинглар:

*То кишиким қилса назар ул сори,
Ибрат ила боққай ўшул қўл сори.
Билгай аниким етти кишвар шаҳи,
Етти фалак мушкулунинг оғаҳи.
Жисмида жон йўқ бу макондин борур,
Холи илик бирла жаҳондин борур.
Кимки жаҳон мулки ҳавасдур анга,
Ушбу илик тажриба басдур анга-»*

яъни токи биров у томонга назар солар экан, чиқариб қўйилган қўлдан ибрат олсин. Билиб қўйсинки, етти иқлим соҳиби, етти фалак мушкулотларидан божабар зот оламдан бўш қўл билан кетмоқда. Фоний дунё хазинасини ҳавас қилганлар учун дунёнинг омонат эканлигига шу бўш қўл далилдир».

Демак, ўлим бизнинг қўлимизни тутмасдан туриб, биз қўлимизни дунё матоҳидан бўшатишимиз лозим экан. Буюк Искандар Зулқарнайнинг ақлу заковати, мислсиз шону шавкати, мартабаси биргина шу ҳақиқатни англашга хизмат қилибдики, ўзимизда бор нарсаларни ақл тарозисига тортиб кўрайлик. «Дунё омонат-қилма хиёнат» мақоли ушбу фикримизнинг гўзал хулосасидир.

Қўшиқ матни

АРМОН

Қобил Мирзо сўзи

*Кўнгли ярим деманг мени оғамлар,
Ҳар инсонда бордир шодлигу қамлар,
Ҳақиқатни айтсин оғил ҳакамлар,
Искандарми, Доро қайси жон ўтган,
Қай киши оламдан беармон ўтган.*

*Нуқсоним борлигин писанга қилманг,
Бу тийра бағримни тирнаманг, тилманг,
Беайб Парвардигор беҳуда қулманг,
Жаҳонгир Темур ҳам ногирон ўтган,
Қай киши оламдан беармон ўтган.*

*Яримжон санаманг, иймоним бутун,
Шайтон васвасаси келолмас устун,
Бу дунё кимларга солмас қора кун,
Бобурми, нолимай қайси хон ўтган,
Қай киши оламдан беармон ўтган?*

*Ким қабр баррига кўз билан борган,
Қўл, оёқ, тилми ё сўз билан борган?
Насиб қилса парча бўз билан борган.
Ким билур ким яхши, ким ёмон ўтган,
Қай киши оламдан беармон ўтган.*

ШАРҲ

Эй одамлар, адолат билан айтинглар, омонат дунёдан тўқис ўтган ким бор!? Қайғу ва хурсандчилик эш бўлмаган инсон борми? Искандар каби соҳибқиронлар, Доро каби шоҳлар қалбига омонат дунё армон изларини солмаган, деб ўйлайсизми? Агар кимдадир Худо берган жисмоний нуқсон бўлса, буни писанда қилишдек оғир гуноҳдан эҳтиёт бўлинг. Зеро, айбсиз Парвардигордир. Ахир жаҳонгир Темур ҳам ногирон ўтганку! Омонат дунёдан ким ҳам беармон ўтибди. Асл нуқсон жисмоний камчиликда эмас, балки иймон кемтиклигида эмасми? Шайтон васвасасига мағлуб бўлмай яшаган инсон асл бенуқсон инсондир. Ҳолбуки, дунёвий камчиликлар, нуқсонлар, қора кунлар солгувчи изтироб-аламлардан қутулиб бўлмайди. Гарчи, шоҳ Бобур нолишларини эшитмаганмисиз!? Дунёдаги барча нарсалар омонат. Қабрга ҳеч нарсани олиб киролмаймиз. Кўз, оёқ, тил буларнинг барчаси фоний дунё матоҳидир, ҳатто қабрга бир парча бўз билан бориш ҳам, Аллоҳ ҳоҳласагина насиб этади. Ким бу омонат умрни яхши ёки ёмон яшаганини Худодан ўзга ҳеч ким билмайди. Шундай экан, омонат дунё армони- азалий ва абадий армондир.



§ *Ғиммий сабоқ:*

«ШУКРИКИ ОНИНГ ҲАДУ
ПОЁНИ ЙЎҚ...»

Шукр қилиш фазилати одамдаги инсофу тавфиқдан далолат беради. Бу фазилат соҳиблари камтарин табиатга эга бўладилар. Жамиятга улардан на тил билан, на қўл билан озор етади. Шунинг учун уларнинг одамлар орасида обрўлари ҳам зиёда бўлади. Бундай кишилар Аллоҳнинг азобу ғамига ҳам, қувончу шодлигига ҳам, бору йўғига ҳам шукр қиладилар. Уларнинг зидди бўлган кишилар ношукрлар деб аталади. Шукр қилгувчилар нимагаки шукр қилишса, улар ўшанга ношукрлик қиладилар. Жамият булардан безор бўлади. Яратган рози бўлмайди. Иймоннинг мустаҳкам таянчларидан бири бўлган шукр, юқорида сўз юритилган бошқа фазилатлар каби кўҳна Шарҳда эътибори баян қадрият ҳисобланган. Шунингдек, ҳазрат Навоий ҳам шукрни «Чеки-чегараси йўқ» буюк фазилат, дея таъриф этганлар.

Навоий талқинича шукр қилгувчилар:

*Шоғ ани бил даҳрга ким ғам емас,
Даҳр иши чун ғам еғали арзимас-*

яъни улар фоний дунёда шод-хуррам яшайдилар, чунки уларнинг билишича, ўткинчи дунё ғам ейишга арзимайдиган матоҳдир. Шукр қилмайдиганлар эса аксинча:

*Сен ани ранжу ғам ила ўтқаруб,
Юз аламу мотам ила ўтқаруб.
Бериб анга ғафлат ила хорлиқ,
Ҳашв такаллум била мурдорлиғ-*

Эй ношукр банда, сен дунёни қийинчилик ва ғамда ўтказасан. Мотаму аламлар ҳамроҳинг бўлади. Ғафлатда бўлганинг боис, ҳаётдан кулфат ва хафалиқда ўтасан. Ҳаёт тўғрисида бўлмағур фикрларинг билан уни ўзингга булғаб кўрсатасан.

Шукр қилишни билмайдиган одам кўз ўнгида жилоланиб турган неъматларни кўра олмайди. Ҳолбуки, Аллоҳ энг аввал:

*Барча жаҳондин қилиб ашраф сени,
Айлади розига мушарраф сени-*

яъни Аллоҳ сени барча мавжудотдан шарафлироқ қилиб яратди. Ўзининг сирларига мушарраф этди.

Иккинчидан:

*Буки сени холиқи кавну фасог,
Қилмади ҳайвону наботу жамог-*

Оламлар Яратгувчиси сени ҳайвон, ўсимлик ёки жонсиз жисм қилмади.

Учинчидан:

*Лутф била айлади инсон сени,
Дин йўлига қилди мусулмон сени-*

Марҳамат этиб сени инсон суратида яратди. Муҳими, дин йўлига бўйсунгувчи қилди.

Тўртинчидан:

*Берди кўрар кўзу, эшитур қулоғ,
Айтур тил, атрни англар димоғ-*

Кўрар кўз, эшитар қулоқ берди. Гапиришга тил, ҳид билишга димоғ берди.

Бешинчидан:

*Андоқ илик доғики тутғай таом,
Андоқ аёқ доғики қилғай хиром-*

Шундай қўл бердики, у билан таомланасан, оёқ бердики, у билан юрасан.

Олтинчидан:

*Юз неъмат қилмоқ учун шурбу ақл,
Ҳар бирига яна бир таъму шакл-*

яъни юз хиллаб неъматларни аниқлаш учун сенга таъм сезгисини берди.

Булардан ташқари:

*Қилди карам онча мулавван либос,
Ким агадин ақл эта олмас қиёс.
Маркаблар қуллаву ҳомун наварг,
Ваҳм саманди киби гаргун наварг.
Боғлар ул навъки хулди барин,
Сувлари ул таврки мои маин -*

яъни сенга берилган неъматлар шу қадар кўпки, қалам буларни ёзишга ожиз. Тоғу далалардан елдек ўтувчи отлар, жаннати аъло каби боғлар, тоза, пок оқар сувлар.

*Борчани қўйдуқ, муну-ўқ айту бас,
Ким бу нафаским, сангадур ҳамнафас.
Кирмаги бир неъмат эрур муғтанам,
Ўйлаки кирмаклиги чиқмоғи ҳам.
Бу икки неъматки намудоргур,
Ҳар бирига шукр ери боргур...
Ҳар нафасинг ҳолидин огоҳ бўл,
Балки анга хуш ила ҳамроҳ бўл-*

яъни барчасини қўйиб турайлик: олаётган нафасинг ҳақида фикр юргиз, унинг ичингга кириши бир неъмат бўлса, чиқиши бир неъмат. Бири сенинг ҳаётингга озиқки, бир бор нафас олмасанг тугайсан. Бири чиқувчи нафаски, борлиққа даъводир. Бу неъматларнинг ҳар бирига шукрона айт ва ҳар нафасингни қандай олмоқдасан, огоҳ бўл. Ақлу ҳушинг билан ҳамроҳ бўл.

Шундай экан, ҳар бир иймонли одам Ҳақ неъматлари учун сўнгсиз шукроналар қилсин.

Чунки Тангри:

Мунча ниам бердию қилди рақам,
Муники: «Бишукри тағумун ниам»-

Сенга шунча неъматлар ато қилиб, яна: «Шукр қилиш билан неъматлар ортади», - деб ёзиб қўйди.

Аллоҳ бизлар учун тўкин-сочин қилиб қўйган неъматлар қадрини, шукрини кўпинча унитиб қўямиз. Ҳар бир ҳаракатимизда Парвардигоримизнинг қудрати ва саховати намоён бўлиши ҳақида фикр юргизишдан ожиз қоламиз баъзан. Ҳолбуки, бизлар: «Сўнгра ана ўша кунда, албатта (ҳаёти дунёда сизларга ато этилган барча) неъматлар тўғрисида масъул бўлурсизлар» (102: 8), ояти каримасининг мазмунини чуқур англашимиз лозим.

Қатода раҳматуллоҳи алайҳдан ривоят қилинишича, Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай деб марҳамат қиладилар: «Тўрт нарса кишига берилган бўлса, дунё ва охираат яхшилиги берилибди: зикр қилувчи тил, шукр этувчи қалб, сабрли бадан ва мўмина солиҳа хотин» (Танбеҳул-гофилийн. III китоб. 15-бет).

Шайх Жунайд Бағдодийнинг болалик даври билан боғлиқ ушбу ҳикоят катта- кичик учун бирдек ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади:

«Жунайд Бағдодий раҳматуллоҳи алайҳи шайхул машойихи олам эди. Ҳамма илмларда комил, риёзат ва кароматда ҳамтенги йўқ эди. Жунайднинг сўзи тариқат ишида ҳаммага ҳужжат ва далил эди. Унинг аҳволдан суннатнинг хилофида ҳеч иш тополмас эдилар. Бу тоифанинг ҳожаси, машойихларнинг сўзлайдиган тили, уламоларнинг зебо товуси, тариқатда мужтаҳид эди.

Шайх Сари Сақатийнинг муриди эди. Етти яшарлигида Сари Сақатий уни ҳажга олиб борди. Масжиди ҳарамда

тўрт юз пири комил орасида неъматга шукр айтмоқ борасида масала баҳси бўлиб турар эди. Унинг шарҳу баёнида сўзлар айтур эдилар. Ҳар бир пир бир тариқа билан маъно айтар эди.

Охири Сари Сақатий Жунайдга деди:

- Сен ҳам шукр бобида бир сўз дегил.

Жунайд деди:

- Худонинг берган неъматига шукр қилиш улдурки, Ҳақ таоло сенга берган неъматни восита қилиб гуноҳкор бўлмагайсан ва ул неъматни гуноҳ ишга сарф қилмагайсан.

- Жунайд бу сўзни айтиб бўлгач, тўрт юз пири комил боиттифоқ дедиларки: «Тасанно, эй аҳли тасдиқнинг кўз нури».

Сўнг уларнинг бири: «Эй ўғил, Худои таолодан насиба сенга тилингдан еткусидир», - деди.

Шайх Сарий Сақатий деди:

- Эй Жунайд, бу сўзни не ердан топдинг?

Жунайд деди:

- Сенинг ҳужжатинг таъсиридан топдим (Муҳаммад Сиддиқ Рушдий. Тазкиратул авлиёи туркий. 43-зикр).

Жунайд Бағдодийнинг шукр қилишга берган таърифи ғоят баланд пардада айтилган, қалб кўзини очувчи сўзлардир. Чиндан ҳам инсон Худога шукрона айтганда ушбу ҳолатларни мушоҳада қилмоғи керак:

- Аввало, инсон навъидин қилиб яратилганига шукр қилиши;

- тўрт мучаси соғ бўлиб, ақл фаросати етарли бўлгани учун шукр қилмоғи;

- Аллоҳнинг марҳамати билан ризқ-рўзини етказиб турган ота-онасидан миннатдор бўлмоғи;

- яхши маҳаллада, яхши юртда туғилгани, Ватани гўзал ва хушҳаво, анвои неъматлар сероб эканлигидан шукр этмоғи;

- агар Худони таниб, мусулмон бўлган бўлса, унга ҳам беҳад шукрона қилиб яшаши;

-бошқаларга фойдаси тегиб турадиган касб эгаси бўлганига шукр этмоғи;

-Яратган яхши хотин, солиҳ фарзандлар ато этгани учун шукрона қилмоғи керак».

Яратган бизлардан берган неъматлари эвазига Унга шукр айтишимизни талаб этади. Шукрни унутмаган инсонлар Аллоҳ таоло томонидан ҳам унутилмаслар, иншаоллоҳ. Доно халқимиз айтганидек, ношукру нонкўрликдан Ўзи асрасин. Зеро: «Ношукрда-шукур бўлмас, нонкўрда - узр».

Қўшиқ

«ҚАНИ ШУКР ЭТГАНИНГ...»

Сўфи Оллоёр сўзи

*Баногоҳ карвон султони етса,
Санга асли ватаннинг ҳукмин этса.*

*Худо қилса нидо: «Эй бандаи зор,
На келтурдинг, на турлук қилмишинг бор?»*

*Тану терингда тотлиғ жон яраттим,
Баҳойим қилмадим, инсон яраттим.*

*Ҳамиша айладим тарбиятингни,
Нағу қилдинг паришон ниятингни?*

*Сани солдим мусулмонлик йўлига,
Қани шукр этганинг мингдин биринга?*

*Тамом аъзоларингни солим эттим,
Ариғ зотим билурга олим этдим.*

*Суғордим оби неъматдин тишингни,
Қани айғил манга қилган ишингни?»*

ШАРҲ

Эй инсон! Бир куни паймонанг тўлиб, «асл ватан» (қабр, охират)га етганигда, яратган-Аллоҳ сени: «Охират дунёсига нима олиб келдинг, сени мусулмонлик йўлига солган эдим, берган неъматларимга шукр этдингми? дея сўроқ қилса, не деб жавоб бера оласан?! «Қиёмат кунининг подшоҳи» яна сендан: «Мен ўз қудратим ва раҳматим ила сенга жон ато этдим, сени ҳайвон эмас мукаррам инсон қилиб яратдим, Китоб ва пайғамбарим воситасида тарбия қилдим, тўғри йўл кўрсатдим. Сен эса дунё матоҳига дил бериб, менга шукр қилмадинг. Берган барча неъматларимга қилган шукринг қани?»-деб сўраса не дейсан?! Яратганнинг: «Эй инсон, сенинг барча аъзоларингни соғлом ва мукамал қилиб яратдим. Ўзингни илми, маърифатли қилдим. Сен учун сув ва таом каби неъматларимни зиёда қилдим. Эвазига сен нима қилдинг?», -деган ҳақли саволига қандай жавоб берасан?! У кунда тилинг калимага келмай, юзинг қаро бўлиб қолишини истамасанг, ҳаёти дунёда Аллоҳнинг зикри ва шукрини тилингдан қўймагин. Зеро, шукруллоҳни омонат билганларнинг Қиёмат кунинда юзлари ёруғ бўлади.



«ҚИЛМОҒИДИН ТАВБА
ИЛОҲИЙ ДЕГИЛ...»

Гуноҳкор инсон учун тавба Аллоҳ таолонинг сўнгсиз марҳаматидир. Яратган Қиёматгача тавба эшикларини очиб қўйган. Энди ақл юргизиб кўрайлик, Аллоҳ таоло марҳамат қилиб тавба эшикларини очиб қўймаганида нима қилар эдик. Ҳар қадамимизда рўй бераётган гуноҳу маъсиятларга кўмилиб қолмасмидик? «Пайғамбаримиз алайҳиссалом дейдилар: «Одам фарзандларининг барчаси хатоларни кўп қилгувчидир. Хато қилгувчиларнинг яхшиси тавба қилгувчилар ва гуноҳларининг авф этилишини сўровчилардир» (Термизий ривояти) Абу Ҳомид Фаззолий. Тавба китоби. -Т.: Мовароуннаҳр, 2003, 101-бет).

Аммо тавба қилмаслик ва гуноҳларни зиёда этишдек офир касалликка гирифтор бўлганлар борки, бу гўё булоқнинг бўйида яшаб чанқоқда умр кечираётган нодоннинг ҳаёт тарзига ўхшайди.

Ҳазрат Навоий «Ҳайрат ул -аброр»да мана шу тарзда ҳаёт кечирадиган «жаҳолат майи билан маст» одамларни қуйидагича таъриф этади:

*Улки ичиб бодаи паймонагин,
Маст чиқар кўйга хумхонагин.
Манглайиким томға тегиб, қон бўлуб,
Бошида гастори паришон бўлуб.
Элга қилиб ҳамла ёмон ит киби,
Қайси ёмон ит, қоповон ит киби...
Май қилибон беҳуда ҳолин анинг,
Қай қилиб олуда сақолин анинг...*

*Қай сақолин ҳар неча нопок этуб,
Ит яламоқ бирла яна «пок» этуб-*

яъни у тавбани унутдиргувчи, паймонани гўлдирувчи жаҳолат майини ичиб, маст ҳолатда кўчага чиқар экан, манглайини деворга уриб қонатади. Бошидаги салласи учиб кетиб, чувалашиб қолади. Кўрганларга ёмон ит йўқ-йўқ, қоповон итдек ҳамла қилади. Май унинг ҳолини шу қадар забун қилганки, соқоли қусуқдан ифлосланганини ўзи билмайди. Шунда дайди ит унинг соқолини ялаб «поклаб» қўяди.

Бу одам жаҳолат ботқоғига шунчалик чуқур ботганки:

*Кўнглига кирмай бу маломат анинг,
Жонини олмай бу хижолат анинг.
Қилмай асар мунча қабохат анга,
Мунча қабохатлар ибохат анга.
Зол қизи ҳар нечаким бўлса эшит,
Бордур анинг кўзига ҳуру биҳишт-*

яъни у ўзининг бадхулқидан сира хижолат чекмайди. Шу юришни оддий бир безорилик, деб ўйлайди. Унинг бу хаёли гўё ёсуман кампир ўзининг қари қизини жаннат ҳурига ўхшатгани кабидир.

Ҳолбуки, бу жоҳил одам билмайдик:

*Улки кемур сотмоғин айлар шиор,
Юз қаро бўлмоқдин анга қайда ор.
Улки улус қатлига жаллоғ эрур,
Ўғлини ўлтурса доғи шог эрур-*

Унинг юзи қоралиги кўмир сотувчининг юзидек доимий юз қораликка айланган. Шунинг учун у ўзининг жаҳолатидан ор қилмайди. Зеро жаллоғ бўлгандан кейин у бошқани сўядими, ўз ўғлининг қатли учун қилич сермайдими, нима фарқи бор?

Тавба неъматидан бебаҳра одамга қарата Навоий шундай дейди:

Фисқу фужур илги чу оғзинг очуб,
Куп каби рафлат майидан каф сочуб.
Не сенга ўлмак ғамидин мотами,
Не сенга паймона тўлардин ғами.
Етса ажал муҳтасиби нетгасен,
Дафъиға тағбир не навъ этгасен?!

яъни оғзингни очган фисқу фужур қутқусида атрофга рафлат майидан кўпиклар сочасан. Ўлиб бир куни паймонанг тўлишидан беҳабарсан. Ғам-қайғудан бегонасан. Эй жоҳил, ажал ҳисоб-китоби келса, нима қиласан? Бу тарози ҳисобига не деб жавоб берасан?

Зеро, жоҳиллик денгизи олов денгизи кабидирки, унинг ўтини ҳеч нарса ўчиришга қодир эмас:

Ўтки бу навъ ўлса ҳарорат анга,
Не сув этар дафъи шарорат анга-

яъни бу олов ҳарорати шундай баландки, ҳеч қандай сув уни ўчира олмайди, балки алангалатади.

Сувки бу ўт жонига офат гурур,
Тавба чоғи ашки надомат гурур-

Фақат шундай сувгина бу оловни ўчира олади. Бу- тавба чоғидаги пушаймонлик кўз ёшларидир.

Бу ўт ўлуб ашк ёғар чоғи дафъ,
Йўқки бу ўт дўзах ўти чоғи дафъ-

Агар тавбанг рост, кўз ёшларинг надомат кўз ёшлари бўлса ва кўзларингдан ёмғирдек томчиласа, билки бу ёмғир жаҳолат оловини ўчиради. Надомат кўз ёшлари олдида жаҳолат ўти нима бўпти, тавба ашки ҳатто дўзах ўтини ўчиришга ҳам кифоя қилади.

Бироқ кўпчилик тавба деб ҳисоблайдиган амалларнинг аксари, тавба эмас, риёдир:

Тавба ани англама таъриф ила,
Ким берилур кимсага таклиф ила.
Ёхуғ ангаким мадағ этмас биллик,
Аҳдига мусҳаф сори элтур илик.
Барча қазо ўтига хасдир булар,
Тавба ҳисобига эмасгур булар-

Сен бировни кўрқитиш билан ёки ўртага «Қуръон қўйиб» қасам ичтириш билан ҳақиқий тавба бунёд бўлади, деб хаёл қилма. Булар тақдиру қисмат билан боғлиқдирки, Худо ўзи хоҳлаган бандаларининг-гина тавбасини қабул қилади.

Кимки қазо илгида беихтиёр,
Тавба қилурда анга не ихтиёр-

яъни кимки Аллоҳнинг қазойи қадари-ажал кўлида экан, бу ҳолатида қилган тавбасидан не наф?

Ҳақиқий тавба шуки:

Билсаки Ҳақ ҳозир эрур барча вақт,
Қилғонига нозир эрур барча вақт.
Кўнгли аро тушса маломат ўти,
Жонини куйурса хижолат ўти.
Етса бу ҳолатда тафаккур анга,
Қилғонидан бўлса танаффуру анга-

яъни ҳар қадамида Ҳақнинг ҳозир у нозирлигини дилдан иқрор этган ва кўнглида ўзини маломат қилган, ҳар бир ёмон ишидан хижолатда бўлган, гуноҳлари ҳақида ақл юргизиб, гуноҳларидан нафратланган кишининг тавбаси ҳақиқийдир.

Ана шундагина:

«Тубу шаллоҳ» ила топса футуҳ,
Бўлса бу тавбаки, талабгур насуҳ-

ягона Аллоҳга қилинган тавба билан эришилган ғалаба, ҳақиқий ғалабадир. Қабул қилинувчи тавба ҳам шудир.

Парвардигори олам Қуръони Каримда марҳамат қилади: «Барчангиз Аллоҳга тавба қилинглр, эй мўъминлар!

Шоядки, шунда нажот топсангиз» (24: 31). Аллоҳ таоло тавба ҳақидаги ҳукмида бевосита «мўминлар», – деб мурожаат қилмоқда. Демак, юқорида келтирилган мисолларимиз ҳам далил бўладики, тавба қилиш мўминнинг, иймонли кишининг иши экан. Дарҳақиқат, шайтони лайъин тавба қилувчи эмас. У охиратдаги мағфиратдан ноумид. Шунинг учун бўлса керак, халқ орасида «Ноумид – шайтон», деган ҳикмат юради. Тавба қилмаган, Раҳмоннинг мағфиратидан ноумид кимсалар шайтонга яқинроқдирлар. Парвардигаро, бизларни ўзингга яқин қилгин, шайтоннинг шарридан ҳифзи-ҳимоятга олгин. Омин.

Пайгамбаримиз (с.а.в.)дан ривоят қиладилар: «Яқинда тавба қиламан, деб айтгувчи ҳалок бўлади. Мўмин кишига то ўлим келгунича ҳар вақт Аллоҳга тавба қилмоғи лозим бўлади. Аллоҳ таоло тавбаларни қабул қилгувчидир». Аллоҳ айтадики: «У бандаларидан тавба-тазарруъ қабул қиладиган, ёмонликларни авф этадиган ва қиладиган ишларингизни биладиган зотдир» (Шўро, 25). Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) айтадилар: «Кимки фақат якка –ягона, улур Аллоҳ таолодан кечирим сўрайман деб уч марта айтса, унинг гуноҳи кечирилади, агар денгизларнинг кўпикларича бўлса ҳам» («Танбеҳул-гофилийн», биринчи китоб, 105–106 бетлар).

Ҳожи Муиннинг «Мерожи Набавия» китобида шундай нақл келтирилган: «Абу Бакр Воситий дебдур: «Аллоҳ таоло (мерож) кечаси сўрадиким: «Эй Муҳаммад, сенинг учун энг маҳбуб нарса нимадир?» Расули акрам дедилар: «Умнатларим сенинг ҳузурингга келганларида, гуноҳдан фориг бўлиб келсалар эди» Аллоҳ таоло деди: «Эй, Муҳаммад, сенинг умнатларингни амримга далолат қиламан, муҳаббатим сабабидан, ёмон ишлардан қайтарурман, шафқатим сабабидан, уларга вужуд ҳам берганман гуноҳларга мубтало бўлсин деб, чунки менинг раҳмат хазинам бор, улар гуноҳларига тавба қилсалар раҳмат хазинамни улар учун очурман. Сенинг умнатларинг Жаннатдаги менинг меҳмонларимдир. Одатда меҳмон келса, унга иззат-ҳурмат кўрсатурлар».

Кўринадики, инсон яратилишидан гуноҳга мубтало қилиб яратилган. Вақтики у гуноҳ қилса, гуноҳқорлигини

англаб етса, тавба қилади, гуноҳини ювиш учун эзгу амаллар қилади, шу эзгу амаллар савобидан жаннатга-Аллоҳнинг раҳмат хазинасига қадам қўяди. Ўзини гуноҳқор деб ҳис этмайдиган киши такаббур бўлади. Кибр эса Худо қошида ёмондир:

*Гуноҳга тавба айлаб, энди тоат қилмасам бўлмас,
Гуноҳу маъсиятларга надомат қилмасам бўлмас».*

(Ҳазиний)

Хулоса шуки, Аллоҳнинг бирлиги, борлигига раҳмату фазлига, Фаф-форлигига, Унинггина ихтиёрида бўлган қазойи қадарга чин қалб ихлоси ила қилинган тавба-қабул этилгувчи тавбадир. Халқимизнинг: «Чин юракдан йиғласанг, сўқир кўздан ёш чиқур», деган мақолида мана шу ҳикмат яширин. Аллоҳ қалбларимизни иймон нуридан, кўзларимизни раҳмат ёшларидан бебаҳра қилмасин. Омин.

Қўшиқ матни

ТАВБАДУР

Машраб сўзи

*Кимки толибдур, анинг ганжи ниҳони тавбадур,
Англағил мулки баданнинг посбони тавбадур,
Мурдаларнинг борҳо жисмида жони тавбадур,
Бандаларнинг равнақи, дини имони тавбадур,
Жумлаи шоҳу гагонинг соябони тавбадур.*

*«Тавба»ни оғзингга олсанг зарра қолмасдур гуноҳ,
Гар гуноҳинг бўлса авф этгай ани ул Подшоҳ,
Чун Масиҳо ёғини қил, они ёғ эт этти Худо,
Тавбадин айрилди ҳар ким-ул тополмас ҳеч даво,
Жумлаи шоҳу гагонинг соябони тавбадур*

*Тавбасиз тоатни ҳаргиз қилмагай Холиқ қабул,
Тавбадин қочган кишилар топмади ҳеч динга йўл,
Тавбани фарз этди мўъминга Худо бирла Расул,
Токи жонинг бордур, сен тавбанинг йўлида юр,
Жумлаи шоҳу гадонинг соябони тавбадур.*

*Машрабо, ҳар соати сен тавбани такрор қил,
Банда бенуқсон эмасдур—кунда истиффор қил,
Оби ҳасратдин кўзингни доимо хунбор қил,
Мисли Аҳмаддек ўзингни толиби дийдор қил,
Жумлаи шоҳу гадонинг соябони тавбадур.*

ШАРҲ

Кимки, охират неъматига талабгор эса, бу неъматни сотиб олиш мумкин бўлган бойлик тавбадир. Тавба тирик жоннинг посбони, ўлик жисмнинг жони, банди мўъминларнинг иймони, шоҳу гадонинг соябонидир. «Тавба» лафзини қанча такрорласанг, шунчалик покланасан. Тавбанг гуноҳларни авф этгувчи Подшоҳга етса бас, авф этиласан. Исо алайҳиссалом тавбаларини эсла. Уни Худо ёд этган, тавбаларини қабул қилган эди. Тавбадан юз ўгирганларнинг эса дардлари давосиз. Чунки тавба қилмаганларнинг ибодати ҳам қабул эмас. Бундайлар асло ҳидоят топмайдилар. Аллоҳнинг каломиди, Пайғамбар (с.а.в.) сўзларида тавба фарз экани айtilган, шундай экан, тавба неъматини қаттиқ ушла. Эй Машраб, умрингни тавбанинг такрорига бағишла. Ҳеч банди бегуноҳ эмас, истиффорингни қўйма. Тавба қилар экансан, кўзларнигдан ёш эмас, қон оқсин. Пайғамбар алайҳиссалом каби Аллоҳ дийдори талабиди бўл. Зеро, шоҳу гадо учун гуноҳ ёмриридан асровчи соябон, бу—тавба ҳисобланади.

ХОТИМА

Муҳтарам ўқувчи!

Ҳозиргина ўқиб тугатганингиз рисола ҳаётнинг мазмун-моҳиятини англамоқ истаган, бу дунёдан покланиб ўтишни, комил инсон бўлишни мақсад қилганлар учундир. Ҳазрат Алишер Навоий «Ҳайрат ул-аброр» асарига покланмоқлик, комил иймонга эришмоқликнинг бир неча муҳим шартларини бадиий образларда маҳорат чўққисига туриб талқин этган. Бу ўринда рисоланинг вазифаси бутун сиз учун бир қадар мураккаброқ бўлган шеърӣ матнларни шарҳлашда, «Ҳайрат ул-аброр»да баён этилган мавзуларнинг талқин доирасини имкон қадар оммабон этишда, қолаверса, уларни мусиқа санъати билан уйғунлаштиришда кўринади.

Ағолат, сахийлик, оғоб, вафо, тўғрилиқ, сабр, маърифат, шукр, тавба каби амаллар соҳиби иймонга даъво қилса арзийди. Зеро, иймон шундай буюк фазилатки, унга мушарраф бўлмоқ бахт-саодат калитидир. Доно халқимиз «Ақли ақлсиздан—ўрган», деган ҳикматни бекорга айтмаган. Ҳақиқатан, иймон иймонсизнинг, ағолат зolimнинг, оғоб беҳаёнинг, сабр сабрсизнинг, маърифат жоҳилнинг, саховат бахилнинг қаршисига мазмун касб этади. Рисолада Ҳазрат Навоий талқинига эргашган ҳолда, зидлаш (контраст) усулидан фойдаланилди. Рисолани ўқир экансиз, сизга яхши ва ёмон, оқ ва қорани ақл юргизиб қиёслаш имконияти бўлади. Ишонамизки, бу ўринда сиз оқилона йўл тутасиз.

Шунингдек, сиз рисоладан тарихий воқеалар, тарихий шахслар ҳақида маълумотлар топасиз. Бундан ҳам билим доиранингиз кенгаяди, ҳам ибрат оласиз.

Энг муҳими, жамиятда яшамокдан мурод Аллоҳнинг фарзларига, Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадисларига эргашмоқ эканини англайсиз. Иймон саодатининг нима эканлигини тушунасиз. Агар тушуна олсангиз икки дунё саодати сизга ёрду.

Бундай саодатли умрни Яратган ҳаммамизга насиб этган бўлсин. Омин. Валлоҳу аълам биссаваб.

ЛУФАТ ВА ИЗОҲЛАР

Абу Лаҳаб - Пайғамбар алайҳиссаломнинг жоҳил замондошларидан бирининг исми.
 Авроқ - Варақлар.
 Агд - Адолат.
 Ажал мухтасиби - Азроил (а.с.). Жон олувчи фаришта.
 Азми раҳ - Қарор қилмоқ; юришга қарор қилмоқ.
 Айюби халаф - Устоз Айюб.
 Анбиё - Пайғамбарлар.
 Анқо - Афсонавий бахт қуши.
 Аржуманг - Дўст.
 Афганда - Ташлаб кўйилган; тушкун ҳолат.
 Афгор - Яраланган; мажруҳ.
 Ахтар - Юлдуз.
 Багал - Тўлов.
 Бал - Балки.
 Башар - Инсоният.
 Бақо мулки - Абадият мулки.
 Баҳман - Шамсия йили ҳисобидаги ойларнинг ўн биринчиси. (ҳозирги йил ҳисоби бўйича 21 январь-21 февраль кунларига тўғри келади. Совуқ қиш).

Баҳрвар - Фойдаланмоқ.
 Баҳри сафо - Поклик денгизи.
 Бебизоат - Камбағал.
 Бeroҳлик - Йўлсизлик.
 Бeҳбуғ - Саломат; соғлом.
 Биайних - Айнан; ўзидек.
 Билмон - Билмайман.
 Ботил - Нотўғри.
 Бурж - Қуёш йилининг ҳаракат йўналиши бўйлаб жойлашган юлдуз.
 Бухл - Бахиллик.
 Бўйла - Бундай.
 Васат - Ўрта; ўртача; ўртаси.
 Воситан жоҳ - Фараз воситаси.
 Гом - Қадам.
 Гузар - Йўл.
 Гуфту шунуг - Гапни эшитмоқ.
 Гўш - Қулоқ.
 Даранг - Тўхталиш; туриш.
 Деви лайъин - Лаънати дев. Шайтон.
 Дилпазир - Кўнгилга хуш ёқувчи.
 Дирам - Дирҳам; пул.
 Дохил - Кирувчи; кирган.
 Даъв(и) - Даъво.

Дуру якто - Ягона дур.
 Дом - Тузоқ.
 Доро - Эрон шоҳларидан бири.
 Дастгир - Қўлловчи.
 Дун - Паст; разил.
 Дурри ноб - Ёмғир томчиси.
 Дурж - Қутича.
 Жамшид - Пешдодийлар сулоласидан 4- подшо.
 Унинг исми «Жам» ва «Шид» сўзларидан тузилган бўлиб, Жам- киши исми, Шид - нуроний дегани. Унинг подшоҳлик замонида ёруғлик зулмат устидан, адолат эгрилик устидан, инсонлар девлар устидан ғалаба қозонган, турли дардларга даво топилган. Аммо у ғалабаларидан кибрланиб кетгач, яна ёмонликлар бош кўтаради.
 Жиффа, жийфа - Ўлимтик; ҳаром мол.
 Жў - Ариқ.
 Зер - даст-Паст қўл; қўлини паст қилмоқ.
 Залил - Залолат.
 Заҳҳок - Бу исм «Авесто» да Ажи Даҳҳок-Аждаҳо сўзидан олинган деб

кўрсатилган. Қадимий афсоналарга кўра, Аждаҳо - осмондан бало ёғдирувчи қора булут. Заҳҳок эронийлар афсоналарида Ахриман авлоди дейилади. У Жамшид тахтини босиб олиб, 1000 йил подшоҳлик қилади. Заҳҳок номи Мусулмон-Шарқи адабиётида золимлик, ноҳақлик тимсоли бўлиб кетган.
 Зевар - Безак; зийнат.
 Зол - Навоий қари кишиларга нисбатан «Шоҳнома» даги Зол исмини қўллаган.
 Зулжалол - Қудрат эгаси, Худонинг сифатларидан бири.
 Зилол - Тиниқ сув.
 Ибоҳат - Йўл қўйишлик.
 Ибрый, эроний, сурёний - Яҳудийча, форсча, қадим мисрча.
 Ибтидо - Бошланиш.
 Искандар - Қуръони каримда зикр этилган ҳукмдорлардан.
 Ихрож - Чиқариш; йўқотиш.
 Иснайн - Икки худоилик.
 Истиғфор - Кечирим сўраш, тавба қилиш.

Итоб - Маломат; таъна.
 Ифрот - Исроф; ортиқча.
 Иқлимгар - Иқлимлар эгаси
 Кавни фасог - Дунё, олам,
 борлиқ.
 Кажрав чарх - Бузуқ
 табиатли чарх.
 Каманд - Тушов.
 Кишвар - Пойитахт.
 Кунгури ҳиммат - Ҳиммат
 доираси; ҳиммат тиши.
 Ложуварг - Зангори.
 Луъбат - Қўғирчоқ.
 Малойик - Фаришта.
 Манучеҳр - «Шоҳнома»га
 кўра Эроннинг олтинчи
 шоҳи.
 Фаридун авлоди.
 Эранжнинг набираси. Халқ
 ривоятларида у адолат
 учун курашувчи киши
 тимсоли ҳисобланади.
 Манзум(а) - Шеърий асар;
 назм қилинган воқелик.
 Маош - Бойлик.
 Маръий - Амал
 қилинадиган.
 Марг раги - Ўлим томири.
 Марҳам - Малҳам; дори.
 Маркаб - Арава, улов.
 Масиҳо - Исо
 алайҳиссаломнинг
 сифатлари.

Маснағ - Суянчиқ;
 мартаба; даража.
 Матаҳаррик - Ҳаракат
 қилувчи.
 Машийат - Юриш.
 Машъари Расул -
 Пайғамбар келтирган йўл;
 шариат.
 Махлас - Озод бўлмоқ;
 Нажот топмоқ.
 Макруматини волигайн -
 Ота-она ҳурмати.
 Мақом - Ўрин; жой.
 Мақсуд - Мақсад.
 Мақсади асли(й) - Асл
 мақсад; жаннат.
 Маъбуд - Худо; Илоҳ.
 Маъдум - йўқ бўлган; йўқ
 бўлмоқ.
 Меҳригиё - Ўт; гиёҳ номи.
 Мораз - Касаллик.
 Мужаррағ - Якка-ёлғиз.
 Мунбасит - Шод; хурсанд.
 Мунир - Нурли.
 Мустаҳиқ - Лойиқ; ҳақли;
 муҳтож.
 Мурид - Шогирд; пир
 тарбиясидаги киши.
 Мусаллам - Таслим бўлган;
 бўйсунган.
 Мутаҳаттик - Ҳаёсиз;
 шарманда.
 Мутаҳаммик - Бардош
 бергувчи.

Мухра - Заҳар.
 Муфтанам - Ҳанимат
 саналган.
 Мусаххар - Сехрланган.
 Муҳаққақ - Текширилган;
 тўғри; ҳақиқий.
 Муътақид - Ўтиқод
 қилувчи; ишонувчи.
 Мўр - Чумоли
 Наботу жамог - Ўсимлик
 ва ҳайвонот.
 Наварг - Югуриш,
 айланиш; урушмоқ,
 курашмоқ.
 Навзар - (ёки Наузар)
 Эрон шоҳларидан
 Манучеҳрнинг ўғли.
 Нажанд - Ҳамгин.
 Насух - Истеъмолдаги,
 амал қилинадиган.
 Наъш - Тобут
 Наҳаж - Тўғри йўл; катта
 йўл.
 Нақб - Ўра; лаҳм.
 Нигин - Узук.
 Нишот - Шодлик.
 Ногузир - Зарурий; зарур.
 Нукта - Ҳикматли гап.
 Нўш - Ичмоқ.
 Офоқ - Уфқлар.
 Оғушта - Қоришган;
 булранган.
 Пайкар - Пари қиёфали.

Паришон - Ёйилган,
 сочилган.
 Пўй - Югуриш; чопиш.
 Печу шиканж - Озор
 берувчи; чигал.
 Раҳл - Кўчиш, сафарга
 чиқиш.
 Раҳт - Сафар юки, асбоб-
 анжом.
 Рисолат - Пайғамбарлик.
 Рифъат - Кўтарилиш;
 юқори мартаба.
 Рўзи охир - Охирги кун;
 қиёмат.
 Сабт - Сабот; чидам.
 Савт - Овоз; товуш.
 Салм - Фаридуннинг катта
 ўғли. Салм номи арабча
 саломатлик деган маънони
 беради. Фаридун
 ўғилларини синаб кўргач,
 унга шундай ном беради.
 Санжоқ - Байроқ.
 Саргашта - Эс-ҳушини
 йўқотган; паришон.
 Сарир - Фижирлаш;
 шитирлаш.
 Саҳв - Хато.
 Саҳо - Саховатлилик; қўли
 очиқлик.
 Сарнигун - Афдарилган;
 тўнкарилган.
 Саҳоб - Булут.

Силаи раҳм - Ота-она;
қариндош-уруғларига
яхшилик қилиш.
Сийм - Бойлик;
қимматбаҳо буюм, кумуш.
Сифору кибор - Кичигу катта.
Сога тош - Силлиқ тош.
Согис - Олти.
Сойил - Тиланчи.
Сойири нос - Юрган
инсонлар.
Субҳ - Тонг.
Сулаймон (а.с.) -
Аллоҳнинг пайғамбари.
Тааб - Чарчамоқ; ҳормоқ.
Табоҳ - Бузуқ; вайрон.
Таваҳхум - Ваҳима; шубҳа.
Тавозуъ - Камтаринлик;
одоблилик.
Тавр - Хулқ.
Таваққуъ - Умид қилиш.
Тазвир - Алдаш; найранг
Тазйин - Зийнатланмоқ;
безанмоқ.
Тазаллум - Зулмдан
шикоят қилиш.
Танаффур - Нафратланиш.
Тасалсул - Боғланиш;
бирикиш.
Тийра хок - Қора тупроқ.
Тифл - Бола.
Томиъ - Тамагир.
Тойири мақсуд - Мақсад
қуши.

Тўққуз сипеҳр - Тўққиз
осмон.
Тузлук - Тўғрилиқ;
ҳалоллик.
Уқоб - Бургут.
Фарз - Бажарилиши шарт
бўлган шаръий амал.
Фано - Йўқлик.
Фарзи айн - Қатъий фарз
қилинган.
Фарзу сунан - Фарз ва
Пайғамбар (с.а.в.)
суннатлари.
Фарғ киши - Ёлғиз киши.
Фармонпазир - Буйруқни
бажарувчи.
Фарҳог - «Хамса»
қаҳрамони.
Фаругун - «Шоҳнома» га
кўра Фаридун Жамшид
авлодидан тирик қолган
бирдан-бир тахт вориси,
Эрон шоҳи. Унинг образи
халоскор шоҳ сифатида
адабиётда кўп тилга
олинади.
Фаҳр Розий - (вафоти
1209.)Илми калом
донишманди.
Фақоу фақр - Қашшоқ;
камбағал; дунёдан этак
силккан киши.

Фусунгар - Афсун
қилувчи.
Форс новоҳийси - Форс
шаҳарларидан бири.
Фузун - Кўп; ортиқ.
Хайру шарр - Яхши-ёмон.
Хамуш - Ёпилиб қолмоқ.
Хатм - Тугаллаш; тугатиш.
Харош - Яғир; тирналган;
қитирлаш.
Ҳашр - Қиёмат.
Хизр - Хизр алайҳиссалом.
Қуръони Каримда
келишича Хизр
алайҳиссалом Аллоҳнинг
олим бандаларидан.
Хилофат - Халифалик;
подшоҳлик.
Хилқат - Яратилиш;
яратилган.
Хиром - Солланиб юриш.
Хитта - Мамлакат, ўлка,
ер юзи.
Холиқ - Яратган.
Хобгоҳ - Ухлаш жойи.
Хор - Тикан.
Хуруш - қичқирмоқ;
бақирмоқ.
Хусрав - Навоий «Хамса»
си қаҳрамони.
Хуффа - Зимистон.
Хужаста - Яхши.
Хулув - Бўшлиқ; холи.

Хуршиди олийжаноб -
Олий жаноб қуёш.
Чин - Хитой.
Шариатпаноҳ - Шариатни
сақловчи; амал қилувчи.
Шаръ - Шариат.
Ширк - Ягона Аллоҳга
бошқа бировни шерик
келтириш.
Шофиш(ий) - Имом Шофийий.
Аҳли сунна вал-жамоанинг
улуғ имомларидан. Шофиийя
мазҳабининг асосчиси.
Шоҳ Ғозий - Султон
Ҳусайн Бойқаро кўзда
тутилган.
Шурб - Ичмоқ, ичиш.
Эмгак - Меҳнат.
Эранж - Фаридуннинг
кичик ўғли. Фаридун
ўғилларини синовдан
ўтказганда куч-ғайрат, ақлу
идрок билан иш тутган
ўғлига шу исми беради.
Эҳтисоб - Санок; ҳисоб;
кузатиш; текшириш.
Явмул - ҳисоб-Ҳисоб
куни; қиёмат.
Ўтру - Қарши; рўпара.
Қониъ - Қаноатли.
Қайюм - Уйғоқ; Абадий
тирик, Аллоҳнинг
сифатларидан бири.

Қурс - Поклик.
Қурб - Яқинлик.
Қўпмоқ - Турмоқ.
Ҳамл - кўтариш; кўтариб юриш.
Ҳаққуннос - Инсоннинг ҳаққи.
Ҳилм - Юмшоқ кўнгиллилик.
Ҳиндуви лойб - Ҳинд масхарабози.
Ҳирқаи фақр - Камбаралнинг ҳирқаси; дунёдан этак силккан сўфийнинг жанда кийими.
Ҳотамитой - Тарихда сахийлиги билан машҳур бўлган араб миллатига мансуб киши.
Ҳушманг - Зийрак; заковатли.

Ҳумла - кўйлак; ипак кийим.
Ҳулди барин - Абадий жаннат.
Ҳушанг - Сиёмак ўғли, Каюмарсинг набираси ва тахт вориси. Пешдодийлар сулоласига асос солган подшо. Оловдан фойдаланишни кашф этиб, темирчилик ҳунарини бошлаб берган. У қирқ йил Эрон шоҳи бўлиб турган.
Ғавр - Тагига етмоқ; ҳақиқатни билмоқ.
Ғаззоли(й) - Имом Ғаззолий. Улуғ дин уламиси.
Ғараз - Мақсад; мўлжал.
Ғарба - Ғалвир.
Ғино - Бойлик.
Ғулув - Ғавғо; чегарадан чиқишлик.

МАНБАЛАР РЎЙХАТИ

1. Самарқандий Абулайс. Танбеҳул рофилийн. I, II, III-китоб. - Т.: Мовароуннаҳр, 2000.
2. Акрамов Ботирхон. Фасоҳат мулкининг соҳибқирони. -Т.: Ўзбекистон, 1991.
3. Ал-Бошо Рифъат Абдураҳмон. Саҳобалар ҳаётидан лавҳалар, -Т.: Қатортол-камолот, 1998.
4. Арбаъин ҳадис ва қирқ мақол. -Т.: Фан, 1994.
5. Марғилоний Бурҳониддин. Ал-Ҳидоя. -Т.: Мовароуннаҳр, 2000.
6. Ал-Бошо Рифъат Абдураҳмон. Пайғамбарнинг ўн саҳобаси. - Т.: Чўлпон, 1996.
7. Жалолов Тўхтасин. «Ҳамса» талқинлари. -Т.: Ф.Фулом, 1968.
8. Ал-Бухорий Имом Исмоил. Ал-адаб ал-Муфрад. -Т.: Ўзбекистон, 1990.
9. Камол Муҳаммад. Ўрлим Аҳмадга ўғитлар. -Т.: Мовароуннаҳр, 1999.
10. Кўпрапа Зокойи. Ҳазрати пайғамбаримиз ва ислом дини, I, II, III-китоб. -Т.: 1996.
11. Мавлоно Муҳаммад қози. Ҳукмдорга ўғитлар. -Т.: Шарқ, 1999.
12. Манбаъ ул-маориф. -Т.: Ёзувчи, 2003.
13. Мансуров А., Жўраев У., Лафасов М. Ҳадис илми сабоқлари. -Т.: Ф.Фулом, 1999.
14. Машраб. Меҳрибоним қайдасан. -Т.: Ёзувчи, 1997.
15. Навоий Алишер. МАТ., VII -том.-Т.: Фан, 1991.
16. Навоий Алишер. Ҳайрат ул - аброр.-Т.: Ф.Фулом, 1997.
17. Обидов Раҳматилла. Қуръони каримда Исо пайғамбар сиймоси. -Т.: Ислом университети, 2002.

18. Оллоёр Сўфи. Саботул ожизин. -Т.: Мовароуннаҳр, 1997.
19. Пайгамбарлар қиссаси. -Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1993.
20. Рустамий Алибек. Адиблар одобидан адаблар. -Т.: Мовароуннаҳр. 2003.
21. Самарқандий Васлий. Имом Аъзам тарихи. -Т.: Ёзувчи, 1995.
22. Тарона (ғазаллар, шеърлар, ҳажвиялар, қатралар). -Т.: Ғ.Ғулом, 1988.
23. Товаслий Юсуф. Ҳикматлар хазинаси, I, II, III-китоб, -Т.: Наврўз, 1994.
24. Усмон Нурий Тўпбош. Бир кўза сув. -Bashi-Cilt: Erham Matbaacilih.
25. Чустий. Садоқат гуллари. -Т.: Наврўз, 1994.
26. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. -Т.: Шарқ, 2003.
27. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома (Ўзбек мақолларининг изоҳли лурати). -Т.: Энциклопедия, 1990.
28. Қуръони Карим маъноларининг изоҳли таржимаси. -Т.: Ислом университети, 2001.
29. Қуръони Карим (Ўзбекча изоҳли таржима), -Т.: Чўлпон, 1992.
30. Қоя Абдураҳмон, Ислом ахлоқи. -Т.: Мовароуннаҳр, 1997.
31. Ҳадис (Ал-жомийъ ас-саҳиҳ) I, II, III, IV томлар. -Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991-1996.
32. Ҳазиний. Девон. -Т.: Ёзувчи, 2000.
33. «Ҳайрат ул-аброр» Насрий баён қилувчи А.Ҳайитметов. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1974.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
Биринчи сабоқ: «Ким иши иймон била топқай наво...»	5
Қўшиқ: «Иймон васфи». Бобур сўзи, Оролмирзо Сафаров ижроси	121
Иккинчи сабоқ: «Алл эшигин элга кушод айлагил...»	16
Қўшиқ: «Олам юзин обод қил». Навоий сўзи, Маҳмуджон Тожибоев ижроси	122
Учинчи сабоқ: «Тарки тамаъ қилки, сахо ул эмиш...»	24
Қўшиқ: «Эрга ҳиммат, мардга далолат яхши» Махтумқули сўзи, Расулқори Мамадалиев ижроси	124
Тўртинчи сабоқ: «Билки тавозеъ била келмиш адаб...»	32
Қўшиқ: «Сиздан ўрганмай туриб...» Чустий сўзи, Салоҳиддин Муҳиддинов ижроси	126
Бешинчи сабоқ: «Нақди қаноатра чу йўқтур фано...»	42
Қўшиқ: «Қаноатдур кўнгилларнинг сафоси...» Сўфи Оллоёр сўзи, Раҳматуллоҳ Носиров ижроси	129
Олтинчи сабоқ: «Кимки вафо қилди жафо кўрмади...»	52
Қўшиқ: «Айрилма» Махтумқули сўзи, Комилжон Отаниёзов ижроси	131

Еттинчи сабоқ: «Кимки бу давронда қилур ростлиқ...»	61
Қўшиқ: «Қилич бошингга келса айма ёлгон...»	
Сўфи Оллоёр сўзи, Раҳматуллоҳ Носиров ижроси	133
Саккизинчи сабоқ: «Эмдики илм ўлди амал айлагил...»	68
Қўшиқ: «Олим агар қатъи амал айласа...»	
Навоий сўзи, Маҳмуджон Тожибоев ижроси	135
Тўққизинчи сабоқ: «Они башар хайлининг инсони бил...» ...	78
Қўшиқ: «Бошингга не бало ёгса...»	
Ўткир Рашид сўзи, Камолитдин Раҳимов ижроси	137
Ўнинчи сабоқ: «Ҳар не бор илгинда пароканда қил...»	87
Қўшиқ: «Армон» Қобил Мирзо сўзи, Оролмирзо Сафаров ижроси	140
Ҳн биринчи сабоқ: «Шукрики онинг ҳаду поёни йўқ...»	95
Қўшиқ: «Қани шукр этганинг...»	
Сўфи Оллоёр сўзи, Раҳматуллоҳ Носиров ижроси	142
Ўн иккинчи сабоқ: «Қилмоғидин тавба илоҳий дегил...»	102
Қўшиқ: «Тавбадур» Машраб сўзи, Муҳаммаджон Каримов ижроси	144
Хотима	109
Лурат ва изоҳлар	110
Манбалар рўйхати	117
Изоҳ: Қўшиқнинг ноталари 121 - 146 бетларда берилди.	

1-сабоқ. «Иймон васфи»

Бобур сўзи

О. Сафаров

О. Сафаров мусиқаши

ижроси

Ав-вал ий-мон Ху-до-га
 кел-тир-гил. Ан-га ширк э-тар-гин ха-зар қил-гил.
 До-ғи бил-ким на-лак э-рур мак-жуг. Бар-ча-си бап-
 га. Танг-ри-гур мак-буг. Бор у-чил-чи ки-тоб иқ-
 ро-ри. Танг-ри тав-фиқ бер-са гай бо-ри.
 Я-на бил-гил на-бай-ло-рин
 бар-ҳақ, Ру-зи о-хир ни до-ға бил муш-доқ.
 Я-на бил-гил Ху-до-ғил эй ҳам-дам. Яз-ми-лиқ бўл-
 га, тир ё-мон-лиқ ҳам. Я-на қай-та ти-рил-моқ ҳақ
 э-рур. Сег-га ге-ғим не-ки бил-мак за-рур.
 Уш-бу-лар-ким бо-рин ге-ғи Бо-бур.
 Бил-ки му-фас-са-ли ий-мон шул-гур.

Изоҳ: қўшиқ вазни ҳақида 143-бетга қаранг.

2-сабоқ. «Олам юзин обод қил»

Навоий сўзи

М. Тожибоев муסיқаси

М. Тожибоев ижроси

53-
57
9
13
17
21
25
29
33
37
41
45
49

Ада и-ла о-лам ю-
зин о- бод- қил. Хулқ и-ла о-дам э-ли-ни
шод қил. Гоҳ-го-ҳи ёд ай-ла на-до-мат - ни ҳам,
Қай-си на-до-мат-гур - хи, хи - ё - мат-ни ҳам.
Жо-ми гу-ноҳ-гин ки-ши маъ-ум э-мас,
Тар-ки-ни тут-моҳ да-га маъ-мум э-мас. Ада и-ла
о-лам ю-зи-ни о-бод қил, хулқ и-ла о-дам э-
ли-ни шод қил.
Ҳақ-нинг э-рур саҳи-сиэ иш ло-зи-ми
Саҳи э-рур ло-зи ма-и о-да-ми.
Саҳ-нинг-га де уэр, та-ваҳ-хум би-ла. Зул-ми-гин
тав-ба та-зал-лум би-ла Ада и-ла о-лам ю-зин о-

53-
57
61
65
69
73
77

бод қил, Хулқ и-ла о-дам э-ли-ни шод қил.
Рай и-ла зул-мат-ни му-нар ай-ла-гил, Луф и-ла
о-лам-ни а-ср ай-ла-гил, Қим-иш-ки
бе-до-ринг э-тиб -гур а-сир, Бул ан-га
а-қл ил-га би-ла даст-гур, Ада и-ла
о-лам ю-зин о- бод қил, Хулқ и-ла
о-дам э-ли-ни шод - қил.

Навоий «Хамса»сидаги «Ҳайрат-ул аброр» достонидан олинган ушбу қўшиқ сарити мусаддаси матвий-и мавқуф вазнида ёзилган.

Ад - ли - ла о - лам ю - зин о - бо - ди қил
— V V — — V V — — V —
Муф - та - и - лун муф - та - и - лун фо - и - лун

3-сабоқ. «Эрга ҳиммат, мардга далолат яхши»

Махтумкули сўзи
Халқ мусиқаси

Р. Мамадалиев ижроси

Ас-ло о-дам-зои-га ач-чиқ сўз айт-ма,
 Фа-қи-ру мис-кии-га қа-но-ат ях-ши.
 Би-хил-га ён-дош-ма, ю-зи-ни кўр-ма,
 Бир иш би-тир-мак-ка ки-фо-ят ях-ши.
 Би-хил-га ён-дош-ма ю-зи-ни кўр-ма,
 Бир иш би-тир-мак-ка ки-фо-ят ях-ши.
 В-тим-на кўр-ган-да ку-мир юз-бер-гал,
 Қўл-дан кел-са ан-га та-ом, туз бер-гал. Ғам-гин-ни уч-рош-санг
 ши-рин сўз-бер-гал, Бе-чо-ра кул-лар-га ҳи-чо-ят ях-ши.
 Сев-ги-ли и-шинг-ни қил-ма-гал ба-дал,
 Қўл-дан кел-мас иш-га я-раш-мас жа-дал, Не-га ке-рах сен-га

бу ку-руқ а-мал, Эр-га ҳим-мат, мард-га да-ло-лат ях-ши.
 Не-га ке-рах сен-га
 бу ку-руқ а-мал, Эр-га ҳим-мат, мард-га да-ло-лат ях-ши.
 Ав-вал о-дам бу-қун-
 ё-га кел-ма-са, Кел-ган-дан сўнг у-мир кўр-са, ул-ма-са.
 Қўл-дан кел-ган ях-ши и-шинг бўл-ма-са, Кўн-гал ич-ра, дўст-лар,
 пок ни-ят ях-ши.
 Қўл-дан кел-ган ях-ши и-шинг бўл-ма-са Кўн-гал ич-ра, дўст-лар,
 пок ни-ят ях-ши.
 Гу-р-ғи-ли бек, эл-га айт-гим на-си-ҳат, Кўн-ли қа-ро би-лан
 бўл-манг-лар ул-фат. Танг-ри бер-са са-о-дат-ли бир фар-занд
 Қа-ри-ган чо-гинг-до ёш э-тар ях-ши.
 Танг-ри бер-са са-о-дат-ли бир фар-занд,
 Қа-ри-ган чо-гинг-да ёш э-тар ях-ши.

Махтумкулининг ушбу шеъри бармоқ вазнида ёзилган бўлиб, 11 бўғинли.
 Қофияланиши: а-а-а-б; в-в-в-б.
 Туроқланиши: 6+5=11.

4-сабоқ. «Сиздан ўрганмай туриб»

Чустий сўзи

С. Муҳиддинов мусиқаси

С. Муҳиддинов ижроси

81 Он-да-сон-га уч-ра-гай
 хил-и-ч-ра-бун-гай бе-ху-нар. Бир-ма-сал-бор-дир
 85 ге-миш-лар "Бир-ни-ки минг-га у-рар",
 89 Кел-ди ле-кин марг-лар-дан дун-ё-га мар-
 93 до-на-лар, Шукр э-тар-ман сўз-ла-рим-дан
 ким-ки бул-са бах-ра-вар, ги. Эл-га на-фи
 97 бул-ма-са, Чус-тий ки-то-бат қил-ма-гай.

Чустийнинг бу мухаммаси Рамали мусаммани мақсур вазнида ёзилган.

Ях - ши фар - зан - дўс - ти - ринг ҳеч ким ма - ло - мат - қил - ма - гай
 — V — — — V — — — V — — — V —
 Фо - и - ло - тун фо - и - ло - тун фо - и - ло - тун фо - и - лун

5-сабоқ. «Қаноатдур кўнгилларнинг сафоси»

С. Оллоёр сўзи
 Халқ мусиқаси

Р. Носиров ижроси

13 Ху-до-йинг ҳар не бер-са, қил қа-но - ат,
 17 Ю-рак-ни қил- ма мин-ниш- дан жа-ро - ҳат.
 21 Қи-дир-ган бир- ла риз-қилг ҳат- ри тош - мас,
 25 Ке-тар қад-ринг, қа-дар-дин ҳар- гиз ош - мас. Қа-но-ат-гур
 хўн-гил-лар-нинг са-фо - си, Қа-но-ат бар-
 29 ча ил-лат-нинг га-во - си.
 33
 37 А-гар чан-га- ки бул-санг бе-
 41 би-зо - ат, Су-лай-мон - сан, а-гар қил-санг
 45 қа-но - ат. Қа-но ат-ким, та-би-би ҳар

49 қа-сал - дур, Қа-но-ат аҳ- ли-га о-гу
 53 қа-сал - дур, Қа-но-ат-дур кўн-гил-лар-нинг са-фо - си.
 57 Қа-но-ат бар- на ил-лат-нинг да-во - си.
 61
 65
 69 Қа-но-ат маъ- да-ни-га оқ кў-зинг оқ,
 73 Та-ма бў-йи кў-рин-май, бу- йи-гим ҳоч,
 77 Га-раз дун-ё бў-либ, эй о- да-ми - зод,
 81 А-зиз ум-ринг- ни ҳар-гиз қил- ма бар - бод. Қа-но-ат - дур
 85 кўн-гил-лар-нинг са-фо - си Қа-но-ат бар-
 89 ча ил-лат-нинг да - во - си. си.

Сўфи Оллоёрнинг «Сабот ул ожизин» асаридан танланган ушбу кўшиқ ҳажзи мусаддаси мақсур вазнида ёзилган.

Қа - но - ат - дур - кўн - гил - лар - нинг са фо - си
 V - - - V - - - V - -
 Ма - фо - ий - лун ма - фо - ий - лун ма - фо - йил

6-сабоқ, «Айрилма»

Махтумқули сўзи

К. Отаниёзов мусиқаси

К. Отаниёзов ижроси

8 Мас-то-на юр-ган-ча гий-ри юрш-лар-да, Мас-то-на юр- ган-ча
 9 гий-ри юрш-лар-да, Уй-наб ўс-ган ўз юр- тинг-дан ай-рил-ма
 13 Маг-гур как-лик ка-би нафс-нинг дар-гин-да, До-ма ту-шиб қа-за-
 тинг-дан ай-рил-ма. До-ма ту-шиб
 21 қа но- тинг - дан ай-рил-ма, ай-рил-ма.
 29 Та-вак-қил эл Хақ-қа си-ринг Би- ру бор, Сабр ай-ла-гил, са-бр-
 суз-лик ҳам бе-кор. Хар қай-га бор-синг ҳам на-си-банг-дур бор.
 37 Бой бў-лай-деб из-за- тинг-дан ай-рил-ма,
 41 Бой бў-лай-деб из-за- тинг-гим ай-рил-ма,
 45 шок-лик ис-та-юр, хо-
 Но-дан тили ёл-гон сўз- ни рост де-юр, Бе-қа-др-лар
 49 душ-ма-нинг-ни дўст де-юр, Қаг-ринг бил-ган ул-фа-
 53 тинг-дан ай-рил-ма. Қаг-ринг бил-ган

ул - фа - тинг - дан ай - рил - ма, ай рил ма.
 57 Но - мард - лар ҳам му - хан - нас - лар, но чар лар,
 Но - мард - лар ҳам му - хан - нас - лар, но - чар - лар. Ту - зинг - ни еб,
 65 и - шинг бул - са қо - чар - лар, Си - ринг ни фот ай - лаб,
 ай - бинг а - чар - лар,
 69 Таъ - лим бер - ган ус - то - зинг - дан ай - рил - ма,
 73 Таъ - лим бер - ган ус - то - зинг - дан ай - рил - ма,
 77 ай - рил - ма. Ким - лар қаш - шоқ
 81 бў - лар, ким - лар бой бў - лар, Хо -
 85 Ҳар - ким - са - нинг бах - ти
 89 - иқ - бо - ли ба - лар, Ҳар - ис кел - са бош - га ти - линг -
 93 дан ке - лар. Мах - тум - қу - ли Ҳақ ё - гинг - дан
 ай - рил - ма, Мах - тум - қу - ли Ҳақ ё - гинг - дан
 ай - рил - ма, ай - рил - ма.

Махтумқулининг ушбу шеъри бармоқ вазнида ёзилган бўлиб, 11 бўгинли.

Қофияланиши: а-а-а-б; в-в-в-б.

Туроқланиши: 6+5=11.

7-сабоқ. «Қилич бошинга келса айма ёлгон»

С. Оллоёр сўзи

О. Хотамов мусиқаси

Р. Носиров ижроси

1 Кел, эй со - диқ қи - либ - сан сизга ло -
 5 қил, фи.
 8 - лан - ча қил - ма - гил ваъ - га хи - ло -
 13 фи.
 17 Хи - лоф эт - ган за - бун - лар - дин за - бун -
 21 дур.
 25 Бу дун - ё - ву у дун - ё сар - ни - гун -
 29 дур.
 33 Хи - лоф эт - санг а - гар айт - ган сў - зинг -
 37 дин.
 41 Кў - тар эр - как - лик о - ти - ни ў - зинг -
 45 дан.
 49 Сў - зинг буз - ган ки - ши - ни ах - ши эр -
 53 лар.
 57 "Қу - сиб қай - тиб а - ни ач - гув -
 61 чи", - дер - лар.
 65 Қи - лич бо - шинг га кел - са айт - ма ёл -
 69 гон.

53
 Ү-лим-дан ҳам о-рур қат-тиқ у-ял - юн.
 57
 А-гар ёл-гон-чи-лик-да ўт-са о-тинг -(эй)
 61
 Қи-ё-мат-да не-чук бўл-гай у-ё-тинг.
 65
 Қи-ё-мат-да не-чук бўл-гай у-ё-тинг.
 69
 73
 Ки-ши-нинг вақ-қа-си ким, бўл-ма-са рост,
 77
 Му-ҳаб-бат ах-диқ ан-дин қил-
 81
 ма-ғил хост. Су-зин буз-гон қа-ши буз-мас
 85
 ма ий-мон? А-нинг-дек бир-ла қил-ма ах-
 89
 ди лай-мон, А-нинг-дек бир-ла қил-ма ах-
 91
 ди лай-мон.

Изоҳ: қўшиқ вази ҳақида 5-сабоққа қаранг (130-бет).

8-сабоқ. «Олим агар қатъи амал айласа»

Навоий сўзи

М. Тожибоев мусиқаси

М. Тожибоев ижроси

1
 5
 9
 13
 О-лим бил а-ни қатъ-и а-мал
 ай-ла-са, Ил-ми-га
 17
 шо-йис-та а-мал ай-ла-са
 21
 Сол-ми-са кўз жуф-фа-и дун-ё са-ри,
 25
 Боқ-ма-са дун-ё-йи фо-не са-ри.
 29
 Сол-ма-са
 кўз жуф-фа-и дун-ё са-ри, Боқ-ма-си
 33
 туз дун-ё-йи фо-не са-ри.
 37
 О-ни ши-риф гав-ҳа-ри-нинг ко-ни бил,
 Гав-ҳа-ри кон, ҳар не де-санг о-ни-бил.

41
45
Ил - ми - ни ким но - си - та - и жоҳ э - тар.
49
9 - зи - ни - ю
53
хал - қи - ни гум - роҳ э - тар.
57
Жо - ҳил а - гар ул - ди - ру
о - лим бу - дур, О - лим э - мас 9 - зи - га
61
зо - лим бу - дур, О - лим а - гар жоҳ у - чун
65
ўл - са за - мил,
69
Ил - ми а -
нинг жоҳ - ли - га бўл - гай ди - мил.
О - ни ша - раф гав - ҳа - ри - нинг ко - ни бил,
73
Гав - ҳа - ри кон, 77 ҳар не де - санг о - ни бил.
И - ам, На - во - ии сан - га маҳ -
суг бил, Эм - ди - хи шам ул - ди а - мал
ай - ли - гил.

Изоҳ: кўшиқ вазни ҳақида 2-сабоққа қаранг (123-бет).

9-сабоқ. «Бошинга не бало ёгса»

Ў. Рашид сўзи

К. Раҳимов мусиқаси

К. Раҳимов ижроси

Бо - шинг - дан не
ба - ло ёг - са, би - ров - дан - мас
ў - зинг - дан - гур,
Ау - линг - дан гар а - дат - санг бил,
қин - гар бос - ган и - зинг - дан - гур.
Ау - линг ўз - ри
ё - тар бўл - са, э - линг хур - мат
па - ён - до - зин,
Бу - ри маҳ - нат, би - ри ай - ру,
би - ри риз - хи рў - зинг - дан - гур.

53
57
61
А - гар суҳ - бат а - ро дӯс - тинг
65
ке - тар бўл - са, ҳў - лин сил - таб,
69
А - гар суҳ - бат
73
а - ро - дӯс - тинг ке - тар бўл - са,
77
ку - лин сил - таб,
81
Би - ри гий - бат, би - ри ёл - ган,
85
би - ри муз - сиз сў - зинг - дан - дур.
89
Сен - га фар - занг -
93
ли - ринг ҳам - дам бў - либ ил - дам
97
э - шик оч - са, Би - ри соф - дил,
101
би - ри пок - лик би - лан бер - ган

105
ту - зинг - дан - дур.
109
113
117
Ке - тинг - дан ким ҳа - ё - сиз - лик,
121
и - бо - сиз - лик то - шин оп - са,
125
Би - ри чар - виғ,
129
би - ри кес - сах қа - ро ик - ки
133
кў - зинг - дан - дур.
137
Ҳа - ми - ша дўст - ла - ринг ўт - кир
141
ка - би йўқ - лаб ке - лар бўл - са,
145
Би - ри сеҳ - ринг, би - ри меҳ - ринг
149
тў - либ боқ - қан кў - зинг - дан - дур. %
153

Бу ғазал Рамали мусаммани солим вазнида ёзилган бўлиб, ҳижолаarga ажратганда сакталиқ учрайди. Бармоқ вазни таъсири сезилади.

10-сабоқ. «Армон»

Қ. Мирзо сўзи
Халқ муסיқаси

О. Сафаров ижроси

Кўн-ли я-рим де-манг ме-ли о-дам-лар,
 Ҳар ин-сон-да бор-дир бир уун-ё рам-лар,
 Ҳа-қи-ҳат-ни айт-син о-дил ха-кам-лар,
 Ис-кан-дар-ми, до-ро, қай-си жон ўт-ган,
 Қай ки-ши о-лам-дан бе-ар-мон ўт-ган,
 25 Нух-со-ним бор-ли-гин ли-сан-да қил-манг,
 33 Бу тий-ра бағ-рим-ни тар-на-манг, тил-манг,
 37 Бе-айб Пар-вар-ди-гор бе-ҳу-да қул-манг,
 41 Жа-ҳол-гир Те-мур ҳам но-ги-роп ўт-ган,
 45 Қай ки-ши о-лам-дан бе-ар-мон ўт-ган,
 49

53 Я-рим жон са-на манг ай мо-нам бу-шун
 57 Шай-тон вас на-са си ке-лаи-мас ўс-шун,
 61 Бу дун ё ким-лар-га сиз-мас қо-ри кун,
 65 Бо-бур ми, по-ли-май қай-си хон ўт-ган,
 69 Қай ки-ши о-лам-дан бе-ар-мон ўт-ган,
 73 Ким қа-бр бағ-ри-га кўз би-лан бор-ган,
 77 Қўл о-ёқ тил-ми ё сўз би-лан бор-ган,
 81 Но-сиб қил-са пар-ча бўл би-лан бор-ган,
 85 Ким би-лур ким ях-ши, ким ё-мон ўт-ган,
 89 Қай ки-ши о-лам-дан
 93 бе-ар-мон ўт-ган Қай ки-ши о-лам-дан эй
 97 бе-ар-мон ўт-ган

Қ. Мирзонинг «Армон» шеъри бармоқ вазнида ёзилган бўлиб, беш банддан ва 11 бўғиндан иборат.

Қофияланиши: а-а-а-б-б;

в-в-в-б-б.

Туроқланиши: 6+5=11.

11-сабоқ. «Қани шукр этганинг»

С. Оллоёр сўзи
Халқ муסיқаси

Р. Носиров ижроси

Ба-но-гоҳ кар-вон сул-то-ни ет-са,
сул-то-ни ет-са, Сан-га ас-ли ва-тан-нинг
хук-мил эт-са, Ху-до қил-са ни-го:
"Эй бан-да-и зор, На кел-тур-динг, ман-га
на қил-ми-шинг бор?"
"Та-ну те-ринг-да тош-
лиг жон я-рат-дим, Ба-ҳо-йим қил-ма-дим,
ин-сон я-рат-дим, Ҳа-ми-ша ай-ла-дим
тар-би-я-тинг-ни, Не-га қил-динг па-ри-
шон ки-я-тинг-ни
Са-ни сол-дим му-сул-мон-лик ай-ли-ма,

Қа-ни шукр эт-га-нинг минг-дин би-ри-на?
Та-мом а-зо-ла-ринг - ни со-лим эт-дим,
Ма-ни зо-тим би-лур - га о-лим эт-дим,
Су-гор-дим о-би-неъ-мат-дин ти-шинг-ни,
Су-гор-дим о-би-неъ-мат-дин ти-шинг-ни,
Қа-ни айт-гил ман-га қил-ган и-шинг-ни?"

С.Оллоёрнинг «Қани шукр этганинг» кўшиғи вазни ҳақида 5-сабоққа (130-б) қаранг.

1-сабоқ (121-б)нинг «Иймон васфи» кўшиғи Бобурнинг «Мубаййин» асаридан олинган бўлиб, Хафифи мусаддаси маҳзуф вазнида ёзилган.

Ҳақ - қа ҳам - ду са - но а - до қил - дим
— V — — V — V — —
Мус - та - фий - лун мус - та - фий - лун фоъ - ул

12-сабоқ «Тавбадур»

Машраб сўзи
Халқ муסיқаси

М. Каримов ижроси

Ким-ки то-люб
дур, а-нинг сан-жи ни хо-ни тав-ба дур,
Анг-ла-гил мул-
ки ба-дам-нинг по-си-бо-ни тав-ба-дур,
Мур-га-лар нинг
ба-ри-хо жас-ма-га-жа-ни тав-ба-дур,
Бан-га-лар нинг ра-на-қи, гу-ни и-мо-ни
Жум-ла-и шо-ху га-до-нинг со-я-бо-ни
тав-ба-дур.
Тав-ба-ни оғ-зини-га ол-санг зар-ра қол-мас
Гар-гу-но-нинг бу-са авф-ит-гай а-ни ул
дур гу-ноҳ,
Под-шоҳ,
Чун Ма-си-хо а-ди-ни қил, а-ни ёу эл-ти
Ху-до, Тав-ба-дин ай-рил-ди ҳар-ким-
ул то-лол-мас ҳеч до-во.

Жум-ла-и шо-ху га-до-нинг со-я-бо-ни
тав-ба-дур.
Тав-ба-сиз та-ил-ни хар-гиз қил-ма-гай Хо-лиқ
Тав-ба-дин ҳоч-ган ки-ши-лар топ-ма-ди ҳеч-дин-
қа-бул,
га дўл,
Тав-ба-ни фарз-эт-ти муъ-мин-га Ху-до бир-
ла Ра-сул. То-ки жо-нинг бор-дур, сен
Жум-ла-и шо-ху га-до-нинг
тав-ба-нинг йў-ли-га юр,
со-я-бо-ни тав-ба-дур.
Ха...
Тав-ба қил-гин
Ах-та-риб юр-
чун то-лай ге-санг Су-лай мо-на ни-гин,
тав-ба-ди қул-лар-га бул-гин ҳам-ни-шин,
Кар-вон ке-
-ни жа-дал қил-гил, бу йўл-дин қол-ма-гил.

Машрабнинг «Тавбадур» радифли мухаммаси **Рамали мусаммани мақсур** вазнида ёзилган.

Ким - ки то - либ - ду - ра - нинг ган - жи ни - ҳо - ни тав - ба - дур
 — V — — — V — — — V — — — V —
 Фо - и - ло - тун фо - и - ло - тун фо - и - ло - тун фо - и - лун

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
 MADANIYAT ISHLARI VAZIRLIGI
 ISTIQBOLNI BELGILASH
 USLUBIYAT VA AXBOROT MARKAZI
 «SIMURG» ILMIY — IJODIY MARKAZI

HIKMATLAR SADOSI

RAHMATULLOH NOSIR

OLAM YUZIN OBOD QIL

Ma'naviy-ma'rifiy, adabiy-musiqiy kompozitsiya

Ikkinchi kitob

MUQADDIMA

Bismillahir rohmahir rohiym.

Respublikamiz Hukumati 2004 yilni «Mehr va muruvvat yili» deb eʼlon qildi. Bu bilan oʻzbek milliy maʼnaviyatining muhim asosi boʻlmish mehr-muruvvatga alohida eʼtibor qaratish koʻzda tutiladi. Maqsad esa mustaqil respublikamiz kelajagining barqaror va mustahkam boʻlishiga erishmoqdir. Albatta, bunday xayrli maqsad roʻyobi yoʻlida xizmat qilish har bir Oʻzbekiston fuqarosi uchun ham qarz, ham farzdir. Shu maʼnoda «Olam yuzin obod qil...» deb nomlangan mazkur risola fuqarolik burchi taqazosi oʻlaroq dunyoga kelganini taʼkidlash joiz.

Ushbu maʼnaviy-maʼrifiy, adabiy-musiqiy kompozisiya «Hikmatlar sadosi» turkumidagi ikkinchi kitobdir. «Xurshid atongdir, oy-ano...» nomli birinchi kitobimiz kabi bu kitob ham oʻn ikki saboqni oʻz ichiga oladi. Har bir saboq muayyan kompozision tizimga solingan. Yaʼni ularda avvalo sheʼriy matn talqini, soʻngra Qurʼon va Hadisdan iqtiboslar, hikoyatlar, xalq maqollari, qoʻshiq matnlari, ularning sharhi va notalari tartib bilan keladi. Kitobga kirgan sheʼriy matnlarda uchraydigan tushunilishi qiyin soʻzlarga oid «Lugʻat va izohlar» kitobning soʻngida ilova qilinmoqda.

Oʻzbek turmush madaniyatining barkamolligi uchun mehr-muruvvat muhim oʻrin tutadi. Zero, mehr-muruvvat jamiyat, mahalla, oila, qolaversa shaxs maʼnaviyatining asosidir. Davlat va jamiyat mustahkamligi mazkur maʼnaviy asosning naqadar kamolat kasb etgani bilan bogʻliq. Qadim ajdodlarimiz bunday uygʻunlikka erishmoqning samarali usuli deb qalb, imon tarbiyasini tushunganlar.

Mir Alisher Navoiy yozadi:

*Kamol et kasbkim, olam uyidin,
Menga farz oʻlmagʻay gʻamnok chiqmak.*

*Dunyodin notamom oʻtmak biaynih,
Erur hammomdin nopok chiqmak*

Mutafakkir ajdodimiz talqiniga koʻra, bu dunyo insonga poklanmoq, imon kamolotiga erishmoq uchun berilgan. Berilgan umrni shunchaki yashab oʻtish, hammomga tushib poklanmay chiqishdek bir gap.

Koʻhna Sharq komillikka erishish qoida va shartlariga azal-azaldan amal qilib keladi. Bunda Allohning kitobi-Qurʼoni Karimga, paygʻambarimiz Muhammad alayhissalomdan vorid boʻlgan hadislarga tayaniladi. Risolani komil inson tarbiyasi yoʻlidagi mana shunday barhayot tajribalarga, xususan, hazrat Navoiyning «Hayrat ul-abror» asariga asosanib yozdik. Iymon tushunchasiga kelib tutashadigan yoki bevosita iymondan kelib chiqadigan adolat, saxoval, odob, sabr, vafo, rostgoʻylik, maʼrifatlilik, toʻgʻrilik, shukur, tavba kabi fazilatlar mohiyatini «Hayrat ul-abror» negizida talqin etdik. Hikoyatlar, maqollar va qoʻshiqlarni har bir saboqning maqsadi va mohiyatidan kelib chiqib tanladik. Aniqroq aytganda, risolada hikmatlar, adabiy talqinlar, musiqaviy ijro imkoniyatlarini komil farzand tarbiyasiga yoʻnaltirishga harakat qildik.

Risolani tayyorlashda Alisher Navoiy mukammal asarlar toʻplami 20 tomligining ettinchi tomi va «Hayrat ul-abror»ning professor A.Hayitmetov tomonidan tayyorlangan nasriy bayoni asos-manba boʻlib xizmat qildi.

Risola Respublika oliy oʻquv yurtlari, oʻrta maktablar, akademik lisey va kollejarining maʼnaviyat darslari shuningdek, keng kitobxonlar ommasi uchun moʻljallangan.



«KIM ISHI IYMON BILA
TOPQAY NAVO...»

Iymon-milliy ma'naviyatimiz asosi, jamiyat ravnaqi va baxt-saodatining kalitidir. Shuning uchun bo'lsa kerak, ahli qalam ajdodlarimiz yashamoqning asl ma'nosi deb, xalqqa iymon sabog'ini berishni tushunganlar. Xususan, hazrat Navoiy ham «Hayrat ul-abror» asarining birinchi maqolatini ayni masalaning badiiy-didaktik talqiniga bag'ishlagan. Maqolotning birinchi baytidayoq azalu abad eskirmaydigan, buyuk umuminsoniy tamoyil o'rtaga tashlangan:

*Kimki jahon ahlida inson erur,
Bilki nishoni anga iymon erur-*

Baytda kelgan «jahon ahli» iborasi bugungi jamiyat so'zining ma'nosiga to'g'ri keladi. Navoiy aytmoqchiki, jamiyatda inson degan ulug' nomga ega bo'lmoqning asosiy sharti iymondir. Demak, iymonsiz odam, garchi jamiyatda yashayotgan bo'lsa-da, inson sanalmas ekan. Keyingi baytlardan birida ushbu fikr ochiq-oydin ifoda etiladi:

*Bas oni inson demak o'lg'ay ravo,
Kim ishi iymon bila topqay navo-*

ya'ni kimning hayot tarzi iymon asosiga qurilgan bo'lsa, o'shanigina inson demoq ravo bo'ladi. Iymonsiz kimsa inson deyishga loyiq emas.

Maqolatning davomida hazrat Navoiy bevosita «Amantubillahi va malaikatihi va kutubihi va rusulihi...» kalimasining she'riy talqiniga o'tadi. Ushbu kalimani til va dil uyg'unligida tasdiq etgan kishining iymoni mukammal bo'lishini:

*Olti durur shar'da go'yo adad,
Har neki mo''ming'a kerak mu'taqad-*

misralarida ifoda etadi. Navoiy talqiniga ko'ra, ushbu olti shartni mukammal ado etgan kishi o'z e'tiqodini qattiq tutuvchi, iymoni komil mo''min hisoblanadi. Bunday e'tiqod sharofatidan inson:

*Maqsadi asliyg'a xirom aylagay,
Qurb harimini maqom aylagay-*

«Maqsadi asliy»-insonning asl maqsadi, degan ma'noni bildiradi. Biz ko'p yillik sho'ro mustamlakasi zamonida asl maqsaddan juda uzoqlashib ketdik. Dunyoviy ne'matlar ketidan quvish, shon-shuhrat, kimdandir ustun bo'lish kabi mayda narsalar asl maqsadimiz bo'lib qoldi. Bir so'z bilan aytganda, «maqsadi asliy» iborasi o'zining asl ma'nosini yo'qotayozdi. Holbuki, Sharq allomalari asrlar davomida bizga «maqsadi asliy»ning haqiqiy ma'nosini talqin etib kelganlar. Jaloliddin Rumiyning:

*Tinglagil nay ne hikoyatlar qilur,
Ayriliqlardin shikoyatlar qilur-*

baytidagi nay obrazida butun insoniyat tarixi, eng muhimi, umuminsoniyatga xos «maqsadi asliy» mohiyati o'z ifodasini topgan.

Xo'sh, «maqsadi asliy» nima o'zi? Unga erishmoq uchun inson nima qilmog'i lozim?

Islom ta'limotiga binoan iymon keltirgan kishilarning asl maqsadi Allohning jamoli va jannatidir. Rumiyl talqinidagi nay

ham qachonlardir Tangrining xohishi ila yo'l qo'ygan xatosi uchun jannatdan chiqarilgan, erdagi sinov dunyosiga hukm qilingan va bundan iztirob chekaroq jannat qayg'usida mehnat chekkuvchi otamiz Odam alayhissalom hamda u zotning mo''min farzandlari obrazidir. Uning shikoyati Tangri jamoli va jannatdan ajralish qayg'usi ila qilingan shikoyatdir. Mantiqiy fikr shunga olib keladiki, azaliy orzusi, jannat va Tangrining jamoliga etishmoqni istagan inson iymonli bo'lmog'i va islom arkonlariga to'la amal qilmog'i shart. Aks holda u ezgu orzusidan judo bo'ladi, endilikda uning asl maqsadi jannat va ulug' visol sog'inchi emas, o'tkinchi dunyo bo'lib qoladi. Oqibatda esa, jahannam azobiga giriftor bo'lib, abadiy iztirob va qayg'ular boqiy nasiba qilib beriladi. Alloh taolo Qur'oni Karimda shunday marhamat qiladi: **«Albatta ahli kitobdan va mushriklardan bo'lgan kofir kimsalar jahannam o'tida bo'lib, o'sha joyda mangu qolurlar! Ana o'shalar eng yomon maxluqdirlar. Albatta iymon keltirgan va yaxshi amallar qilgan zotlar-ana o'shalar yaralmish jonzotlarning eng yaxshisidirlar. Ularning Parvardigorlari tomonidan beriladigan jazo-mukofotlari ostilaridan daryolar oqib turadigan mangu jannatlardir. Ular o'sha joyda abadul-abad qolguvchidirlar. Alloh ulardan rozi bo'ladi, ular (Allohdan) rozi bo'ladilar. Bu (mukofot) Parvardigoridan qo'rqqan kishi uchundir»** (98:6-7-8).

Iymon keltirgan, Parvardigoridan qo'rqqan, natija o'laroq jannatda abadiy rohatga noil bo'lguvchi insonlar til bilan aytib, dil bilan tasdiq etishi lozim bo'lgan, «maqsadi asliy» yo'lidagi olti shart «Hayrat ul-abror»da shunday ifoda etiladi:

*Oltidin avvalg'iki maqsud erur,
Bilmak erur Haqniki mavjud erur...*

*Har neki qoyim, O'zi Qayyum o'lub,
Bo'lg'usi ul, borchasi ma'dum o'lub...*

*Ikki jahon mulki musallam Anga,
O'zga jahon bor esa ul ham Anga-*

Iymonli kishi tanishi lozim bo'lgan eng avvalgi buyuk ilm, bu-Allohnig zoti va sifatlaridir. Inson ko'rgan, bilgan, anglagan va, aksincha, ko'rish, bilish, anglashga qurbi etmaydigan ja'mi maxluqotlarning yaratguvchisi, abadiy Qayyum (tirik va o'lmaydigan) zot Allohdir. Barcha narsa intihoga, yo'qlikka (ma'dum bo'lishga) mahkum. Azal va abad, ibtidosiz va intihosiz zot uning O'zidir. Ikki jahon, hatto bundan boshqa minglab jahonlar mavjud bo'lsa-da, Ungagina taslim (musallam)dir. Mo''min bo'lgan, abadiy rohatga va Yaratganning jamoliga talabgorlik da'vo qilganlar avvalo Uning zotini tanishlari, «La ilaha illalloh» kalimasiga sidq ko'rsatishlari shart.

*Oltidin ikkinchi maloyikni bil,
Borchag'a tasdiqi vujud aylagil...*

*Poku mujarrad borining javhari,
Tufroqu suvu elu o'tdin boriy...*

*Xuldi barin qushlaridek shavqnok,
Amr adosidin o'lub zavqnok-*

Inson tanishi, borligiga iymon keltirishi zarur bo'lgan ikkinchi narsa maxluqotning oliylaridan bo'lmish maloyikalar-farishtalardir. Ular shu qadar pokdamonki, shu bois jannat qushlari (xuldi barin) kabi shavqli iztiroblardan begonadirlar. Maloyikalar dunyo lazzatlaridan xoli, pokiza ruh sohiblari bo'lib, tuproq, suv, shamol va olov kabi insonga xos bo'lgan to'rt unsur ular uchun xos emas. Farishtalar faqat Alloh amrini ado etish bilangina zavqlanadilar. Ularning mavjudliklaridan asl ma'ni ham shudir. Inson ularga iymon keltirishi bilangina emas, ulardagi ulug' sifatlarga intilishi bilan ham iymon degan buyuk xazinaga ega bo'ladi.

Hazrat Navoiyning:

*Angla uchinchi kutubi osmon,
Tengri so'zi bil borisi begumon-*

so'zlari Qur'oni Karim haqida. Alloh taolo «Furqon» surasining birinchi oyatida shunday marhamat qiladi: **«Barcha olamlarni**

(oxirat azobidan) qo'rqitguvchi bo'lsin deb o'z bandasi (Muhammad)ga Furqon-Qur'on nozil qilgan zot-Alloh barokatli-Buyukdir» (25:1). Bizga ma'lumki, Qur'oni Karim insonlarga Allohni tanitish, ularni do'zax azobi va abadiy jannat saodatidan ogoh etish uchun tushirilgan haq-hujjatdir. Uni mahkam tutgan kishi baxt-saodat sohibi bo'lsa, Qur'on haqiqatidan chekingan inson abadiy baxtsizdir. Hazrat Navoiy Qur'oni Karimning har sahifasini gulshan bir boqqa, bog'danda yuksak falakka, uni ham inkor etib, har bir satri farishtalar safidan iborat bemisl bir yaratiqqa o'xshatib shunday yozadi:

*Bog' anga har sahfai gulshan misol,
Jadvali atrofida ravshan zulol.*

*Bog' dema, balki falak, ne falak,
Satrlari har sori saf-saf malak.*

Iymonning to'rtinchi sharti Payg'ambarlarni, Rasullarni tan olishdir:

*Bil yana to'rtunchi rasul ma'shari,
Har biri bir bahri safo gavhari-*

ya'ni iymon keltirgan kishi rasullar, payg'ambarlarning barchasiga ishonishi, ularni tan olishi lozim. Payg'ambarlar shunday zotlarki, har biri go'yo sof bir dengizning gavhari kabidir. Ular ham farishtalardek Haq amrlarini so'zsiz bajaradilar. Xalqni yomonlikdan qaytarib, yaxshilikka da'vat etadilar, kerak bo'lsa mo'jizalar ko'rsatadilar. Ularning barchalari keltirgan va targ'ib qilgan dinlari, qoidalari aslida bitta - islomdir:

*Hatm anga oyini risolat tamom,
Din aning islomi-yu bas vassalom.*

Qiyomat kunining haqligiga, o'limdan keyin qayta tirilish, Alloh huzurida hisob berish borligiga sodiqlik iymonli kishilarning beshinchi muhim fazilatidir:

*Keldi beshinchi anga yavmul-hisob,
Dema hisob, aytki yavmul-azob...*

*To'g'ri tarozug'a bo'lur ikki bosh,
Bir sori gavhar, yana bir sori tosh.*

*Ko'pruk uza xalq xaroson bo'lur,
Birga qatiq, biriga oson bo'lur-*

Qiyomatning hisob-kitobi odamlarni iymonli yoki iymonsizligiga qarab ikki qutbga ajratadi. Kim uchundir bu kun «yavmul -azob» bo'lishi ham mumkin. Tarozi sari borgan boshlarning biri tosh kabi xorlikda, boshqasi gavhardek izzatda bo'ladi. Do'zax ustidagi sirot ro'parasida qo'rquvdan titrayotgan xalqning saragini sarakka, puchagini puchakka ajratadigan bir ulug' Kun - Qiyomat kunidir.

*Sodis anga keldi hadisi qadar,
Bil azaliy sabt nekim xayru sharr-*

Iymonga da'vogar inson ishonishi lozim bo'lgan oltinchi narsa, bu - qazoyi qadarga, barcha bo'lgan va bo'ladigan hodisalarning Allohdan ekaniga taslim bo'lishlikdir.

Hazrat Navoiy talqiniga ko'ra, shu olti omilni o'zida mujassam etgan inson iymonli, baxt-saodatli hisoblanadi. Undan Alloh ham, Payg'ambar(s.a.v.) ham, ota-onasi ham, qolaversa, jamiyat ham rozi bo'ladi.

«Umar ibn Xattob (r.a.)dan rivoyat qilinishicha, bir kuni Rasululloh sallallohu alayhi vasallam ko'pchilik bilan suhbatlashib o'tirgan edilar. Bir kishi qoshlariga kelib salom bergach: «Iymon nadur?», — deb so'radi. Payg'ambar(s.a.v.): «Iymon Allohga, Uning maloikalariga, kitoblari, payg'ambarlariga, oxirat kuniga, qazoi qadarga ishomog'ingdir», — dedilar (Sahihul Muslim, I-kitob, 109-bet. Arabcha matn). Hadisda xabar berilishicha, Payg'ambarimiz (s.a.v.)ni ko'pchilikning ko'ziga bunday imtihon qilgan zot

Jabroil alayhissalom edilar. Bundan murod iymon shartlarini Payg'ambarimiz (s.a.v.) guvohliklarida xalq ichida tasdiqlatib olmoq bo'lgani, ehtimol. Alloh bilguvchiroqdir.

Qur'oni Karimda, Hadisi sharifda inson tabiatida ko'rilgan ezgu tiyg'ulardan tortib, uning ijtimoiy faoliyatida zohir bo'ladigan ezgu amallarigacha barcha-barchasi iymonning belgisi, deya talqin etiladi. Shunga binoan aytish mumkinki, yaxshilik va ezgulikdan iborat barcha narsalar iymondan dalolat. Hazrat Navoiy aytmoqchi, najot (maxlas) topmoqning asosi niyat va amal uyg'unligidadir:

*Maxlas ishi barchag'a niyatdadur,
Topmoq ani lek mashiyattadur.*

Lekin barchamiz ham xom sut emgan bandamiz. Shaytonning sharridan xoli emasmiz. Shu bois, o'z amalimizdan kibrlanib, Allohning rahmati va fazilatini unutib qo'ymasligimiz kerak. «Hayrat ul-abror»ning XXIII bobida mazkur mavzuga doir ibratli bir hikoyat keltiriladi:

*Qayg'uluq o'lturmish edi Boyazid,
So'rdi g'ami kayfiyatini bir murid:
«Key falak avjida xiroming sening,
Arsh fazosi uza goming sening.
Ko'nglungga ne ishdin ekin bu taab,
Bu taabing'ga ne ish erkin sabab?»-*

ya'ni qayg'uga botib o'tirgan Boyazid (Boyazid Bastomiy, buyuk so'fiylardan)dan bir muridi g'amnok o'tirishining sababini so'rab dediki: «Falakning avji - parvozi tomon qanot qoqayotgan bo'lsang, qadaming arsh fazosi uzra bo'lsa, ko'ngling qanday ishdan munchalar qayg'uda. Iztirobing sababi nima?»

*Pir to'kub ashku chekib o'lluq oh,
Dediki: «Bu g'am ishim etmish taboh,
Kim bu jahon ichraki, eldur g'ulu,*

*El to'la, ammo kishidindur xulu.
Har kishiga xush ko'rinur o'z ishi,
Bir kishi yo'qkim, desa bo'lg'ay kishi.
Munda kishi borini bilmon yaqin,
Bor esa, o'tkanlar aro bor ekin»-*

ya'ni pir ko'z yoshlarini daryodek oqizib, chuqur oh tortdi va dedi: «Bu g'am hayotimni vayron qildi. Kim foniy dunyoda yashar ekan, g'avg'okorlik haddan oshish unga yordir. El ichra kishi (inson) nomiga munosib bir odamni ko'rmadim. Zero, hamma o'z ishini to'g'ri deb o'ylaydi. O'z ishini yomon deguvchi kishi dunyoda yo'q. Bunday kishi avval o'tganlardan bo'lsa bordir, ammo bugun borligini bilmayman».

*So'rg'uvchig'a zohir o'lib iztirob,
Dediki: «Ey xurshedi oliyjanob,
Elda kishi yo'q demak o'ldi so'zung,
Doxil emassenmu bu elg'a o'zung?»-*

ya'ni savol so'rovchi qayg'ulandi va dediki: «Ey oliyjanob zot el ichida inson nomiga munosib, beg'avg'o inson yo'q deding. Axir o'zing ham shu elning bittasi emasmisan?».

*Shayx dedi: «Ey ishi gumrohliq,
Topmag'on ish sirridin ogohliq.
Men dog'i yuzming meni sargashtadek,
Ashki bog'ir qonig'a og'ushtadek,
Bo'lmasa iymon bila ketmak ishi,
Anglaki, oni desa bo'lmas kishi.
Olam aro muncha sig'oru kibor,
Men bo'la-yu, sen bo'lu har kimki bor,
Borcha bu g'am tiyg'idin afgorbiz.
Borcha bu motamg'a giriftorbiz.
Kim ichi bu g'ussada qon bo'lmadi,
Kimsaga bu nukta ayon bo'lmadi.
Kim chu vido' aylagusi jon anga,
Hamroh o'lur yo'qsa yo'q iymon anga,
Chunki jahon ahlig'a bo'lsa bu hol.
So'zdaki debmen ne mahalli savol»-*

ya'ni shayx dedi: «Ey gumroh, dunyo ishlari siridan noogoh banda! Men ham men kabi yuz minglab sargashtalardek, ko'z yoshim bag'rim qoniga qo'shilib oqayotgan bir bechoraman. Agar kim bu dunyodan iymon bilan ketmas ekan, anglaki uni inson demoq durust emas. Bu dunyoda istiqomat qilayotgan katta-kichik: u senmi, u menmi yoki boshqami, qat'i nazar barchamiz bu g'am tig'idan afgormiz. Barshamiz bu motam bilan yuzma-yuzmiz. Voqean, kimki bunday g'amdan beparvodir, demak, anduh sababidan gumrohdir. Kimki gumroh ekan, o'lum oldidan bu g'amning unga hamroh bo'lishi bor. Foniylar dunyodaki ahvol shunday bo'lsa, bugun senga so'zlab turguvchi - men hisob-kitob kunida Allohga nima deb javob beraman».

Ushbu hikoyat barchamizni tafakkur qilishga undaydi. Hazrat Navoiy hikoyat so'ngida shayxning javobini xulosa qilib deydi:

*Soyil etib bo'yla duri nukta go'sh,
Og'zi sadaf og'zidek o'ldi xamo'sh-*

ya'ni bu ma'no durlariga qulog'ini tilanchidek tutib turar ekan, muridning og'zi sadaf og'zidek bekilib qoldi. Zotan, shayx anglagan haqiqatni anglamoq iymon belgisidir. Aksincha bo'lishidan Alloh asrasin. Hazrat Navoiy ta'biri bilan aytganda:

*Quyma bu kun jomima davron mayi,
Jonim ol, og'zimg'a quy iymon mayi-*

ya'ni qalbimni o'tkinchi dunyo ishq bilan to'ldirma, undan ko'ra, ey Xudo, jonimni ol va jonimni olaroq og'zinga O'zingga bo'lgan ishq-iymon mayidan quy.

Demak, inson umrining mazmuni, oxiratining saodati iymondadir. Xalqimizda «Insofi yo'qning iymoni yo'q» degan purhikmat maqol bor. Bu maqolning ma'nosi juda chuqur. Aslida insofli kishi, bu - iymonli kishidir. O'ziga, ota-onasiga, bolasiga, qarindosh-urug'iga, qo'shnisiga, jamiyatga insof bilan qaragan inson ikki dunyo saodatini topadi. Aksincha bo'lsa,

badbaxtlikdek og'ir kulfatdan dunyo va oxirati zimiston bo'ladi. Shunday ekan, hayotimiz, iymon bilan, iymonli kishilar bilan hamnafaslikda o'tishini Alloh nasib qilsin.

Qo'shiq marni

IYMON VASFI

Bobur so'zi

*Haqqa hamdu sano ado qildim,
Haq oti birla ibtido qildim.*

*Bilgasen ey xo'jasta-e farzand,
Jigarim birla jonima payvand.*

*Budur iymoni mufassal eshitgil,
Har ne derman ani ko'ngulga bitgil.*

*Avval iymon Xudog'a kelturgil,
Shirk cherigin zamiridin surgil.*

*Dog'i bilkim, malak erur mavjud,
Barchasi abd-u, Tangridur ma'bud.*

*Bor uchinchi kitobi iqrori,
Tengri tavfiq bersa dey bori.*

*Yana bilgil anbiyosini Barhaq,
Ro'zi oxirni dog'i bil mundoq.*

*Yana bilgil Xudodin, ey hamdam,
Yaxshilik bo'lsa, gar yomonliq ham.*

*Yana qayta tirilmak haq erur
Senga dedim neki bilmak zarur.*

*Ushbularkim borin dedi Bobur,
Bilki mufassali iymon shudur.*

SHARH

Haq taologa hamdu sano aytib, Haq nomi bilan so'zimni boshlayman. Ey sohibi baxt farzandim, jonu jahonim payvandi, senga iymonni qisqacha sifatlab berayki, qalb qulog'i bilan tingla! Avvalo, biru bor Allohga iymon keltirgin. Unga boshqani sherik qilmagilki, og'ir gunohga qolasan. Keyin farishtalarning mavjudligiga iymon keltir. Ammo unutmaki, ular ham Alloh yaratgan maxluqlardir. Ma'bud faqat Allohning o'zidir. Uchinchi bo'lib ilohiy kitoblar (Tavrot, Zabur, Injil, Qur'on)ning haqqi rostligiga iqror bo'l. To'rtinchidan, barcha payg'ambarlarni barhaq deb bil. Beshinchidan, Qiyomat-hisob-kitob kunining haqligiga ishongin. Yana shuni bilki, hayot davomida keladigan yaxshiligu yomonlik faqat Allohdir. So'nggisi barcha insonlarning qayta tirilishi ham rost gapdir. Ey farzand, iymonning qisqacha bayoni shuki, buning aytuvchisi Boburdir.



Ikkinchi saboq:

«ADL ESHIGIN ELGA
KUSHOD AYLAGIL...»

Adolat barqaror bo'lgan jamiyat gullab-yashnaydi. Odamlarning hayotga munosabati, turmush tarzida ko'tarinkilik, ishonch tuyg'ulari yaproq yozadi. Eng muhimi, zulm ildizlariga bolta uriladi. Odamlar bir-birlaridan rozi holatda hayot kechiradilar. Odatda, adolat va zulm tushunchalari egiz keladi. Adolat bor joydan zulm chekinadi. Zulm hukmronlik qilgan joyda esa adolatga o'rin yo'q. Inson hayotining mazmun-mohiyati, umuminsoniy qiymati, asosan, shu ikki tushunchaga bo'lgan munosabatda ko'rinadi. Adolat yoki zulmning ikki shakli mavjud bo'lib, birinchisi, o'zgalarga, ikkinchisi o'ziga, o'z shaxsiga nisbatan voqe' bo'ladi. Adolat degan qadriyatni o'lchaydigan mezon ham har bir jamiyat, xalq yoki ma'lum shaxsning ma'naviy olami, dunyoqarashi bilan bog'liq. Masalan, komil iymonli bir kishi o'z joniga zulm qiladi, ammo, bu bilan boshqa birovga nisbatan adolat etgan bo'lib chiqadi. Iymonsiz bir odam o'ziga go'yo adolat qiladi (ko'ngli, tabiati nimani tusasa muhayyo etadi), ammo, shu barobarda o'zgalarga zulm qilib qo'yishi mumkin. Din ishlaridan islomiy mezonlardan bexabar kimsa uchun iymonli kishining ishi adolatsizlik, fojirning ishi esa adolatli bo'lib tuyulishi mumkin. Mohiyatan esa aksinchaki, islomiy tushunchalar ustuvor bo'lgan Sharqda shunday qarash etakchi bo'lib keladi. Ya'ni o'z nafsiga go'yo adolat qilayotgan fojir aslida o'ziga zulm qiladi, o'z nafsining xohishlariga qaramasdan unga go'yo zulm qilayotgan solih kishi esa aslida o'ziga adolat qilayotgan bo'ladi. Buning haqiqati ulug' bir kun-Qiyomatda oydinlashadi.

Ko'rinadiki, jamiyatda adolat va zulm muammosi talqinida turlicha, ba'zan bir-biriga zid bo'lgan qarashlar ko'zga tashlanadi. Buning sababi esa mezonlarning turli tumanligidadir. Ammo asl adolat bitta. U ham bo'lsa, Allohning nazarida, Allohning huzurida ma'qul topilgan adolatdir. Hazrat Navoiy «Hayrat ul-abror»ning XXVI-XXVII boblarida ayni muammo xususida so'z yuritadiki, bu fikrlarning salmog'i iymon tarozisiga qo'yilgandagina ayonlashadi.

Alisher Navoiy ushbu muammoga aynan «Salotin», hukmdorlar bobida to'xtalib o'tadi. Qur'oni Karimdagi «Adolat bilan amringni yurgiz» degan oyati karimani markaziy tamoyil qilib oladi. Allomaning adolat bobini bevosita hukmdorlar muammosi bilan mushtaraklikda talqin etishida katta hikmat bor. Zero sulton, hukmdor, rahbar so'zi ostida hukm, hukm so'zi ostida esa adolat yoki zulm so'zlarining ma'nosi yashirin bo'ladi.

Alisher Navoiy hukmdorlarga qarata deydi:

*Haqki solib soyai ra'fat senga,
Ro'zi etib taxti xilofat senga.
Ayladi ollingda biyiklarni past,
Dahr zabardastlarin zer dast.
Xalqni ollingda qilib notavon,
Barchasig'a ayladi hukming ravon-*

Ushbu talqinga ko'ra, har bir ish Allohdan. Shohning shoh bo'lishi, faqirning zabunligi yaratgan tomonidan belgilab qo'yilgan qonuniyat asosida ro'y beradi. Holbuki, Alloh hukmdorni ulug'lik soyasiga noil qilgan ekan, taxt va podshohlik unga yor ekan, shu bois ne-ne zabardast, sheryuraklar uning oldida mute ekan, shuningdek, xalq ham uning hukmi oldida qoyim ekan, bu nimadan dalolat? Hukmdor bunday ne'matlarni qanday qabul qilishi, Tangrining buyuk marhamatini qanday tushunishi lozim? Mohiyatan, Allohning qudrati va azamati oldida hukmdor qaysi darajani egallaydi-yu, mahkum qay darajada qadrlanadi? Navoiy talqinicha, odil shoh mana shunday savollarga adolatli javob topgan va o'z xulosasini amalda qo'llay olgan kishidir. Chunki:

*Bil munikim, sen dog'i bir bandasen,
Ko'pragidin ojizu afgandasen.
Ermas alar tufrog'u sen nuri pok,
Xilqat alarg'au senga tiyra xok.
Barcha javorih ila a'zoda teng,
Surati nav'i-yu hayuloda teng.
Ham ravishi adlu ham insof aro,
Hilmu hayou bori avsof aro.
Shar' tariqida ibodatda ham,
Haq yo'lida taqviyu toatda ham.
Sen tushubon yo'l nahajidin yiroq,
Ko'pragi sendin yurubon yaxshiroq.*

Inson deb atalmish maxluqot, u qanday martabada, qanday oliy maqomda bo'lmasin, bandaligini unutmastligi lozim. Bundaylarning atrofdagilarga kibr bilan qarashi ikkiyoqlama zulm demakdir. Zulmning biri bu dunyoda mazlumga, ikkinchisi oxiratda o'ziga nisbatan bo'lishi mumkin. Xom sut emgan banda ba'zan Allohning naqadar suyukli bandalari o'zi bilan yonmayon yashab o'tayotganini xayoliga ham keltirmaydi. Dunyo matohi uni aldab, ko'zlarini ko'r qilib qo'yadi. Ko'rlik shu darajadagi, undaylar haqiqiy ahvoldan g'ofil qoladilar. Zero, haqiqiy ahvol yavmul - hisobda, Allohning huzurida ayon bo'ladi. Ne-ne hukmdorlar, ne-ne mulkdorlar bir faqir-kambag'al bo'lmaganlaridan nadomat qilishadi.

Sharqning mutafakkir allomalari mansab, boyluk, kuchga ega bo'lganlarida buning oqibatini o'ylab, ko'zlaridan daryo-daryo yosh to'kkanlar. Ne'mat mas'uliyati naqadar og'ir kelishini aqlan va qalban chuqur tushunganlar.

Qur'oni Karimda bayon qilinishicha, Alloh taolo munofiq kimsalarga qarata: «**Mana bu kishilardek iymon keltiringlar**», deyilsa, «**shu pastkashlarga o'xshab mo'min bo'lamizmi?**» - deydilar. Ogoh bo'lingizkim, ularning o'zlari tuban kishilardir, lekin buni bilmaydilar» (2:13), deya xitob qiladi. Qur'oni Karimning o'zbekcha izohli tarjimasida bu oyati karimaga shunday izoh keladi: «Islomni (birinchi da'vatdayoq-R.N.) qabul qilgan zotlarning ko'pchiligi kambag'al, faqir kishilar va hatto

Suhayb, Bilol kabi qullar edilar. Munofiqlar o'zlaricha: «*Mana bu zoti pastlarga o'xshab mo'min bo'lamizmi?»* deyishar edi». Yana Qur'oni Karimda keladiki: «*Ey mo'minlar, Allohning O'zi uchun Haq yo'lini tutguvchi, adolat bilan shahodat-guvohlik berguvchi bo'lingiz! Biron qavmni yomon ko'rishingiz sizlarni adolat qilmaslikka tortmasin! Adolat qilingiz! Shu taqvoga yaqinroqdir. Allohdan qo'rqingiz! Albatta Alloh qilayotgan amallaringizdan xabardordir*»(5:8).

Hazrat Navoiyning yozishicha, dunyo matohiga oxiragini almashishdek badbaxtlikdan lazzatlanib yuruvchi kishilar qiyomatda ahvollari naqadar og'ir bo'lishini bilganlarida edi:

Negaki, chun hashr kuni Zuljalol,

*Zolimu mazlumni aylar savol.
Anga evazdur senga sharmandaliq,
Anga biyiklik, senga afgandaliq.
Anga nishotu, senga anduhu g'am,
Ul senga andoqki, anga sen bu dam...
Garchi sinuq igna haqqunnosdur,
Bag'ring aro xanjari olmosdur...
Har ne xato qilg'oning o'lg'och hisob,
Bo'lg'usidir har biriga yuz azob-*

Oxiratda adolat barqaror bo'ladi. Zolimning ham, mazlumning ham birovda haqqi qolmaydi. O'shanda aslida kim buyugu kim notavon, kim afgoru kim qadrli ekani ma'lum bo'ladi. U kunda Alloh O'zining fazlu marhamati bilan kimningdir gunohini kechirishi mumkin, ammo, mazlumning haqqi, to mazlumning o'zi kechirmas ekan, kechirilmaydi. Igna sinig'i bilan o'tkazilgan zulm uchun tig'dor xanjar jarohati zulmkor qalbini yaralaydi. U kunda azoblarga na kafforat, na davo, na engillik bo'ladi.

Hazrati Payg'ambarimiz (s.a.v.)ning ulug' sahobalari va do'stalaridan: «*Hazrati Umar (r.a.) mo'minlarga amir bo'lganlaridan keyin deyarli uxlamadilar. Gohida uyqusizlikdan o'tirgan joylarida mudrab qolardilar. «Yotib ozgina dam oling», deyilsa: «Kunduzi uxlasam raiyyatdan bexabar qolaman,*

kechasi uxlasam Robbim menga berajak nasibadan mahrum bo'laman», der edilar. Abu Bakr Siddiqning «*Ey Umar, senda Allohning tundagi haqqi bor, uni kunduzi qabul qilmaydi, kunduzgi haqqini kechasi qabul qilmaydi*», degan nasihatini mahkam tutar edilar. Haqlarini ado etolmay qolishlaridan qo'rqib, betinim yig'lar edilar. Go'yo u zotga Payg'ambarimiz (s.a.v.) jannat xushxabarini bermagandek yig'lar edilar» (Musulmonlar taqvim kitobi, 2003, 3-chorak).

«Hayrat ul-abror»da shoh G'oziy (Husayn Boyqaro) haqida shunday hikoyat keltiriladi. Ko'plab jangu-jadallar bilan taxtga o'tirgan va adolatli hukm yurgizayotgan shoh sayr etib yurur ekan, bir kampir uning etagidan mahkam tutadi va:

*Dediki: «Ey shohi shariatpanoh.
Qilg'um agar adl esa mar'iy bukun,
Sening ila da'viyi shar'iy bukun.
Shart bukim, aylama mahkam itob,
Mahkamai shar'da bergil javob»-*

ya'ni kampir dedi: «*Ey shariat hukmiga itoatkor shoh, agar adolating rost bo'lsa, senda bir shar'iy da'voim borki, men bilan shariat mahkamasiga yurgin*».

*Shoh dedi: «Gar da'vi esa qonima,
Shar'iy esa minnatidur jonima»-*

ya'ni shoh G'oziy javob berdiki: «*Da'voing shar'iy bo'lar ekan bu yo'lda jonimni berayin*». Shunday qilib, qoziyi islom huzuriga yo'l oldilar. Bu holni ko'rgan odamlar hayratdan yoqa ushladilar. Go'yo keksa Zol bilan navqiron Rustam jang maydonida ro'para kelgandek edi:

*Zol dedikim: «Qazoq erkanda shoh,
Tig' chekibkim, chekar erdi sipoh.
Bor edi men tulg'a jigar go'shaye,
Bal jigarim mazraidin xo'shaye...
Shoh qilichi jigarim qildi chok,
Ul jigarim porasin etdi halok»-*

ya'ni kampir dedi: «Shoh jangu suron bilan yurt aro kezinib yurgan paytlarda mening yakkayu-yolg'iz, navqiron o'g'lim bo'lardi. Shu o'g'lim uning qilichi ostida halok bo'lgan». Qoziyi islom shariatning adolatli qonuniga ko'ra, kampirdan ikkita guvoh keltirishini so'raydi. Guvohlar kampirning da'vosini tasdiqlaydilar. Qozi kampirning foydasiga qasos yoki xun puli sharti bilan hukm chiqaradi. Shunda:

*Shoh dedi: «Shar' etsa bu yanglig' ado,
Shar'i nabi hukmig'a jonim fido»-*

ya'ni shoh dedi: «Garchi shiati Muhammad alayhissalom shunga buyurar ekan, bunday hukmga jonim fido». Va shoh G'oziy qiyiq bilan bo'ynini bog'ladi. Hamyonining og'zini bo'shatdi. Kampirga qarab:

*Dedi: «Qasos aylasang ollingda bosh
Siymni ol, gar g'arazingdur maosh.
Men edim ul amrda beixtiyor,
Har ne sen etsang menga ne ixtiyor»-*

ya'ni shoh dedi: «Ey mazluma qasosni ko'ngling tilasa boshim ixtiyoringda. Agar xun uchun dunyo olmoq istasang, mana hamyonim. Men o'g'lingni qatlga buyurganimda beixtiyor edim. Hozir ham shunday beixtiyorman. Ixtiyorim senda». Shunda kampirning qasos alamidan o'tkirlashgan tishlari shoh G'oziy adli oldida o'tmaslashdi va da'vosidan voz kechdi.

Shoh G'oziyning bu ishi maqtovg'a emas, ibrat olishga sazovordir. U olamshumul ish qilmadi, balki Allohdan, hisob kunidan qo'rqadigan mo'minning ishini qildi, xolos. Dono xalqimizning: «Aybini bilgan avliyo, odilda yo'qdir riyo», degan maqoli ana shunday ibratli hodisalardan chiqarilgan xulosadir.

Qo'shiq marni

«OLAM YUZIN OBOD QIL...»

Navoiy so'zi

*Adl ila olam yuzin obod qil!
Xulq ila odam elini shod qil!
Gah-gahi yod ayla nadomatni ham,
Qaysi nadomatki, qiyomatni ham.
Jomi gunohdin kishi mas'um emas,
Tarkini tutmoq dog'i mazmum emas.
Haqning erur sahsiz ish lozimi,
Sahv erur lozimai odami.
Sahvingga de uzr, tavahhum bila,
Zulmdin tavba tazallum bila.
Ray ila zulmatni munir aylagil,
Lutf ila olamni asir aylagil.
Kimniki bedoding etibdir asir,
Bo'l anga adl ilgi bila dastgir.*

SHARH

Ey inson, olamni adolat bilan obod ayla! Yaxshi xulq egasi bo'lki, odamlar sendan xursand bo'lsin! Adolatli bo'layin desang, Qiyomat kunini, Qiyomatda holing ne bo'lishini eslab yig'lagin. Inson zoti gunohdan xoli bo'la olmaydi. Agar gunoh tarkini odat qila olsang ham yomon emasdir. Allohning ishida xato bo'lmaydi. Xatokorlik faqat insonga xosdir. Shunday ekan, har bir xatoying uchun istig'for aytishni unutma! Istig'foringni shunchaki emas, qo'rquv va xavfda ayt. Tafakkur, aql bilan zulmat qalbingni nurlantirgin. Foni dunyoga asir bo'lib qolma, balki olam senga asir bo'lsin. Kingadir yomonlik qilgan bo'lsang, unga albatta adolat qo'li bilan ko'mak ber.

Uchta qismli saboq:

«TARKI TAMA QILKI,
SAXO UL EMISH...»

Alloh taborak va taolo O'zining buyuk hikmati bilan odamlarni turli millat, turli elat, turli toifa qilib yaratgan. Mulkdor va qashshoq ham shunday toifalardan biridirki, jamiyatdagi muvozanat bo'yning saxovati kambag'alning sabri bilan barqaror bo'ladi. Shu bois, iymonli, adolatli kishilar imkon bo'lsa qo'l bilan, bo'lmasa til bilan jamiyat uzra saxovat urug'larini sochishdek xayrli yo'lga xizmat qilganlar. Hazrat Navoiy mana shu ikki jihatni birlashtirgan, ham qo'lini, ham ilmu iste'dodini saho uchun nisor etgan solih zot edi.

«Hayrat ul-abror»ning XXX-bobi sarlavhasi «Karam vasfidakim, uning qalbi boylukning o'limi, rahmat daraxtining bargi, baxillik esa nihoyatsiz balo bo'lur...» degan so'zlar bilan boshlanadi. Bobning boshidan oxirigacha, sarlavhada aks etgan tamoyil etakchilik qiladi. Ya'ni saxovat va baxillik keskin ziddiyatda badiiy ifoda etiladi:

*Judu saxovat chog'i buxl etmagil,
Shukr zamoni dog'i buxl etmagil.
Buxl erur borcha sifatdin xasis,
Lek saxo javhari aslu nafis.
Garchi saxovat senga oyin erur,
Boshingga bu dur bila tazyin erur -*

ya'ni ey Alloh molu mulkdek omonat berib, omonatdor qilib qo'ygan banda! Tangrining omonatini saxo bilan qaytarishing lozimligini unutma! Baxillikdek tubanlik chohiga tushib qolma!

Zero, baxillik mo'minga yarashmaydi. Saxovat javhari esa mo'minlar fazilatining eng nafisidir. Agar bunday dur senda serob bo'lsa ham, sen uni xor etma. Isrofdan ehtiyot bo'l. Chunki isrof baxillikdan ham pastroq ishdir.

Hazrat Navoiy dunyo ahli tomonidan saxiy atalmish kimsalarning uch toifasi haqida so'z yuritadi: Birinchi toifa «saxiy»lar shunday kishilarki:

*Yoyar anga supraki, ul och emas,
Berar anga to'nki yalang'och emas...
Ot anga tortarki yuz ilqisi bor,
Siym anga berurki yuz ilg'isi bor...
Xizrg'a etgach tutar obi hayot,
Misr shakar rezig'a tutar nabot -*

ya'ni bunday kishilarning saxovatida riyo aralashgan bo'lib, ular: och bo'lmaganlarga dasturxon yoyadi, muhtoj bo'lmaganga to'n kiygizadi, yuzlab otlari bor odamga ot tortiq qiladi, yuz yillik boyligi borlarga siymu zar beradi, agar Xizrni ko'rsa, unga obi hayot tutadi, shakarpazga esa novvot beradi. Bunday «saxovatpeshalar» na oxiratda, na bu dunyoda xayru barakot topadilar. Ularning bunday ishlaridan na xalq, na o'zlari foyda ko'radilar. Afsuslar bo'lsinki, bugungi kunda ayni tarzda «saxovatkorlik» ommalashib ketgan. Hazrat Navoiy bundaylarni foydasiz bulutga o'xshatadi:

*O'yla bulutdekki, quruq bog' uza,
Yog'may o'tub, suvni to'kar tog' uza -*

ya'ni bundaylarni suvga muhtoj bog' uzra yog'may, tog'u toshlar ustida suvni isrof qilgan foydasiz bulut deb bil.

Navoiy ikkinchi toifa «saxiy»lar haqida:

*Oni dog'i qilma saxo dohili,
Kim kishiki tomi'ai komili.
Xalq jihatig'a talabgor etar,
Har neki ko'rdi tama' izhor etar...
Olmoq erur qasd anga bermak g'araz,
Bu ham ul ikkidek erur bir maraz -*

deb yozadi. Ya'ni bu toifani ham saxiy deyishga shoshilma. Holbuki, ular tamagirlik cho'qqisiga yetganlar. Xalqning moliga tama nazari bilan qarash, turli yo'llar bilan qarz olib, birovga berganda esa tama maqsadida berish bularning kasbidir. Bu toifa kishilar ham boshqa ikki toifa kabi marazdir.

Aql yurgizgan, iymonli kishilar uchun bu dunyo moli, bola-chaqa, hatto umr ham omonat. Shu bois, aqli solim kishilar biror yaxshilik qilar ekanlar, xolis Alloh yo'lida qiladilar. Tamani bandadan emas, Yaratgandan, Uning buyuk saxovatidan kutadilar. Albatta Alloh barcha mulklarining egasi va saxovat bobida bemisldir. Alloh taolo Qur'oni Karimda shunday marhamat qiladi: **«Suygan narsalaringizdan infoq-ehson qilib bermaguningizcha hargiz yaxshilikka (jannatga) etmagaysiz. Har qanday narsani infoq qilsangiz, albatta Alloh uni bilur»** (3:92).

Uchinchi toifa «saxiylar» ta'rifi esa shunday:

*Oni dog'i dema saxiykim, kishi
To tilamas, bermak emasdur ishi.
Har nechakim, mustahiq o'ldi aziz,
Istamaguncha anga bermas pashiz-*

ya'ni muhtoj odam tilanmaguncha sariq chaqa ham bermaydigan kishilarni ham saxiy demagin. Ular shunday «saxiy»larki, har qancha muhtoj bandalarni uchratmasinlar, so'ramaguncha hech narsa bermaydilar. Bularning saxiyliklari ilonni sehrlab, uning zahrini o'g'irlagan afsungarning ishiga o'xshaydi:

*Ko'rki fusungar chu uzotdi husn,
Oldi yilon muhrasin aylab zabun.*

Yuqoridagi uch toifani ta'riflab o'tgandan keyin hazrat Navoiy endi haqiqiy saxovat nima-yu, qanday kishilarni saxiylar deb atash mumkin, degan savolga javob beradi:

*Oni saxiy anglag'il, ey hushmand,
Kim oni davlat qilibon sarbaland.
Holi agar yaxshi durur, gar taboh,
Kimsadin etmas tamai molu joh-*

ya'ni ey, zakiy zot! Sen shunday kimsani saxiy deb bilki, davlatmand yoki qashshoq bo'lsa ham birovdan bir narsa tama qilmasin. Demak, hazrat Navoiyning talqinicha, saxiylik martabasiga etishmoq uchun boylik yohud qashshoqlikning sira ahamiyati yo'q. Balki kim nafsini tama tuzog'idan qutqara olgan bo'lsa, ana o'sha saxiylarning saxiysidir.

Bunday odam shu qadar nazari to'q, ulug'vor zotki:

*Bahrg'a etsa tilamas shabname,
Zahmi ko'rsa ayammas marhame...
Ulki, savol etmasa ham chun bilur,
Faqou faqirni rioyat qilur...
Boqmayin ul lutf ila ehsonig'a,
Minnatini ham qo'yar o'z jonig'a...
Fahm etar ul nuktanikim bexato,
Elga musabbidin erur ul ato...
Anda karamdurki, talab bilmagay,
Kimda diram bilsa tama' qilmagay-*

ya'ni bunday kishilar dengizdan bir tomchi umidvor bo'lmaydi. Dardmanddan malhamini ayamaydi. Muhtojni ahvolini aytmasidanoq tushunadi. Faqirning haqqiga rioya qiladi. Qilgan ehsonidan hatto lutf (rahmat) ham tama etmaydi. Qilgan ehsonining ajrini Xudodangina kutadi. U xalqning ahvolini nozik anglaydi. Shu sababdan uni elning otasi, deyish mumkin. Ey inson! Kimdagi karam-saxovat bor bo'lsa, puldorlardan tama etishdek qusurdan xolidir.

Xullas, riyo, isrof, tamagirlik bilan saxovat bir-biriga o't bilan suvdek zid tushunchalar ekan. Bu uch qusur kimdagi mavjud bo'lsa, u o'zini naqadar saxovatli qilib ko'rsatishga urinmasin, saxiy bo'lolmas ekan. Xalq e'tiborini emas, faqatgina Haq e'tiborini qozonish uchun qilingan xayru ehson haqiqiy saxovat belgisi ekan.

Rasululloh sallallohu alayhivasallam inson zotining eng saxovatlisi edilar. Shu bois, miskinlardan hech narsalarini

ayamaganlar. Ayniqsa, ramazon oylarida u zotning saxovatlari ko'pirib-toshib oqayotgan daryoga mengzagan. U zot foniy dunyo umrining qisqaligini anglab saxovat qilishga shoshilganlar. Boshqalarga ham shuni tashviq etganlar. Allohning suyukli payg'ambarlaridan Ibrohim xalilullohning saxiyliklari esa shu darajada ediki, u zot biror marta yolg'iz taom emas, taomlanayotgan paytlarida, albatta, biror miskin sheriklari bo'lar edi.

Hazrat Navoiy saxoning kushandasi deya ta'rif etgan riyo, isrof va tama aslida mol-dunyoga bo'lgan muhabbatdan, mulkka qalbni bog'lashdan tug'iladi. Ibn Abbosdan qilingan rivoyatda Payg'ambar (s.a.v.) aytadilar: «Har bir ummat uchun fitna bor. Ummatning fitnasi mol-dunyodir». «Tanbehul-g'ofiliyn» kitobida yozilishicha: «Vahb Ibn Munabbah aytadilar: «Iblis Sulaymon va Dovud alayhissalomlarga shayx suratida ko'rindi. Sulaymon aytdilarki: «Iso alayhissalom ummatini nima qilishing haqida xabar ber». Shayton: «Men ularni Allohdan o'zga Iloh olishga buyuraman», dedi. Sulaymon (a.s.): «Muhammad (s.a.v.) ummatigachi?» deb so'radilar. Shayton: «Men ularga dirham va dinorlarni tashlab qo'yaman. Ular uchun bu pullar «La-ilaha illalloh» kalimasidan ham ustun bo'ladi», — dedi.

Hasan Basriy hazratlari yana aytadilar: «Birinchi zarb etilgan dinorni iblis olib ko'ziga surtdi va dediki: «Seni kim yaxshi ko'rsa, mening qulimdir» (2-kitob, 12-bet). Toki ahvol shunday ekan, saxo amali solih amallar ichida eng og'irlaridan biri bo'lib qolaveradi. Faqat yuksak taqvo hamda komil iymon ustiga qurilgan saxogina chin ma'nodagi - Alloh sevgan saxo bo'ladi.

Hazrat Navoiy xuddi shu ma'noda bir gado saxovatini o'zining hisobsiz saxovatpeshaligi-yu mehmondo'stligidan ustun qo'ygan, hammaga mashhur Hotamtoy hikoyatini keltiradi. Hikoyatga ko'ra, Hotamtoy yo'lda kelayotib, juda haqir bir holatda, qoqsuyak elkasida o'tin ko'tarib, titroq qo'llarida hassani zo'rg'a tutib kelayotgan, ammo birovdan tama etishni o'ziga or deb biladigan bir qariyaning ushbu so'zlarini Navoiy boshqalarga ibrat qilib ko'rsatadi:

«K-ey solibon hirs oyog'ingga band,
Ozu tama' bo'ynug'a bog'lab kamand.
Vodiyi g'ayratg'a kamand o'rmag'on,
Kunguri himmatg'a alam urmag'on.
Sen dog'i chekkil bu tikan mehnatin,
Tortmag'il Hotamitoy minnatin.
Bir diram olmoq chekibon dast-ranj,
Yaxshiroq andinki-birov bersa ganj» -

ya'ni xirs va tama tuzog'iga bandi bo'lmoqdan, g'araz va xasislik domiga tushmoqdan, oqibatda himmat va g'ayrat rohatidan mahrum bo'lib Hotamitoy kabilarning minnatini eshitmoqdan ko'ra, mashaqqat chekib topilgan bir tanga a'loroqdir.

Quyidagi hikoyat ham Hotamitoy haqida bo'lib, saxoning inson tabiati bilan bog'liqligiga, u kimgadir Alloh tomonidan qilingan marhamat ekaniga dalolat bo'ladi:

«Hotamtoy bu dunyodan o'tgach, birodari uning o'rniga o'tirishni va ehson-karamini dunyo ahliga poyandoz qilishni ixtiyor etdi. Aytadilarki, Xotam etmish darchali yumaloq qasr bunyod qilib, o'zi shu qasrda istiqomat qilar ekan. Ehsontalab gadolar qasr darichalaridan biriga kelib xayr sadaqa olgach, ikkinchi darchadan yana qo'l cho'zar ekan. Hotam yana berar, uchinchi darchadan qo'l cho'zsa yana xayri ehson qilaverar ekan. Xullas, gado etmish darchadan qo'l cho'zsa ham Hotamdan ehson olar ekan. Hotam esa hech qachon: «Hozirgina oldingi darchadan kelib ehson oldingku!» demas ekan.

Hotamning birodari mana shu qasrda o'tirib akasidek saxovatpasha bo'lishni orzu qildi. Shunda onasi o'g'liga: «Sen Hotamdek bo'la olmaysan, chunki boshqa birovga Hotamlik muyassar bo'lishiga ko'zim etmaydi», - dedi. Hotamning birodari onasining gapiga quloq osmadi. Qasrga joylashdi. Odamlarga xayr-ehson ulasha boshladi. Bir kuni ona o'z o'g'lini sinab ko'rmoqchi bo'ldi. Miskin-gadolardek kiyinib, o'g'li o'tirgan yumaloq qasr darchalaridan biriga kelib ehson so'radi. O'g'li uzatdi. Ona ikkinchi tuynukdan ham qo'l cho'zdi. O'g'li xayr

berdi. Ona tag'in uchinchi darchadan kelib xayr sadaqa so'raganda o'g'li dedi: «Hozirning o'zida ikki darchadan kelib, ikki marta xayr-ehson olding, yana so'ragani uyalmaysanmi?». Shunda ona o'zini o'g'liga tanitdi va dediki: «Jon bolam, sen hargiz Hotamdek bo'la olmaysan, degan edimku! Gapim rost chiqdimi? Akangni ham tirikligida shunday sinagan edim. U etmish darchadan ham xayr-ehson uzatgan edi. Men sizlarning tabiatlaringiz bir-biringizga o'xshamasligini go'dakligingizdan bilar edim. Hotamni emizganimda bitta ko'kragimni emib, ikkinchisini senga qoldirar edi. Sen esa bitta ko'kragimni ema turib ikkinchisini qo'ling bilan changallab turar eding».

Ushbulardan kelib chiqadigan xulosa shuki, saxovat hamma qilishi lozim bo'lgan ishdur. Ammo hamma ham saxovatli bo'la olmaydi. Umuman, saxovatpesha odam, bu - komil iymon egasidir. Alloh yo'lida, sidqi dildan qilingan saxovatgina Haq va xalq tahsiniga loyiq saxovatdir. Dono o'zbek xalqining «Yaxshilik qil, daryoga tashla, baliq bilar, baliq bilmasa Xoliq bilar» maqolida chinakam saxovat mohiyati aks etgan.

Qo'shiq marni

**«ERGA HIMMAT, MARDGA
DALOLAT YAXSHI...»**

Maxtumquli so'zi

*Aslo odamzodga achchiq so'z aytma,
Faqiru miskinga qanoat yaxshi.
Baxilga yondoshma, yuzini ko'rma,
Bir ish bitirmakka kifoyat yaxshi.*

*Etimni ko'rganda kular yuz bergil,
Qo'ldan kelsa anga taom, tuz bergil.
G'amginni uchratsang shirin so'z bergil,
Bechora qullarga himoyat yaxshi.*

*Sevgili ishingni qilmagil badal,
Qo'ldan kelmas ishga yarashmas jadal.
Nega kerak senga bu quruq amal,
Erga himmat, mardga dalolat yaxshi.*

*Avval odam bu dunyoga kelmasa,
Kelgandan so'ng umr ko'rsa, o'lmasa,
Qo'ldan kelgan yaxshi ishing bo'lmasa,
Ko'ngil ichra, do'stlar, pok niyat yaxshi.*

SHARH

Ey saxovatpesha inson! Birovlarga yomon gapirmaslik ham saxovatdir. Qanoatli bo'lginki, bu ham saxovatdir. Baxillarda bu ikki xususiyat ham bo'lmaydi. Sen ulardan bo'lma, ulardan uzoq yur, boriga sabr qilishni o'rgan. O'rgansang, senga shu sabr kifoyadir. Ayniqsa, etimlarni ko'rsang ochiq yuzli bo'l. Imkoning ko'tarsa ularga saxovat ko'rsat, ularni taomlantir. Agar biror g'amgin odamni uchratsang, shirin so'z bilan ko'nglini ol. Balki u sening saxovating, himoyatingga muhtojdir. O'zing eplaydigan, qo'lingdan keladigan ishni qil, faqat rost gapni gapir. Qo'lingdan kelmagan ishlarga aslo urinma. Zero, er kishi uchun saxovatning o'zi mardlikka dalolatdir. Dunyoga kelishdan murod faqat to'kis va uzoq yashash emas, balki ezgu ish qilmoqdir. Chunki asl umrga ezgu amal, pok niyat yarashadi.



«BILKI TAVOZE BILA KELMISH ADAB...»

Jamiyatda insonning o'mini belgilaydigan, insoniy jamiyatning garovi bo'lgan fazilatlaridan yana biri odobdir. Odob-axloq insoniy qoidalarining boshi hisoblanadi. Odobdan yuz burgan yoki odobni tark etgan odamning odam bolasi ekaniga shubha uyg'onadi. Bunday kishilarni dono xalqimiz «adabsiz», «hayosiz», deb ataydi. Bani Odamning iymoni ham odob va odobsizlik degan ikki qutbdan qaysi birida ekani bilan belgilanadi. Zotan, odob saodatga, hayosizlik esa kulfat va g'amga olib boradi.

Hazrat Navoiy ijodining negizida odob, xulqi hamida turadi. U deyarli barcha asarlarida odobni targ'ib, odobsizlikni tanqidu taftish etadi. «Hayrat ul-abror»ning oltinchi maqolati bevosita axloqiy muammo talqiniga bag'ishlangan. Navoiy odob egalarini: «El yo'lida gard o'lubon dard ila, Kibr ko'zin ko'r etib ul gard ila, Ohu nadomatki chekib sidq aro, Kizb yuzin dudidin aylab qar...», deya ta'riflaydi. Odobning boshini elga xizmat etishda, el xizmatida o'zni kamtarin tutishda, deb biladi. Iymonda sodiq qolib, odob yo'lida qayg'u alam chekib, bu nadomat tutuni bilan kibr va yolg'on ko'zini ko'r qilgan sohibi odoblarni sharaflaydi. Xususan, odobning asosini, tavoze'da ko'radi. Tavoze'lik kishini yoy shaklida egilib chiqqan hilol (yangi oy)ga o'xshatadi. Odob ortida topilgan kamol va ehtiromni hilolning kun ba kun to'lishib, chiroy ochib borishiga mengzab, go'zal tashbeh yaratadi:

*Chunki tavoze'g'a xam o'ldi hilol,
Bo'ldi fuzunroq anga har kun kamol.*

Navoiy odobning ziddi sifatida kulgini ko'rsatadi:

*Tarki adabdin biri kulgu durur,
Kulgu adab tarkiga belgu durur.
Qahqahadin kabk navo kelturub,
Boshig'a ul kulgu balo kelturub...
Qahqahakim hazil aning yoridur,
Qurbaqa savti bilan raftoridur...
Kulgiki o'z haddidin o'ldi yiroq,
Yig'lamoq andin ko'p erur yaxshiroq...
Qildi bulut ashki bilan dur nisor,
Bo'ldi chaqin kulgisidin xoksor -*

ya'ni kulgi odobni ketkazuvchi belgidir. Qahqahani raso qo'yganlar o'z boshiga balo keltiradi. Odatda, qahqaha bo'lmag'ur hazil bilan tug'iladiki, uning o'xshashi aynan qurbaqa ovozidir. Haddan ortiq kulgu qalbni o'ldiradi. Bundan yig'i, ko'z yoshi yaxshiroqdir. Axir bulut ko'z yoshlari bilan gul undirishini, chaqin esa befoyda ovozidan uyalib, o'chib qolishini ko'rmaganmisan?!

Qalblarni o'ldiruvchi kulgi kishini oxirat xavfidan, hisob-kitob kuni qo'rqinchdan uzoqlashtiradi. Alloh taolo Qur'oni Karimda O'zidan qo'rqib ko'z yosh to'kuvchilar haqida: «**Va ular: «Ey pok Parvardigor! Albatta Parvardigorimizning («Men so'nggi Payg'ambarimni yuborurman va unga Qur'on nozil qilurman», degan) va'dasi ato qilinguvchi Zotdir», deydilar. Ular, yig'lagan hollarida, yuzlari bilan yiqilurlar va (Qur'on) ularning xokisorliklarini ziyoda qilur»** (17: 108-109), degan oyati karimani nozil qildi. Xokisorlik, kamtarinlik Allohning hukmidan xavfu rajoda bo'lishni komil iymonning belgisi, deb ta'kidladi.

Ibn Umar (r.a.)dan rivoyat qilinadi: «Payg'ambarimiz (s.a.v.) bir kuni masjidga chiqdilar. Qavm gaplashib, kulishib turardi. Payg'ambarimiz (s.a.v.) ularning oldilarida to'xtab, salom berdilar va ularga: «Lazzatni kesuvchi narsani ko'p zikr qilinglar» dedilar. Bizlar: «Yo Rasullalloh, lazzatni kesuvchi narsa nima?» deb

so'radik. «O'lim», dedilar. Shundan keyin yana bir kuni chiqdilar. Qavm kulishib turgan edi. Ularga salom berib: «Ogoh bo'linglar! Nafsim qo'lida bo'lgan Zotga qasamki, agar men bilgan narsalarni sizlar bilganingizda edi, albatta, kamroq kulib, ko'proq yig'lar edingizlar», — dedilar. Shundan so'ng, yana bir kuni masjidga chiqdilar. Qavm kulishib, gaplashib turgan edi. Rasullalloh (s.a.v.) ularga salom berib: «Albatta islom g'arib holatda boshlandi va g'arib holatga qaytadi. Qiyomat kunida g'ariblarga qanday yaxshi», — dedilar. Sahobalar so'rashdi: «Qiyomat kundagi g'ariblar kimlar?», Payg'ambarimiz (s.a.v.): «Odamlar buzilib ketgan vaqtida ular salohiyat va yaxshilikda bo'ladilar», dedilar» («Tanbehul-g'ofiliyn», 1-kitob, 186-bet).

Hazrat Navoiy kulgini iymonning zaiflashuviga sabab qilib ko'rsatsa, tavoze'ni odobning asosi deya talqin etadi:

*Lek bu yo'l shartida qat'i talab,
Bilki tavoze' bila kelmish adab...
Bulki tavoze' durur oti aning,
Yoki adab keldi sifoti aning -*

ya'ni odobning mahv bo'lishi kulgi bilan ro'y bersa, komillashuvi tavoze' bilandir. Bu ikkisi mushtarak fazilat bo'lib, oti tavoze' sifati esa odobdir.

Shu tariqa hazrat Navoiy tavoze'ning haddi va o'rni haqida fikr yuritishga kirishadi:

*Har kishining tavrig'a loyiq kerak,
Surati holig'a muvofiq kerak -*

ya'ni tavoze' har kimning xulqi-odobi, ma'naviyati, iymonining darajasiga muvofiq bo'lishi lozim. Masalan:

*Sajda gado ollida ermas karam,
Balki karamdur anga bermak diram.
Tifl uchun qo'pmaq emasdur adab,
Pirlar ul ishni demastur adab-*

ya'ni gadoga ta'zim bajo keltirib karam ko'rsatmoq durust emas. Balki unga ehtiyoji bo'lgan dirhamni berish, gado uchun yaxshiroqdir. Yoki davraga yosh bola kirib kelsa, uning hurmati uchun o'rnidan turmoq nojoizki, buni keksalar, dono kishilar odob demaslar.

Maqolotning davomida kishilarga qanday tavoze' ko'rsatmoq lozim, degan savol qo'yiladi. Buning batafsil targ'ibi-bayonini berishdan oldin Navoiy quyidagi axloq qoidalarining farz va sunnatga tayanishini asoslaydi:

*Farzu sunan ulcha erur dilpazir,
Barchag'a o'rgatmak erur noguzir.
Har ne alar qilsa xilofi hisob,
Farz durur aylamaging ehtisob.
Hashrdadir chunki xitobi senga,
Har ne savol o'lsa javobi senga-*

ya'ni farz va sunnat shunchalik dilga malham bo'ladigan ilmki, uni barchaga o'rgatmoq zarurdir. Odobsizlar farz va sunnatga xilof qilsalar, ey iymonli zot, sen buni hisobini olib borishing, ularga bilmagan narsalarni o'rgatmog'ing farzdir. Chunki ro'zi Qiyomatda bu xususda so'ralasan.

Shunday ekan, ota-onaga, bolaga, ayolga, qarindosh-uruqqa, qo'ni-qo'shniga, kattayu kichikka, hukmdorlarga bo'lgan munosabatda odobning o'rni qanday bo'ladi?

Har bir iymonli kishi, avvalo, ota-onasini rizo qilishi kerakki, bu ham odob bilan bo'ladi:

*Biri erur makrumati volidayn,
Bilki muning qilmog'idur farzi ayn.
Ikki jahoningg'a tilarsen fazo,
Hosil et ushbu ikkisidin rizo -*

ya'ni ota-onani mukarram bilmog'ing farzi ayn bo'lib, ikki jahonda baxt-saodat topaman desang, ularning rizosiga erishgin. Ularga nisbatan odobu tavoze'ni ziyoda qilgin.

Ikkinchidan, bu dunyo va oxiratda hurmat, e'tibor topish niyatining bo'lsa, bolangga odob bilan muomala qil va odob o'rgat, ya'ni:

*Ulcha erur tiflg'a shoyista ish,
Bilki kichiklikta erur parvarish...
Birisi qo'ymoqlik erur yaxshi ot,
Kim desalar etmagay andin uyot.
Qilmoq erur biri muallim talab,
Qilg'ali ta'lim ila ilmu adab...
Mehr ila zajriki tavaqqu' durur.
Tiflg'a sendin bu tavoze' durur-*

Bolani kichikligidan yaxshi parvarish qilmoq, unga eshitganida yuzi qizarmaydigan yaxshi bir ism qo'ymoq, bir zakiy muallimga berib ilmu adab o'rgatmoq ota-onaning burchidir. Sen tarbiyani shunday olib borki, bolang mehning va qahring o'rtasida umid ila qo'rquvda tursin. Bu sening farzandga bo'lgan tavoze'ingdir. Yaxshi tarbiya qilingan farzandning misoli sadaf ichida qatradan bebaho gavharga aylanib, boshlarga ko'tarilgan, tojlarga qadalib sharaflangan qimmatbaho durdir:

*Qatraga chun tarbiyat etti sadaf,
El boshig'a chiqqucha topti sharaf.*

Uchinchidan, ahli ayolingga, tavoze'da bo'l. Ya'ni:

*Nafqa bila nafsni tutma darig',
Joningga ifrot ila ham urma tig'-*

Uning nasibasini siqib ham qo'yma, ortiqcha sarf xarajat qilib o'z joningga ham jabr qilma.

*Aylamog'il hullasini rang-rang,
Kiysa dog'i hujrada tutsun darang-*

Xotiningni rang-barang liboslarga burkab tashlamagin. Rang-barang kiysa ham ko'cha uchun emas, o'zing uchun

kiysin. Umuman, ayolingni ham saxovat va qattiqqo'llik o'rtasida tutgil.

To'rtinchidan:

*So'ngra rahmning silasin qarz bil,
Rahm ushul toifag'a farz bil:
Soyiri nos ichra ulug' to kichik,
Yoxud aro erda vasat chargalik.
Kimki ulug'roq anga xizmat kerak,
Ulki kichikroq anga shafqat kerak-*

ya'ni quyidagi toifalarga silai rahmni farz bil. Yurgan odamlar ichida kattami, kichikmi yoki o'rta yoshmi odob bilan muomalada bo'l. Ulug'larga xizmat etsang, kichiklarga shafqat nazari bilan qaragin. Har kimga hurmat va tavoze'ning maqbul yo'lini, ya'ni o'rtasini tut.

Ey ma'rifatli zot (to'rtinchidan), imkon qadar shohlar, hukmdorlardan yiroqda bo'l. Agar ularning xizmatiga kirishing ixtiyoringdan tashqarida ro'y berib qolsa, ushbu o'g'itlarni yodingda tut:

*Garchiki, shah bazmi erur dilrabo,
Vojib erur aylamak andin ibo...
Gul ko'rinur yonida yuz xori bor,
Bor esa bir aysh, ming ozori bor...
Kimga fano ganjidan ogohliq,
Mulki qanoatda anga shohliq-*

ya'ni garchi shohning bazmlari dabdabali, jozibali bo'lsa-da, unga havas qilish yaramaydi. Chunki, uning yonidagi bir gulning yuzlab tikani, shoh bergan ziyofatning minglab ozori bor. Yaxshisi shoh bazmiga borishdan o'zingni tiy. Qanoatni o'rgan. Chunki, kim o'tkinchi dunyo havasidan yiroq bo'lsa, qanoat mulkida shoh bo'ladi.

Voqean, biror qashshoq hujrasiga yo'ling tushib qolsa:

*Bo'lsa g'ino shevasi oring sening,
Faqir uyig'a tushsa guzoring sening.
Anda durur shart tavozu' senga,
O'trusida qat'i tavaqqu' senga-*

ya'ni sen kibrdan yiroq kishi bo'lsang, faqirning huzurida senga tavoze' shart. Bunday odobing, tavoze'ing haqiqiy tavoze'dir. Bunday tavoze'dan oxirat savobini kutsang arziydi. Chunki, shariatga suyang'an odob, agar u sidqu dildan bo'lsa, alal-oqibat «maqsadi asliy»ga, ya'ni jannatga olib boradi:

*Har nekim ul shar'din etti udul,
Ermas adab aylasang oni qabul...
To bu vasila bila topib qabul,
Maqsadi asliy sari bo'lg'ay nuzul.*

Hazrat Navoiyning ayni talqiniga «Tanbehul-g'ofiliyn» kitobidagi ushbu dalil mos keladi: «Alloh taolo payg'ambar alayhissalomga kambag'allarni yaxshi ko'rishni va ularga yaqinlashmoqni buyurgan: **«Siz o'zingizni erta-yu kech Parvardigorlarining yuzini istab, unga iltijo qiladigan zotlar bilan birga tuting»**(Kahf, 28).

Bu oyatning nozil bo'lishi sababi quyidagicha: Uyyayna ibn Hisn Fizoriy qavmining raisi edi. Bir kuni u Payg'ambarimiz (s.a.v.) oldilariga kirganida, Salmoni Forsiy, Suhayb Rumiy, Bilol ibn Habashiy va boshqa kambag'al sahobalar (r.a.) o'sha erda edilar. Ularning ustida eski yirtiq kiyimlari bo'lib, bir oz terlashgan edi. Uyyayna shunda: «Bizlarda obro' sharaf bor. Biz oldingizga kirganimizda ularni huzuringizdan chiqaring, ular bizga hidlari bilan ozor berishayapti yoki biz uchun boshqa majlis chaqiring», -dedi. Alloh taolo ularni u erdan chiqarishni man etdi va bunday oyatni indirdi: «Siz o'zingizni erta-yu kech Parvardigorlarining yuzlari istab, Unga iltijo qiladigan zotlar bilan birga tuting». Ya'ni, ular besh vaqt namozini o'qib, Parvardigorning rizosini talab qilishadi.

«Ko'zlaringiz dunyo ziynatlarini ko'zlab, ulardan o'tib (o'zga ahli dunyolarga boqmasin)». Ya'ni, dunyo hayoti ziynatlari talabida faqirlarni kam ko'rmang.

Alloh taolo Payg'ambarimiz (s.a.v.)ga faqirlar bilan o'tirishlikni, ularga yaqin bo'lishlikni buyurmoqda. Bu buyruq barcha musulmonlarga Qiyomat kunigacha musulmon faqirlarni yaxshi ko'rmoqni, ularga yaxshilik qilmoqni va molu dunyolaridan infoq bermoqni vojib etdi. («Tanbehul-g'ofiliyn», 2-kitob, 7-bet).

Hazrat Navoiy birma-bir sanab o'tgan tavoze'ga loyiq kishilar, tavoze'ning o'rni va chegaralari xususidagi pandlarning hammasi iymonli kishilar uchun oxirat ozig'idir. Oxirat dunyosida odoblilar, iymonlilar to'lin oydek husn sohibi bo'lishadi. Dono xalqimiz bekorga aytmagan: «Husn husn emas, odob husn».

Qo'shiq marni

«SIZDAN O'RGANMAY TURIB...»

Chustiy so'zi

*Yaxshi farzand o'stiring, hech kim malomat qilmag'ay,
Sizdan o'rganmay turib, go'dak haqorat qilmag'ay,
Oqil ota-ona naslin befarosat qilmag'ay,
Tarbiyat ko'rgan esa sizni xijolat qilmag'ay,
O'z-o'zicha o'ssa u ozga qanoat qilmag'ay.*

*Xonadondan boshlanur, yoshlikdanoq naf'u - zarar,
Erkalatmoq yaxshi ammo, haddidan ohsa agar,
U bola bo'lg'ay muallimlarga ham yuz dardisar,
Bo'lmagay yaxshi bilimli balki, bo'lg'ay darbadar,
Ulg'ayib qolganda u sizga itoat qilmag'ay,*

*Bo'lmasin yalqovlanib farzandingiz tekin taom,
Bulg'anur top-toza qoni bo'lg'usi halqum harom,
Or emasmu siz uchun olsa agar «bezori» nom,
Qissalardan hissalar aylang qabul, xullas kalom,
To'g'ri yo'lga kirs, egrilikka odat qilmag'ay.*

*Onda- sonda uchragay xalq ichra bunday behunar,
Bir masal bordir demishlar: «Birniki mingga urar»,
Keldi lekin mardlardan dunyoga mardonalar,
Shukr etarman, so'zlarimdan kimki bo'lsa bahravar,
Elga nafi bo'lmasa, Chustiy kitobat qilmag'ay.*

SHARH

Ey ota-onalar! Farzandingizni yaxshi tarbiyalab o'stiring. Chunki, «Qush uyasida ko'rganini qiladi» - o'zingizdan o'rganmasa, sizga taqlid etmasa, go'dak haqoratni qaydan o'rganadi?! Shunday ekan, farzandga yaxshi xulq bilan namuna bo'ling. Shunda u sizni xalq oldida xijolat qilmaydi. Tarbiyasiz o'ssa qanoatsiz, farosatsiz bo'lib qoladi. Ma'naviy va moddiy zarar yoki foydani anglash bolada yoshligida shakllanadigan xususiyatdir. Ularni sevib-erkalatish yaxshi, ammo mehning oshkorasidan pinhonasi a'loroqdir. Haddan ziyod erkalatilgan farzand hamma joyda ortiqcha bo'lib qoladi. Hatto ulg'ayganida o'zingizga ham itoat etmaydi. Bolangizning odobi mukammal bo'lishini istasangiz, mehnatga o'rgating. Mehnatsiz o'sgan bola keyinchalik haromdan ham hazar qilmaydigan, tekinxo'r bo'lib qolishi mumkin.

Axir bolangiz «bezori» nomini olsa or qilmaysizmi? Bu so'zlardan xulosa chiqaring. Yoshligida iymon sabog'i berilib, to'g'ri yo'lga solingan bolaning kelajagi saodatli bo'ladi. Xalq ichida ba'zan hayosiz, hunarsiz bolalarga nazaringiz tushgandir. Shundaylardan Xudo asrasin. Zero, «Birniki mingga urar», degan maqol bekorga aytilmagan. Ammo, asli tavoze'li, mard odamlardan bunday farzand dunyoga kelmas. Agar so'zlarimdan kimdir bahra olsa, Xudoga ming bor shukr etardim. Zotan, Chustiyga el saodatini ko'zlab she'r yozmoq odatdir.

Beshinchi saboq:

«NAQDI QANOATG'A CHU
YO'QTUR FANO...»

Sabru qanoat iymonning ziynati, jamiyatning farog'atidir. Olamdagi echimsizdek tuyulgan minglab muammolar sabr nomli hikmat og'ushida echim topadi. Sabru qanoat insonga halq ichida izzat-obro', oxiratda Alloh taolo rizosidir. Bu sinov dunyosidan faqat sabrli kishilargina poklanib chiqadilar. Holbuki, foniq dunyo poklik nurlari bilan chulg'anib tug'ilgan insonni nopoklik to'rlariga o'ralib qolishiga ham «xizmat» qilishi mumkin. Buning boshi esa sabrsizlik bo'ladi. Sabr iymonning bir ustunidirki, Sharqda bu so'z, bu tushunchaning oliy darajot topishi shundan. Hazrat Navoiyning sabru qanoat bobida yozganlari Sharq tafakkurining nafis durdonalaridandir.

Odamlar boylikni turlicha tushunadilar. Kimdir uni oltin, kumush, turli xil va rangdagi pullarda, kimdir mansabu martabada, yana kimdir shon-shuhratda ko'radi. «Hayrat ul-abror»da qanoat odobiga shunday ta'rif beriladi:

*Kimgaki ish bo'ldi qanoat fani,
Bilki, ani qildi qanoat g'ani-*

ya'ni qanoat kimningki hayot tarzi, yashash mezoniga aylangan bo'lsa, u eng boy odamdir.

*Kulbada darveshki, qoni' durur,
Foyiq erur shohg'aki, tomi' durur.
Chunki tama' bo'ldi gadolar ishi,
Bilki gadodur tama' etgan kishi -*

Faqir bir kulbada yashayotgan miskin darvesh bilan hashamatli saroylar sohibini qiyoslab ko'rganmisan? Agar qiyosing mezoni qanoat bo'lsa-yu, darveshda qanoat miqdori og'ir kelsa, bilki darvesh shohdan ustundir. Chunki qanoatsiz kishi tamaqir bo'ladi. Tamagirlik esa gadoning ishi.

*Qushlar aro shohki, anqo durur,
Nuktaye bu amrda paydo durur,
Bordur agar fikr ila topsang vuquf,
Qoni'u anqog'a muvofiq xuruf -*

Anqo qushlarning shohidir. Bu hikmatni chuqurroq anglashga harakat qil. Agar chuqurroq tafakkur qiladigan bo'lsang, «qone'» va «anqo» so'zlari orasida moslikni topasan.

Demak, boylik ham, martaba ham insonni tom ma'noda tojdor qila olmaydi:

*Hinduvi loib boshida toj ko'r,
Oni qaro pul sori muhtoj ko'r-*

ya'ni o'yinchi hinduning boshidagi toj uning shohligini bildirganida, u arzimas qora pul (chaqa) uchun egilib o'zini xoru zor etarmidi? Zero, shohning muhtojligi «toj» va «muhtoj» so'zlaridagi harfiy muvofiqlikdan ham ko'rinib turibdi:

*Shoh agar ul bo'lsaki, muhtojdur,
Harf ila «muhtoj»da ham «toj»dur.
Kimki qanoatdin erur hujjati,
Yaxshi-yomong'a yo'q aning hojati.*

Muhtojligini sabr bilan sir saqlaganlar el-yurt o'rtasida obro' topadi. Inson tabiati shundayki, to'rt muchasi sog' bo'lib, tilangan, yalingan kimsalarga nafratomuz qaraydi. Ammo, sabr-qanoatli kishi nafratini oshkor etmaslikka o'zida kuch topa oladi. Muhtojga sadaqa qilar ekan, bir yo'la uchta yaxshilik qiladi va olgan savobi ziyoda bo'ladi. Birinchidan, bir muhtojning hojatini chiqarib, bezovta ko'ngliga malham

qo'yadi; ikkinchidan, bu bilan jamiyatda muayyan muvozanat yuzaga kelishiga hissa qo'shadi; uchinchidan, o'zida sabrdek ulug' fazilatning yanada kuchayishini ta'minlaydi. Mashhur faylasuf Aflotun: «Go'zal axloqli inson badxulq kishilarning qilmishlariga sabr qilgan kishidur», degan ekan. Jamiyat go'zal xulqli insonlarga boy bo'lganidek, badxulqlarga ham to'lib toshgan. Zero, badxulqlar tomonidan keladigan zulmlarga sabr etish o'ta og'ir ishdir. Faqat, iymon sohiblari uchun bunday ish og'ir emas, balki savobu ajr topmoq vositasidir.

Rivoyat qilishlaricha «Hazrati Oysha onamiz (r.a.)ning badfe'l bir xizmatkorlari vafot etibdi. Oysha onamiz bundan nihoyatda g'amgin bo'libdilar. Bu holni ko'rganlar hayron bo'lib so'rashibdi:

-Nega buncha xafasiz?

Oysha (r.a.) onamiz shunday javob beribdilar:

-Marhum yomon xulqli edi. Uning barcha yomonliklariga sabr qilar edim. Sabr bilan topayotganim- ushbu savobdan ajraganimga xafaman».

Insonlar bilan munosabatda yuzaga keladigan ozorlar, ularga qanoatli bo'lish ham Allohning sinovidir. Iymon, qanoat ne'matiga da'vogar har qanday kishi bunday sinovga mahkum. Berilguvchi savob darajasi ham sabrning miqdoriga yarasha bo'ladi. Haqiqiy iymon egalari Yaratganning har bir sinoviga Allohning rahmati va marhamati tufayli noil bo'ladilar. O'tgan payg'ambarlarimizdan hazrati Ayyub alayhissalomning sabrlari shunday sabrga dalil bo'larlikdir. Alloh taolo Qur'oni Karimda marhamat qiladi: «**Ayyubning Parvardigorga nido qilib: «(Parvardigorim), meni balo ushladi. O'zing rahm-shafqat qiluvchilarning rahmlirog'idirsan», deb iltijo qilgan paytini (eslang). Bas, biz uning (duosini) mustajob qilib, undagi ziyon-zahmatni ketkazdik hamda O'z huzurimizdan mehribonlik ko'rsatib barcha ibodat qilguvchilarga eslatma-ibrat bo'lsin deb, (Ayyubga) ahli-oilasini va ular bilan qo'shib yana o'shalarning mislicha bola-chaqa ato etdik (21:83-84). «Qur'oni Karim izohli tarjimasi»da kelgan izoh: Ayyub payg'ambar asli Rum mamlakatidan bo'lib, serfarzand va boy-badavlat kishi edilar. So'ngra boshlariga og'ir kunlar tushib**

mol-dunyolaridan ajradilar, lekin qanoat qildilar: bolalari birin-ketin halok bo'lishib, ulardan ham judo bo'ldilar, sabr qildilar; salomatliklaridan ajrab, eng og'ir xastaliklarga duchor bo'ldilar, shikoyat qilmadilar. Qachonki ayrim kimsalar: «Bu eng yomon gunoh-jinoyatlarni qilganki, xudo unga shunday balolarni yuborgan», deganlarini eshitgandan keyingina, sabr kosasi to'lib, Alloh taologa iltijo qilib, o'z holidan shikoyat qilgan va Tangri taolo ul zotning duolarini ijobat qilib, salomatliklarini ham, mol-davlatlarini ham qaytarib bergan. Halok bo'lgan etti o'g'il, etti qizlariga hayot ato etib, yana etti o'g'il, etti qiz ko'rganlar.

Mazkur oyatdagi «barcha ibodat qilguvchilarga eslatma-ibrat bo'lsin, deb» so'zlarining ma'nosi shuki, boshlariga biron balo tushgan kishilar Ayyub alayhissalom kabi sabr-qanoat qilsalar, albatta, Alloh taolo ularning balolarini ketkazib, avvalgidan ham ziyoda ne'matlar ato etadi».

Alloh taolo Qur'oni Karimda sabr qanoatli bandasi va payg'ambari Ayyub alayhissalomni «yaxshi banda» deb zikr etadiki, naqadar oliy darajot bu: «**Darhaqiqat, Biz (Ayyubni) sabr qilguvchi holida topdik. U naqadar yaxshi bandadir. Haqiqatan u (Alloh rozi bo'ladigan yo'lga) butunlay qaytguvchidir**» (38: 44).

«Payg'ambarimiz (s.a.v.) aytadilar: «Sabr uch xil bo'ladi: toatga sabr qilish, musibatga sabr qilish va gunohdan tiyilish uchun sabr qilish. Kim musibatga sabr qilib, uni go'zal suratda qaytarsa, Alloh unga uch yuz darajani yozadi. Kim toatga sabr qilsa, Alloh unga etti yuz darajani yozadi va kim gunohdan sabr bilan tiyilsa, Alloh unga to'qqiz yuz darajani yozadi. Har darajaning orasi erning tagidan to arshgacha bo'lgan masofaning ikki barobaridir». (Dur-ul ajoyib. 31-fasl).

«Ibn Abbosdan shunday rivoyat qilinadi: «Alloh taolo Lavhul-maxfuzda yozgan birinchi narsa: «Men Allohman, Mendan boshqa iloh yo'q, Muhammad mening elchimdur. Kimki qazoi qadarimga o'zini topshirsa, balolarimga sabr etsa va ne'matlarimga shukr qilsa, uni siddiq deb yozaman va qiyomat kunida siddiqlar bilan turgizaman. Kim qazoi qadarimga taslim

bo'lmasa va balolarimga sabr etmasa, ne'matlarimga shukr qilmasa, Mendan boshqa ilohni topib olsin»,

(Tanbehul-g'ofiliyn. Ikkinchi kitob, 42-43 bet).

Hazrat Navoiy yozadi:

*Chun bu jahon ichra tama'korliq,
El ko'zida bermay anga xorliq.
Hashrda dog'i qo'pub andin azob
Ko'nglida yo'q dahshati yavmul-hisob...
Dunyovu uqboda borumand o'lub,
Kimki Haq ehsonig'a xursand o'lub...
Bo'yla xayolot bila gone' bo'lub,
Istaridan nafsiga mone' bo'lub.
Qoni' esa onchaki maqdur erur,
Tengriyu xalq ollida ma'zur erur-*

ya'ni hayotda qanoatning dushmani bo'lmish tamagirlik domiga tushganlar bunday qusurlarini eldan yashirgan odam omon qoladi, deb o'ylamasinlar. Zero, qiyomatning azobi qattiqdir. Agar kimki Haqdan kelgan hamma narsani sabr bilan, ehson deb qabul etsa, nafsining istaklariga tizgin sola olsa, unday odam Haq va xalqqa manzur bo'ladi. Haq uning gunohlarini kechiradi.

Demak, sabr qanoatning mezoni iymonda, ajr mukofoti Alloh huzurida ekan. Sabr yo'lida chekilgan g'amu iztiroblar behuda emas, komil iymon, hazrat Navoiy aytmoqchi, «maqsadi asliy» (jannat) yo'lidagi xayrli iztiroblar ekan.

«Hayrat ul-abror»ning XXXV bobida qanoatli va qanoatsiz kishi haqida ibratli bir hikoyat keltirilgan:

*Fors navohiysidin ikki rafiq,
Ayladilar Chin sori azmi tariq.
Biri azal qismig'a qoni' edi,
Qismidin ortiq biri tomi' edi.
Borur edilar qilibon po'ya fosh,
Bo'ldi ayon yo'l uza bir soda tosh.
Yorimi erda, yorimi yuqqori,
Ul yorimidaki, bo'lub toshqori.*

*Nuktai bas turfa qozilg'on edi,
Chun o'qidilar-bu yozilg'on edi:*

ya'ni fors yurtidan bo'lgan ikki do'st Xitoy tomon safar qilishdi. Ularning biri taqdiri azal hukmiga qanoat qiluvchi-sabrli, ikkinchisi qanoatsiz-sabrsiz edi. Yo'lda ketayotib, yarmi erda ko'milib yotgan bir silliq toshga ko'zlari tushdi. O'qib ko'rsalar, toshga shunday hikmatli so'zlar yozilgan ekan:

*«Kim kishi gar emgak o'tin yondirur,
Toshni yana yuzig'a aylاندurur.
Anda bitiklik durur afsonaye,
Kim bu navohiy aro vayronaye.
Borki, ostida erur turfa ganj,
Olg'ay ani har kishi ko'rsa bu ranj
Har kishi bu ranjidan o'lsa yiroq,
Sabru qanoat boridin yaxshiroq».*

ya'ni «Kimki mashaqqatla toshning orqa tomonini aylantirsa, bir vayrona ostida yashiringan xazina haqidagi xabarni o'qiydi. Agar mehnatdan qochmasa, o'sha xazinaga ega bo'ladi. Ushbu so'zlarga parvo qilmagan kishi uchun esa sabru qanoatdan ortiqroq xazina yo'qdir».

*Tom'i o'qug'och mutahattik bo'lub,
Tom'i a irqi mutaharrik bo'lub.
Ganj tamannosi'g'a berkitti tish,
Bo'ldi anga tosh tubin qozmoq ish-*

ya'ni tamagir xatni o'qigach, hayosizligini oshkor etdi. Undagi tamagirlik qoni ko'pirib ketdi. Xazina vasvasasidan tishlarini jipslashtirib, tosh ostini kavlashga tushib ketdi.

*Qoni' ul ishga chu nazar ayladi,
Qilmadi parvou guzar ayladi.
Dedi: «Bu ne mehnati jonkoh erur,
Ganji qanoat manga hamroh erur.
Kim sorikim Tengrining ehsoni bor,
Tosh yorilib chiqmog'i imkoni bor»*

ya'ni qanoatli kishi bu toshga beparvo nazar solib yo'lida davom etarkan dedi: «Bu qanday vaqt sarflashga arzigulik xazina bo'ldiki, mening qanoat xazinamdan ortiq bo'lsin. Agar Tangri xohlasa tosh yorilib, xazina menga peshvoz chiqishiga shubha yo'q».

*Yo'ldin olib kecha tong otquncha bahr,
Subhidam ollida ayon bo'ldi shahr.
Shahrg'a el kirgali yo'l ko'p edi,
Ulki burun kirdi, vale ul edi.
Bor erdi darvozag'a surmak hamon,
Har soridin xalq yugurmak hamon.
Bu el aro rasm bu ermishki, shah
Qilsa baqo mulki sari azmi roh .
Asrab oni shahr elidin yoshurun,
Kimki sahar shahrg'a kirsu burun.
Aylar emishlar ani masnad nishin,
Boshig'a toj ilgiga solib nigin-*

ya'ni sabrli kishi tonggacha yo'l yurib, sahar payti shahar darvozasiga etdi. Shaharning darvozalari juda ko'p edi. Ammo u ulug'ligi bois hammadan oldin shaharga kirdi. Darvozadan kirar ekan, xaloyiqninig o'zi tomon yugurayotganini ko'rdi. Keyin bilsaki, bu elning podshohi o'lsa, uning o'lgani hammadan sir tutilar, shahar darvozasidan birinchi kirgan kishi esa, boshiga toj qo'liga shohlik uzugi taqilib, podshoh ko'tarilar ekan.

*Oni ham ul rasm ila xaylu sipoh
Qildilar ul mulku sipoh uzra shoh
Yoriki, ranj o'ziga olib edi
Ganj tamannosi'g'a qolib edi.
Ranj bila etmish chu o'z jonig'a,
Toshni evurdi yana bir yonig'a.
Xatqa boqub ko'rdi bu mastur erur:
«Xom tama' dahrda ranjur erur».
Oni qanoat qilibon shahriyor,
Muni tama' ranj qilib xokisor.
Qilma, Navoiy, tama' eldin diram,
Bor esa bersang xud erur ul karam -*

Xullas, qanoatli kishini shoh qilib ko'tardilar. Ganj vasvasasiga bandi bo'lgan hamrohi esa ming mashaqqat bilan toshni boshqa tomonini o'girdi. Yozuvni o'qisaki: «Tamagirlik azob va mashaqqat keltiradi», deb yozilgan ekan. Ko'ringki, sabrli kishining sabri uni shohlikka ko'tardi. Tamagir esa, o'z fe'li tufayli mashaqqat chohiga tushdi. Ey Navoiy, xalqdan tama qilishdan yiroq bo'! Imkon topsang boshqalarga berki, sabru saxovat shudir.

Qanoatli kishi xazina egasi bo'lish ehtimoli bo'lganda ham, Allohga tavakkal qildi. Sabr qanoatni eng katta boylik deb bildi. Toshdagi yozuvning- «Sabr qanoat boridan yaxshiroq» degan hikmatning mazmuniga tushunib etdi. Natijada musofir yurtga shoh bo'lib kirdi. Sabrsiz, tamagir kishi esa, o'zini ming mashaqqatga solib, o'zining tamagirligini, badbaxtligini anglaganida kechikkan edi.

Hikoyatda ramziy ma'no yashirin. Bu o'rinda Forsdan Chingacha bo'lgan yo'l-umr, shahar-jannat, shohlik esa sabrlining «maqsadi asliy»ga etishuvidir. Sabrsiz kishi esa, umr yo'lida sabrsizligi uchun arosatda qoldi. Xalqimiz hayotda uchraydigan bunday holatlarni «Sabr qilsang g'o'radan holva bitur», «Tamagir kunda g'amgin» maqollarida donolarcha muhrlagan.

Qo'shiq marni

«QANOATDUR KO'NGILLARNING SAFOSI...»

So'fi Olloyor so'zi

Xudoying har ne bersa, qil qanoat,
Yurakni qilma minnatdin jarohat.
Qidirgan birla rizqing qatra toshmas,
Ketar qadring, qadardin hargiz oshmas.

Naqorat:

Qanoatdur ko'ngullarning safosi,
Qanoat barcha illatning davosi.

Agar chandeki bo'lsang bebizoat
Sulaymonsan, agar qilsang qanoat.
Qanoatkim, tabibi har kasaldur.
Qanoat ahlig'a og'u asaldur.

Naqorat:

Qanoatdur ko'ngullarning safosi,
Qanoat barcha illatning davosi.

Qanoat ma'danig'a och ko'zing och
Tama bo'yi ko'rinmay, bo'yidin qoch,
G'araz dunyo bo'lub, e odamiyot,
Aziz umringni hargiz qilma barbod.

Naqorat:

Qanoatdur ko'ngullarning safosi,
Qanoat barcha illatning davosi.

SHARH

Ey, odam farzandi, sabru qanoat ko'ngillarni qoplagan illatni davolaydi. Shunday ekan, bas, Alloh nima bersa qanoat qil, o'zingga o'xshagan ojiz bandalarga mute bo'lib, minnat ostida qolib ketma. Holbuki, yugurib, elmoq bilan keluvchi rizq ham taqdiringda bo'lsagina keladi. O'ta qashshoq bo'lsang-da, sabr qilsang Payg'ambar va podshoh Sulaymon kabi badavlatsan. Chunki, qanoat har qanday kasalning davosi, qolaversa, sabrlilarga og'u sabri bois asal kabi tatiydi. Sabr oltin bo'lsa, uning dushmani tamagirlikdir. Undan ehtiyot bo'lki, tamagirlik aziz umringni bema'no o'tishiga, hatto barbod bo'lishiga sabab bo'lishi mumkin.

«KIMKI VAFO QILDI
JAFO KO'RMADI...»

Komil iymon yo'lidagi muhim shartlardan biri bu vafodir. Vafo inson umrining mazmunini, jamiyatdagi mavqeyining mohiyatini belgilaydigan yirik mezonlardan biri hisoblanadi. Vafo va vafosizlik va'daning ijrosi yohud xilofi bilan ro'y beradi. Shunga qarab iymon sinaladi. Bir musulimga boshqa insonlar tomonidan baho beriladi. Vafo kalimasining tarixi «Al-misoq» deb ataluvchi uzoq moziyga borib taqaladi. Hali osmonlaru er yaratilmagan paytda Alloh taborak va taolo otamiz Odam alayhissalomdan boshlab qiyomat kunigacha dunyoga keladigan odamlarning ruhlarini yaratgan. Va ulardan: «Men sizlarning barhaq Tangringiz emasmanmi?», deb so'raganida jami insoniyatning ruhlarini «Albatta, Sen bizni Yaratguvchimiz, barhaq Parvardigorimizsan», deya javob berishgan. Hisob kunida inson mana shu va'dasiga bo'lgan vafosi yoki vafosizligiga qarab, ajr yoki azobga hukm qilinadi (Nosiriddin Burhoniddin Rabg'uziy. Qisasi Rabg'uziy. -T.: Yozuvchi, 1990, 22-bet). Shu bois ham, Sharqda vafo tushunchasi faqat ijtimoiy ma'noda emas, balki o'ta keng ma'noda qo'llanadi. Yanada aniqrog'i, vafoning ijtimoiy mazmuni ilohiy mazmun mohiyat bilan uyg'unlashib ketadi. «Hayrat ul-abror»dagi vafo talqini ham mana shunday teran mazmunga, badiiy talqinga qaratilgan.

Hazrat Navoiy «Hayrat ul-abror»ning XXXVI bobida vafoning asosan uch jihatiga e'tibor qaratadi. Birinchi jihat, Alloh yaratgan maxluqotlarning bari o'z jufti bilan

yaratilganligi, borliq muvozanati shu juftlararo vafoning darajasi bilan belgilanishi haqidagi umumbashariy qarashlarni ifoda etadi. Navoiy talqiniga ko'ra vafo:

*Bu duru noyob vafomu ekin,
Gar ul emas, mehriyomu ekin?
Mehriyoyo demaki, anqodur ul,
Javharu fardu duru yaktodur ul -*

ya'ni bu noyob dur vafo deb ataladimi? Yoki uni mehriyoyo deyish to'g'riroqmikan? Yo'q-yo'q u mehriyoyo ham emas, topilmas anqodir, olamda yagona duru javhardir. Vafodan yiroq bo'lgan maxluqot alal-oqibat o'z mohiyatidan uzoqlashadi:

*Fard kishi davrda topmas navo,
Yolg'iz ovuchdin kim eshitmish sado-*

ya'ni qars bir qo'ldan chiqmaganidek, yolg'iz odam hayotdan sassiz- sadosiz o'tadi.

*Toshki chaqmoqdin o'lg'ay yiroq,
Tiyra tutar ikkisini ul firoq,
Bir-biriga chun etishurlar dame,
Ravshan o'lur o'trusidin olame -*

hatto tosh ham o'z juftidan firoqda bo'lar ekan hech, narsaga yaramaydi. Ularning visolidan esa olam yorishadi.

*Sinsa uqob egni uza bir qanot
Tez uchar, lek anga bir dam hayot-*

Burgutning bir qanoti sinsa, u o'limga mahkum bo'ladi.

Xullas, vafo shunchalar noyob tuyg'uki, unga xiyonat qilinsa, hamma narsa o'z mohiyatini yo'qotadi. Vafo degan oliy tuyg'uga nisbatan sidqda harakat, rivojlanish, taraqqiyot bor. Ammo, kishilik dunyosi vafo shevasiga xiyonatdan charchamaydi. Har kuni minglab vafosizliklar ro'y beradiki, bu yangilik emas. Xudbin inson o'z manfaati, rohat-farog'ati

yo'lida vafoni poymol etadi. Bundan hech bir xijolat chekmaydi. Biri so'zda, biri faoliyatda, biri ruhiyatda, biri farovonlikda, biri jang, u jadalda vafoga xiyonat etadi. Shu sababdan insonlik jamiyati nomukammal. Shuning uchun ham, dunyoda vafosizlik ko'p. Vafoga sodiq kishiga esa doimiy alam-iztirob hamroh.

Hazrat Navoiy vafo haqidagi qarashlarining ikkinchi jihatini shunday tushunchalar tashkil etadi. Dunyo ahlidan:

*Har kishiga qildi birov bir vafo,
Maxlasi yo'qtur ko'rubon ming jafu -*

ya'ni kim birovga bir vafo qilsa, ortidan ming jafu ko'radiki, unga najot yo'qdir.

*Kon necha bazli guhari pok etar,
Olg'uchi ko'prak yuragin chok etar.
Sham' yorutub ev ichi-toshini,
Ev iyasi ko'prak uzub boshini -*

ya'ni kon qancha saxiylik bilan bag'ridagi gavharni chiqarsa, konchi shunchalik shafqatsizlik qilib, uning bag'riga cho'qmor uradi. Sham uyning ichi-tashini charog'on qilgani sari uy egasi paydar-pay uning boshini uzadi.

*Yor erur andoq guhari bebaho,
Kim anga muhtoj ne shoh, ne gado.
Ushbu sifat yorki marqum erur,
Voyki bu davrda ma'dum erur.
Bo'lsa dog'i topmog'i oson emas,
Jismi bashar ichra xud imkon emas-*

ya'ni vafoli yor shunday bebaho gavharki, shoh ham, gado ham unga muhtojdir. Ammo afsuski, bu olamda bunday gavhar noyob. Agar bo'lganida ham uni «jinsi bashar»- odamlar orasidan izlash behuda.

Hazrat Navoiyning «jinsi bashar» o'rtasidagi vafo xususida kelgan xulosasi shu. Bu aslo shoirning tushkun kayfiyatidan

emas, balki yuksak tafakkur, bilim va tajribasidan kelib chiqqan fojeiy xulosasidir. Ko'pgina G'arb mutafakkirlari ham jahon ahli haqida shunday xulosa chiqarganlar. Umidsizliklari ularni fojiali o'limga yoki tarkidunyoga olib kelgan. Ammo, Navoiy umidsiz emas. Chunki, u fojeaga yo'liqqan G'arb mutafakkirlaridan farqli o'laroq e'tiqodli, musulmon mutafakkir. Uning iymoni bor. Shu bois ham, foni dunyo raftori uni fojiaga olib kelmaydi.

Navoiyning vafo haqidagi qarashlaridagi uchinchi, eng so'nggi hal qiluvchi xulosa Tangriga vafodorlik va Allohning o'z bandalariga vafodorligi xususidagi xulosadir. Darhaqiqat, insonlar bir-birlariga ozor berguvchidirlar. Jahon ahlidan vafo topmoq dushvor. Ammo, bundan qayg'ulanish lozim emas. Agar kimki haqiqiy Yori-vafodorini tanigan bo'lsa qayg'urmaydi. Chunki, Alloh hech qachon xiyonat etmaydi. Uni tanimaslik fojiasi haqida Navoiy bir muxammasida shunday fikr bildiradi:

*Voy ul bedilg'akim qolg'ay tirik dildorsiz,
Bir iyosiz it kibi erdi Navoiy yorsiz,
Qilmag'il, yo Rabki, hargiz banda sultondin judo -*

ya'ni u qalbi ko'r insonning holiga voykim, Xudosiz yashab yuribdi. Shukrki, Navoiy Yaratganni taniydi. Agar u ham Xudosiz bo'lganida bir egasiz itdan qanday farqi qolardi? Ey Parvardigor! Sening borligingni anglamay bedin bo'lib yashashdan o'zing asra!

«Hayrat ul-abror»da esa shunday misralarni o'qiymiz:

*Har kishi olamda erur yorsiz,
Bir sadafedur duri shahvorsiz -*

ya'ni dunyoda Allohni tanimay yashagan odam bamisli ichi bo'sh sadafdir. Ko'rinadiki, har ikki talqinda ham dinsiz, xudosiz kishilar qalbi yo'q deya ta'riflanmoqda. Qalbi yo'q kishi esa hayvon bilan barobar. Navoiy aytmoqchi, «egasiz it kabi»dir.

«Hayrat ul-abror»da va'daga xilof qilishdek nuqsondan tamomila pok yagona zot-Allohninggina va'dasi haq ekani tarannum etiladi:

*Kimki vafo ko'rdi, jafo qilmadi,
O'trusida g'ayri vafo qilmadi-*

Vafo qilganlar, ya'ni, «Al-misoq»da Allohga bergan va'dasiga sodiq qolganlar, odamlarning vafosizligidan ko'p g'amgin bo'lavermaydilarki, vafoga vafo bilan javob qilguvchi Zot bor. Uning vafosidan keladigan saodat va farog'at oldida dunyo ne'matlari sariq chaqaga ham arzimaydi.

*Kim angakim qilsa jahonin fido,
Etsa oning mehrida jonin fido.
Cheksa yukin onchaki to'qquz sipehr,
Ul dog'i bir zarracha ko'rgussa mehr...
Shukrin aning viridi zabon aylasun,
Ko'nglingni mehriga makon aylasun...
Desun ani gavhari koni vafo,
Koni vafo yo'qki, jahoni vafo...
Kim sifati sig'mag'ay avroq aro,
Demayin avroqki , ofoq aro -*

ya'ni kimki Uning mehri yo'lida jonu jahonini bag'ishlasa, to'qqiz osmon hajmida mehnat cheksa-yu, U zarracha mehr ko'rsatsa, shukrini tilidan qo'ymasin, qalbini Uning mehriga makon qilsin. Chunki o'sha, zarracha mehr mehru-vafoning konidurki, bu vafoning ta'rifi oq varaq tugul jami osmonlar ufqiga ham sig'maydi.

Ko'rinadiki, hazrat Navoiy tom ma'noda vafoni Yaratganga bo'lgan vafoda, iymonda, deb talqin etyapti. Foni dunyodagi vafosizlik iymon egasi uchun u qadar katta fojia emas, balki ajru savob uchun vositadir. Vafosizlarga-da vafo qilmoq iymon belgisidir. Buning ajri esa chandon ko'pdir. Alloh taolo Qur'oni Karimda mana shunday va'dasiga vafodor kishilar xususida

marhamat qiladi: «Albatta iymon keltirgan va yaxshi amallar qilgan zotlar -ana o'shalar yaratilmish jonzotlarning eng yaxshisidirlar. Ularning Parvardigorlari huzuridagi jazo-mukofotlari ostidan daryolar oqib turadigan mangu jannatlardir. Ular o'sha joyda abadul-abad qolguvchidirlar. Alloh ulardan rozi bo'ladi, ular (Allohdan) rozi bo'ladilar. Bu (mukofot) Parvardigorigan qo'rqqan kishi uchundir» (98: 7-8).

Rasullulloh (s.a.v.)dan vorid bo'lgan ushbu hadisi sharifda chin ma'nodagi vafoning mohiyati aks etgan:

«Rasullulloh (s.a.v.) aytganlar:

Kimda quyidagi uch xislat bo'lsa, unga iymon huzur halovat baxsh etgaydir:

- Alloh va Rasulini hammadan ko'ra yaxshi ko'rmoq;
- yaxshi ko'rgan kishisini faqat Allohni deb yaxshi ko'rmoq;
- yomon ko'rgan kishisini faqat Allohni deb yomon ko'rmoq» (Hadis. Al-jomi' as-sahih. I jild.-T.: Qomuslar bosh tahririyati, 1991, 15-bet).

Zero, iymon halovatini topmoq, komil iymon sohibi bo'lmoq ham vafo bilan bog'liq yoki Payg'ambarimiz (s.a.v.) zikr etgan ushbu uch fazilat vafoli kishilar uchun xosdir.

Shoir Pisandiy bir g'azalida juda to'g'ri ta'kidlaganidek:

*Vafo miftohi jannatdur, xilofi-qayg'u hasratdur,
Kishi Haq vaslig'a vosil bo'lur rasmi vafo qilsa -*

ya'ni vafo jannatning kalitidir, vafosizlarning qismati esa qayg'u-hasrat makoni do'zaxdir. Vafoli kishilarni hatto jannatdan ham a'loroq mukofot kutadi. Bu - Allohning vasli, jamolini ko'rish saodatidir.

Alloh taologa bergan va'dalari, ya'ni iymonlariga vafodor insonlar o'tkinchi dunyo iztiroblaridan g'amgin bo'lsalar-da, va'dalarida sodiq qoladilar. Ramla binti Abu Sufyon yoki Ummu Habiba (r.a.) ismli sahoba ayol (keyinchalik Rasululloh (s.a.v.)ning zavjalari) hayotlariga doir ushbu hikoya fikrimizga dalildir.

«Ulug' hikmat sohibi Alloh Ummu Habibani har qanday puxta pishiq erkakni dovdiratib, aqlini shoshirib qo'yadigan imtihon bilan sinashni va undan yorug' yuz ila olib chiqishni iroda etdi.

Bir kecha uyquga cho'mgan Ummu Habiba tush ko'rdi.

«Go'yoki eri Ubaydulloh ibn Jaxsh dengizning tubida qoqilib-suqilib yurganmish. Atrofini biri-biridan quyuq zulmatlar o'rab olgan, ahvoli nihoyatda ayanchlimish...»

Ayol cho'chib uyg'ondi. Uyqusida ko'rganlarini hech kimga aytmadi, ammo bexosiyat tush ko'p kuttirmay ro'yobga chiqdi. O'sha mash'um tundan keyingi kunduz nihoyasiga etmasdan Ubaydulloh ibn Jahsh dinidan qaytib, nasroniy bo'lib ketdi. Qovoqxonada bir necha aroqxo'r hamtovoqlari bilan birga aroqdan bosh ko'tarmay qo'ydi. Ummu Habibaning oldiga engili ham og'ir bo'lgan ikkita shart qo'ydi:

Yoki taloq...

Yoki nasroniylik...

Ummu Habibaning ro'baro'sida uchta yo'l turardi:

Tinmasdan nasroniylikka da'vat qilayotgan erining gapiga kirsam, Alloh saqlasin, dinidan qaytishi kerak. U holda dunyo sharmandaligi va oxirat azobiga giriftor bo'lishi tayin. U bu yo'lni o'la qolsa ham tanlamaydi, agar temir taroq bilan go'shtini suyaklaridan ajratib tashlasalar-da...

Mabodo Makkaga otasining uyiga qaytsa, u hanuzgacha shirk qal'asining qal'adori, keyingi hayotini xoru-zor holatda kechirishga to'g'ri keladi.

Uchinchi yo'lni tanlasa, eri-yu qarindoshlaridan uzilib, vatani-yu, qavmidan mosuvo, Habash diyorida yolg'iz o'zi yashashga mahkum.

Ummu Habiba Alloh azza va jallaning rizosini barcha narsadan ortiq bildi va to mehribon Parvardigor O'zining huzuridan engillikni keltirguncha olis yurtda tanho yashab turishga azmu qaror qildi.

Ummu Habibaning intizorligi uzoq cho'zilmadi. Nasroniylikni qabul qilganidan so'ng ko'p yashamagan eridan ajralgan ayolning taloq iddasi nihoyasiga etishi bilan engillik keldi. Hech kutilmaganda mahzunlik kayfiyatiga chulg'angan

uyning tomiga yurakni entiktiruvchi xush xabar zumrad qanotlarini qoqib kelib qo'ndi...

Kumushrang kunning choshgoh paytida taqillagan eshikni ochgan Ummu Habiba ostonada podshoh Najoshiyning xos kanizagi Abrahani ko'rdi. Abraha odob bilan salom berdi. Izn so'rab kirgach, dedi:

- Podshohimiz sizga salom yo'llaydilar va aytadilarki, Allohning elchisi Muhammad sizga uylanmoq niyatida ekanlar. Janobi oliylariga maktub yuborib, u kishini o'zining tarafidan vakil-sovchi qilibdilar. Siz ham o'zingiz xohlagan kishini vakillikka tanlang (Sahobalar hayotidan lavhalar. - T.: Kamolot, 1998, 68-69 bet).

Darhaqiqat, iymonli kishilar va'dasida sobit kishilardir. Ularga Haqdan omonlik, ulardan o'zgalarga faqat yaxshilik keladi. Bu esa vafodorlar uchun ikki dunyo saodatidir. Xalq tomonidan «Va'da- vafosi bilan go'zal» maoli bejiz aytilmagan.

Qo'shiq marni

AYRILMA

Maxtumduli so'zi

Mastona yurguncha g'ayri yurtinda,
O'ynab o'sgan o'z yurtindan ayrilma.
Mag'rur kaklik kabi nafsning dardinda,
Doma tushub, qanotingdan ayrilma.

Tavakkal et Haqqa siring Biru bor,
Sabr aylagil, sabrsizlik ham bekor.
Har qayga borsang ham nasibangdur bor,
Boy bo'lay deb izzatingdan ayrilma.

Nomardlar ham muxannaqlar, nochorlar,
Tuzingni eb, ishing bo'lsa qocharlar,
Siringni fosh aylab, aybing ocharlar,
Ta'lim bergan ustozingdan ayrilma.

*Gadolarning ko'ngli shohlik istayur,
Nodon tili yolg'on so'zni rost deyur,
Beqadrlar dushmaningni do'st deyur,
Qadring bilgan ulfatingdan ayrilma.*

*Kimlar qashshoq bo'lar, kimlar boy bo'lar,
Har kimsaning baxti-iqboli bilar,
Har ne kelsa boshga-tilingdan kelar,
Maxtumquli Haq yodindan ayrilma.*

SHARH

Ey, odam farzandi, mo'min bo'laman desang vafo shevasiga sodiq bo'l. Yurtingga vafosizlik qilib, mast odam kabi o'zga yurtlarda daydiguncha, o'z yurtingga vafoli bo'l. Nafsing seni har nega undashi mumkin. Nafs tuzog'idan ehtiyot bo'lki, mag'rur kaklik holiga tushib qolmagin. Neki vafoing, siru sifating bo'lsa, Yagona Allohga qilgin. Sabr ham vafodir, sabrsiz esa vafosizdir. Dunyo moliga ko'ngil qo'yma, Allohga bergan ahdingda sodiq qolsang, nasibangni berguvchi Udir. Olamda shunday nomardlar ham borki, tuzingni eb, siringni bilib olib, keyin va'dalarini buzadilar. Ulardan nari yur. Donolar bilan birga bo'l. Ba'zan nafs gadoda shohlikka, nodonda yolg'onni rost deyishga, aqlsizlarda dushmani do'st deyishga istak uyg'otadi. Ammo, sen do'st tanlashda adashma. Vafodorlarnigina do'st tut. Boy yoki qashshoq bo'lmoqda ham Allohning hikmati bor. Til va diling bilan Haq yodini qilgin. Unga bergan va'dangga sidq ko'rsat. Tildan kelguvchi badbaxtlikdan O'zidan panoh so'ra.

Yettinchi saboq:

«KIMKI BU DAVRONDA QILUR ROSTLIQ...»

Lafzda rost bo'lish insonning insonligiga dalolat qilguvchi fazilat hisoblanadi. Jamiyatda biror insonning o'rni, qanday odam ekani uning lafziga qarab belgilanadi. Zero, odamlar bir-birlariga faqat zohiriy tomondangina baho bera oladilar. Botiniy dunyo esa faqat Yaratganga havola. Ammo, ko'pincha zohirda rost so'zi bilan tanilgan odam aslida ham yaxshi odam bo'lib chiqadi. Rostgo'ylik imon dalolatidir. Payg'ambarimiz Muhammad alayhissalom hali payg'ambarlik davrlariga qadar ham o'zlarining chin so'zlashlari bilan qabiladoshlari orasida ma'lum va mashhur edilar. U zot (s.a.v.)ni johiliyat davrida ham «Amin» deb atashar ediki, bunday ulug' sifat egasi bo'lmoq o'ta og'ir ish. Rostning ziddi bo'lgan yolg'on esa munofiqlik belgisidir. Munofiqlar ikki dunyoda la'natlanadilar. Ular bu dunyoda jamiyat uchun eng zararli kimsalardirlar. Oxiratda esa barcha yomonliklari o'zlariga uradi. Yomonliklar, fitnachilik, munofiqlikdan Allohning o'zi asrasin. Omin.

«Hayrat ul-abror»da rostlik yaxshi fazilatlarining yaxshisi, deya ta'rif etiladi. Rostlik bobida bitilgan o'ninchi maqolatning birinchi baytidayoq rostgo'ylikning chuqur ijtimoiy mohiyati o'z ifodasini topgan:

*Har kishikim tuzluk erur peshasi,
Kajrav esa charx ne andeshasi -*

ya'ni to'g'ri, rostgo'y odamga hayotning nomukammalligidan nima g'am. Bundan keladigan xulosa shuki, dunyo munofiqlar

uchun tor va alam-iztiroblidir. Rostgo'y odam esa, har qancha g'am-alam ko'rmasin, oqibatda Xudoning ajridan umid qiladi. Shu umid undan g'amginlikni ketkizadi. Shuning uchun ham:

*Nayza bo'lub tuzlig'idin sarbaland,
Chirmosh uchun bandg'a qolib kamand.
Sham bo'yi tuz kelib ayvon aro,
Shohidi bazm o'ldi shabiston aro...
Tuz durur egri qili to soz erur,
Egri bo'lur emdiki, nosoz erur-*

ya'ni nayza rost qomati bois jangchilarning boshidan ham yuqorida turadi. Komand esa egriligi uchun chulg'anib qoladi. Sham to'g'riligini bois shohona bazmlarni tomosha qiladi. Egri sim to'g'riligida soz (cholg'u asbobi) edi. Ammo egilganda, sozdan ajraganida, uning sozligiga putur etdi.

To'g'rilik butun maxluqot uchun zarur fazilat. Odamzotning eng saodatli damlari, foniy dunyoda turib, Yaratgan bilan qiladigan muloqati-nomozda, qiblaga o'nglangandagina mukammal bo'ladi:

*Tuzmasa mehrobini ahli niyoz,
Egri boqub rost emasdur namoz.*

Alloh podshohlik va payg'ambarlik martabasi bilan siylagan Sulaymon alayhissalomning imkoniyatlari hali inson zotidan boshqa bировga berilmagan. Boylik, kuch-qudrat, devu parilarga amirlik, saxovatda yagonalik, mislsiz husn bularning barcha-barchasi Hazrat Navoiyning talqinicha:

*Tuzluk o'lub oxir anga dastgir,
Tuzluk ila xalq anga farmonpazir-*

ya'ni uning bunday sifatlar egasi ekaniga sabab rostgo'yligi edi. Xalq ham uning farmoniga itoatda hamda unga yaqin bo'ldi. Hazrat Navoiyning talqiniga ko'ra:

*Har kishikim, istasa tuzliqqa g'avr,
Angladik onikim, erur ikki tavr:*

ya'ni kimki rostlikning haqiqatini bilmoq istasa, u ikki xildir. Bularning birinchisi:

*Bir buki, tuz bo'lsa kishining so'zi,
Yo'q so'ziking, ham so'zi-yu ham o'zi-*

ya'ni kimning so'zi ham, o'zi ham rost bo'lsa zohiri va botini bilan uyg'unlik kasb etsa, ikkinchisi:

*Bir buki, yolg'ong'a taasuf bila,
To'g'ri degay, so'zni takalluf bila-*

ya'ni botinan yolg'on so'zlashni istasa ham, o'sha yolg'onni eng aolsa va rost so'zni so'zlasa, bunday xususiyatli kishining ikkisi ham rostgo'y hisoblanadi. Ammo rostgo'ylikda birinchisi ustunroq turadi.

*Yaxshidur avvalg'isi xud begumon,
Lek ikkinchisi ham ermas yomon.*

To'g'ri, deydi Navoiy, rostlik doim ham sohibiga yaxshilik, farovonlik keltirmaydi. Ko'pincha rost so'zlagani uchun odamning boshi ketishi, mol-dunyosidan, obro'-e'tiboridan ajralishi mumkin. Yolg'on va munofiqlik bu dunyoda egasini boylik va martabaga, shon-shuhratga chulg'ashi ham rost. Ammo, har ne bo'lganda ham, rostlik haq, yolg'on botil ishidir. Botildan yiroq bo'lmoq esa iymonlilarga xosdir. - Ammo:

*Ul kishikim, tuzlik erur shon anga,
Dushman erur gardishi davron anga-*

ya'ni kim rostgo'ylik bilan shon-shavkat topgan bo'lsa, bilki davron gardishi unga dushmanlik qiladi.

*Keldi yilon jismida pechu shikanj,
Muhradur og'zidau ostida ganj.*

ya'ni ilon tanasi egri-bugri bo'lgani uchun, og'zida zahar bilan doimo xazina ustida yotadi. Ne bo'lganda ham:

*Egriyu tuz vasfi muhaqqaq durur.
Botil erur egriyu tuz haq erur-*

ya'ni rostgo'ylik va munofiqlik haqidagi so'zlarim haqiqatdir. Rostgo'ylikning haq, munofiqlikning botil amal ekani ham chindir. Alloh taolo Qur'oni Karimda barcha insonlarni boshqa amallardan qaytarib, rostgo'y bo'lishga amr etadi: «Ularning orasida «Alloh bizga o'z fazli karamidan (mol-davlat) ato qilsa, albatta biz kambag'allarga sadaqotlar qilurmiz va solih bandalardan bo'lurmiz, deb Allohga ahd - paymon beradigan kimsalar ham bordir. Endi qachonki (Alloh) ularga o'z fazlu karamidan (mol-dunyo) ato qilsa, unga baxillik qilurlar va yuz o'girgan hollarida keturlar. Bas, (sadaqotlar berurmiz) deb Allohga bergan va'dalariga xilof qilganlari va iymon keltirganmiz deb yolg'on gapirguvchi bo'lganlari sababli (Alloh) ularga to uning O'ziga ro'baro' bo'ladigan kungacha dillarida nifoq bo'lishini oqibat qilib qo'ydi» (9: 75-77).

Abdulloh ibn Mas'uddan (r.a.) rivoyat qilingan hadisda Payg'ambarimiz (s.a.v.) shunday marhamat qiladilar: «O'zlaringizga to'g'ri so'zni (sidq)ni lozim tutinglar, chunki to'g'ri so'zlik yaxshilikka, jannatga yo'llaydi. Kishi to'g'ri gapirishlikda davomli bo'lsa va to'g'rilikni qasd qilsa, Alloh nazdida siddiq deb nomlanadi. Yolg'onchilikdan saqlaninglar! Chunki yolg'onchilik fujur ishlarga yo'llaydi va fujur jahannamga etaklaydi. Kishi yolg'on gapirishlikda davom etsa va yolg'onchilikni qasd qilsa, Alloh nazdida yolg'onchi deb nomlanadi». «Tanbehil g'ofiliyn» muallifi Abu Lays Samarqandiy Payg'ambarimiz (s.a.v.)ning «Gapirsangizlar to'g'ri so'zlanglar». degan hadislariga shunday izoh beradi: «Gapirsangizlar to'g'ri so'zlangizlar» bunda ko'zda tutilgani tavhid kalimasidir va boshqa kalimalar ham kirgan. Ya'ni, vaqtiki «La ilaha illalloh», desa uning so'zi o'zi uchun to'g'ri bo'ladi va odamlar uchun ham to'g'ri bo'ladi» («Tanbehil g'ofiliyn» 1-kitob, 146.b.).

Darhaqiqat, rostgo'ylik shunchalar ulug', yolg'onchilik shu qadar tubanki, aqli raso kishilar bu haqda azaldan o'git berib keladilar. Xususan, «Hayrat ul-abror»da ushbu mavzuga doir hammaga ma'lumu mashhur «Sher bilan Durroj» (qirg'ovul)

hikoyati keltiriladi. Yusuf Tavasliyning «Hikmatlar xazinasi» kitobida ayni mavzuda «Yolg'onchining uyi yonsa - da hech kim indamaydi» sarlavhasi ostida bir ibratli hikoyat bayon qilingan:

«Bir vaqtda cho'pon yigit:

«Suruvlarimga bo'ri tashlandi, bo'ri, bo'ri!», deb yolg'ondan dod soldi. Qo'shni cho'ponlar tez to'plandi, ammo bo'ri yo'q edi. Qo'shni cho'ponlar:

- Bo'ri qani, qayerda?! deb so'radilar.

Yolg'onchi cho'pon:

- Yolg'ondan baqirdim, sizlarni aldadim, - dedi

U yana bir kun: «Bo'ri, bo'ri, bo'ri qo'ylarimni talamoqda», deb baqirdi. Ammo qo'shni cho'ponlarning birortasi yordamga kelmadi. Yolg'onchi cho'ponning yolg'on so'zlari, deb o'yladilar. Aslida o'sha kuni cho'ponning suruviga bo'ri oralagan edi Bo'rilar yolg'onchi cho'ponning qo'ylarini bo'g'izlab ketdi» (T., Navro'z, 1994, 44 - bet).

Navoiy keltirgan hikoyatda Durrojning yolg'onchiligi o'limga olib borganini yaxshi bilamiz. Keltirilgan hikoyatda esa yolg'onining oqibatida cho'pon qo'ylaridan ajraldi. Ammo, yolg'onning bundan - da xavfliroq tomoni borki, yolg'on so'zlash iymondan ajratishi va alal oqibat jahannamga etaklashi turgan gap, bundan Xudo asrasin. Xalqimiz yolg'onchilar haqida: «Yolg'onchi chin diyolmas, Chin desa ham el ishonmas» - deydi.

Qo'shiq marni

**«QILICH BOSHINGGA
KELSA, AYMA YOLG'ON...»**

So'fi Olloyor so'zi

*Kel, ey sodiq(ki), qilding, sidq lofin,
O'landa qilmag'il va'da xilofin.
Xilof etgan zabunlardin zabundur,
Bu dunyovu u dunyo sarnigundur.*

Xilof etsang agar ayg'an so'zingdin,
Ko'tar erkaklik otini o'zingdin.
So'zin buzg'on kishini yaxshi erlar:
«Qusib qaytib ani ichgancha», - derlar.

Qilich boshingga kelsa ayma yolg'on,
O'lindindur batar chunki uyolg'on.
Agar yolg'onchilikda o'tsa oting,
Qiyomatda nechuk bo'lg'ay uyoting.

Kishining va'dasikim, bo'lmasa rost,
Muhabbat ahdin andin qilmag'il xost.
So'zin buzg'on kishi buzmasmi iymon?
Ul kimsa birla qilma ahdi paymon.

SHARH

Ey sodiqlik lofini urgan banda! So'zingda rost tur va o'lganda ham va'dangga xilof qilma. Kimki rost so'zga xilofni odat qilsa, uning ikki dunyosi kuygani shudir. So'zingga vafo qilmas ekansan, o'zingni inson hisoblama. Chunki, va'dabozlik insonga xos emas. Bunday kishini odamlar: «Qusig'ini qaytib ichgan», deyishlarini ham unutma. Yolg'on so'zlash shunday bir kulfatki, bunday kulfat o'limdan yomondir. Boshingga qilich yolong'ochlab tursalar-da, yolg'onga mag'lub bo'la ko'rma. Umring yolg'onchilik bilan o'tsa, Qiyomatda holing ne bo'ladi. Axir uyalib qolasanku! Rost so'zga xilof qilguvchilar Yaratganga muhabbatdek ulug' ne'matdan ham bebahradirlar. So'zini buzganlarda iymon bo'lmaydi. Undaylardan yiroq bo'lganing ma'qulroq.



§ *Sakkizinchi saboq:*

«EMDIKI ILM O'LDI AMAL AYLAGIL...»

Ilm- ma'rifat Allohning bani Odamga tushirgan ne'matlari ichida eng ulug'idir. Ilm insonni boshqa maxluqotlardan ustunligini ta'min etuvchi ne'mati Aliymdir. Inson Yaratganni, o'zini, borliq-olamni anglamog'i uchun ilm lozim. Inson jamiyat bo'lib farovon yashamog'i uchun ilm lozim. Alloh taolo otamiz Odam alayhissalomni yaratib, eng avval unga jamiki mavjudotlarning ismi-mohiyatini o'rgatdi. Ilm berib farishtalardan ustun qildi. Barcha farishtalar Odam alayhissalomning o'zlariga emas, U zotga Alloh o'rgatgan ma'rifatga ta'zim bajo qildilar. Payg'ambarimiz Muhammad alayhissalomga vahiy bo'lib kelgan Qur'oni Karimda ilk oyatning ilk so'zlari ham «Iqro'»-o'qi deb boshlanadi. La'natlangan shayton Odam alayhissalomga sajda qilishdan bosh tortib, Allohning g'azabiga giriftor bo'lar ekan, ilm va ma'rifatdan yuz o'g'irgan edi. Er yuzidagi barcha jaholat shayton amallaridan bo'lib, ilmsizlik va ma'rifatsizlikdan voqedir.

Hazrat Navoiy «Hayrat ul-abror»ning o'n birinchi maqolatida ilm va jaholatni qiyoslab yozadi:

*Ul biri ul fazlu fasohat bila,
Bul biri bul fe'li qabohat bila-*

ya'ni ulardan biri ma'rifat bo'lib, fazilat va fasohatdan, boshqasi esa jaholat bo'lib, qabih fe'ldan tug'iladi. Demak, ma'rifat va jaholat insonning fe'l-atvoriga, inson fe'l-atvori esa uning ma'rifatli yoki

johil bo'lishiga sabab bo'lar ekan. Hazrat Navoiy o'zining bilimi va hayot tajribasidan kelib chiqib, bu dunyoda ma'rifatli yoki ma'rifat istagan kishilar azob - uqubatda ekanini bayon etadi:

*Zulm durur ushbuki bir notovon,
Ilm talab shahridin o'lg'ay ravon.
Ayni falokatdin ayog'i yalang,
To'ni yo'g'idin tani dog'i yalang-*

ya'ni ilm istab vatanini tark etganlar mudom qiyinchilik va yupunlikdagi, ularning oyog'ida poyafzali, egnida to'ni hech qachon bo'lmagan.

Ammo:

*Toyiri maqsud tilab kom ila,
Donai ashki dog'i bu dom ila -*

ya'ni u maqsad qushi ortidan yo'lga chiqar ekan, faqiru qashshoqligi yo'liga to'siq bo'la olmaydi. Maqsad qushiga tuzoq hozirlayotib u ko'z yoshlari donasini tuzoqqa don o'rnida teradi.

*Egnida avroqu kitobi aning,
Qilg'ali tahsil shitobi aning.
Qushday o'lub, sayr muyassar anga,
Egnida avroqi bo'lub par anga-*

ya'ni shunday jiddi-jahdi bois tolib yo'liga hech narsa to'siq bo'lolmaydi. Kiyimi yo'q bo'lsa, kitob varaqlari unga kiyim, uchmoq istasa u varaqlar unga qanot bo'ladi. Tolib qiyinchilik - azob bilan o'n-o'n besh yil ilm oladi. Ammo ularning yuztasidan bittasi kamolga erishib ilm sohibqironi bo'lsa ham katta gap. Kamolatga etgan olim go'yo daryoga aylangan qatradir. O'shanda uning:

*Ko'ngli bo'lib maskani ma'voyi ilm,
Qatra kibi paykari daryoyi ilm.
Ibriyu yunoniyu suryonni ham,
Hindi agar so'rsa, bilib oni ham.*

*Nutqiki izhori maoni qilub,
Zevari asrori nihoni qilub..
Din ishida jahlu havo dofii,
O'ylaki G'azzoli ila Shofiiy.
Yo'qki bu isnayn ani solis debon,
Balki nabi o'ziga voris debon -*

ya'ni qalbi ilmga makon, vujudi ilm tufayli daryoga aylanib, u ilmida shu darajaga etadiki, ibroniy, yunoniy, suroniy va hind tillarida so'zlash uning uchun hech narsa bo'lmay qoladi. Nutqida fasohat va ma'no balqib turadi. Din ishida go'yo imom G'azzoliy, imom Shofiiydek, jaholatni daf etguvchi bo'ladi. U chin ma'noda payg'ambarlar vorisidir.

Olim bo'lib kamolatga etishgani bilan u johillarning jaholatidan mudom ozor chekadi. Unga ozor berguvchi johil shunday kishiki:

*Qatl bo'lib odati xo'yi aning,
Marg ragi har sari mo'yi aning.
Botinida dud kibi tiyraliq,
Zohirida shu'la kibi xiraliq,
Dunlig'idin it bila yakson bo'lub,
Bal it aning qoshida inson bo'lub,
Charx ani sohibi joh aylabon,
Tobe' anga xayli sipoh aylabon -*

ya'ni qotillik uning odati. Uning har bir mo'yi o'lim tomirini eslatadi. Ichi va tashi jaholat dudidan xiralashgan. Yomonligidan xuddi itga mengzaydi, hatto it uning yonida odamga o'xshaydi. Ana shunday odam, charxning hikmati bilan sohibi hukmdir. Uning hukmida ko'p lashkari bor. Charxning hikmatomuz aylanishi bilan ma'rifat egasi shunday johilning xizmatiga kelib qoladi. Chunki johilning mol-dunyosi ko'p. Hashamati baland. Nomi esa amr:

*Ko'r ne malakvashni qilib nafi dun,
Devi layin ollida xoru zabun,*

*So'rg'ali chun bekka tanazzul bo'lub,
Xoja duosig'a tasalsul bo'lub.
Chunki duo xatmini aylab, qo'pub,
Uyga azimat qilibon er o'pub -*

ya'ni shunday ilmli, pok odamni yomon nafs la'in-dev oldida xor qiladi. Johil bek huzurida endi u o'zini past oladi. Unga bog'lanib qoladi. Johilning har bir so'ziga tobe'lik bilan er o'padi. Mana shunday ilmi bo'la turib, johil hukmdor oldida o'zini past tutgan olim aslida olim emas, o'ziga nisbatan zolimdir. Bunday olimlar ilmni johillar uchun, johillik uchun vosita qiladi. Zero:

*Ilmni kim vositai joh etar,
O'ziniyu xalqni gumroh etar -*

ya'ni kimki ilmni jaholat uchun vosita qilar ekan, o'zini ham, xalqini ham baxtsizlik, gumrohlikka mahkum qiladi. Haqiqiy ma'rifat egasi, chin olim shunday kishiki:

*Olim agar qat'i amal aylasa,
Ilmig'a shoyista amal aylasa,
Solmasa ko'z jiyfai dunyo sari,
Boqmasa tuz dunyoyi foni sari.
Oni sharaf gavharining koni bil,
Gavhari kon, har ne desang oni bil -*

U shunday zotki, ilmga chiroyli tarzda amal qiladi. Dunyo moliga, foni umrga nazar solmaydi. Ana shunday olimlarni shon-sharaf gavharining koni, balki gavhardan-da yuksak bil.

Demak, ilmiga amali va nimaga xizmat qilishiga qarab, sohibi ilmning kimligi ma'lum bo'ladi. Har qanday ilmli kishini ma'rifatli kishi deb bo'lmaydi. Ilm olib ma'rifat egasi emas, jaholat egasi ham bo'lish mumkin. Ilmli kishi qachongina ilmiga amal qilsa, ilmni dini-diyonat, ezgulik yo'lida sarflasa ana shunday kishi ma'rifatli sanaladi. Ilmiga amal qilmaganlar yoki ilmni johil xizmatiga yo'naltirgan kishilar johillardan bo'lib qoladi. Zero, chin ma'noda ma'rifatli odam iymonga yaqinroq bo'ladi. Alloh

taolo Qur'oni Karimda: «Allohdan bandalari orasida olim - bilimdonlarigina qo'rqr» (35: 28), deya marhamat qiladi.

«Rasululloh (s.a.v.)dan rivoyat qilinadi: «U zot (s.a.v.) masjidga kirib, u erda ikki majlisni ko'rdilar, bittasi Allohni zikr qilayotgan, ikkinchisi fiqhdan ta'lim olayotgan edi. Payg'ambar alayhissalom aytdilar: «Ikki majlis ham yaxshilikdadir, ammo bittasi ikkinchisidan afzalroq. Ana ular Allohga duo qilishyapti, Alloh xohlasa, ularga beradi, hohlamasa man qiladi. Ana ular esa ilm o'rganishayapti va bilmaganlarga o'rgatishayapti. Men ham muallim qilib yuborilganman va bular afzalroqdir», - dedilar hamda ta'lim olayotganlar bilan o'tirdilar» (Tanbehul-g'ofiliyn. II kitob, 213-bet).

«Manba' ul maorif»da keltirilishicha, «Payg'ambar alayhissalom aytdilar:

-Qiyomat kuni bo'lsa to'rt nafar odam behisob va beazob jannatni(ng) eshigiga borurlar. Birinchi-ilmiga amal qilg'on olimlar, ikkinchi-molini halol xarajat qilib haj qilg'onlar, uchinchi-xudo yo'lida dini islomni taloshib jon berg'on shahidlar, to'rtinchi-halol kasbdan mol topib, xudoning yo'lida sadaqa bergan saxiylar. Bas, bu to'rt nafar odamlar jannatga avval kirmoqni talashurlar. Andin so'ngra Xudoyi taolo Jabroil alayhissalomg'a amr qilurki: «Ey Jabroil, bul to'rt nafar odamlarg'a borib, qaysi birlari avval jannatg'a kirmoqlikg'a munosib bo'lsalar, ul kishiga odillik birla hukm qilg'il», -deb.

Andin so'ngra Jabroil alayhissalom kelib shahiddin so'rarlarki: «Ey shahid, sen dunyoda nima amal qilib erdingki, jannatg'a avval kirmoqlikni orzu qilursan?» Shahid ayturki: «Yo Jabroil, man dunyoda Xudoyi taolo rozilig'i uchun jon berg'ondurman». Jabroil alayhissalom ayturlarki: «Ey shahid, sen shahidlikni(ng) savobini bu martabadalig'ini qaydin bilding?» Shahid ayturki, «Olimlardin eshitdim». Bas, Jabroil alayhissalom ayturlarkim: «Andog' bo'lsa, olimlarni(ng) hurmatini bajo tutg'ilki, alardin ilgari jannatg'a kirmoq beodoblik bo'lur».

Andin so'ngra hojilardin so'rarlarki: «Ey hoji, san dunyoda nima amal qilgan erding?» Hoji aytur: «Men dunyoda halol mol harajat qilib, safarning azobini chekib, Xudoning rozilig'i uchun haj qilg'ondurman». Jabroil alayhissalom ayturlarki: «San hajni(ng) savobi bul martabadilig'ini kimdin eshitding?» Va ul ayturki: «Olimlardin eshitdim». Jabroil alayhissalom ayturlarki: «Andog' bo'lsa, olimlarni(ng) hurmatlarini bajo tutg'ilki, alardin ilgari jannatg'a kirmoq beodoblik bo'lur».

Andin so'ngra saxiydin so'rarlar. Saxiy ayturki: «Man mehnat birla kasbi haloldin pul topib, Xudoyi taoloni(ng) yo'lida sadaqa berg'ondurman», Jabroil alayhissalom ayturlarkim: «Saxovatning savobi bul martabadalig'ini kimdin eshitding?» Saxiy ayturki: «Olimlardin eshitdim». Jabroil alayhissalom ayturlarki: «Ey saxiy, andog' bo'lsa, olimlarni(ng) hurmatini bajo tutg'ilki, alardin ilgari jannatg'a kirmoq beodoblik bo'lur», -deb avval jannatg'a kirmoqni olimlarga hukm qilurlar.

Andin so'ngra olimlar insof qilib ayturlarki: «Xudoyo, avval bizlarni(ng) jasadimizni yaratqoningda bizlarni(ng) hech ilmimiz yo'q erdi va bu ilmlarni saxiylarni(ng) saxovatlari sababidin tahsil qilib erdimiz va yana o'zing kalomingda «Innallaha la yuzi'u ajrol muhsinina» (Albatta, Alloh ehson qiluvchilarning ajrini zoyi' qilmaydi) -deb erding. Endi alarni(ng) ajrlarini zoyi' qilmog'il va saxiylar jannatg'a bizdin ilgari kirsunlar». Andin so'ngra Xudoyi taolo ayturki: «Ey rizvonlar, jannatni(ng) eshigini ochinglarki, avval saxiylar kirsunlar, andin so'ngra olimlar va alardin so'ngra boshqalar kirsunlar» (Manba' ul maorif.- T.: Yozuvchi, 2002, 18-19 bet).

Hazrat Navoiy ilm ma'rifat haqidagi qarashlariga dalil sifatida quyidagi ibratli hikoyatni keltiradi:

*Zumrai roz ahliga masnad nishin,
Dahr imomul-umami faxri din-
Qildi chu Xorazmni oromgoh:
Ko'rmagiga kelmadi Xorazmshoh...
So'rg'ali ul chunki qadam qo'ymadi,
Ilm shukuhi muni ham qo'ymadi.*

*Shohni pushaymon qilib erdi uyot,
Lek imom aylamadi iltifot.
Bo'ldi base pardada guftu shunud,
Parda chu qo'pmadi arodin ne sud -*

ya'ni ahli rozlar (iymonli, taqvodor)ning suyanchig'i, dunyo imomlarining imomi, dinning faxri Xorazmni oromgoh etganida, Xorazmshoh uni ko'rgani kelmadi. Shoh kelmagach, ilmning qadrini baland qo'yib, olim ham shoh huzuriga bormadi. Shohku bu ishidan pushaymonda edi, ammo bu pushaymonga ham imom beparvo bo'ldi. O'rtada pardali gap -so'zlar eshitilgandek edi-yu, agar u ikki o'rtaga tushgan xijolat pardasini ko'tarmasa, undan nima naf.

*Bor edi hammomda bir kun imom,
Shoh dog'i hammomga qildi xirom.
Bir-biri birla bo'libon muhtalif,
Shoh savol etdi bo'lib munbasit:
«K-ey bo'lib el ilming ila bahravar,
Ayt qiyomat ishidin bir xabar.
Kim necha ul kunda malol o'lg'usi,
Har kishiga anda ne hol o'lg'usi» -*

Bir kuni imom hammomga tushgan edi, nogohon shoh ham hammomga bordi. Ular ko'rishganlaridan shoh xursand bo'ldi va shunday savol qildi: «Ey ilmidan el bahra olayotgan zot menga hisob kunidan ta'lim ber. U kunda qanday mashaqqat yuz beradi, odamzotning holi nima bo'ladi?»

*Shoh chu bu nuktani qildi savol,
Bo'yla javob aytdi sohib kamol:
«Kim sangakim, hashr so'zi kom erur,
Bil anga monand bu hamom erur,
Anda gado shoh bila yakson bo'lub,
Shohu gado barchasi uryon bo'lub.
Johu jalol ahli saningdek bori,
Ichkariyu bori-yo'qi tashqori.
Ilmu amal ahli meningdek tamom*

*Har ne yig'ib hamroh etub vassalom.
Yo'q sanga sultonlik ila sud ko'p,
Lek manga ilm ila behbud ko'p»-*

ya'ni shohning bunday ma'noli savoliga javoban imom dedi: «Qiyomatning mohiyati haqida so'rasang, uning bir misoli shu hammomdir. Chunki, unda ham, hammomdagi kabi, shohu gado hech vaqosiz yalong'och yuradi. Sendek hukmdoru sarmayadorlar, sen hammomga hech vaqosiz kirganingdek, quruq qo'l bilan kiradilar. Ularning dunyoyu mansablari esa tashqarida qoladi. Ilmli kishilar esa, men hammomga ilmimni olib kirganimdek, ilmi bilan kiradilar. Voqean, sultonlikdan oxiratda martaba yo'q. Ilmli kishiga esa, u kunda yaxshilik ko'p bo'ladi».

Darhaqiqat, ilm xazinasi dunyoda har nedan ustun turadi, eng muhimi sohibi ilmdan hech kim hech qayerda ilmni tortib ololmaydi. Oxiratda esa ilmga amal qilganlar Yaratganning marhamatiga erishadilar, inshaolloh. Xalqimizning ilm targ'ibiga qaratilgan ushbu maqoli ibratomuz xulosadir: «Ilm ko'pu- umr oz, keragin olu-toshga yoz».

Qo'shiq marni

«OLIM AGAR QATI AMAL AYLASA...»

Navoiy so'zi

*Olim agar qat'i amal aylasa,
Ilmig'a shoyista amal aylasa.*

*Solmasa ko'z jiyfai dunyo sari,
Boqmasa tuz dunyoyi foni sari.*

*Oni sharaf gavharining koni bil,
Gavhari kon, har ne desang oni bil.*

*Ilmni kim vositai joh etar,
O'ziniyu xalqni gumroh etar.*

*Johil agar ulduru olim budur,
Olim emas o'ziga zolim budur.*

*Olim agar joh uchun o'lsa zalil,
Ilmi aning jahlig'a bo'lg'ay dalil.*

*Ilm, Navoiy, sanga maqsud bil,
Emdiki ilm o'ldi amal aylagil.*

SHARH

Ey inson! Faqat ilmiga qat'iy va mukammal amal qilgan kishinigina haqiqiy olim hisobla. Zero, haqiqiy olim dunyo matohiga beparvo, foni umrga bee'tibor kishidir. Sen shunday odamni shon-sharaf gavharining koni, hatto bundan-da yuksak, deb bil. Ammo, kim ilmni jaholat, yomonlik yo'lida vosita qilsa, bilki u o'zini ham, xalqni ham gumrohlik kulfatiga, jaholat botqog'iga muhtalo etadi. Bunday kimsa olim emas, balki o'ziga zolim bir kasdirki, johillik uning kasbi-koridir. Uning ilmi ham tubanligu zalolatga xizmat qiladi. Ey Navoiy, ezgulikka xizmat qilguvchi va ezgu amallarga noyil etguvchi ilmni asl maqsad, deb bilgin!



«ONI BASHAR XAYLINING INSONI BIL...»

Olamda insonlarning minglab toifalari borligidan qat'i nazar, ularning barchasi ushbu ikki toifadan kelib chiqqan va alal- oqibat shu ikki toifaga kelib bog'lanadi. Bular: yaxshi va yomon yoki to'g'ri va egri odamlardir. Azal-azaldan to'g'rilik qanchalar sharaflansa, egrilik qoralanadi, la'natlanadi. Xalq orasida to'g'ri o'sgan terakning pirovardida odamlarning boshi ustida, ya'ni uy to'sini bo'lib hurmat-izzatda savlat to'kib turishi, egri o'sgan terakning esa o'choqqa o'tin bo'lib nom-nishonsiz yo'q bo'lib ketishi haqida rivoyat yuradi. Bu rivoyat bir qarashda sodda tuyulgani bilan to'g'rilikning asl mohiyatini anglashga xizmat etadi.

Hazrat Navoiy «Hayrat ul-abror»da to'g'ri odamni egriyu hosid odamga chuqur ziddiyatda tasvirlaydi. Bu ikki toifa muqoyasasidan teran umuminsoniy xulosalar chiqaradi. Navoiy talqinicha, to'g'ri odam shunday kishiki:

*Davr ichingni necha qonliq qilub,
Nofa kibi atrfishonliq qilub,
Naf'idin el virdi duo joningga,
«Yamqusu fil arzi» sening shoningga-*

U zamondoshlari jafosidan qon yutsa ham, ularga yaxshi so'z aytishdan, yaxshilik qilishdan charchamaydi. Shuning uchun ham, undan yaxshilik ko'rganlar uning duoyi jonini qiladilar. Qur'oni Karimdagi «Er yuzida ko'pik ketib, odamlarga manfaat beradigan narsalar qoladi» oyati aslida shunday odamlarni sharaflash uchundir (Rad surasi, 17-oyat).

Hazrati Navoiy to'g'ri, ezgu qalbli kishining boshqalarga qilgan yaxshiliklari alal-oqibat o'zlariga qilgan yaxshiliklari ekanini alohida ta'kidlaydi:

*Naf'ing agar xalqqa beshakdurur,
Bilki bu naf' o'zungga ko'prak durur.
Qatrai gar bahrga sochdi sahob,
Bahr qilur qatrasini durri nob-*

ya'ni sen shak-shubhasiz xalqqa nafi teguvchi odamsan, ammo bilki, bu naf xalqdan ham ko'ra o'zingga tegadi. Zero, bulutning dengizga to'kkan bir qatra suvi dengizdan unga dur bo'lib qaytadi.

Darhaqiqat, tama ilinjida qilingan yaxshilikdan foyda yo'q. Bo'lganda ham bunday foyda daydi shamol kabi o'tkinchidir. To'g'rilikni o'ziga kasb qilgan, tom ma'nodagi iymonli kishi o'tkinchi foydaga hech qachon uchmaydi. U hayoti dunyoda qilgan yaxshiligini ajri abadiygagina almashadi. Bu oxiratda Alloh beradigan ajrdir. Parvardigori olam o'zining haq kitobi -Qur'oni Karimda shunday marhamat qiladi: «**Kim biron yaxshilik qilsa, bas, o'zi uchun (ya'ni o'z foydasiga qilgan) bo'ladi, kim yomonlik qilsa, bas, o'z ziyoniga (qilgan) bo'lur. So'ngra Parvardigoringizga qaytarilursizlar**» (45: 15).

Voqean, insonlik jamiyatida to'g'ri, ezgu fikrli, iymonli kishilarning qadrlanishi, e'zozlanishi dargumon. Ammo bunday achchiq va alamli xulosa iymonli bandalarni iztirobga solmasligi lozim. Hazrat Navoiy aytganidek:

*Lek quyosh javhari chun keldi pok
Bo'lsa bulut nurig'a mone' ne bok...
Kavnni yoritdi rasuli arab,
Netgay o'zin tiyra qilib Bu -Lahab-*

ya'ni aslida javhari pok bo'lgan quyosh nuriga bulut monelik qila olarmidi? Payg'ambarimiz Muhammad alayhissalomga necha Abu Lahablar qarshilik qilgani bilan biror natija chiqara oldilarmi?

Payg'ambarimiz (s.a.v.) insoniyat ichida to'g'rilikning namunasi edilar. U zot bizlarga Allohning rahmati qilib yuborilganlar.

Qur'oni Karimning «Jum'a» surasida Tangri taolo shunday marhamat qiladi: «U (Alloh) omiylar (ya'ni, ahli kitob bo'lmagan ilmsiz kishilar) orasiga o'zlaridan bo'lgan, ularga (Qur'on) oyatlaridan tilovat qiladigan, ularni (shirk va jaholatdan) poklaydigan hamda ularga Kitob-Qur'on va hikmat-hadisni o'rgatadigan bir Payg'ambar (ya'ni Muhammad alayhissalomni) yuborgan zotdir. Shak-shubhasiz ular (o'zlariga payg'ambar kelishidan) ilgari ochiq zalolatda edilar» (62: 2).

«Hayrat ul -abror»da keladi:

*Zumrai inson aro ham komile,
Keldi mashaqqat yukining homili.
Ulki kamol ahlidin akmal durur,
Shohi rusul Ahmadi mursal durur.
Muhri nubuvvat bu kamoli bila,
Avji kamol uzra jaloli bila-*

ya'ni insonlar toifasi ichida eng komili, payg'ambarlikdek, mashaqqat yukining hammoli u komillarning komilidir. U barcha o'tgan payg'ambarlarning podshohidir. Uning mehri-muruvvati, nurli jamoli har nedan yuksakdir.

Albatta, Rasululloh (s.a.v.)ning Alloh nazaridagi mavqe-martabalari, fazilatlarini insoniyat uchun qilgan xizmatlari ta'rifiga aql ham, til ham, qalam ham o'ziga. Muhimi shuki, butun insoniyat intilib saodatga erishishi aniq bo'lgan zot Rasululloh (s.a.v)dirlar. Abu Hurayra (r.a.)dan qilingan rivoyatda aytilishicha: «Rasululloh sallalohu alayhivassallam: «Men va mendan ilgari payg'ambarlar shunga o'xshaydilarki, bir kishi bir burchakdagi g'ishtdan bo'lak barcha erlarini mukammal va chiroyli qilib bir hovli-joy bunyod qildi. Keyin odamlar o'shal hovli-joyni ziyorat qilgani kelishib, uning go'zalligidan taajjub qilishdi-da: «Mana bu (erdagi) g'ishti ham qo'yilgan bo'lganda erdi!»-deb aytishadi. Men ersam o'shal birgina g'ishtni o'rniga qo'yib (chala qolgan binoni bitkazuvchidirman) va men payg'ambarlarning eng so'ngisidirman», -deb marhamat qildilar» (Hadis. Al-jami' as-sahih. II jild, -T.: Qomuslar bosh tahririyati, 1996, 470-bet).

Alisher Navoiy Payg'ambarimiz(s.a.v.)ning ezgu amallilar va komil iymonlilarning komili deya ta'rif etish bilangina cheklanib qolmaydi, balki insoniyatga bu zotni ibrat namunasi qilib ko'rsatadi.

Hayotda Abu Lahabu Abu Jahl kabi ezgulik kushandalari ham ko'plab uchraydi. To'g'ri yo'l oldida qing'ir-qiyshiq so'qmoq naqadar ko'rimsiz va haqir ko'rinsa, yaxshining oldida yomon ham shunday ko'rinadi. «Hayrat ul-abror»da yomon odamlar haqida shunday yoziladi:

*Ulki kishi o'lmagidin shod erur,
Go'rkunu g'osilu, jallod erur-*

ya'ni kishining o'limidan quvonuvchi bu kishi misoli go'rkov, g'assol (yuvg'uvchi), jallod kabidir. Bu shunday odamki:

*Elga nishot o'lsa anga dard erur,
Dard aning jonig'a darxurd erur.
Yaxshig'adur ahli hasad zahmati,
Naqdning o'g'ridin erur ofati.
Dunki yomon fe'li anga xush durur,
Jazmki el yaxshisi noxush durur.
Topqanini sochdi el uzra sahob,
Kim ani Haq ayladi gardun janob.
Mo'r terar har neki sochqay kishi,
Bo'ldi tirik go'rga kirmak ishi-*

ya'ni egri fe'lli odam el xursand bo'lsa g'amgin bo'ladi. Uning dardiga malham ham o'ziga yarasha, ya'ni darddir. Uni yaxshilarga hasad qilishi, o'g'rining xazinaga ko'z tikkaniday gap. Unga o'zining yomon fe'li yaxshi ko'rinadi. Yaxshilikni ko'rsa o'zini noxush sezadi. Uning odati topqanini uyiga tashimoq. Zero, bulut topqanini el uzra sochgani uchun Haq uni osmon hukmdori qilib qo'ydi. Topqanini uyiga tashmalagan chumolining esa, tiriklay go'rga kirmoq qismati bo'ldi. Ey odamizot, sen shunday odamni odam degilki, uning xalq g'amidin o'zga g'ami bo'lmasin:

*Odami ersang, demagil odami,
Oniki yo'q xalq g'amidin g'ami.*

Xullas, odamzot jamiyatsiz yashay olmaganidek, uning to'g'ri yoki egriligi ota-onasi, yaqinlari, qo'shnilari va umuman xalqiga bo'lgan munosabatiga qarab belgilanadi. Jamiyatda to'g'ri odamlar qanchalik ko'p bo'lsa, hayot shunchalik gullab yashnaydi. Yashash engillashadi. Hayot farovon bo'ladi.

Hazrat Navoiyning «Marhamatli Ayyub» haqidagi hikoyati iymonli kishilar uchun ibrat manbaidir:

*Bir kecha Ayyubi xalaf masti roz,
To'kar edi sham'dek ashki niyoz.
Ashk duri bahrig'a pobast edi,
Kuymak aro sham'g'a hamdast edi.
Xilvatida maskani bir burj aro,
Durru samin o'ylaki bir durj aro-*

Buyuk ulamolarning o'rinbosarlaridan bo'lgan Ayyub Alloh roziligini tilab yonayotgan sham kabi ko'zlaridan yosh to'kib o'tirar, ko'z yoshlari go'yo dengizga, yonishi shamga menzar edi. Ayyub shu turishida go'yo samo burjidagi dur qutichasini eslatar edi.

*Bu kecha bir kissaburi naqbzan,
Bulmish edi maskaniga naqbkan.
Barcha kecha er tubin aylab xarosh,
Xufrasiq'a chiqdi saroy ichra bosh-*

ya'ni bir kazzob o'g'ri uning uyi ostidan lahm kovlab, o'g'irlikka tushdi va boshini lahmdan chiqardi:

*Anglabon Ayyub ani dam urmadi,
Toat etib, o'ziga kelturmadi.
O'g'ri o'shul xuffa ichidin chiqib,
Har ne topib, erdi tamomin yig'ib,
Onchanikim, elta olur chog'labon.
Berk tang'ib, orqasig'a bog'labon.
Naqbg'a kirgach, kichik erdu teshuk,
Sig'madikim, behad ulug' erdi yuk-*

Ayyub o'g'rining kirganini anglasa ham ibodatini buzgisi kelmadi. O'g'ri lahmdan chiqib uydan qo'liga ilinganini oldi. Ko'targanicha bir qopga joyladi va orqasiga bog'lab lahm og'ziga ro'para bo'ldi. Ammo, lahm og'zi olingan yuk haybati oldida torlik qilib qoldi.

*Tor ini sichqonga solub erdi g'am,
Quyruqig'a bog'ladi g'irbol ham.
Ko'rdi chu Ayyubki, ojizdur ul,
Qo'pti eshuk ochti-yu ko'rgizdi yo'l-*

ya'ni o'g'ri dumiga g'alvir bog'lab, iniga kirmoq bo'lgan sichqon holiga tushdi. Ayyub uning ojizligini ko'rib, o'rnidan turdi va eshikni ochib yo'l ko'rsatdi va dediki:

*«Kim yuk ulug'dur dog'i naqbing kichuk,
Yo'l sori kelgilki ochiqdur eshuk»*

ya'ni Ayyub eshikni ocha turib dedi: «Yuking ko'p, lahming kichkina yashisi to'g'ri yo'l bilan chiqib ketaver eshik ochiq».

*Onchaki berohlik ul ko'rguzub,
Shayx bu yanglig' anga yo'l ko'rguzub.
Kingaki ko'rguzsalar, ul nav' yo'l,
O'zga yo'lidin chiqa olg'aymu ul?*

O'g'ri yomonlik o'yida kelgan edi. Shayx unga to'g'ri yo'l ni ko'rsatdi. Bunday to'g'ri yo'l egrini yo'lidan qaytara olarmikan?

*O'g'rini ul hol zabun aylabon,
Qaddin og'ir haml nigun aylabon.
Jonig'a bir o't solibon so'zu dard,
Kim kuyub andin falaki lojuvard.
Egnidagi yukni bu o'tg'a urub,
O'zligining ham yukini kuydurub,
Mustar etib, ranju malomat ani,
Xas kabi o'rtab, bu xijolat ani.
Na'ra chekib, sel kabi to'kdi yosh,
Shayx oyog'iga fido qildi bosh-*

Qarangki, bu hol o'g'rini xijolatga soldi, qaddini bukdi. Shirin so'zning dardi joniga shunday bir o't soldiki, undan lojuvard falak kuyib ketgudek edi. O'g'ri elkasidagi yukini o'tga uloqtirar ekan, shu asnoda o'zidagi egrilik yukini ham kuyirdi. U ranju xijolatdan olovga tashlangan xasdek o'rtandi. Oh-faryod bilan Shayxning oyog'iga yiqildi.

*I karamu avf tilin lol etub,
Lutf yuki jismini behol etub.
Shayx karami birla oritti yoshin,
Lutf bila tufrog'din oldi boshin-*

ya'ni Shayxning avfu karami o'g'rining tilini lol qildi. Shirin so'zi jismini go'yo jonsiz etdi. Shayx karami bilan uning ko'z yoshlarini artdi. Yaxshi so'zi bilan gunohkor boshini tuproqdan chiqarib oldi.

*Anglabon ul dard ila holat anga,
Hirqai faqr etdi havolat anga.
Kuydi suluk o'tig'a joni aning,
O'ylaki, mahv o'ldi nishoni aning.
O'zluki chun kuydi nechukkim xase,
Topdi ul o't birla yorug'lik base.
Kamil anga berdi chu bu parvarish,
Ayladi bir avf bila muncha ish-*

ya'ni Shayx o'g'ridagi dard va holatni tushundi. O'g'riga faqirlik hirqasini tuhfa etdi. Faqir yo'lining o'tiga egrilik dosh bera olmadi. O'g'ridan nom-nishon qolmadi. Xas kabi kuyib kul bo'ldi. Ushbu olovning shu'lasi o'g'rini yorug'likka olib chiqdi. Kamil zot o'g'rini shu taxlit tarbiya etdi. Birgina avfi bilan ulkan yumushni bajardi.

Beshafqat foniy dunyo qoidasiga ko'ra, o'g'ri darhol tutilishi, qoziga etaklab borilishi, qamoq yoki kattaroq jazoga tortilishi lozim edi. Ammo rahmoniy qoidalar hukm surgan joyda ahvol boshqacha bo'ldi. To'g'ri yo'l, kamil iymon sohibining ezgu lutfi, karamli qalbi o'g'rini haq yo'lga soldi. Zotan xalqimizning «Bir ko'ngil imorati-ming Makka ziyorati» maqoli shunday insonparvarlik g'oyalarini aks ettiradi.

Qo'shiq marni

«BOSHINGGA NE BALO YOG'SA...»

O'tkir Rashid so'zi

*Boshingga ne balo yog'sa, birovdanmas o'zingdandir,
Yo'lingdan gar adashsang bil, qing'ir bosgan izingdandir.*

*Yo'ling uzra yozar bo'lsa, eling hurmat poyondozin,
Biri mehnat, biri obro', biri rizqi-ro'zingdandir.*

*Agar suhbat aro do'sting ketar bo'lsa, qo'lin siltab,
Biri g'iybat, biri yolg'on, biri tuzsiz so'zingdandir.*

*Senga farzandlaring hamdam bo'lib ildam eshik ochsa,
Biri soflik, biri poklik bilan bergan tuzingdandir.*

*Hamisha do'stlaring O'tkir kabi yo'qlab kelar bo'lsa,
Biri sehring, biri mehning to'lib boqqan ko'zingdandir.*

SHARH

Ey inson, boshingga biror ish tushsa, yo'ldan adashsang, o'zgani ayblama, balki o'zingdan, o'zingning egri niyatingdan, egri qadamingdan ko'r. Agar seni qadrlayotgan bo'lsalar bu ham o'z-o'zidan emas, to'g'riliging, halol mehnating evaziga Xudo bergan rizqu ro'zingdir. Do'stlaring kam bo'lsa, bori ham sendan qo'l siltasa, demak, sen g'iybatchi, yolg'onchi, badso'zli odamsan. Farzandlaring seni sevsa, uyga kelganingda quvonib eshik ochsa, bu ularga bergan halol non-tuzing, yaxshi tarbiyang tufaylidir. Ey, O'tkir qalbingda o'zgalarga mehr bo'lsa, sen xor bo'lmaysan. Do'stlar mehri bilan qalbing to'liq bo'ladi.

O'ninchi saboq:

«HAR NE BOR ILGINGDA
PAROKANDA QIL...»

Omonat deganda ko'pincha birovdan olingan biror moddiy narsa yoki kimgadir etkazish lozim bo'lgan qarz gapi va shunga o'xshagan narsalarni tushunamiz. Aniqrog'i omonatning mazmun-mohiyatini insonlararo munosabatda ko'ramiz. Omonatning lafziy ma'nosi bir kishiga boshqa birov tomonidan berilgan va zarracha xiyonat qilmasdan qaytarilishi lozim bo'lgan narsadir. Omonat shunday narsaki, bir kichik zarrasi kamaysa ham uning omonatligi qolmaydi. Omonatda turgan bir ko'za suvdan biror tomchisi kamayib qolsa, omonatdorga xiyonat qilingan bo'ladi. Chin ma'noda omonatga deb berilgan kitob, hatto o'qilmaydi. O'qilsa shart buziladi. Bunday talqinlar, darhaqiqat, insonlarning o'zaro munosabatlarida amal qilinishi shart bo'lgan talqinlar bo'lib, uning oxiratda bo'ladigan hisob-kitobi so'rog'i qattiq bo'ladi.

Shuningdek, Sharqning buyuk mutafakkirlari, ulug' islom ulamolari fonyi dunyo, undagi ne'matlar, ayniqsa insonga yaratgan tomonidan berilgan omonat ekaniga asosiy urg'u berganlar. Insonlar aro rioya etilishi lozim bo'lgan omonat mezonlarini belgilashda ham ayni tushunchadan kelib chiqqanlar. Ya'ni dunyoning omonatligi, uni bir kun kelib asl Egasiga qaytarilishini anglagan inson hech qachon o'z galar haqqiga xiyonat etmaydi, degan fikrda qat'iy bo'lganlar. Inchinun, Hazrat Alisher Navoiy ham omonat haqida tafakkur qilganida mana shunday katta mezonlardan kelib chiqadi.

*Charx erur shu'bada sanj, ey ko'ngul,
Topma firibe bila ganj, ey ko'ngul.
Yo'qki chu subh og'zini kulgu ochub,
Hiyla bila og'zidin o'tlar sochub-*

ya'ni aylanib turgan charxi dunyo masxarabozdir. Ey ko'ngil, uning firibiga aldanib ganj topaman deb o'ylama. Charxning ishi tongning kulgiga og'iz ochganidek seni aldab, so'ng o't-olov sochganiday gap.

*Munchaki lu'bat chiqorib simgun.
Qasdu bori elga firibu fusun...
Ham to'kub el qonini tadbir ila,
Ham olub el jonini tazvir ila.
Xusravlar qatli uchun tez xush,
Xusravi ham demaki, Farhodkush-*

ya'ni bu masxaraboz dunyoning kumushrang qo'g'irchoqlarini ko'z-ko'z qilishdan qasdi elni afsun qilishdir. U shunday tadbir bilan elning qonini to'kadi. Firibgarlik bilan xalq jonini oladi. Xisrav kabi qancha podshohlar, Farhod kabi qancha bahodirlar jonini olmadi u.

*Jon bila iymonni chu toroj etib,
Dahr evidin oni ixroj etub...
Turfa bukim, yuz kelibon ming ketar,
Ming chu ketar, keynicha yuz ming etar.
Bo'yla bo'lub, kelmagu ketmak ishi,
Ketguvchi bu bazmg'a kelgan kishi-*

ya'ni makkor dunyo faqat jonningina emas, iymonni ham o'ldiradi. Keyin o'zining uyidan haydab soladi. Shu tarzda, bu dunyoga yuzta odam kelsa, mingtasi ketadi. Mingtasi o'lim manziliga etib ulgurmasdan, yana yuzminggi uni quvib etadi. Dunyoning ishi kelib-ketmoqdir. Bu hayot bazmiga aslida ketmoq uchun keladilar.

Bu charxi dunning o'yini shundayki:

Kimniki taxt uzra qilur arjumand,
Taxta uza oqibat aylar najand.
Kingaki taxta kiyiz aylar panoh,
Anga dog'i taxt qilar xobgoh.
Kingaki bir jom tutar no'shu bahr,
Oqibatul-amr etar anda zahr.
Yo'q kishi ul jomni no'sh etmagan,
So'ng bu zahr birla xurush etmagan -

ya'ni kimnidir taxt ustida o'tqizar ekan, shu taxtni unga g'amxona (tobut) qilib qo'yadi. Kimnidir haqir bo'yra ustiga o'tqazib, kigizni uning abadiy xobgohiga aylantiradi. Kinga hayot jomidan bir qultum ichirsa, ortidan zahari borki, bu jomdan suv ichmaydigan va zaharni tatib ko'rmaydigan odam bo'lmaydi.

Birni qatl aylamayin qo'ydimu?
Zoru zalil aylamayin qo'ydimu?
Ko'rki qayon bordi Faridunu Jam,
Eraju Xushang ila Zahhok ham.
Salmu Manichehr ila Navzar qani?
Bahmanu, Dorovu, Skandar qani?
Qani jahondovari Chingizxon?
Qani jahon xoni Temur Ko'ragon?-

ya'ni tarixga boq: bu dunyo biror kishini omon qo'ydimi? Faridun, Jamshid, Eranj, Hushangu Zahhoklarning, Salm, Munichehr, Navzar, Bahman, Doro, Iskandar, Chingizxonu Temur Ko'ragonlarning holi ne kechdi? Ular shuncha boylik, shon -shuhrat, toju taxtlari bilan qayon ketdilar?! Shunday ekan ey iymon tolibi bo'lgan inson:

Hech durur hosili boqisi hech,
Kech boridin bot, vale qo'yma kech.
Seni ul etguncha zabun sen burun,
Ayla ani faqr ila xoru zabun.
Har ne bor ilgingda parokanda qil,
O'z iligingdin ani sharmanda qil-

ya'ni aldamchi dunyoning hosili omonat, o'tkinchidir. Kech bo'lmasdan bu dunyodan kecha bilgin. Dunyo sendan kechgunicha sen uni faqirliging bilan mag'lub eta bil. Qo'lingda borini sochib tashla. Shu yo'l bilan makkor dunyoni sharmanda qil.

Abu Hurayra (r.a.)dan rivoyat qilinshicha: «Rasululloh (s.a.v.): «Agar uhud tog'idek oltinim bo'lganda uning uch kecha bo'lsa-da, menda qolmog'i meni xursand qilmas edi. Men undan faqat qarzimga etarlisini olib qolib, qolganini ehson qilgan bo'lur edim», dedilar» (Hadis. IV jild, 1992, 204-bet).

Demak, bu dunyo insonga oxiratini ta'min etish uchun Alloh vaqtinchalik bergan omonat ekan. Dunyoning aldamchi ziynatlariga berilmoq insonning mana shu omonatga xiyonati ekan. Qur'oni Karimning «Takosur» surasida Alloh shunday marhamat qiladi: «(Ey insonlar), sizlar to qabristonni ziyorat qilmaguningizcha (ya'ni, o'lib qabrga kirmagunlaringizcha), sizlarni (mol-dunyo) to'plab- ko'paytirish (Allohga toat-ibodat qilishdan) mashg'ul qildi» (102: 1-2).

«Hayrat ul-abror»da bu dunyoning omonatligi haqida Iskandar Zulqarnayn bilan bog'liq ibratli bir hikoyat keltirilgan:

Chunki Skandar shohi iqlimgir,
Bo'ldi jahon mulkida sohib sarir.
Qolmadi bir erki yurib olmadi,
Erki yurib olmadi, bir qolmadi.
Hittayu hukmig'a kirib bahru bar,
Qabzai amrig'a tushub mulki tar,
Xutba o'qub gunbadi ahzar uza,
Sikkai axdin urub axtar uza.
Qullig'ini shahlar etib ixtiyor,
Qullig'i shahlarg'a bo'lub iftixor-

ya'ni barcha iqlimlar shohi Iskandar dunyoni egalladi: uning bormagan, fatx etmagan biror eri qolmadi. Hatto suv osti ham uning hukm changalida edi. Yulduzlar mulki-da unga tobe bo'ldi. U adolat tamg'alarini yulduzlarga o'ydi. Ne-ne shohlar

unga qul bo'lishdan iftixor etar edilar. U ham shoh, ham valiy edi.

*Zotig'a Jamshidlig' oyin bo'lub,
Ko'zgu anga joni jahonbin bo'lub.
Ham eti ko'k hukmi muyassar anga,
Ham eti iqlim musaxxar anga.
Bo'yla humoyun fari firuz baxt,
Dayri fanodin chekar o'lg'onda raxt-*

ya'ni u afsonaviy Jamshidvash edi. Butun jahonni ko'zguda ko'rardi. Etti osmonu etti iqlim unga tobe edi. Shunday odam, martabali hukmdorning ham dunyodan ketar vaqti yaqinlashdi.

*Ko'rdi ajab ajz ila bechoraliq,
Ollig'a tushti ajib ovvoraliq.
Ne hukamosi bo'libon dastgir,
Ne hamdamu bandasi farmonpazir,
Barchasi qolib bu yashil bog' aro,
Ozmi o'lub ul qaro tufrog' aro.
O'rtadi chin bo'yla zavoli ichin,
Bu so'z ila ayladi xoli ichin-*

Shunda u o'zini o'ta bechorahol his etdi. O'zi bilan o'zi ovora bo'lib qoldi. Unga na hakim tabiblar, na farmoniga muntazir xizmatkorlar yordam qila oldilar. Ularning barchasi yolg'onchi dunyo-«yashil bog'» aro qolishi, Iskandarning esa qora tuproq ostiga ketishi ma'lum bo'lib qolganida, u dedi:

*«Kim bul nafaskim boradurmen zalil,
Navbati shohi manga ko'si rahil.
Qaysig'akim sharti hamiyat durur,
Mendin anga ushbu vasiyat durur:
«Kim manga chun toiri bo'stoni quds,
Qilsa havo yod etib, ayvoni quds.
Oh ila olamni qaro aylabon,
Xobgahim na'sh aro aylabon.
Qabrg'a chun boshlag'unguzdur yo'lum,
Na'sh yonidin chiqoring bir qo'lum-*

ya'ni men shohlik martabasidan pastga enyapman. So'nggi safarimga nog'ora chalinmoqda. Dunyodan hamiyat bilan ketmoqchi bo'lganlarga vasiyatim shudir: «Qachon mendan jon qushi ko'tarilib, poklik harami (Xudoning huzuri) tomon parvoz etganida, ohimdan olam qorayib yotadigan joyim tobut bo'lganida, yo'limni qabr tomon boshlayotganin-gizda, bir qo'limni tobutdan chiqarib qo'yinglar:

*To kishikim qilsa nazar ul sori,
Ibrat ila boqqay o'shul qo'l sori.
Bilgay anikim etti kishvar shahi,
Etti falak mushkulining ogahi.
Jismida jon yo'q bu makondin borur,
Xoli ilik birla jahondin borur.
Kimki jahon mulki havasdur anga,
Ushbu ilik tajriba basdur anga-*

ya'ni toki birov u tomonga nazar solar ekan, chiqarib qo'yilgan qo'ldan ibrat olsin. Bilib qo'ysinki, etti iqlim sohibi, etti falak mushkulotlaridan boxabar zot olamdan bo'sh qo'l bilan ketmoqda. Foni dunyo xazinasini havas qilganlar uchun dunyoning omonat ekanligiga shu bo'sh qo'l dalildir.

Demak, o'lim bizning qo'limizni tutmasdan turib, biz qo'limizni dunyo matohidan bo'shatishimiz lozim ekan. Buyuk Iskandar Zulqarnaynning aqlu zakovati, mislsiz shonu shavkati, martabasi birgina shu haqiqatni anglashga xizmat qilibdiki, o'zimizda bor narsalarni aql tarozisiga tortib ko'raylik. «Dunyo omonat-qilma xiyonat» maqoli ushbu fikrimizning go'zal xulosasidir.

Qo'shiq marni

ARMON

Qobil Mirzo so'zi

*Ko'ngli yarim demang meni odamlar,
Har insonda bordir shodligu g'amlar,
Haqiqatni aytsin odil hakamlar,
Iskandarmi, Doro qaysi jon o'tgan,
Qay kishi olamdan bearmon o'tgan.*

*Nuqsonim borligin pisanda qilmang,
Bu tiyra bag'rimni tirnamang, tilmang,
Beayb Parvardigor behuda kulmang,
Jahongir Temur ham nogiron o'tgan,
Qay kishi olamdan bearmon o'tgan.*

*Yarimjon sanamang, iymonim butun,
Shayton vasvasasi kelolmas ustun,
Bu dunyo kimlarga solmas qora kun,
Boburmi, nolimay qaysi xon o'tgan,
Qay kishi olamdan bearmon o'tgan?*

*Kim qabr bag'riga ko'z bilan borgan,
Qo'l, oyoq, tilmi yo so'z bilan borgan?
Nasib qilsa parcha bo'z bilan borgan,
Kim bilur kim yaxshi, kim yomon o'tgan,
Qay kishi olamdan bearmon o'tgan.*

SHARH

Ey odamlar, adolat bilan aytinglar, omonat dunyodan to'kis o'tgan kim bor!? Qayg'u va xursandchilik esh bo'lmagan inson bormi? Iskandar kabi sohibqironlar, Doro kabi shohlar qalbiga

omonat dunyo armon izlarini solmagan, deb o'ylaysizmi? Agar kimdadir Xudo bergan jismoniy nuqson bo'lsa, buni pisanda qilishdek og'ir gunohdan ehtiyot bo'ling. Zero, aybsiz Parvardigordir. Axir jahongir Temur ham nogiron o'tganku! Omonat dunyodan kim ham bearmon o'tibdi. Asl nuqson jismoniy kamchilikda emas, balki iymon kemtikligida emasmi? Shayton vasvasasiga mag'lub bo'lmay yashagan inson asl benuqson insondir. Holbuki, dunyoviy kamchiliklar, nuqsonlar, qora kunlar solguvchi iztirob-alamlardan qutulib bo'lmaydi. Garchi, shoh Bobur nolishlarini eshitmaganmisiz!? Dunyodagi barcha narsalar omonat. Qabrga hech narsani olib kirolmaymiz. Ko'z, oyoq, til bularning barchasi foniy dunyo matohidir, hatto qabrga bir parcha bo'z bilan borish ham, Alloh hohlasagina nasib etadi. Kim bu omonat umrni yaxshi yoki yomon yashaganini Xudodan o'zga hech kim bilmaydi. Shunday ekan, omonat dunyo armoni- azaliy va abadiy armondir.



U'n birinchi saboq:

«SHUKRIKI ONING HADU
PAYONI YO'Q...»

Shukr qilish fazilati odamdagi insofu tavfiqdan dalolat beradi. Bu fazilat sohiblari kamtarin tabiatga ega bo'ladilar. Jamiyatga ulardan na til bilan, na qo'l bilan ozor etadi. Shuning uchun ularning odamlar orasida obro'lari ham ziyoda bo'ladi. Bunday kishilar Allohning azobu g'amiga ham, quvonchu shodligiga ham, boru yo'g'iga ham shukr qiladilar. Ularning ziddi bo'lgan kishilar noshukrlar deb ataladi. Shukr qilguvchilar nimagaki shukr qilishsa, ular o'shanga noshukrlik qiladilar. Jamiyat bulardan bezor bo'ladi. Yaratgan rozi bo'lmaydi. Iymonning mustahkam tayanchlaridan biri bo'lgan shukr, yuqorida so'z yuritilgan boshqa fazilatlar kabi ko'hna Sharqda e'tibori baland qadriyat hisoblangan. Shuningdek, hazrat Navoiy ham shukrni «Cheki-chegarasi yo'q» buyuk fazilat, deya ta'rif etganlar.

Navoiy talqinicha shukr qilguvchilar:

*Shod ani bil dahrda kim g'am emas,
Dahr ishi chun g'am egali arzimas-*

ya'ni ular foniyy dunyoda shod-xurram yashaydilar, chunki ularning bilishicha, o'tkinchi dunyo g'am eyishga arzimaydigan matohdir. Shukr qilmaydiganlar esa aksincha:

*Sen ani ranju g'am ila o'tkarub,
Yuz alamu motam ila o'tkarub.
Berib anga g'aflat ila xorliq,
Hashv takallum bila murdorlig'-*

Olam yuzin obod qil ...

Ey noshukr banda, sen dunyoni qiyinchilik va g'amda o'tkazasan. Motamu amlar hamrohing bo'ladi. G'aflatda bo'lganing bois, hayotdan kulfat va xafalikda o'tasan. Hayot to'g'risida bo'lmag'ur fikrlaring bilan uni o'zingga bulg'ab ko'rsatasan.

Shukr qilishni bilmaydigan odam ko'z o'ngida jilolanib turgan ne'matlarni ko'ra olmaydi. Holbuki, Alloh eng avval:

*Barcha jahondin qilib ashraf seni,
Ayladi rozig'a musharraf seni-*

ya'ni Alloh seni barcha mavjudotdan sharafliroq qilib yaratdi. O'zining sirlariga musharraf etdi.

Ikkinchidan:

*Buki seni xoliqi kavnu fasod,
Qilmadi hayvonu nabotu jamod-*

Omlar Yaratguvchisi seni hayvon, o'simlik yoki jonsiz jism qilmadi.

Uchinchidan:

*Lutf bila ayladi inson seni,
Din yo'lida qildi musulmon seni-*

Marhamat etib seni inson suratida yaratdi. Muhimi, din yo'liga bo'ysunguvchi qildi.

To'rtinchidan:

*Berdi ko'rar ko'zu, eshitur qulog',
Aytur til, atrni anglar dimog'-*

Ko'rar ko'z, eshitar quloq berdi. Gapirishga til, hid bilishga dimog' berdi.

Beshinchidan:

*Andoq ilik dog'iki tutg'ay taom,
Andoq ayoq dog'iki qilg'ay xirom-*

Shunday qo'l berdiki, u bilan taomlanasan, oyoq berdiki, u bilan yurasan.
Oltinchidan:

*Yuz ne'mat qilmoq uchun shurbu aql,
Har birig'a yana bir ta'mu shakl-*

ya'ni yuz xillab ne'matlarni aniqlash uchun senga ta'm sezgisini berdi.

Bulardan tashqari:

*Qildi karam oncha mulavvan libos,
Kim adadin aql eta olmas qiyos.
Markablar qullavu homun navard,
Vahm samandi kibi gardun navard.
Bog'lar ul nav'ki xuldi barin,
Suvlari ul tavrki moi main -*

ya'ni senga berilgan ne'matlar shu qadar ko'pki, qalam bularni yozishga ojiz. Tog'u dalalardan eldek o'tuvchi otlar, jannati a'lo kabi bog'lar, toza, pok oqar suvlar.

*Borchani qo'yduq, muni-o'q aytni bas,
Kim bu nafaskim, sangadur hamnafas.
Kirmagi bir ne'mat erur mug'tanam,
O'ylaki kirmakligi chiqmog'i ham.
Bu ikki ne'matki namudordur,
Har biriga shukr eri bordur...
Har nafasing holidin ogoh bo'l,
Balki anga xush ila hamroh bo'l-*

ya'ni barchasini qo'yib turaylik: olayotgan nafasing haqida fikr yurgiz, uning ichingga kirishi bir ne'mat bo'lsa, chiqishi bir ne'mat. Biri sening hayotingga oziqki, bir bor nafas olmasang tugaysan. Biri chiquvchi nafaski, borliqqa da'vodir. Bu ne'matlarning har biriga shukrona ayt va har nafasingni qanday olmoqdasan, ogoh bo'l. Aqlu hushing bilan hamroh bo'l.

Shunday ekan, har bir iymonli odam Haq ne'matlari uchun so'ngsiz shukronalar qilsin.

Chunki Tangri:

*Muncha niam berdiyu qildi raqam,
Muniki: «Bishukri tadumun niam»-*

Senga shuncha ne'matlar ato qilib, yana: «Shukr qilish bilan ne'matlar ortadi», - deb yozib qo'ydi.

Alloh bizlar uchun to'kin-sochin qilib qo'ygan ne'matlar qadrini, shukrini ko'pincha unitib qo'yamiz. Har bir harakatimizda Parvardigorimizning qudrati va saxovati namoyon bo'lishi haqida fikr yurgizishdan ojiz qolamiz ba'zan. Holbuki, bizlar: «**So'ngra ana o'sha kunda, albatta (hayoti dunyoda sizlarga ato etilgan barcha) ne'matlar to'g'risida mas'ul bo'lursizlar**» (102: 8), oyati karimasining mazmunini chuqur anglashimiz lozim.

Qatoda rahmatullohi alayhdan rivoyat qilinishicha, Payg'ambarimiz (s.a.v.) shunday deb marhamat qiladilar: «To'rt narsa kishiga berilgan bo'lsa, dunyo va oxirat yaxshiligi berilibdi: zikr qiluvchi til, shukr etuvchi qalb, sabrli badan va mo'mina soliha xotin» (Tanbehul-g'ofiliyn. III kitob. 15-bet).

Shayx Junayd Bag'dodiyning bolalik davri bilan bog'liq ushbu hikoyat katta- kichik uchun birdek ibrat maktabi bo'lib xizmat qiladi:

«Junayd Bag'dodiy rahmatullohi alayhi shayxul mashoyixi olam edi. Hamma ilmlarda komil, riyozat va karomatda hamtengi yo'q edi. Junaydning so'zi tariqat ishida hammaga hujjat va dalil edi. Uning ahvolidan sunnatning xilofida hech ish topolmas edilar. Bu toifaning hojasi, mashoyixlarning so'zlaydigan tili, ulamolarning zebo tovusi, tariqatda mujtahid edi.

Shayx Sari Saqatiyning muridi edi. Etti yasharligida Sari Saqatiy uni hajga olib bordi. Masjidi haramda to'rt yuz piri komil orasida ne'matga shukr aytmoq borasida masala bahsi bo'lib turar edi. Uning sharhu bayonida so'zlar aytur edilar. Har bir pir bir tariqa bilan ma'no aytar edi.

Oxiri Sari Saqatiy Junaydga dedi:

-Sen ham shukr bobida bir so'z degil.

Junayd dedi:

-Xudoning bergan ne'matiga shukr qilish uldurki, Haq taolo senga bergan ne'matni vosita qilib gunohkor bo'lmag'aysan va ul ne'matni gunoh ishga sarf qilmag'aysan.

-Junayd bu so'zni aytib bo'lgach, to'rt yuz piri komil boittifoq dedilarki: «Tasanno, ey ahli tasdiqning ko'z nuri».

So'ng ularning biri: «Ey o'g'il, Xudoi taolodan nasiba senga tilingdan etkusidir», -dedi.

Shayx Sariy Saqatiy dedi:

-Ey Junayd, bu so'zni ne erdan topding?

Junayd dedi:

-Sening hujjating ta'siridan topdim (Muhammad Siddiq Rushdiy. Tazkiratul avliyoi turkiy. 43-zikr).

Junayd Bag'dodiyning shukr qilishga bergan ta'rifi g'oyat baland pardada aytilgan, qalb ko'zini ochuvchi so'zlardir. Chindan ham inson Xudoga shukrona aytganda ushbu holatlarni mushohada qilmog'i kerak:

-Avvalo, inson nav'idin qilib yaratilganiga shukr qilishi;

-to'rt muchasi sog' bo'lib, aql farosati etarli bo'lgani uchun shukr qilmog'i;

-Allohning marhamati bilan rizq-ro'zini etkazib turgan otonasidan minnatdor bo'lmog'i;

-yaxshi mahallada, yaxshi yurtda tug'ilgani, Vatani go'zal va xushhavo, anvoi ne'matlar serob ekanligidan shukr etmog'i;

-agar Xudoni tanib, musulmon bo'lgan bo'lsa, unga ham behad shukrona qilib yashashi;

-boshqalarga foydasi tegib turadigan kasb egasi bo'lganiga shukr etmog'i;

-Yaratgan yaxshi xotin, solih farzandlar ato etgani uchun shukrona qilmog'i kerak».

Yaratgan bizlardan bergan ne'matlari evaziga Unga shukr aytishimizni talab etadi. Shukrni unutmagan insonlar Alloh taolo tomonidan ham unutilmaslar, inshaolloh. Dono xalqimiz aytganidek, noshukru nonko'rlikdan O'zi asrasin. Zero:

«Noshukrda-shukur bo'lmas, nonko'rda - uzr».

Qo'shiq

«QANI SHUKR ETGANING...»

So'fi Olloyor so'zi

Banogoh karvon sultoni etsa,
Sanga asli vatanning hukmin etsa.

Xudo qilsa nido: «Ey bandai zor,
Na kelturding, na turluk qilmishing bor?»

Tanu teringda tollig' jon yarattim,
Bahoyim qilmadim, inson yarattim.

Hamisha ayladim tarbiyatingni,
Nag'u qilding parishon niyatingni?

Sani soldim musulmonlik yo'lina,
Qani shukr etganing mingdin birina?

Tamom a'zolaringni solim ettim,
Arig' zotim bilurga olim etdim.

Sug'ordim obi ne'matdin tishingni,
Qani ayg'il manga qilgan ishingni?»

SHARH

Ey inson! Bir kuni paymonang to'lib, «asl vatan» (qabr, oxirat)ga etganingda, yaratgan-Alloh seni: «Oxirat dunyosiga nima olib kelding, seni musulmonlik yo'luga solgan edim, bergan ne'matlarimga shukr etdingmi? deya so'roq qilsa, ne deb javob bera olasan?! «Qiyomat kunining podshohi» yana sendan: «Men o'z qudratim va rahmatim ila senga jon ato etdim, seni hayvon emas mukarram inson qilib yaratdim, Kitob va payg'ambarim vositasida tarbiya qildim, to'g'ri yo'l

ko'rsatdim. Sen esa dunyo matohiga dil berib, menga shukr qilmading. Bergan barcha ne'matlarimga qilgan shukring qani?»-deb so'rasa ne deysan?! Yaratganning: «Ey inson, sening barcha a'zolaringni sog'lom va mukammal qilib yaratdim. O'zingni ilmli, ma'rifatli qildim. Sen uchun suv va taom kabi ne'matlarimni ziyoda qildim. Evaziga sen nima qilding?»,-degan haqli savoliga qanday javob berasan?! U kunda tiling kalimaga kelmay, yuzing qaro bo'lib qolishini istamasang, hayoti dunyoda Allohning zikri va shukrini tilingdan qo'ymagin. Zero, shukrullohni omonat bilganlarning Qiyomat kunida yuzlari yorug' bo'ladi.



O'n ikkinchi saboq:

«QILMOG'IDIN TAVBA ILOHIY DEGIL...»

Gunohkor inson uchun tavba Alloh taoloning so'ngsiz marhamatidir. Yaratgan Qiyomatgacha tavba eshiklarini ochib qo'ygan. Endi aql yurgizib ko'raylik, Alloh taolo marhamat qilib tavba eshiklarini ochib qo'ymaganida nima qilar edik. Har qadamimizda ro'y berayotgan gunohu ma'siyatlarga ko'milib qolmasmidik? «Payg'ambarimiz alayhissalom deydilar: «Odam farzandlarining barchasi xatolarni ko'p qilguvchidir. Xato qilguvchilarning yaxshisi tavba qilguvchilar va gunohlarining avf etilishini so'rovchilardir» (Termiziy rivoyati) Abu Homid G'azzoliy. Tavba kitobi. -T.: Movarounnahr, 2003, 101-bet).

Ammo tavba qilmaslik va gunohlarni ziyoda etishdek og'ir kasallikka giriftor bo'lganlar borki, bu go'yo buloqning bo'yida yashab chanqoqda umr kechirayotgan nodonning hayot tarziga o'xshaydi.

Hazrat Navoiy «Hayrat ul -abror»da mana shu tarzda hayot kechiradigan «jaholat mayi bilan mast» odamlarni quyidagicha ta'rif etadi:

Ulki ichib bodai paymonadin,
Mast chiqar ko'yga xumxonadin.
Manglayikim tomg'a tegib, qon bo'lub,
Boshida dastori parishon bo'lub.
Elga qilib hamla yomon it kibi,
Qaysi yomon it, qopog'on it kibi...
May qilibon behuda holin aning,

Qay qilib oluda saqolin aning...
Qay saqolin har necha nopok etub,
It yalamoq birla yana "pok" etub-

ya'ni u tavnani unutdirguvchi, paymonani to'ldiruvchi jaholat mayini ichib, mast holatda ko'chaga chiqar ekan, manglayini devorga urib qonatadi. Boshidagi sallasi uchib ketib, chuvalashib qoladi. Ko'rganlarga yomon it yo'q-yo'q, qopog'on itdek hamla qiladi. May uning holini shu qadar zabun qilganki, soqoli qusuqdan ifloslanganini o'zi bilmaydi. Shunda daydi it uning soqolini yalab «poklab» qo'yadi.

Bu odam jaholat botqog'iga shunchalik chuqur botganki:

Ko'ngliga kirmay bu malomat aning,
Jonini olmay bu xijolat aning.
Qilmay asar muncha qabohat anga,
Muncha qabohatlar ibohat anga.
Zol qizi har nechakim bo'lsa eshit,
Bordur aning ko'ziga huru bihisht-

ya'ni u o'zining badxulqidan sira xijolat chekmaydi. Shu yurishni oddiy bir bezorilik, deb o'ylaydi. Uning bu xayoli go'yo yosuman kampir o'zining qari qizini jannat huriga o'xshatgani kabidir.

Holbuki, bu johil odam bilmaydiki:

Ulki kemur sotmog'in aylar shior,
Yuz qaro bo'lmoqdin anga qayda or.
Ulki ulus qatlig'a jallod erur,
O'g'lini o'ltursa dog'i shod erur-

Uning yuzi qoraligi ko'mir sotuvchining yuzidek doimiy yuz qoralikka aylangan. Shuning uchun u o'zining jaholatidan or qilmaydi. Zero jallod bo'lgandan keyin u boshqani so'yadimi, o'z o'g'lining qatli uchun qilich sermaydimi, nima farqi bor?

Tavba ne'matidan bebahra odamga qarata Navoiy shunday deydi:

Fisqu fujur ilgi chu og'zing ochub,
Kup kabi g'aflat mayidan kaf sochub.
Ne senga o'lmak g'amidin motami,
Ne senga paymona to'lardin g'ami.
Etsa ajal muhtasibi netgasen,
Daf'ig'a tadbir ne nav' etgasen?!

ya'ni og'zingni ochgan fisqu fujur qutqusida atrofga g'aflat mayidan ko'piklar sohasan. O'lib bir kuni paymonang to'lishidan bexabarsan. G'am-qayg'udan begonasan. Ey johil, ajal hisob-kitobi kelsa, nima qilasan? Bu tarozi hisobiga ne deb javob berasan?

Zero, johillik dengizi olov dengizi kabidirki, uning o'tini hech narsa o'chirishga qodir emas:

O'tki bu nav' o'lsa harorat anga,
Ne suv etar daf'i sharorat anga-

ya'ni bu olov harorati shunday balandki, hech qanday suv uni o'chira olmaydi, balki alangalatadi.

Suvki bu o't jonig'a ofat durur,
Tavba chog'i ashki nadomat durur-

Faqat shunday suvgina bu olovni o'chira oladi. Bu- tavba chog'idagi pushaymonlik ko'z yoshlaridir.

Bu o't o'lub ashk yog'ar chog'i daf',
Yo'qki bu o't do'zax o'ti dog'i daf'-

Agar tavnang rost, ko'z yoshlaring nadomat ko'z yoshlari bo'lsa va ko'zlaringdan yomg'irdek tomchilasa, bilki bu yomg'ir jaholat olovini o'chiradi. Nadomat ko'z yoshlari oldida jaholat o'ti nima bo'пти, tavba ashki hatto do'zax o'tini o'chirishga ham kifoya qiladi.

Biroq ko'pchilik tavba deb hisoblaydigan amallarning aksari, tavba emas, riyodir:

Tavba ani anglama ta'rif ila,
Kim berilur kimsaga taklif ila.
Yoxud angakim madad etmas bilik,
Ahdida mushaf sori eltur ilik.
Barcha qazo o'tig'a xasdir bular,
Tavba hisobida emasdur bular-

Sen birovni qo'rqitish bilan yoki o'rtağa «Qur'on qo'yib» qasam ichtirish bilan haqiqiy tavba bunyod bo'ladi, deb xayol qilma. Bular taqdiru qismat bilan bog'liqdirki, Xudo o'zi xohlagan bandalarining-gina tavbasini qabul qiladi.

Kimki qazo ilgida beixtiyor,
Tavba qilurda anga ne ixtiyor-

ya'ni kimki Allohning qazoyi qadari-ajal qo'lida ekan, bu holatida qilgan tavbasidan ne naf?
Haqiqiy tavba shuki:

Bilsaki Haq hozir erur barcha vaqt,
Qilg'onig'a nozir erur barcha vaqt.
Ko'ngli aro tushsa malomat o'ti,
Jonini kuydursa xijolat o'ti.
Etsa bu holatda tafakkur anga,
Qilg'onidan bo'lsa tanaffur anga-

ya'ni har qadamida Haqning hoziru nozirligini dildan iqror etgan va ko'nglida o'zini malomat qilgan, har bir yomon ishidan hijolatda bo'lgan, gunohlari haqida aql yurgizib, gunohlaridan nafratlangan kishining tavbasi haqiqiydir.
Ana shundagina:

«Tubu ilalloh» ila topsa futuh,
Bo'lsa ʻ: tavgaki, talabdur nasuh-

yagona Allohga qilingan tavba bilan erishilgan g'alaba, haqiqiy g'alabadir. Qabul qilinuvchi tavba ham shudir.
Parvardigori olam Qur'oni Karimda marhamat qiladi:
«Barchangiz Allohga tavba qilinglar, ey mo'minlar!

Shoyadki, shunda najot topsangiz» (24: 31). Alloh taolo tavba haqidagi hukmida bevosita «mo'minlar», -deb murojaat qilmoqda. Demak, yuqorida keltirilgan misollarimiz ham dalil bo'ladi, tavba qilish mo'minning, iymonli kishining ishi ekan. Darhaqiqat, shaytoni lay'in tavba qiluvchi emas. U oxiratdagi mag'firatdan noumid. Shuning uchun bo'lsa kerak, xalq orasida «Noumid- shayton», degan hikmat yuradi. Tavba qilmagan, Rahmonning mag'firatidan noumid kimsalar shaytonga yaqinroqdirlar. Parvardigaro, bizlarni o'zingga yaqin qilgin, shaytonning sharridan hifzi-himoyangga olgin. Omin.

Payg'ambarmiz (s.a.v.)dan rivoyat qiladilar: «Yaqinda tavba qilaman, deb aytguvchi halok bo'ladi. Mo'min kishiga to o'lim kelgunicha har vaqt Allohga tavba qilmog'i lozim bo'ladi. Alloh taolo tavbalarni qabul qilguvchidir» (Tambehul-g'ofiliyn). Alloh aytadiki: «U bandalaridan tavba-tazarru' qabul qiladigan, yomonliklarni avf etadigan va qiladigan ishlaringizni biladigan zotdir» (Sho'ro, 25). Abdulloh ibn Mas'ud (r.a.) aytadilar: «Kimki faqat yakka -yagona, ulug' Alloh taolodan kechirim so'rayman deb uch marta aytsa, uning gunohi kechiriladi, agar dengizlarning ko'piklaricha bo'lsa ham» («Tanbehul-g'ofiliyn», birinchi kitob, 106 bet).

Hoji Muinning «Meroji Nabaviya» kitobida shunday naql keltirilgan:» Abu Bakr Vositiy debdur: «Alloh taolo (meroj) kechasi so'radikim: «Ey Muhammad, sening uchun eng mahjub narsa nimadir?» Rasuli akram dedilar: «Ummatlarim sening huzuringga kelganlarida, gunohdan forig' bo'lib kelsalar edi» Alloh taolo dedi: «Ey, Muhammad, sening ummatlaringni amringa dalolat qilaman, muhabbatim sababidan, yomon ishlardan qaytarurman, shafqatim sababidan, ularga vujud ham berganman gunohlarga muftalo bo'lsin deb, chunki mening rahmat xazinam bor, ular gunohlariga tavba qilsalar rahmat xazinamni ular uchun ochurman. Sening ummatlaring Jannatdagi mening mehmonlarimdir. Odatda mehmon kelsa, unga izzat-hurmat ko'rsaturlar».

Ko'rinadiki, inson yaratilishidan gunohga muhtalo qilib yaratilgan. Vaqtiki u gunoh qilsa, gunohkorligini anglab etsa, tavba qiladi, gunohini yuvish uchun ezgu amallar qiladi, shu ezgu amallar savobidan jannatga-Allohning rahmat xazinasiga qadam qo'yadi. O'zini gunohkor deb his etmaydigan kishi takabbur bo'ladi. Kibr esa Xudo qoshida yomondir:

*Gunohga tavba aylab, endi toat qilmasam bo'lmas,
Gunohu ma'siyatlarga nadomat qilmasam bo'lmas».*

(Haziniy)

Xulosa shuki, Allohning birligi, borligiga rahmatu fazliga, G'af-forligiga, Uninggina ixtiyorida bo'lgan qazoyi qadarga chin qalb ixlosi ila qilingan tavba-qabul etilguvchi tavadir. Xalqimizning: «Chin yurakdan yig'lasang, so'qir ko'zdan yosh chiqur», degan maqolida mana shu hikmat yashirin. Alloh qalblarimizni iymon nuridan, ko'zlarimizni rahmat yoshlaridan bebahra qilmasin. Omin.

Qo'shiq marni

TAVBADUR

Mashrab so'zi

*Kimki tolibdur, aning ganji nihoni tavadur,
Anglag'il mulki badanning posboni tavadur,
Murdalarning borho jismida joni tavadur,
Bandalarning ravnaqi, dini imoni tavadur,
Jumlai shohu gadoning soyaboni tavadur.*

*«Tavba»ni og'zingga olsang zarra qolmasdur gunoh,
Gar gunohing bo'lsa avf etgay ani ul Podshoh,
Chun Masiho yodini qil, oni yod et etti Xudo,
Tavbadin ayrildi har kim-ul topolmas hech davo,
Jumlai shohu gadoning soyaboni tavadur*

*Tavbasiz toatni hargiz qilmagay Xoliq qabul,
Tavbadin qochgan kishilar topmadi hech dinga yo'l,
Tavbani farz etdi mo'minga Xudo birla Rasul,
Toki joning bordur, sen tavbaning yo'lida yur,
Jumlai shohu gadoning soyaboni tavadur.*

*Mashrabo, har soati sen tavbani takror qil,
Banda benuqson emasdur-kunda istig'for qil,
Obi hasratdin ko'zingni doimo xunbor qil,
Misli Ahmaddek o'zingni tolibi diydor qil,
Jumlai shohu gadoning soyaboni tavadur.*

SHARH

Kimki, oxirat ne'matiga talabgor esa, bu ne'matni sotib olish mumkin bo'lgan boylik tavadir. Tavba tirik jonning posboni, o'lik jismning joni, bandai mo'minlarning iymoni, shohu gadoning soyabonidir. «Tavba» lafzini qancha takrorlasang, shunchalik poklanasan. Tavbang gunohlarni avf etguvchi Podshohga etsa bas, avf etilasan. Iso alayhissalom tavbalarini esla. Uni Xudo yod etgan, tavbalarini qabul qilgan edi. Tavbadan yuz o'girganlarning esa dardlari davosiz. Chunki tavba qilmaganlarning ibodati ham qabul emas. Bundaylar aslo hidoyat topmaydilar. Allohning kalomida, Payg'ambar (s.a.v.) so'zlarida tavba farz ekani aytilgan, shunday ekan, tavba ne'matini qattiq ushla. Ey Mashrab, umringni tavbaning takroriga bag'ishla. Hech banda begunoh emas, istig'foringni qo'yma. Tavba qilar ekansan, ko'zlarnigdan yosh emas, qon oqsin. Payg'ambar alayhissalom kabi Alloh diydori talabida bo'l. Zero, shohu gado uchun gunoh yomg'iridan asrovchi soyabon, bu-tavba hisoblanadi.

XOTIMA

Muhtaram o'quvchi!

Hozirgina o'qib tugatganingiz risola hayotning mazmun-mohiyatini anglamoq istagan, bu dunyodan poklanib o'tishni, komil inson bo'lishni maqsad qilganlar uchundir. Hazrat Alisher Navoiy «Hayrat ul-abror» asarida poklanmoqlik, komil iymonga erishmoqlikning bir necha muhim shartlarini badiiy obrazlarda mahorat cho'qqisida turib talqin etgan. Bu o'rinda risolaning vazifasi bugun siz uchun bir qadar murakkabroq bo'lgan she'riy matnlarni sharhlashda, «Hayrat ul-abror»da bayon etilgan mavzularning talqin doirasini imkon qadar ommabop etishda, qolaversa, ularni musiqa san'ati bilan uyg'unlashtirishda ko'rinadi.

Adolat, saxiylik, odob, vafo, to'g'rilik, sabr, ma'rifat, shukr, tavba kabi amallar sohibi iymonga da'vo qilsa arziydi. Zero, iymon shunday buyuk fazilatki, unga musharraf bo'lmoq baxt-saodat kalitidir. Dono xalqimiz «Aqlni aqlsizdan- o'rgan», degan hikmatni bekorga aytmagan. Haqiqatan, iymon iymonsizning, adolat zolimning, odob behayoning, sabr sabrsizning, ma'rifat johilning, saxovat baxilning qarshisida mazmun kasb etadi. Risolada Hazrat Navoiy talqiniga ergashgan holda, zidlash (kontrast) usulidan foydalanildi. Risolani o'qir ekansiz, sizga yaxshi va yomon, oq va qorani aql yurgizib qiyoslash imkoniyati bo'ladi. Ishonamizki, bu o'rinda siz oqilona yo'l tutasiz.

Shuningdek, siz risoladan tarixiy voqealar, tarixiy shaxslar haqida ma'lumotlar topasiz. Bundan ham bilim doirangiz kengayadi, ham ibrat olasiz.

Eng muhimi, jamiyatda yashamoqdan murod Allohning farzlariga, Payg'ambarimiz (s.a.v.) hadislariga ergashmoq ekanini anglaysiz. Iymon saodatining nima ekanligini tushunasiz. Agar tushuna olsangiz ikki dunyo saodati sizga yordir.

Bunday saodatli umrni Yaratgan hammamizga nasib etgan bo'lsin. Omin. Vallohu a'lam bissavob.

LUG'AT VA IZOHLAR

- Abu Lahab - Payg'ambar alayhissalomning johil zamondoshlaridan birining ismi.
 Avroq - Varaqlar.
 Adl - Adolat.
 Ajal muxtasibi - Azroil(a.s.).
 Jon oluvchi farishta.
 Azmi rah - Qaror qilmoq; yurishga qaror qilmoq.
 Ayyubi xalaf - Ustoz Ayyub.
 Anbiyo - Payg'ambarlar.
 Anqo - Afsonaviy baxt qushi.
 Arjumand - Do'st.
 Afganda - Tashlab qo'yilgan; tushkun holat.
 Afgor - Yaralangan; majruh.
 Axtar - Yulduz.
 Badal - To'lov.
 Bal - Balki.
 Bashar - Insoniyat.
 Baqo mulki - Abadiyat mulki.
 Bahman - Shamsiya yili hisobidagi oylarning o'n birinchisi. (hozirgi yil hisobi bo'yicha 21 yanvar-21 fevral kunlariga to'g'ri keladi. Sovuq qish).
 Bahrvar - Foydalanmoq.
 Bahri safo - Poklik dengizi.
 Bebizoat - Kambag'al.
 Berohlik - Yo'lsizlik.
 Behbud - Salomat; sog'lom.
 Biaynih - Aynan; o'zidek.
 Bilmon - Bilmayman.
 Botil - Noto'g'ri.
 Burj - Quyosh yilining harakat yo'nalishi bo'ylab joylashgan yulduz.
 Buxl - Baxillik.
 Bo'yla - Bunday.
 Vasat - O'rta; o'rtacha; o'rtasi.
 Vositai joh - G'araz vositasi.
 Gom - Qadam.
 Guzar - Yo'l.
 Guftu shunud - Gapni eshitmoq.
 Go'sh - Quloq.
 Darang - To'xtalish; turish.
 Devi lay'in - La'nati dev.
 Shayton.
 Dilpazir - Ko'ngilga xush yoquvchi.
 Diram - Dirham; pul.
 Doxil - Kiruvchi; kirgan.
 Da'v(i) - Da'vo.
 Duru yakto - Yagona dur.
 Dom - Tuzoq.
 Doro - Eron shohlaridan biri.
 Dastgir - Qo'llovchi.
 Dun - Past; razil.
 Durri nob - Yomg'ir tomchisi.
 Durj - Quticha.
 Jamshid - Peshdodiylar sulolasidan 4- podsho. Uning

ismi «Jam» va «Shid» so'zlaridan tuzilgan bo'lib, Jam- kishi ismi, Shid- nuroniy degani. Uning podshohlik zamonida yorug'lik zulmat ustidan, adolat egrilik ustidan, insonlar devlar ustidan g'alaba qozongan, turli dardlarga davo topilgan. Ammo u g'alabalaridan kibrlanib ketgach, yana yomonliklar bosh ko'taradi.

Jiffa, jiyfa - O'limtik; harom mol.

Jo' - Ariq.

Zer - dast-Past qo'l; qo'lini past qilmoq.

Zalil - Zalolat.

Zahhok - Bu ism «Avesto» da *Aji Dahhok*-Ajdaho so'zidan olingan deb ko'rsatilgan. Qadimiy afsonalarga ko'ra, *Ajdaho* - osmondan balo yog'diruvchi qora bulut. *Zahhok* eroniy afsonalarida *Ahriman* avlodi deyiladi. U *Jamshid* taxtini bosib olib, 1000 yil podshohlik qiladi. *Zahhok* nomi Musulmon-Sharqi adabiyotida zolimlik, nohaqlik timsoli bo'lib ketgan.

Zevar - Bezak; ziynat.

Zol - Navoiy qari kishilarga nisbatan «Shohnoma» dagi *Zol* ismini qo'llagan.

Zuljalol - Qudrat egasi, Xudoning sifatlaridan biri.

Zilol - Tiniq suv.

Ibohat - Yo'l qo'yishlik.

Ibriy, eroniy, suryoniy-Yahudiycha, forsha, qadim misrcha.

Ibtido - Boshlanish.

Iskandar - Qur'oni karimda zikr etilgan hukmdorlardan.

Ixroj - Chiqarish; yo'qotish.

Isnayn - Ikki xudolilik.

Istig'for - Kechirim so'rash, tavba qilish.

Itob - Malomat; ta'na.

Ifrot - Isrof; ortiqcha.

Iqlimgar - Iqlimlar egasi

Kavni fasod - Dunyo, olam, borliq.

Kajrav charx - Buzuq tabiatli charh.

Kamand - Tushov.

Kishvar - Poytaxt.

Kunguri himmat - Himmat doirasi; himmat tishi.

Lojuvard - Zangori.

Lu'bat - Qo'g'irchoq.

Maloyik - Farishta.

Manuchehr - «Shohnoma» ga ko'ra Eronning oltinchi shohi.

Faridun avlodi. Eranjning nabirasi. Xalq rivoyatlarida u adolat uchun kurashuvchi kishi timsoli hisoblanadi.

Manzum(a)-She'riy asar; nazm qilingan voqelik.

Maosh - Boylik.

Mar'iy - Amal qilinadigan.

Marg ragi - O'lim tomiri.

Marham - Malham; dori.

Markab - Arava, ulov.

Masiho - Iso alayhissalomning sifatleri.

Masnad - Suyanchiq; martaba; daraja.

Mataharrik - Harakat qiluvchi.

Mashiyat - Yurish.

Mash'ari Rasul - Payg'ambar keltirgan yo'l; shariat.

Maxlas - Ozod bo'lmoq; Najot topmoq.

Makrumati volidayn - Ota-ona hurmati.

Maqom - O'rin; joy.

Maqsud - Maqsad.

Maqsadi asli(y) - Asl maqsad; jannat.

Ma'bud - Xudo; Iloh.

Ma'dum - yo'q bo'lgan; yo'q bo'lmoq.

Mehrigiyo - O't; giyoh nomi.

Moraz - Kasallik.

Mujarrad - Yakka-yolg'iz.

Munbasit - Shod; xursand.

Munir - Nurli.

Mustahiq - Loyiq; haqli; muhtoj.

Murid - Shogird; pir tarbiyasidagi kishi.

Musallam - Taslim bo'lgan; bo'ysungan.

Mutahattik - Hayosiz; sharmanda.

Mutahammik - Bardosh berguvchi.

Muhra - Zahar.

Mug'tanam - G'animat sanalgan.

Musaxxar - Sehrlangan.

Muhaqqaq - Tekshirilgan; to'g'ri; haqiqiy.

Mu'taqid - E'tiqod qiluvchi; ishonuvchi.

Mo'r - Chumoli

Nabotu jamod- O'simlik va hayvonot.

Navard - Yugurish, aylanish; urushmoq, kurashmoq.

Navzar - (yoki Nauzar) Eron shohlaridan Manuchehrning o'g'li.

Najand - G'amgin.

Nasuh - Iste'moldagi, amal qilinadigan.

Na'sh - Tobut

Nahaj - To'g'ri yo'l; katta yo'l.

Naqb - O'ra; lahm.

Nigin - Uzuk.

Nishot - Shodlik.

Noguzir - Zaruriy; zarur.

Nukta - Hikmatli gap.

No'sh - Ichmoq.

Ofoq - Ufqlar.

Og'ushta - Qorishgan; bulg'angan.

Paykar - Pari qiyofali.
Parishon - Yoyilgan, sochilgan.
Po'y - Yugurish; chopish.
Pechu shikanj - Ozor beruvch; chigal.
Rahl - Ko'chish, safarga chiqish.
Raxt - Safar yuki, asbob-anjom.
Risolat - Payg'ambarlik.
Rif'at - Ko'tarilish; yuqori martaba.
Ro'zi oxir - Oxirgi kun; qiyomat.
Sabt - Sabot; chidam.
Savt - Ovoz; tovush.
Salm - Faridunning katta o'g'li. Salm nomi arabcha salomatlik degan ma'noni beradi. Faridun o'g'illarini sinab ko'rgach, unga shunday nom beradi.
Sanjoq - Bayroq.
Sargashta - Es-hushini yo'qotgan; parishon.
Sarir - G'ijirlash; shitirlash.
Sahv - Xato.
Saxo - Saxovatlilik; qo'li ochiqlik.
Sarnigun - Ag'darilgan; to'nkarilgan.
Sahob - Bulut.
Silai rahm - Ota-ona; qarindosh-urug'lariga yaxshilik qilish.
Siym - Boylik; qimmatbaho buyum, kumush.
Sig'oru kibor - Kichigu katta.
Soda tosh - Silliq tosh.
Sodis - Olti.
Soyil - Tilanchi.
Soyiri nos - Yurgan insonlar.
Subh - Tong.
Sulaymon (a.s.) - Allohning payg'ambari.
Taab - Charchamoq; hormoq.
Taboh - Buzuq; vayron.
Tavahhum - Vahima; shubha.
Tavozu' - Kamtarinlik; odoblilik.
Tavr - Xulq.
Tavaqqu' - Umid qilish.
Tazvir - Aldash; nayrang
Tazyin - Ziynatlanmoq; bezanmoq.
Tazallum - Zulmdan shikoyat qilish.
Tanaffur - Nafratlanish.
Tasalsul - Bog'lanish; birikish.
Tiyra xok - Qora tuproq.
Tifl - Bola.
Tomi' - Tamagir.
Toyiri maqsud - Maqsad qushi.
To'qquz sipehr - To'qqiz osmon.
Tuzluk - To'g'rilik; halollik.
Uqob - Burgut.
Farz - Bajarilishi shart bo'lgan shar'iy amal.
Fano - Yo'qlik.

Farzi ayn - Qat'iy farz qilingan.
Farzu sunan - Farz va Pay'ambar (s.a.v.) sunnatlari.
Fard kishi - Yolg'iz kishi.
Farmonpazir - Buyruqni bajaruvchi.
Farhod - «Xamsa» qahramoni.
Farudun - «Shohnoma» ga ko'ra Faridun Jamshid avlodidan tirik qolgan birdan-bir taxt vorisi, Eron shohi. Uning obrazi xaloskor shoh sifatida adabiyotda ko'p tilga olinadi.
Fahr Roziy - (vafoti 1209.) Ilmi kalom donishmandi.
Faqou faqr - Qashshoq; kambag'al; dunyodan etak silkkan kishi.
Fusungar - Afsun qiluvchi.
Fors novohiysi - Fors shaharlaridan biri.
Fuzun - Ko'p; ortiq.
Xayru sharr - Yaxshi-yomon.
Xamush - Yopilib qolmoq.
Xatm - Tugallash; tugatish.
Xarosh - Yag'ir; tiralgan; qitirlash.
Hashr - Qiyomat.
Xizr - Xizr alayhissalom.
Qur'oni Karimda kelishicha
Xizra layhissalom Allohning olim bandalaridan.
Xilofat - Xalifalik; podshohlik.
Xilqat - Yaratilish; yaratilgan.
Xirom - Sollanib yurish.
Xitta - Mamlakat, o'lka, er yuzi.
Xoliq - Yaratgan.
Xobgoh - Uxlash joyi.
Xor - Tikan.
Xurush - qichqirmoq; baqirmoq.
Xusrav - Navoiy «Xamsa» si qahramoni.
Xuffa - Zimiston.
Xujasta - Yaxshi.
Xuluv - Bo'shliq; xoli.
Xurshidi oliyjanob - Oliy janob quyosh.
Chin - Xitoy.
Shariatpanoh - Shariatni saqlovchi; amal qiluvchi.
Shar' - Shariat.
Shirk - Yagona Allohga boshqa birovni sherik keltirish.
Shofii(y) - Imom Shofiiy. Ahli suna val-jamoaning ulug' imomlaridan. Shofiiyya mazhabining asoschisi.
Shoh G'oziy - Sulton Husayn Boyqaro ko'zda tutilgan.
Shurb - Ichmoq, ichish.
Emgak - Mehnat.
Eranj - Faridunning kichik o'g'li. Faridun o'g'illarini sinovdan o'tkazganda kuch-g'ayrat, aqlu idrok bilan ish tutgan o'g'liga shu ismni beradi.

- Ehtisob* - Sanoq; hisob; kuzatish; tekshirish.
Yavmul - hisob-Hisob kuni;qiyomat.
O'tru - Qarshi; ro'para.
Qoni' - Qanoatli.
Qayyum - Uyg'oq; Abadiy tirik, Allohning sifatlaridan biri.
Quds - Poklik.
Qurb - Yaqinlik.
Qo'pmoq - Turmoq.
Haml - ko'tarish; ko'tarib yurish.
Haqqunnos - Insonning haqqi.
Hilm - Yumshoq ko'ngillilik.
Hinduvi loib - Hind masxarabozi.
Hirqai faqr - Kambag'alning hirqasi; dunyodan etak silkkan so'fiyning janda kiyimi.
Hotamitoy - Tarixda saxiyligi bilan mashhur bo'lgan arab millatiga mansub kishi.
Hushmand - Ziyrak;zakovatli.
Hulla - ko'ylak; ipak kiyim.
Huldi barin -Abadiy jannat.
Hushang - Siyomak o'g'li, Kayumarsning nabirasi va taxt vorisi. Peshdodiyar sulolasiga asos solgan podsho. Olovdan foydalanishni kashf etib, temirchilik hunarini boshlab bergan. U qirq yil Eron shohi bo'lib turgan.
G'avr - Tagiga etmoq; haqiqatni bilmoc.
G'azzoli(y) - Imom G'azzoliy.
Ulug' din ulamosi.
G'araz - Maqsad; mo'ljal.
G'arba - G'alvir.
G'ino - Boylik.
G'uluv - G'avg'o;chegaradan chiqishlik.

MANBALAR RO'YXATI

1. Samarqandiy Abullays. Tanbehul g'ofiliyn. I, II, III-kitob. -T.: Movarounnahr, 2000.
2. Akramov Botirxon. Fasohat mulkingning sohibqironi. -T.: O'zbekiston, 1991.
3. Al-Bosho Rif'at Abdurahmon. Sahobalar hayotidan lavhalar, -T.: Qatortol-kamoolot, 1998.
4. Arba'in hadis va qirq maqol. -T.: Fan, 1994.
5. Marg'iloniy Burhoniddin. Al-Hidoya. -T.: Movarounnahr, 2000.
6. Al-Bosho Rif'at Abdurahmon. Payg'ambarning o'n sahobasi. -T.: Cho'lpon, 1996.
7. Jalolov To'xtasin. «Hamsa» talqinlari. -T.: G'.G'ulom, 1968.
8. Al-Buxoriy Imom Ismoil. Al-adab al-Mufrad. -T.: O'zbekiston, 1990.
9. Kamol Muhammad. O'g'lim Ahmadga o'g'itlar. -T.: Movarounnahr, 1999.
10. Ko'prapa Zokoyi. Hazrati payg'ambarimiz va islom dini, I,II, III-kitob. -T.: 1996.
11. Mavlono Muhammad qozi. Hukmdorga o'g'itlar. -T.: Sharq, 1999.
12. Manba' ul-maorif. -T.: Yozuvchi, 2003.
13. Mansurov A., Jo'rayev U., Lafasov M. Hadis ilmi saboqlari. -T.: G'.G'ulom, 1999.
14. Mashrab. Mehribonim qaydasan. -T.: Yozuvchi, 1997.
15. Navoiy Alisher. MAT., VII -tom.-T.: Fan, 1991.
16. Navoiy Alisher. Hayrat ul - abror.-T.: G'.G'ulom, 1997.
17. Obidov Rahmatilla. Quroni karimda Iso payg'ambar siymosi. -T.: Islom universiteti, 2002.

18. Olloyor So'fi Sabotul o'jizin. -T.: Movarounnahr, 1997.
19. Payg'ambarlar qissasi. -T.: Qomuslar bosh tahririyati, 1993.
20. Rustamiy Alibek. Adiblar odobidan adablar. -T.: Movarounnahr, 2003.
21. Samarqandiy Vasliy. Imom A'zam tarixi. -T.: Yozuvchi, 1995.
22. Tarona (g'azallar, she'rlar, hajviyalar, qatralar). -T.: G'.G'ulom, 1988.
23. Tovasliy Yusuf. Hikmatlar xazinasi, I, II, III-kitob, -T.: Navro'z, 1994.
24. Usmon Nuriy To'pbosh. Bir ko'za suv. -Bashi-Cilt: Erham Matbaaciloh.
25. Chustiy. Sadoqat gullari. -T.: Navro'z, 1994.
26. Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. Hadis va hayot. -T.: Sharq, 2003.
27. Shomaqsudov Sh., Shorahmedov Sh. Hikmatnoma (O'zbek maqollarining izohli lug'ati). -T.: Ensiklopediya, 1990.
28. Qur'oni Karim ma'nolarining izohli Tarjimasini. -T.: Islom universiteti, 2001.
29. Qur'oni Karim (O'zbekcha izohli tarjima), -T.: Cho'lpon, 1992.
30. Qoya Abdurahmon, Islom axloqi. -T.: Movarounnahr, 1997.
31. Hadis (Al-jami' as-sahih) I, II, III, IV tomlar. -T.: Qomuslar bosh tahririyati, 1991-1996.
32. Haziniy. Devon. -T.: Yozuvchi, 2000.
33. «Hayrat ul-abror» Nasriy bayon qiluvchi A.Hayitmetov. -T.: Adabiyot va san'at, 1974.

MUNDARIJA

Muqaddima	148
Birinchi saboq: «Kim ishi iymon bila topqay navo...»	150
Qo'shiq: «Iymon vasfi». Bobur so'zi, Orolmirzo Safarov ijrosi	121
Ikkinchi saboq: «Adl eshigin elga kushod aylagil...»	161
Qo'shiq: «Olam yuzin obod qil». Navoiy so'zi, Mahmudjon Tojiboyev ijrosi	122
Uchinchi saboq: «Tarki tama' qilki, saxo ul emish...»	168
Qo'shiq: «Erga himmat, mardga dalolat yaxshi» Maxtumquli so'zi, Rasulqori Mamadaliyev ijrosi	124
To'rtinchi saboq: «Bilki tavoze' bila kelmish adab...»	176
Qo'shiq: «Sizdan o'rganmay turib...» Chustiy so'zi, Salohiddin Muhiddinov ijrosi	126
Beshinchi saboq: «Naqdi qanoatg'a chu yo'qtur fano...»	185
Qo'shiq: «Qanoatdur ko'ngillarning safosi...» So'fi Olloyor so'zi, Rahmatulloh Nosirov ijrosi	129
Oltinchi saboq: «Kimki vafo qildi jafu ko'rmadi...»	194
Qo'shiq: «Ayrilma» Maxtumquli so'zi, Raxmatjon Qurbonov ijrosi	131

Yettinchi saboq: «Kimki bu davronda qilur rostliq...»	203
Qo'shiq: «Qilich boshingga kelsa ayma yolg'on»	
So'fi Olloyor so'zi, Rahmatulloh Nosirov ijrosi	133
Sakkizinchi saboq: «Emdiki ilm o'ldi amal aylagil...»	209
Qo'shiq: «Olim bil ani qat'i amal aylasa»	
Navoiy so'zi, Mahmudjon Tojiboyev ijrosi	135
To'qqizinchi saboq: «Oni bashar xaylining insoni bil...»	218
Qo'shiq: «Boshingga ne balo yog'sa»	
O'tkir Rashid so'zi, Kamoliddin Rahimov ijrosi	137
O'ninchi saboq: «Har ne bor ilgingda parokanda qil...»	226
Qo'shiq: «Armon» Qobil Mirzo so'zi, Orolmirzo Safarov ijrosi	140
O'n birinchi saboq: «Shukriki oning hadu poyoni yo'q...»	234
Qo'shiq: «Qani shukr etganing»	
So'fi Olloyor so'zi, Rahmatulloh Nosirov ijrosi	142
O'n ikkinchi saboq: «Qilmog'idin tavba ilohiy degil	241
Qo'shiq: «Tavbadur» Mashrab so'zi, Muhammadjon Karimov ijrosi	144
Xotima	248
Lug'at va izohlar	249
Manbalar ro'yxati	255

Izoh: Qo'shiqlar notasi 121-146 betlarda berildi.

Адабий-бадий нашр

ҲИКМАТЛАР САДОСИ

РАҲМАТУЛЛОҲ НОСИР

ОЛАМ ЮЗИН ОБОД ҚИЛ...

(Маънавий-маърифий, адабий-музикавий композиция)
(Иккинчи китоб)

Муҳаррир **Узоқ ЖўРАҚУЛОВ**

Нашр учун масъул **Азамат ҲАЙДАРОВ**

Бадий муҳаррир **Баҳриддин БОЗОРОВ**

Тех.муҳаррир **Вера ДЕМЧЕНКО**

Мусаҳҳиҳ **Икромиддин ОСТАНАҚУЛОВ**

Компютерда саҳифаловчи **Екатерина НАЗАРОВА**

Ноталарни компьютерда терувчи **Файзулло ҚўЛДОШЕВ**

ИБ № 3955

Босишга 7.09.2004й.да рухсат этилди. Бичими 60x84 1/16.

Босма тобоғи 8,125. Шартли босма тобоғи 15,11.

Адади 2000 нусха. Буюртма № 230.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» босмаҳонасида босилди.

700113. Тошкент. Чилонзор-8, Қатортоғ кўчаси, 60.

Olam yuzin obod qil

hikmatlar



sadosi



Komiljon Otaniyozov
Rasulqori Mamadaliev
Kamoliddin Rahimov
Salohiddin Muhiddinov
Mahmudjon Tojiboev
Rahmatulloh Nosirov
Orolmirzo Safarov

